

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

Жаббор ЭШОНҚУЛ

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ТУШ
ВА
УНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент-2011

УДК: 398.2
ББК 82.3 (5Ў)

Эшонқул, Жаббор.

Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини /Ж.Эшонқул;
Масъул муҳаррир: Т.Мирзаев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти.
– Т.: Фан, 2011. – 304 б.

ISBN 978-9943-19-127-3

УДК: 398.2
ББК 82.3 (5Ў)

Ўзбек халқининг тарихи, дунёқараши, маиший турмуши, этнографияси, миллий руҳияти, оғзаки ва ёзма адабиётида туш, унинг таъбирлари асрлар мобайнида муҳим аҳамият касб этиб келган. Тушнинг ўзига хос рамзий тизимлари, таъбирлари, образли ифодаси, талқини, унга муносабатнинг бадий-эстетик ҳодисага айланиши, узоқ тарихий даврлар давомида кечган бу тарихий-фольклорий жараёни илмий тадқиқ қилиш, умуман, инсониятнинг фалсафий ва бадий тафаккури тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу монография ҳам тушнинг ўзбек фольклорида тутган ўрни ва талқинига бағишланган.

Масъул муҳаррир: Тўра Мирзаев
*филология фанлари доктори,
профессор*

Тақризчилар: Асқар Мусақулов,
филология фанлари доктори
Шомирза Турдимов
филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-19-127-3

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2011 йил

*Ушбу китобимни
момом Масил Пиримқул қизи
отам Соли Эшонқул ўали ва
онам Бибидона Салом қизининг
ойдин хотираларига бағишлайман.*

СЎЗБОШИ

Халқ ижодини ўрганиш – халқнинг тарихи, урф-одати, анъаналари, ўй-кечинмалари, бугуни ва келажagini тадқиқ этиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини англаши, ўзлигини намоён қилиш хислатлари, интилишлари, ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этган. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётини қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади». ¹ Ана шундай юксак маънавиятимизнинг асоси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини том маънода англаш учун эса унинг ғоявий-бадий ва жанр хусусиятлари, поэтик структураси, тарихий илдизлари ҳамда мифологик асосларини атрофлича тадқиқ этиш лозим бўлади. Халқ ижодини ўрганишда бундай комплекс ёндашув унинг жонли оғзаки ижро шароитида ўзига хос равишда яшаш, тарқалиш хусусиятларини, узоқ асрлик тарихий тараққиёт жараёнида халқ дунёқараши ва руҳияти билан боғлиқ айрим ҳодисаларнинг акс этиш даражаси, конкрет асарлар сюжет тизимида тутган ўрни, бадий функцияси ҳамда моҳиятини алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.30.

ни талаб қилади. Шундай ҳодисалардан бири фольклорда туш тасвири ва унинг моҳиятини ўрганиш масаласидир.

Ўзбек халқининг тарихи, дунёқараши, маиший турмуши, этнографияси, миллий руҳияти, оғзаки ва ёзма адабиётида туш ва унинг таъбирлари асрлар мобайнида муҳим аҳамият касб этиб келган. Маълумки, тушнинг мифологик, диний ва илмий талқинлари жуда кўп. Хусусан, XXI асрга келиб туш феноменига асосан икки хил: а) инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлмаган физиологик ҳолат; б) инсон онги, руҳияти, тақдири билан боғлиқ, ҳали моҳияти тўлиқ ўрганилмаган сирли ҳодиса деб қараш устувордир.

Тушга беписанд муносабат кўпроқ атеистик дунёқарашга хос бўлиб, туш таъбирлари, унга илмий ёндашув, дунё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг туш билан боғлиқ тасаввурлар тизими ва фольклордаги туш мотивининг тадқиқи бундай фикрларнинг ўта юзаки ва асоссизлигини тасдиқлайди.

Туш ҳодисаси билан боғлиқ мифологик, анъанавий-диний қарашларнинг бадиий ифодаси ўзбек фольклорида сезиларли даражада сақланиб қолган. Қолаверса, халқ оғзаки ижодидаги диний, хусусан, исломий қатламнинг бадиий ифодаларини илмда холис ўрганишга мустақиллик шарофати туфайли кенг имкониятлар очилди. Умуман, мустақиллик фольклоршунослик тараққиётида янги босқични бошлаб берди ва мавзумизни ҳар томонлама эркин ва холис тадқиқ этишга шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Туш мотиви, бошқача айтганда, у ёки бу ижод намунаси сюжети таркибидан мустаҳкам ўрин олган туш тасвири эпизоди оғзаки ва ёзма адабиётнинг барча: эпик, лирик, драматик турлари, жанрлари учун хосдир. Туш кўриш бани башарга бирдек тегишли бўлса, туш жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек фольклорида ҳам жуда қадимдан келаётган анъанавий мотив ҳисобланади. Бу мотивнинг бадиий-эстетик вазифаларини бир қатор жанр намуналари мисолида ўрганиш мавзу-

мизнинг долзарблигини белгилаш баробарида, туш ҳодисасининг инсон ҳаёти, тақдири, руҳиятидаги ўрнини, аҳамиятини ҳам ўрганишга кенг йўл очади.

Физиологик-руҳий ҳодиса бўлган туш феномени инсониятнинг бутун тарихи учун бирдек хосдир. Ибтидоий маданият давларидан кейинги ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида ҳам одамлар туш кўрган. Аҳли башарнинг болаликдан умрининг сўнги дамларигача туш кўриши, кўраётганлиги, келажакда ҳам шундай бўлиши исбот талаб қилмайди. Шундай экан, тушнинг инсон ҳаёти ва бадиий ижоддаги ўрни бениҳоя муҳимдир.

Академик А.Н.Веселовский адабиёт тарихини қисқача «сифатлаш (эпитет) тарихи»² деб таърифлаганидек, инсоният тафаккури тарихини ҳам маълум бир маънода туш ҳодисасига муносабатлар тарихи сифатида баҳолаш мумкин. Туш феноменининг образли ифодаси санъатнинг тасвирий, халқ амалий, театр, сўз ва бошқа турларида бирдек амал қилади. Юнон ва Рим мифологияси, Шарқ ва Ғарб уйғониш давларининг буюк мутафаккирлари туш мотивига бежиз мурожаат қилмаганлар.³ Алишер Навоий ўз достонларида тушга алоҳида эътибор қаратгани,⁴ Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия»сида воқеалар унинг тушлари, руҳининг сафари сифа-

² Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – С.59.

³ Ҳомер. Илиада / Русчадан Қодир Мирмуҳаммедов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.

⁴ Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 2001. Т.XVII; Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Мукамал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1992. Т.Х. – Б.387 – 402; Алишер Навоий. Садди Искандарий. Мукамал асарлар тўплами – Тошкент: Фан, 1993. Т.XI. – Б.119 – 289.

тида баён қилингани⁵ ҳам бу феноменал ҳодисанинг ҳар томонлама ўрганилиши зарурлигини кўрсатади. Туш ҳодисасига олис ўтмишдан бугунга қадар ҳеч бир ижодкор, у хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма адабиёт вакили бўлсин, бефарқ қарамаган. Танланган мавзумизнинг муҳимлиги яна шундаки, у фольклорда бадий тафаккур тарихи тадрижини кузатиш имконини беради, ўзбек фольклорининг қадимдан халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ яхлит бир поэтик тизим эканлигини бир мотив миносида батафсил кузатишга, унинг жаҳон халқлари фольклори билан типологик уйғунликлари ва этник ўзига хосликларини ўрганишга асос бўлади.

Ҳозирги даврда инсоният илм-фан, технологиялар соҳасида қанчалик оламшумул ютуқларга эришган бўлмасин, ҳалиҳануз сирлигича қолаётган туш ҳодисасига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги замон жаҳон, жумладан, ўзбек адабиётининг энг иқтидорли вакиллари инсон руҳий оламини бадий ёритиш, қайта мушоҳада қилиш, инсоният тақдири ва келажагини талқин этишда туш мотивига тобора кўпроқ муурожаат қила бошладиларки, бу ҳам тарихан халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ бўлиб, тадқиқот мавзумизнинг долзарблигини белгилайди.

Тушни илмий ўрганиш тарихи дастлаб кенг маънода Шарқда таъбирчилар фаолиятдан бошланган десак хато бўлмайди.⁶ Ибн Ҳалдун, Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий ва бош-

⁵ Данте Алигъери. Илоҳий комедия / Рус тилидан Абдулла Орипов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975.

⁶ Тўхлиев Б. Қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси ва унинг таржимаси // Адабий мерос. – Тошкент, 1983. №4 (28). – Б.70 – 79; Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимий ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987; Раҳмонов Н. Битиклар оламида. – Тошкент: Фан, 1990; Раҳмонов Н. Руҳиятда нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002; Раҳмонов Н. Ирқ битиги

қа кўплаб мутасаввифларнинг туш ҳақидаги қарашларини дастлабки илмий талқинлар сифатида баҳолаш ўринлидир.⁷ Фарбда тадқиқотчилар тушни Зигмунд Фрейд фаолиятидан сўнг инсон руҳиятининг инъикоси сифатида ўргана бошладилар.⁸ Аслида, тушга инсон шахси, ахлоқи, руҳий дунёси билан боғлиқ ҳодиса сифатида ёндашувда XI асрда яшаб ўтган Имом Ғаззолий таърифлари билан Зигмунд Фрейд ва унинг издошлари ўртасида ҳамфикрлик жуда кўп. Фарқли жиҳат-

ва скифлар маданияти // Адабий мерос. – Тошкент, 1985. №3 (34). – Б.76 – 80; Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва қадимги туркийлар маданияти // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 1996. №2. – Б.94 – 107; Биноий. Тушлар таъбири. – Тошкент: Халқ мероси, 1996; Хусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукамал туш таъбирлари / Форсчадан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. Т.IV. – Б.354; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990; Боболардан қолган нақллар / Ёзиб олувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Маматқул Жўраев ва Улуғбек Сатторов. – Тошкент: Фан, 1998; Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Маматқул Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

⁷ İbn Haldun. Mukaddime (Terc. Z.Kadiri Ugan). Cild I. – İstanbul: MEGSB yayini, 1988. – S.251 – 285; İmam Gazalî. İhyâ u 'Ulûmî'd-din (Terc. A.Serdaroglu). – İstanbul: Bedir yayinleri, 1975. I cild. – S.1066; Жалолиддин Румий. Маънавийи маснавий. – Тошкент: Фан, 1999. I жилд. – Б.65 – 75.

⁸ Фрейд З. Толкование сновидений. – Мн.: Поппурри, 1997; Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. – М.: Мартис, 1995; Юнг К.Г. Аналитическая психология. –М.: Мартис, 1995; Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992.

лар асосан Фарб олимларининг тушнинг илоҳийлигини инкор этишида кўринади. Фарбнинг кўплаб файласуфлари, тарихчилари, ижодкорлари туш ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдиришган. Бироқ Фарб оламида З.Фрейдга қадар ҳеч ким тушни махсус ва мукамал тадқиқ қилган эмас.⁹ Шунингдек, хориж ҳамда россиялик олимларнинг бир қатор ишларида фольклордаги туш мотиви ҳақида мулоҳазалар мавжуд,¹⁰

⁹ Цвейг С. Зигмунд Фрейд / Рус тилидан Маҳкам Маҳмудов таржимаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. №2. – Б.133 – 156.

¹⁰ www.krotov.info/lib_sec; www.literary.ru; www.snovid.ru; www.dreamresearch.ca; librarything.com; www.dreamtree.com; <http://clem.mscd.edu>; www.dreamgate.com; Тольковий словарь сновидений. – М.: Эксмо, 2006; Путилов Б.Н. Мотив как сюжетобразующий элемент // Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С.141 – 181; Путилов Б. Эпическое сказительство. – М.: Восточная литература, 1997; Тайна сна. – Харьков: ШВН, 1995; Афанасьев А. Славянская мифология. – М.: Эксмо, 2008; Лорд Альберт. Сказитель. – М.: Восточная литература, 1994; Невелева С.Л. Махабхарата. Изучение древнеиндийского эпоса. – М.: Наука, 1991; Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976; Стеблева И.В. Древнетюркская книга гаданий как произведение поэзии // История, культура, языки народов Востока. – М.: Наука, 1970. – С.150 – 177; Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989; Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. – М.: Наука, 1971; Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990; Фрэзер Дж.Дж. Фольклор ветхом завете. – М.: Политиздат, 1985; Элиаде М. Шаманизм. – Киев: София, 2000; Борхес Х.Л. Страшный сон // Иностранная литература. – М.: 1990. №3. – С.179 –185; Қондыбай С. Арғықазақ мифологияси. I кітап. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004; Голосовкер Я.Э. Логика мифа. – М.: Наука, 1987; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002; Gökyay O.Ş. Rüyalar üzerine // Milletlerarasi Türk Folklor Kongresi bildirileri. – Ankara: MIFAD yayınleri, 1982; Erzurumlu İbrahim Hakki. Mârifetnâme. –

биноқ уларнинг баъзилари ёзма адабиёт намуналарини тадқиқ қилишга қаратилган бўлса, айримларида туш мотиви асосан баён характерида эканлигини қайд этиш лозим.

Бевосита ўзбек фольклоршунослигига келсак, ўз тарихи давомида бу фан улкан ютуқларга эришди. Аммо дoston ва эртакларни ўрганиш муносабати билан йўл-йўлакай айтилган қайдлар,¹¹ атоқли олимлар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, Т.Мирзаевларнинг халқ бахшилари санъатини шомонлик тарихи билан боғлаши ва уларнинг ижод иқтидорига эга бўлишларида туш ҳодисасининг бирламчилиги ҳақидаги тасаввурнинг жаҳон эпосшунослиги учун типологик ҳодиса эканлиги ҳақидаги қарашлари, Т.Ҳайдаровнинг биргина мақола-сидан ташқари, фольклорда туш мотиви, унинг тарихи, бадий-эстетик вазифалари ҳақида бирорта ҳам махсус иш яратилмаган.¹² Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозиргача туш

Istanbul: Kit-San yayinleri, 1984; Köksal H. Battalnâmelerde tip ve motif yapisi. – Ankara: MIFAD yayinleri, 1984; Günay U. Aşık Tarzı Şiir Geleneği ve Rüya Motifi. – Ankara: Akçağ Yayınları, 1999; Ögel B. Türk mitolojisi. II cilt. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1995; Ergun M. Dede Korkut. Kitabı I (Giriş-Metin-Faksimile). – Ankara: TDK Yayını, 1994; Ergun, M. Kazak Halk Akinlarında (Şâirlerinde) Rüya Motifi // Millî Folklor. – Ankara, 1994. №23. – S.8 – 14.

¹¹ Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1971; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Дўстхўжаева Н. Эртакларда туш ҳодисаси // Тафаккур. – Тошкент, 1998. №4. – Б.85; Тухлиев Б. «Кутадгу билиг» Юсуф Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор: Автореф. дисс.... док. филол. наук. – Ташкент, 1992. – С.20 – 23.

¹² Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968;

мотиви туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам махсус тадқиқ этилган эмас. Бу эса мазкур тадқиқотнинг нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар фольклоршунослигидаги дастлабки изланишлардан эканлигини кўрсатади.

Туш ўзига хос рамзий тизимлари, таъбирлари, образли ифодаси, талқини билан жаҳон халқлари фольклори учун умумтарихий-типологик, ўзбек халқ ижоди учун этник-тарихий, бадиий-эстетик ҳодисадир. Туш талқинлари, унга муносабатнинг бадиий-эстетик ҳодисага айланиши, узоқ тарихий даврлар давомида кечган бу тарихий-фольклорий жараёни илмий тадқиқ қилиш, умуман, инсониятнинг фалсафий ва бадиий тафаккури тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Туш кўриш, таъбир қилиш табиий жараён, бироқ у бадиий асарда, фольклор намунасида бирор-бир вазифа бажармаса, бевосита фольклоршунослик, умуман, адабиётшунослик объекти бўла олмайди. Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб тадқиқотимизнинг асосий мақсадини туш феноменининг тарихий-ҳаётий асослари, ўзбек фольклоридаги ўрни, аҳамияти, турли жанр намуналари таркибидаги бадиий-эстетик вазифаларини ёритиш, ноэстетик ҳодисаларнинг фольклорда миф – туш – таъбир – поэтик мотив – образ (бадиий деталь) босқичлари сифатида эстетик ҳодисага айланиш жараёнини ўрганиш ташкил қилади.

Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик, маънавият ҳамда адабиётга доир асарларида баён этилган қарашлар ташкил этади. Фольклоршунос, адабиётшунос, руҳшунос, файласуф, элшуносларнинг илмий тадқиқотлари, хусусан, В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов,

Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. №2. – Б.55 – 69.

И.Султон, Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов, Т.Мирзаев, М.Афзалов, М.Саидов, К.Имомов, О.Сафаров, Б.Саримсоқов, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, М.Муродов, И.Ҳаққулов, М.Жўраев, С.Рўзимбоев, А.Мусақулов, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмонов, О.Мадаев, Ш.Турдимов каби олимларнинг илмий ишлари мазкур диссертация учун илмий-назарий манба вазифасини ўтади. Иш мақсадидан келиб чиқиб унда биринчи марта мавзумиз доирасида психоаналитик методни ўзбек фольклорига нисбатан қўллашга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, тадқиқотда қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий таҳлил методларидан кенг фойдаландик.

I БОБ

ТУШ ҲАҚИДАГИ МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Туш ҳақидаги мифологик қарашлар

Туш ҳақида шунчалик кўп айтилган, гапирилган, ёзилганки, уларни бир жойга йиғиш, жамлаш кўп вақт ва катта имкониятни талаб қилади. Бироқ туш махсус жуда кам ўрганилган. Шунинг учун бу мавзудаги илмий адабиётлар бармоқ билан санарли. Шундай бўлса-да, у ҳамма даврларда ҳам файласуфлар, тарихчилар ва адабиётчиларда катта қизиқиш уйғотиб келган. Жамият тараққиётининг бирор-бир босқичи йўқки, унда тушга аҳамият берилмаган бўлсин. Ибтидоий жамоа давридаёқ аждодларимиз тушга катта эътибор билан қарашган, ундаги рамзларнинг сири ва моҳиятини англашга ҳаракат қилишган. Ана шунинг маҳсули ўлароқ тушнинг кўплаб таъбирлари юзага келган. Туш нима деган саволга турли даврларда турлича жавоб беришган. Бу фикрлар бир-бирини инкор қиладиган ва бир-бирини такрорлайдиган фикрлардир. Туш деб аталмиш сирга инсоният ҳалигача ўзининг аниқ бир баҳосини берганича йўқ; у ҳақида сўнгиги бир тўхтамга, аниқ бир фикрга келинмаган. Зеро, тушнинг ўзи каби у ҳақда билдирилаётган фикрлар ҳам поёнсиз ва ранг-барангдир.

«Туш» – туркийча қадимий бир сўз. Тушнинг арабчаси рўё-дир. Рўё «туш» сўзининг синоними сифатида тилимизда бугунги кунда ҳам ишлатиб келинмоқда. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарида туш сўзининг бир неча хил маъно англатишини ёзиб, шундай дейди: «Туш – уйқудаги алданиш, ихтилом бўлиш. Туш кўрмиш ўғлон – ихтилом бўлган бола... Туш йорди – тушни йўйди, таъбирлади».¹³

Қадимги ёзма ёдгорликлар, жумладан, «Қутадғу билиг»да ҳам туш айна шаклда қўлланган.¹⁴

*Одамига қараб йўрилар бу туш,
Уни яхши йўрсанг, маъқуллайди хуш.
Баъзи туш кишига амал келтирар,
Баъзи туш кишига касал келтирар.
Бунинг барчасини билишинг керак,
Кейин туш таъбирин қилишинг керак.
У тушинг қанақа дегин-чи очиб,
Уни мен йўрайин айириб, ечиб.»¹⁵*

Тилимизда туш билан боғлиқ кўплаб сўз ва сўз бирикмалари мавжуд. Турли изоҳли луғат ва энциклопедияларда тушга турлича изоҳ берилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида тушга шундай таъриф берилади: «Туш, туш кўриш – уйқуда содир бўладиган субъектив психик ҳодиса. ... Тушда уйқудаги киши аниқ ва тасвири кечинмаларнинг шоҳиди бўлади. Тушдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ, бир оз ноаниқ,

¹³ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1960. Т.III. – Б.138.

¹⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи Боқижон Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б.128.

¹⁵ Ўша манба. – Б.129.

ҳаяжонли, афсонавий тус олади. ... Тушнинг хусусияти кишининг нерв системаси типига, унинг соғлигига, маълум даврдиги кечинмаларига боғлиқ».¹⁶

Ўзбек тили изоҳли луғатининг олдинги нашрида: «Туш уйкуда вужудга келадиган образлар, уйку вақтида кўриладиган нарсалар», – дея таърифланади.¹⁷ Ўзбек тили изоҳли луғатининг сўнги нашрида эса «туш» сўзининг икки хил маънода келиши таъкидланади:

I. Туш – уйкуда вужудга келадиган субъектив психик ҳодиса, жараён; уйкуда кўриладиган образлар, нарсалар.¹⁸

II. Туш – қуёш қоқ тепага келган пайт.¹⁹

Туш сўзининг икки маъноси бир-бирига қарама-қаршидай туюлади. Бизнинг назаримизда, фақат юзаки қараганда шундай. Маълумки, уйқунинг энг ширин пайти тунги соат 12 билан 3 оралиғи, яъни туннинг қоқ ярмига тўғри келади. Манбаларда кўпинча инсонлар туннинг айни пайтидан бошлаб башоратли тушлар кўра бошлаши қайд этилган. Туш бу ерда бир чегара вазифасини ҳам ўтайди. Тушда кўрилган воқеалар рост ҳам, ёлғон ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун тушимизга баъзан жиддий эътибор қилсак, баъзан эса умуман эътиборсиз бўламиз. Бу инонч туш билан боғлиқ жуда кўплаб ибораларда ҳам ўз аксини топган. Кундалик ҳаётимизда кутилмаган воқеага ёки кимсага дуч келганимизда «туш кўрибманми», «уни туш кўрганмидим» каби ибораларни ишлатамиз. Қадимда тушда кўрилган воқеага қаттиқ ишонилган ва амал қилинган. Уйғониб тушдаги кўрсатмаларни ижро этишга киришганлар. Бу

¹⁶ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. VIII жилд. – Б.685.

¹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили, 1981. Т.II. – Б.236.

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. IV жилд. – Б.215.

¹⁹ Ўша манба. – Б.216.

ерда инсоннинг ички истак-хоҳиши, орзусининг амалга ошиши ҳақида гап кетмоқда.

«Тушингни сувга айт» иборасига кейинги саҳифаларда кенгроқ тўхталамиз. Бироқ бу ўринда бир нарсани айтиб ўтишимиз лозим. Қадим тасаввурга кўра, сув у дунё билан бу дунё ўртасидаги чегарадир. Яъни бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, «туш» сўзининг ҳар икки маъноси ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар икки маънода «туш» чегара, ҳолатни англатмоқда.

Фақат бизда эмас, бошқа халқларда туш сўзи ҳам уйкудаги ҳолат, ҳам истак-орзулар сифатида келади. Инглизча dream {dri:m} сўзининг биринчи маъноси туш, туш кўриш, уйку бўлса, иккинчи маъноси орзу, роҳат, фароғат ва гўзалликдир. Dream {dri:m} – 1. Туш, туш кўриш, уйку. 2. Орзу. 3. Роҳат, фароғат, гўзаллик.²⁰

Тушга қадимдан инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги сифатида қараб келишган. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам бир қатор тарихий асарларда, айрим илмий адабиётларда туш ёхуд туш билан боғлиқ мотив ва тимсоллар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Ибтидоий инсонлар тушга катта эътибор берганлар. Кундалик ҳаётини, келажagini тушсиз тасаввур эта олмаганлар. Халқимизнинг маданий ҳаётида туш ва унинг таъбирлари алоҳида ўрин тутди. Қадим асотирлардан бирига кўра, дунёнинг яратилиши ҳам асли тушдан бошланган. Дунёнинг яратилиши ҳақидаги ушбу асотирда дунё тангрининг тушида яратилганлиги айтилади.²¹

Туркиялик олим Баҳоуддин Ўгал шундай бир уйғур афсо-

²⁰ Бўтаев Ш., Ирискулов А. Инглизча – ўзбекча, ўзбекча – инглизча луғат. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.163.

²¹ Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. II cilt. – Ankara: Türk Tarih kurumu, 1995. – S.75.

насини келтиради: «Букухон қавмини ақл-идрок билан бошқарган. Тушига бир руҳ кириб, уни Қут тоғига олиб боради. Бу туш етти йилу олти ой ва йигирма икки кун такрорланади. Ҳар доим тушига Кўк руҳи киради. Охирги тушида Кўк руҳи унга бутун дунёга ҳоким бўлишини башорат этади».²²

Алишер Навоий ижодида туш талқини масаласи – алоҳида тадқиқот мавзуси. Бироқ бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, алломанинг деярли барча асарларида, жумладан, «Хамса»да қаҳрамоннинг ички кечинмалари, руҳият тасвири туш орқали очиб берилади. Айниқса, «Лисон ут-тайр»ни биз Шайх Санъон ва Тарсо маликасининг тушларисиз тасаввур қила олмаймиз. Тадқиқотчи Ф.Исомиддинов ўзининг «Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили» номли номзодлик ишида Аттор, Навоийнинг ҳаёти ва ижодида тушлар муҳим ўрин тутганига тўхталиб ўтган.²³

Бундан ташқари, Ўғузхон, Қорахон, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби кўплаб тарихий шахсларнинг ҳаёти ҳам туш билан чамбарчас боғланиб кетганки, бу мавзу махсус тадқиқотларни талаб этади. Эътиборли томони шундаки, Амир Темур, Бобур каби аждодларимиз тушга жўн, тушуниксиз бир ҳолат деб эмас, аксинча, унга жиддий эътибор бериб, ўз тушларига кучли бир руҳиятшунос сифатида ёндашганлар.²⁴

²² Ўша асар. – Б.75.

²³ Қаранг: Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили (Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – Б.11.

²⁴ Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – Ташкент: Фан, 1996. – С.44 – 45; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Чўлпон, 1990.

Буюк соҳибқирон Амир Темур шундай ёзади: «Бир маҳал юмушларим ташвишида юриб кўзим уйқуга кетди. Тушимда мени ҳар тарафдан даҳшатли жинлар, тўнғизлар, бадбашара эркаклар ва жирканч хотинлар, йиртқич ҳайвон ва қушлар ўраб олди. Мен кўрқиб уйғондим ва шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийга мактуб битдим. Тез орада шайхдан бундай жавоб олдим: «Сен тушингда кўрган даҳшатли махлуқлар сенинг гуноҳларингдир: агар гуноҳ қилган бўлсанг, энди тавба-тазарру қил». Мен бу мўътабар қариянинг айтганларини дарров бажардим ва бундан сўнг илгариги тушимга ўхшамаган бўлакча туш кўрдим».²⁵

Энг аввало, шуни айтиш керакки, Амир Темур туш инсон ҳаёти ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқлигини яхши англаган. Тушга беписандлик билан қарамаган, имкон қадар жиддий муносабатда бўлган ҳамда туш таъбирларига қатъий амал қилган. Юқоридаги шарҳга келсак, бу ерда туш соф илоҳий жиҳатдан шарҳланган. Аммо биз таржимаи ҳолни адабий асар ёки ёзма адабиёт сифатида баҳолаб, тушга шу нуқтаи назардан ёндашмоғимиз лозим. Таъбирчи тушнинг умумий манзарасини шарҳлаган, бизни эса ундаги рамзлар қизиқтиради. Аввало, рамзларни ажратиб олайлик: ҳар тараф – бу, бизнингча, Темур салтанатининг ҳудудлари; жин, тўнғиз, бадбашара эркаклар, жирканч хотинлар, йиртқич ҳайвонлар ва қушлар эса Амир Темурнинг ҳаёти ва руҳий дунёсидан келиб чиқиб шарҳланмоғи жоиз. Туш – инсон кечинмаларининг, хоҳ болалиқда бўлсин, хоҳ вояга етган паллада, универсаллашган рамзларидир. Темур қанчалик жасур, иродали, энгилмас шоҳ бўлмасин, у ҳам одам ва барча инсоний кечинмалар унга ҳам хос. Хусусан, уни жаҳонгир сифатида ҳудудлар хавотирга

²⁵ Амир Темур ҳаётидаги ажойиб воқеалар ва унинг ғаройиб тушлари // Сирли олам. –Тошкент, 1991. №8. – Б.47 – 49.

солади. Бу хавотир ҳатто амирнинг ўзи англамаган тарзда мияга хавотир, шубҳа, гумон бўлиб ўрнашиб қолади. Қолаверса, у ўз ҳаётидан ҳам ҳамини хавотирда. Гарчи барча буюк шахслар каби юзага чиқармаса-да, ҳатто аёллар билан эҳтиёткор муомалада бўлишга тўғри келади. Жаҳонгир сифатида ҳам у ўз душманини жин (чунки жин турли қиёфага кира олади, уни енгиш мушкулроқ), тўнғиз (тўнғиз рамзи кўпроқ хиёнаткор одамларга нисбатан ишлатилади, шунингдек, жуғрофий рамз бўлиши ҳам мумкин), бадбашара эркак (амир ўз душманларининг қиёфасини аниқ билмайди, шу сабабли бадбашара одам кўз олдига келади), жирканч хотинлар (барча саркардаларнинг ўз дўсти, биродари билан орасини бузишига асосан аёллар сабабчи бўлишган. Бу хавотир Амир Темурга ҳам тинчлик бермаган бўлиши мумкин), йиртқич ҳайвон ва қушлар («Темур тузуклари» ва мактубларида биз «ҳайвонсифат», «тўнғизсифат» каби ибораларга дуч келамиз. Темур ўз душманларига нисбатан ишлатадиган энг қаҳрли сўзлар эди бу – Ж.Э.); қушлар яхши ва ёмон хабарлар симболи, шунингдек, инсон руҳиятининг аллегориясини, йиртқич қуш ёвуз кишилар руҳини англатади. Биз буни «Лисон ут-тайр», «Зарбулмасал»да ҳам учратамиз. Буларнинг барчаси тушда ўз аксини топади. Юқоридаги тушни шарҳлаш учун биз Темурнинг туш кўриш арафасидаги кечинма ва фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот олишимиз зарур. Тушни шарҳлаш эса бизга Амир Темур руҳияти ҳақида аниқ тасаввур берадики, жасурлиги ва буюклиги уни биздан қанчалик узоқлаштиради, бу аниқлик Темурни бизга шунчалик яқинлаштиради.

Бизда улуғ кишилар ҳаёти руҳиятшунослик нуқтаи назаридан кам ўрганилганлиги сабабли тушлари баёнидан фойдаланиб Амир Темур руҳиятини билишга уриниб кўрдик. Ушбу шарҳ аниқ, тўлиқ дейишдан йироқмиз, аммо рамзлар бизга эркин мушоҳада қилиш имконини берадики, биз шундан фойдаландик.

«Бобурнома»да ҳам тушларга катта эътибор берилганлигини кўрамыз. Буни таниқли ёзувчи Хайриддин Султонов ҳам ўзининг «Бобурнинг тушлари» номли эссесига алоҳида таъкидлаб ўтади.²⁶ «Бобурнома»нинг, – деб ёзади адиб, – илоҳий ёғду билан мунаввар саҳифаларида Бобурнинг ғаройиб тушлари тафсилга дуч келамиз».²⁷

Дарҳақиқат, «Бобурнома»нинг кўпгина ўринларида ана шундай башоратли тушлар билан боғлиқ саҳифаларни учратамыз. «Ўшал фурсатда ажиб туш кўрдим, – деб хотирлайди Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Туш кўрарканман, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар. Мен истиқболларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтирдилар. Хожанинг олдига ғолибо бетакаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳатдан ҳазрат хотирга нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендан эмастур. Дастурхон солғучи тақсир қилубтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр маъсум тушти. Кўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлимдан ё сўл қўлимдан тутиб андоқ кўтардиким, бир оёғим ердан кўпти. Туркий дедиларким: Шайх маслаҳат берди. Ўша кеча кунда ўқ Самарқандни олдим».²⁸

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу тушни Самарқанд шаҳрини олишдан олдин кўрган. Энди тушлардаги рамзларга эътибор қилайлик. Хожа Убайдуллонинг тушига кириши бу яхшилик аломати, албатта. Яъни Бобур тез орада ўз ниятига етишига ишора. Лекин унинг олдига ночор дастурхон ёзилганлиги бизнинг эътиборимизни тортади. Маълумки, тушдаги дастурхон риск-насиба, тақдир маъноларида келади. Пирнинг олдига

²⁶ Султонов Х. Бобурнинг тушлари // Саодат соҳили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2005. – Б.153 – 164.

²⁷ Кўрсатилган манба. – Б.154.

²⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б.75.

ёзилган ночор дастурхон Бобурнинг Самарқандни фатҳ этиши, бироқ у ерда узоқ вақт қололмаслигидан далолат беради. Ҳақиқатдан, биз биламизки, Бобур шаҳарни ўз кўлида узоқ вақт ушлаб туролмади. Энди кейинги рамзларга эътибор берайлик. Пир уни кўтарганда юксакликка кўтарилаяпти-ю, лекин оёғи ердан узилаяпти. Бобурнинг мартабаси бундан ҳам улуғ бўлишини, бироқ бу ҳодиса ўз уйдан узоқда содир бўлишидан дарак бермоқда. Шоирнинг: «Оёғим етган жойгача кетгайман», – деб ёзиши беҳуда эмас. Яна бир ҳолат эътиборга молик. Бобур ўз уйига келган меҳмондан хурсанд, лекин кўнглининг тубида унинг олдига ёзилган дастурхон туфайли барибир аллақандай афсусланиш, ўксиклик мавжуд. Ҳаётда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кейинчалик Ҳинд ўлкасини забт этиб Бобурийлар салтанатига асос солиши, бироқ шоир ўз юртидан узоқдалигидан бир умр афсусда бўлиши мана шу оддийгина тушда олдиндан башорат қилинмоқда. Зеро, бу тушнинг муҳим эканлигини Бобур ҳам сезган. Йўқса, уни «Бобурнома»га киритиб ўтирмаган бўларди.

«Бобурнома»даги яна бир туш Қутлуғ Муҳаммад билан боғлиқ: «Қутлуғ Муҳаммад барлос дедиким: – Ахсидан қочиб чиқганда сиздан айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдимким, Хожа Убайдуллоҳ дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кентдадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анга тааллуқ бўлбтур. Мен бу тушни кўриб хушҳол бўлиб, улуғ хон, кичик хонга арз қилдим».²⁹ Қутлуғ Муҳаммад ўз тушидаги кўрсатмаларга амал қилиб Бобурни излаб топади. Бу эса Бобур ҳам, унинг замондошлари ҳам ўз тушларига безътибор бўлмаганидан далолат беради.

Адабиётшунос олим Ҳ.Қудратуллаев ўз тадқиқотида «Бо-

²⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б.108.

бурнома» ва Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида туш ҳақида қизиқ маълумотлар берилганини қайд қилиб ўтади.³⁰

Туш миянинг инсон руҳияти ҳақида рамзлар орқали етказган хабарларидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эгасига тааллуқли бўлмаган тушнинг ўзи ҳаётда учрамайди. Туш нафақат хаёлга, балки танага ҳам таъсир қилиши Шарқда аввалдан маълум. Тушида дев, жин кўрганлар оғир хасталикка чалинади деган қарашлар ҳам бор ва бундай кишиларни «жин ёки дев чалибди» дейишади.

Ибтидоий инсон назарида туш «маъбуд»лар билан алоқа қилиш воситаси ҳисобланган. Шунинг учун улар тушни муқаддас деб билишган. Тушдаги тақиқ ва кўрсатмаларга қаттиқ амал қилишган. Унга худди бугунги инсон каби алмойи-алжойи воқеалар акси, аҳамиятсиз бир ҳолат деб эмас, инсон ички олами ва ташқи дунёнинг тиниқ кўзгуси, руҳиятнинг бир парчаси деб қарашган. Улар тушга шу даражада жиддий муносабатда бўлишганки, таъбирларга қатъий риоя қилишган. Тушни ҳамма ҳам таъбирлайвермаган. Қабила ёхуд уруғ йўлбошчиси, донишманди даражасига кўтарила олган, махсус маросимлардан ўтган кишиларгина тушни таъбирлаши мумкин бўлган.

Мутахассислар туш тарихини анимистик тасаввурлар билан боғлашади. Маълумки, анимизм табиатнинг жонлилиги, «жон» ва «руҳ»нинг абадийлигига ишончдир. Анимистик тасаввурга кўра, ўлган кишининг руҳи мангу яшайди, фақат у турли кўриниш ва қиёфаларга киради, холос. Баъзан эса улар одам ўлгандан сўнг тушларда яшайди деб ўйлашган. Тушга

³⁰ Қудратуллаев Ҳ.С. «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – Б.22.

амал қилиб ҳаёт қурганлар, экин экканлар, ҳосил йиғиштирганлар, уруш қилганлар. Мағлубият ёхуд ғалаба эса уларга тушида аён бўлган. Зарур пайтда тушлари орқали улар руҳлардан мадад сўрашган. Баъзан бутун бошли қабила бир ёмон туш туфайли ўз жойини ташлаб бошқа томонларга кўчиб кетган.³¹ Бобил афсоналаридан бирига кўра, ўлган кишиларнинг руҳлари тушларда яшайди. Улар тушда зиён етказмасликлари учун туш тангриси Мамуддан мадад сўраш керак деб тушунишган.³²

Айниқса, бўлғуси шомонлар тушга алоҳида аҳамият берганлар. Шунинг учун шомонларнинг кўплаб маросимларида туш алоҳида ўрин тутди.³³ Ҳатто, шомон ҳақиқий шомон бўлишдан олдин ўз фаолиятини тушида кўрган. Шомонлик қобилияти даставвал унга тушида аён бўлган. Борди-ю у тушига амал қилмаса, бу туш уни тинимсиз таъқиб қилган ёхуд у оғир хасталикка чалинган. Шомонлар қачон ва қайси пайтда инсон башоратли тушлар кўриши мумкин ва уни қайси пайтда, қандай ҳолатда тўғри таъбир қилиш мумкинлигини жуда яхши билганлар.

«Алпомиш» дostonида шундай сатрлар бор:

*Хазон бўлиб богда гуллар сўлганда,
Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,*

³¹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – С.91 – 119.

³² Günay U. Aşık Tarzı Şiir Geleneği ve Rüya Motifi. – Ankara: Akçağ yayınları, 1999. – S.94.

³³ Inan Abdulkadir.Tarihte ve bugün şamanizm. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1972. –S.1 – 159; Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1984. – С.98 – 142; Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990. – С.266 – 290.

*Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,
Раҳмат дарё айна тошиб келганда,
Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда.*³⁴

Бу – Барчиннинг ўз тушини Суқсурой канизига сўйлаб турган ҳолати. Достондаги бутун воқеа ана шу тушда баён этилгани ва ундаги кўплаб рамзлар алоҳида тадқиқот мавзуси. Бироқ бу ердаги «Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда» мисраси бизнинг эътиборимизни тортади. Зеро, кўпгина башоратли тушлар айна саҳар пайти кўрилган. Бошқа кўплаб достонларимиз ва эртақларимизда ҳам саҳар пайти кўрилган туш ҳақида сўз боради. Нега айнан саҳар пайти? Юқоридаги парчада бунга аниқ жавоб бор. Биринчи мисра достонларимиздаги анъанавий формулага киради. У ҳар галги ижрода яна ва яна янгилашиб туради. Худди шу мисра «Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими» ёхуд «Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди» шаклида такрорланиб келади. Гўё бу мисранинг мазкур парчага алоқаси йўқдай кўринади. Бу сиртдан қараганда шундай. Моҳиятан эса айнан туш кўрувчининг ҳолатини тўлиқ ўзида ифодалаб турибди. Маълумки, Барчин бу тушни қалмоқлар хотинликка сўраб турган ва Алпомиш уни излаб йўлга чиққан пайтда кўрган. Шунинг учун бу тушда, энг аввало, хавотир акс этган. Иккинчи мисрани эса қолган тўрт мисра билан биргаликда шарҳлаш лозим бўлади. Башорат тушлар саҳар пайти кўрилишига сабаб – инсон кундузги толиқишлардан сўнг чарчаб ухлаб қолганда маълум пайтгача – унинг чарчоқлари ёзилиб, танаси, руҳияти ором олиб бўлгунга қадар тиниқ тушлар кўра олмаслиги мумкин. Тана дам олгач, унда-

³⁴ Алпомиш. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.99 – 100.

ги ўзгариш руҳиятда ҳам акс этади: онг энди «холис» фикрлай бошлайди. Ана шу «холис» фикрлашдан башоратли тушлар туғилади. Худди айнан шундай ҳолатда руҳ танага эмас, тана руҳга бўйсунга бошлайди. Биз келтирган парчадаги иккинчи мисрада айнан шу нарса ўз аксини топган. Саҳар пайти кишиларнинг тоза, тиниқ тушлар кўриши фанда ҳам илмий жиҳатдан ўз исботини топган. Учинчи, тўртинчи мисраларда ҳам иккинчи мисрадаги фикр ривожлантирилиб, янада чуқурроқ асосланади. Маълумки, тун, қоронғулик, зулмат инсон руҳиятига тинимсиз таъсир қилиб туради. Айниқса, қоронғу, зулмат пайтлари бу таъсир кўпроқ салбий хусусият касб этади. Саҳар пайтига яқинлашавергач эса коинотдаги ўзгаришлар инсон танасига кўпроқ ижобий таъсир эта бошлайди. Бахшиларимиз тили билан айтадиган бўлсак, «Зиён ётиб, раҳмат дарёси тоша бошлаган» бир пайт бўлади. Қадимги аждодларимиз бу нарсаларни яхши билган. Улар нафақат ўзларини, ўз ички руҳий дунёсини, балки табиат – борлиқни, бутун коинотни ҳам яхши билганлар. Коинот билан ўзлари ўртасига ҳеч қандай чегара ўрнатмаганлар. Табиат – борлиқдаги ўзгаришлар инсон онгига ҳам таъсир қилишини яхши англаганлар. Шунинг учун бор ҳаракатини худди бугунги замонавий одам каби табиатни енгишга, унинг устидан ғалаба қозонишга эмас, балки уни тушунишга, англашга қаратганлар. Демак, ибтидоий инсон биз ўйлагандек «оми» одам эмасди, аксинча, табиатни жуда нозик тушунган ва унга инжа бир муносабатда бўлган, ўзини, ички «мен»ини яхшироқ англаган. Туш шунчаки тасодифий ҳолат эмас, инсон руҳиятининг бир кўриниши, онг ости кечинмаларининг ўзига хос намоиши деб талқин қилганлар. Биргина дostonимиздаги кичик бир парча бизни ана шундай фикрга келишга мажбур этади.

Умуман, туркий халқлар оғзаки ижодида тушга шунчалик кенг ўрин берилганки, эртақ ва дostonларимизда унинг турли хил намуналарини учратамиз. Биз уларни ўқир эканмиз, му-

каммал туш таъбирлари, энг аввало, нега айнан бизда яратилганининг сабабини тушуниб етамиз.

«Ирқ битиги – Таъбирнома» ҳам фикримиз далилидир. Мазкур ёдгорлик Шарқий Туркистоннинг Дуньхуанидан жаноб А.Стейн томонидан топилган. Мутахассислар мазкур асар туш кўриш ва унинг таъбирини баён қилиш асосида яратилганини эътироф этишади.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу «Таъбирнома»да 65 та туш таъбирлари келтирилган. Мазкур ёдгорлик ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Даставвал фольклоршунос олим Боқижон Тўхлиев ўзбекчалаштирган «Таъбирнома» «Адабий мерос» журналида нашр қилинди.³⁵ Кейинчалик эса у Насимхон Раҳмон томонидан нашрга тайёрланиб, китоб ҳолида чоп этилди.³⁶

Албатта, бу икки таржиманинг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор. Бироқ биз ҳозир бунга тўхталмоқчи эмасмиз. Муҳими шуки, мазкур бебаҳо ёдгорлик халқимизнинг маънавий мулкига айланди ва кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Б.Тўхлиев ҳам, Н.Раҳмонов ҳам «Таъбирнома»га манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашганликлари учун улар манбадаги туш ва унинг таъбирлари билан боғлиқ рамзларни махсус тадқиқ этишмаган.

Мазкур ёдгорлик аждодларимизнинг тушга ва туш таъбирларига нечоғлиқ нозик муносабатда бўлганликларини кўрсатиб беради. «Таъбирнома»даги туш билан боғлиқ рамзлар, жумладан, от, туя, бўри, бургут, илон, ойна ва яна бошқа кўплаб тимсоллар халқимиз ҳаёти, тафаккурида нечоғлиқ

³⁵ Тўхлиев Б. Қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси ва унинг таржимаси // Адабий мерос. – Тошкент, 1983. №4 (28). – Б.70 – 79.

³⁶ Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимги ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. –Б.47 – 61.

муҳим ўрин тутишини ва уларнинг тарихий илдизлари қандай тушунча ва тасаввурлар билан боғлиқлигини тадқиқ этишда энг зарур манба бўлиб хизмат қилади.

«Ирқ битиги – Таъбирнома»дан бошқа қадимги хитой тилидан туркчага таржима қилинган туш таъбирларига бағишланган «Фол китоби» ҳам мавжуд.³⁷ «Фол китоби»ни тадқиқ этган манбашунос олим Насимхон Раҳмонов таъбир илмининг илдизлари шомонлик тасаввурлари билан боғлиқ эканлигини ёзади.³⁸

Туш инсонни турли хил хабарлардан воқиф этар экан, ундаги турли хил рамзларга таъбир изланган. Тушдаги рамзлар ҳақида гапирганда, энг аввало, ибтидоий инсон кундалик турмушининг ажралмас қисмига айланган ўсимлик, ҳайвон, жонивор ёхуд бирор-бир жисмни ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Мисол учун – от. От инсон ҳаётида муҳим ўрин тутган. Отсиз ҳаётларини тасаввур эта олишмаган. «От – йигитнинг қаноти», – деган мақол ҳам бежиз эмас. Кўплаб маросимларда от муҳим вазифа бажарган. От кўкдан тушган, илоҳий дейишган. Шунинг учун тушда дуркун отни кўриш яхшилик, мартаба ҳисобланган. Отдан йиқилиш касаллик, фалокат, ориқ от эса бирор-бир нохушлиқдан дарак беради деб ўйлашган.

Тушни кўпинча дин, диний дунёқараш билан боғловчилар ҳам бор. Исломда туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузидан биридир дейилган.³⁹ Қуръони Каримнинг дастлабки оятла-

³⁷ Раҳмонов Н. Руҳиятда нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002; Arat R. Eski Türk Şiiri. – Ankara: TDK yayini, 1986.

³⁸ Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва қадимги туркийлар. Илмий тўпلام // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 1996. №2. – Б.94 – 107.

³⁹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б.414 – 415.

ри пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳга тушида нозил бўлган. Қуръони Каримнинг «Юсуф» ва «Ва-с-сафот» сураларида илоҳий тушлар ҳақида сўз боради.⁴⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ҳадис» китобида бир бўлим тушга бағишланган.⁴¹ Исломда туш асосан учга бўлинади: Оллоҳ ҳамда малоиклар томонидан нозил бўладиган ва шайтон васвасаси туфайли юз берадиган тушлар.⁴²

Тушга турли замонларда ҳар хил таъриф беришган, уни айрича таъбирлашган, турлича амал қилишган, бироқ ҳеч қайси даврда унга аҳамиятсиз ва эътиборсиз бир ҳодиса сифатида қаралмаган. Туш ҳамма замонларда ҳам инсонларда қизиқиш уйғотиб келган. Айниқса, ислом оламида туш ва туш таъбирларига жиддий эътибор билан қаралган. Исломда тушнинг учга бўлинишини юқорида таъкидладик. Лекин бажарадиган вазифасига кўра у асосан иккига бўлинади: раҳмоний, яъни илоҳий тушлар ва шайтоний тушлар. Раҳмоний тушларни имон-этиқодли ва руҳияти пок инсонлар кўради. Шайтоний тушларни эса шайтон васвасага солиб, нафсига мағлуб бўлган кишилар кўради деган қараш мавжуд. Шунинг учун тушни таъбир қилиш пайғамбарликнинг қирқ олти жузидан бири ҳисобланган.

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратларига ҳам пайғамбарлик «Рўёи содиқа»да, яъни тушида аён бўлган. Ислом тарихидан маълумки, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келиши уйқуларида яхши тушлар кўриш

⁴⁰ Қуръони Карим. – Б.197 – 210, 414, 415, 489, 490.

⁴¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. Т.IV. – Б.354 – 376.

⁴² Uludağ Süleyman. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. – İstanbul: Marifet yayini, 1991. – S.443.

билан бошлангач, Ҳақ субҳанаҳу ва таолога ибодат этиш учун Ҳиро тоғидаги муқаддас ғорга йўл оладилар. Муқаддас Қуръони Каримнинг дастлабки оятлари ҳам ана шу ерда ваҳий тарзида нозил бўлади.

Қуръони Карим ва ҳадислардан бизга маълумки, пайғамбарларнинг кўрган тушлари ваҳий ҳисобланган ва бунга қатъий амал қилинган. «Фатҳ» сурасида Оллоҳ пайғамбарларнинг кўрган тушларини рост қилгани ҳақида маълумот берилади. Пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом Ҳудайбийя сулҳидан сўнг кўрган тушлари бир йилдан сўнг рост бўлиб чиқади. «27. Қасамки, Аллоҳ Ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушини ҳаққи рост қилди: албатта сизлар (эй мўминлар) иншооллоҳ Мажид ал-Ҳарамга тинч-омон, бошларингизни (соқларингизни) қирдирган ва (қисқартирилган) ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар».⁴³

Иброҳим алайҳиссалом ҳазратларига ҳам тушларида ўғли Исмоилни қурбонлик қилиш буюрилади. Иброҳим алайҳиссалом тушларидаги бу ваҳийга амал қилади. Қуръони Каримнинг «Ва-с-саффот» сурасида ана шу ҳақда сўз боради: «103. Бас, қачонки иккиси ҳам (Оллоҳнинг ваҳийсига) бўйсуниб, (Энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) пешонаси билан (ерга) ётқизган эдики, 104 – 105. Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим, дарҳақиқат сен (кўрган тушингни) рост бажо қилдинг», албатта, биз чиройли амал қилувчиларни мукофотлаймиз».⁴⁴

Қуръони Каримда марҳамат қилинишича, Юсуф алайҳиссалом тушларида ўн бир юлдуз, қуёш ва ойнинг унга сажда қилиб турганини кўради: «4. Эсланг, Юсуф отасига деган эди: «Эй Ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни

⁴³ Қуръони Карим. – Б.489.

⁴⁴ Қуръони Карим. – Б.672.

кўрибман. Ҳаммаси менга сажда қилаётган эмиш».⁴⁵ Юсуф алайҳиссалом ўз тушини отасига – Ёқуб алайҳиссаломга айтади. Бу тушни тўғри таъбир қилган Ёқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломга бу ҳақида ака-укаларига айтмасликни тайинлайди. Бироқ тушдан воқиф бўлган биродарлари уни ўйнатиб келамиз деб қудуққа ташлаб келадилар. Қудуқдан чиқарилган Юсуф алайҳиссалом жуда арзон баҳога қул қилиб сотилади ва Миср ҳокимининг уйига жойлаштирилади. Яна туҳмат билан зиндонга тушганда ўз шерикларининг тушларини бекаму кўст айтиб бера бошлайди.

«43. Кунларнинг бирида Миср мамлакатининг шоҳи (Райён бинни-л-Валид): «Мен тушимда етти ориқ сигир етти семиз сигирни еяётганини ва етти яшил бошоқ билан бирга бошқа қуриган (етти бошоқ)ни кўрдим. «Аъёнларим, агар тушларнинг таъбирини айта олувчи бўлсангизлар, бу тушимнинг таъбирини (менга) айтинглар-чи», – деди». Бироқ унинг тушини Юсуфдан бошқа ҳеч ким таъбир қилиб беролмайди.

«47. (Юсуф) деди: «Сизлар пайдар-пай етти йил (дон) экинглари. Кейин ўриб олган ҳосилингизни (бузилмасин учун) ўз бошоғида қолдиринглари, магар ейдиган озгина озуқаларингизни (янчиб олинглари). 48. Сўнгра ўшан (серҳосил етти йил)дан кейин етти йил қаҳатчилик бўлиб, улар учун тайёрлаб қўйган бор ҳосилингизни еб кетар. Магар озгина (уруғлик учун) асраб қўйган донларингизгина қолур. 49. Сўнгра, ўшал (қаҳатчилик йиллари)дан кейин бир йил келурки, унда одамлар ёгингарчилик остида қолурлар ва (турли мевалардан) шароблар тайёрлаб олуурлар».⁴⁶

Оллоҳнинг инояти билан тушни тўғри таъбир қила олиш

⁴⁵ Қуръони Карим. – Б.98.

⁴⁶ Қуръони Карим. – Б.202 – 203.

қобилияти туфайли зиндондан озод бўлади ва ўзи болалигида кўрган туши қирқ йилдан сўнг рўёбга чиқади.

Кўплаб манбаларда тушга турлича таъриф берилган бўлса-да, бироқ уларнинг барчасида бир нарса: тушнинг сирли ҳодиса эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар деярли бир хилдир. Фарбда туш анча мукамал ўрганилган бўлишига ва кўплаб тадқиқотларда тушнинг сирлилиги таъкидланишига қарамай, уларда тушнинг илоҳийлиги инкор этилади. Шарқда, айниқса, ислом оламида бу масалага тўғри ёндашилганини таъкидлаш ўринли. Туш неча асрлардан бери қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган бўлмасин, у барибир сирлилигича қолмоқда.

Қуръони Карим ва ҳадислардаги туш талқинларидан шу нарса аён бўладики, туш, энг аввало, сирли ва илоҳий. Киши ўз тақдирига нима ёзилганини билмаганидек, қандай туш кўришини ва унга кимлар, нималар киришини олдиндан билмайди. Бироқ бу унинг инсондан ташқарида, яъни кўрилаётган тушнинг эгасига мутлақо алоқаси йўқ дегани эмас. Аксинча, туш – бу инсон руҳиятининг кўзгуси. Инсон ахлоқи қандай бўлса, у кўрадиган тушлар ҳам шунга муносиб бўлади.

Имом Бухорийнинг «Ҳадис» китобида Расулulloҳ (с.а.в) тушларида кўрган боши тош билан мажақланаётганлар, лунжи бурнидан то кўзига қадар шилинаётганлар, тандирга ўхшаш чуқурда оловда ёнаётганлар, дарёда сузиб юриб тош ютаётганлар каби ҳолатлар шундай таъбир қилинади: «Боя сен кўрган боши тош бирлан мажақланаётган киши авваллар Қуръон тиловат қилиб юриб, кейин ташлаб қўйган ҳамда фарз қилинган намозларни ўқимай, ғафлат босиб ухлаб ётган. Кейинги – лунжини бурнидан то кўзига қадар шилишаётган киши эса уйдан чиқиб, ёлғон гапларни айтар эди, унинг бўҳтонлари ҳатто уфққа қадар тарқалгандур. Тандирга ўхшаш чуқурдаги яланғоч эркак ва аёллар зинокорлар эди. Дарёда сузиб

юриб тош ютаётган одам хусусига келсак, ул судхўр (порахўр) бўлган...».⁴⁷

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам таъкидлайдилар: «Кимки ростгўйроқ бўлса, унинг туши тўғрироқдир». Бу биринчи ҳолат, яъни туш бу бевосита инсон эътиқоди, ахлоқи ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Туш кўрувчининг исми, шажараси, ёши, феъл-атвори, хулқи, ўша кунги ҳолати, еган-ичганлари, сўзлаган сўзи – ҳамма-ҳаммаси тушда ўз аксини топиши мумкин. Демак, имон-эътиқодли одам ўз шажарасига ва исмига муносиб иш қилиши, феъл-атвориغا эътибор бериши, хулқини яхшилаши, ҳар куни иложи борича савоб ишлар қилиши, номақбул овқат ва ичимлик еб-ичмаслиги, ёшига, эътиқодига тўғри келмайдиган сўзларни айтмаслиги лозим. Булар бари инсоннинг кимлигини кўрсатиб турувчи жиҳатлардир.

Иккинчи ҳолат – тушнинг таъбири масаласи. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги оятдан шу нарса маълум бўлаяптики, тушни ҳаммага ҳам айтиб, таъбир қилдириб бўлмайди. Уни солиҳ ва руҳияти пок кишилар таъбир қилиши керак. Бу туш кўрувчига ҳам, уни таъбир қилувчига ҳам улкан масъулият юклайди.

Ҳадиси Шарифда тушга кенгроқ шарҳ берилган. Унда кундузги ва тунги кўриладиган тушлар бир-биридан ажратилган. Бироқ улар иккаласи ҳам бир хил талқин этилади. Бундан ташқари, Ҳадисда тушлар билан боғлиқ ранглар, ҳар бир предметга алоҳида урғу берилган. Мисол учун: кўзёш – яхши амал, сут – мусулмонлик, кўйлак – дин, яшил ранг – эътиқод

⁴⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. IV китоб. – Б.354 – 395.

мустаҳкамлиги, калит – мартаба, чодир – ислом дини ва ҳоказо.⁴⁸

Ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Таъбирчи учун шарт шуки, у тушни эшитаётган пайтда таҳоратли бўлиши, туш айтаётган душмани бўлса, душманлиги сабабли нотўғри таъбир қилмаслиги, бир одамнинг сирини билса, бошқаларга ошкор қилмаслиги керак».⁴⁹

Демак, тушни нотўғри ёки ёлғон таъбир қилишнинг ҳам ўз жавобгарлиги бор. Юсуф алайҳиссалом зиндондаги шерикларидан бирининг тушини таъбир қилар экан, унга яхши сўзлар айтиб, тушни нотўғри таъбир қилиши мумкин эди. Бироқ Юсуф алайҳиссалом тушни тўғри таъбир қилади; нонвойга: «Сени уч кундан сўнг зиндондан чиқариб дорга осадилар»⁵⁰, – дейди.

Мағрибий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «...Рост туш бу Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан ваҳийдир, кимки ваҳийни орттирса ёки камайтирса, Ҳақ субҳанаҳу ва таолони ёлғончига чиқарган бўлади, туш Худойи таоло билан бандаси ўртасидаги омонатдир... Ҳар ким ёлғон тушни тўқиса, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам сўзи бўйича осий (гуноҳкор) бўлғусидир. Бу эса тушнинг муаззам ва улуғлигига далилдир ва одоб шартини сақлаши муаббир ва савол қилувчига вожибдир».⁵¹

«Исломиий туш таъбирлари қомуси»нинг муаллифи Имом

⁴⁸ Ўша жойда.

⁴⁹ Хусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлсий. Мукаммал туш таъбирлари / Форсийдан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008. – Б.13 – 29.

⁵⁰ Қуръони Карим. – Б.414 – 415.

⁵¹ Хусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлсий. Мукаммал туш таъбирлари / Форсийдан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008. – Б.30.

Наблусий ўз асарида 7500 та таъбирчининг исмини келтириб ўтади ва шулардан 600 тасининг туш таъбирига бағишланган китоблари мавжудлигини таъкидлайди. Эътиборлиси шундаки, Имом Наблусий тушни таъбир қилувчиларни ўн беш табақага ажратиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳ бериб ўтади. Мисол учун, биринчи табақада ҳазрати Иброҳим пайғамбар, ҳазрати Ёқуб пайғамбар, ҳазрати Юсуф пайғамбар, ҳазрати Дониёл алайҳи васаллам, ҳазрати Зулқарнайн ва пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам номлари келтириб ўтилса, еттинчи табақада Афлотун, Аристотель, Батлимул каби файласуфларнинг номлари келтириб ўтиладики, бу ҳолат муаллифнинг мазкур соҳадаги билими жуда кенглигидан далолат беради.⁵²

Ислонда таъбирчи Оллоҳнинг китоби Қуръони Каримни, Ҳадиси Шарифни, ўз она тили, араб-форс тилларини, мақолматалларни, илми нужумни, урф-одат ва маросимларни яхши билмоғи керак. Таъбирчи ҳар бир тушнинг таъбирини сир сақлаши, ундаги яхши ва ёмон жиҳатларни фарқлай билиши зарур.

Бундан ташқари, тушнинг қайси кунда кўрилгани ва қайси пайтда таъбир қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, якшанба куннинг аввалида кўрилган туш яхши, уни таъбир қилиш ҳам осон. Чоршанба куннинг аввалида кўрилган тушни таъбир қилиб бўлмайди деб тушунилади.

Таъбирчилар тушни эрта тонгда таъбир қилган яхши дейишади. Хўш, нега?! Сабаби, энг аввало, ҳар ишнинг эрта тонгда амалга ошгани маъқул ва тушдаги воқеалар, ундаги арзимас нарса ҳам туш кўрувчининг ёдидан чиқиб кетмаслиги лозим. Бу тушни таъбир қилаётганда муҳим аҳамиятга эга. Қола-

⁵² Nablûsi İmam. İslami rüya tabirleri ansiklopedisi. – İstanbul: Cümle yayinleri, 1996. – S.59 – 63.

верса, туш кўрувчининг ҳам, уни таъбир қилувчининг ҳам эрта тонгда тани дам олган, кайфияти соз, хотираси тиниқ бўлади. Кўпчилик билан учрашиб бирор-бир нохуш гап эшитмаган, эҳтиётсизлик қилиб номақбул ишга қўл урмаган бўлади.

Хуллас, исломда тушга инжа бир муносабатда бўлинган. Тушга катта аҳамият бериб, унинг таъбирига ҳам жиддий эътибор билан қараганлар. Туш шунчаки тасодифий ҳолат бўлмай, инсон руҳияти, эътиқоди ва ахлоқининг бир кўриниши деб талқин этганлар. «Сен тушингни менга айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман», – дейди руҳиятшунослар. Шу биргина сўзда инсоннинг руҳий олами ҳақидаги улкан ҳақиқат яширин.

Хўш, инсонни унинг кўрган туши орқали билиш имкони борми? Ҳа, имкони бор. Билганда ҳам, ўзимиз кутгандан ортиқроқ билишимиз мумкин. Бунинг учун биздан кўп нарса талаб этилмайди, бор-йўғи тушга эътиборлироқ бўлишимиз ва ундаги ҳар бир кичик деталларни ҳам эътибордан қочирмай таъбир қилишимиз лозим бўлади.

Маънисиз, яъни юқорида таъкидланганидек, бизга мутлақо алоқаси бўлмаган тушлар бўлмайди. Фақат маъносига тушунмаган ва ўзимизга боғлиқ ўринларни топа олмаган, тушимизни тушунмаган ҳолатлар бўлиши мумкин, холос.

Алишер Навоий ҳазрат Баҳроуддин Нақшбанд ҳақида сўзлар экан, шундай бир ривоятни келтириб ўтади. Ўз шогирдларига топшириқ бериб кетган зот анча муддат ўтгандан сўнг қайтиб келгач, унинг бир шогирди устидан шикоят қилдилар. «Алар андин сўрубдурларки, бизни ҳеч туш кўрдинг? Деди: – Ҳов, кўрдим! Дедиларки: – Сенга басдир».⁵³

Бу билан ҳазрат Алишер Навоий туш инсон руҳиятининг кўзгуси эканлиги, инсоннинг ботинида кечаётган жараён туши-

⁵³ Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.264.

да ҳам акс этишини таъкидламоқда. Яъни уйқу ҳолатида инсон руҳий дунёсининг эркинлиги, онг ости ҳисларини ақл каби маълум қолипда сақлаб бўлмаслиги улардаги ахборот ақлий ахборотдан кўра ҳаққонийроқ бўлишини таъминлайди. Шу сабабли уйқуда одам рост дунё билан тўқнашади, уйқу пайтидаги фаолият жисмининг эмас, маънавий дунёнинг фаолиятидир. Бошқача айтганда, уйғоқ одамда сохталик кўпроқ бўлади. Уйқу пайти одам ҳақиқий ҳислар билан яқинлашади. Уйқу пайти инсон дунёсининг энг катта ростгўйлигидир. Мана шу уйқу давридаги ҳиссиётлар туш шаклида намоён бўлади. Биз уйғоқ пайти олган таассуротларимиз ўз шаклини бузиб, бироқ қатъий бир мантиққа суянган ҳолда рамзлашади ва тушда акс этади.

Имом Ғаззолий туш ҳақида гапирар экан, асосан Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга суянади. «Солиҳ ва содиқ кишиларнинг тушлари, – деб ёзади у, – рост тушдир. Ёлғончи кимсанинг туши алоқ-чалок, кўрқинчли ва ёлғон тушдир. Фасод ва гуноҳга ботган кишиларнинг қалби ҳам қорайиб кетади. Шубҳасиз, бундай кишиларнинг кўрган тушлари ҳам хатарлидир».⁵⁴

Имом Ғаззолий тушни жуда нозик тушунади. Унинг: «Туш ва уйқу оламида ғайбни билмак жаноби Ҳақнинг санъати ажойиботларидандир, одам ўғли фитратининг ғаройиботларидандир»,⁵⁵ – дея тушга берган баҳоси ниҳоятда қадрли. Бу баҳо тушга аниқ ва тўғри баҳодир. Маълумки, исломга қадар ҳам тушга ғайб оламининг бир мўъжизаси сифатида қараш мавжуд бўлган. Тушга руҳлар ва ўзга олам билан мулоқот қилиш воситаси сифатида ёндашилган. Бу тушнинг сирли, илоҳий эканлиги билан ҳам изоҳланади.

⁵⁴ İmam Gazalî. İhyâ u 'Ulûmi`d-din (Terc. A.Serdaroglu). I cild. – İstanbul: Bedir yayınleri, 1975. – S.1066.

⁵⁵ İmam Gazalî. – S.1066.

1.2. Тушнинг илмий ўрганилиши масалалари

Илк оғзаки ва ёзма таъбирномаларда тушнинг илмий ўрганилишига асос солинган дея бемалол айта оламиз. Олдинги бобда биз сўз юритган «Ирқ битиги», «Фол китоби» ва бошқа таъбирномалар бунга мисол бўла олади. Бу манбалар билан бир қаторда ёзма адабий манбаларда, жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида тушга аниқ илмий таъриф берилганини кўрамиз.⁵⁶ Мазкур асарнинг «Ўзгурмуш касал» бўлимида Ўгдулмуш Ўзгурмушга тушни таъбир қилишнинг тартиб-қоидалари ҳақида ўз билганларини айтади: «Тушга йўриқ турли-туман бўлади. Уни ҳар бир киши билмоғи шарт. Кўрган тушни кечаси – қоронғи тушгандан кейин ҳам таъбир сўралмайди. Кечаси кўрилган тушга таъбир кундузгисидан тамомила бошқача бўлади.

Туш таъбирининг шарт-қоидалари жуда кўп. Энг аввал уларни билиб олиш лозим. Биринчидан, кўрган тушингни ўзинг йўрма, шунингдек, уни дуч келган кишига ҳам айтавермаслик керак. Кўрилган ҳамма тушни йўриш шарт эмас. Кўрилган тушларга таъбир жуда хилма-хил бўлади, уларни чуқур мулоҳаза қилиш лозим.

Авалло, туш йўришдан тийил, борди-ю йўрмоқчи бўлсанг, бу ишда билимга таян. Тушни бошқа ҳодисалар билан қиёсла, ундаги ҳар бир ҳолатга маъно бер, чуқур мулоҳаза юрит, яхшилаб ўйла.

Тушнинг фойдаси таъбирга қараб бўлади, агар уни йўришнинг уддасидан чиқмасанг, бу туш бефойда бўлиб қолиб ке-

⁵⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи Боқижон Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б.128 – 132.

тади. Билими денгиз каби теран бўлган киши бу ҳақида яхши айтган, уни эшитиб сен юзингни қизил қилиб ол». ⁵⁷

Бундан ташқари, «Қутадғу билиг»да туш мижозга қараб таъбир қилиниши, беморнинг кўрган тушига қараб уни даволаш мумкинлиги ҳақида ҳам сўз юритилади.

Фарб тадқиқотчилари Зигмунд Фрейддан сўнг тушни инсон руҳиятининг инъикоси сифатида ўргана бошладилар. Ваҳоланки, Имом Ғаззолий XI асрдаёқ тушга: «Одам ўғли фитратининг ғаройиботларидандир», – дея таъриф бериб, у бевосита инсон ахлоқи ва маънавияти, янада аниқроғи, руҳонияти билан боғлиқлигини айтиб ўтган эди.

«Маънавият соҳиблари ғайб кўзи ила кўра олади. Баъзан унга ваҳий тарзида, баъзан унга туш тарзида аён бўлади. Инсон агар маънан бир оламга юксалса, ерда туриб ҳақиқатни кўради ва моҳиятни англайди. Тўғри туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузидан биридир. Бу ҳолат ҳам энг юксак маънавиятнинг даражаларидан биридир». ⁵⁸

Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Ғаззолий ва Фарб файласуфлари, жумладан, Зигмунд Фрейд қарашлари ўртасида яқинлик мавжудлигини кўрамиз. Гарчанд Зигмунд Фрейд ва унинг издошлари тушнинг илоҳийлигини инкор этсалар-да, аммо тушнинг сирли ва мўъжизали эканлигини тан оладилар. Бу борада Имом Ғаззолий фикрлари асослидек туюлади: «Тушда бирор-бир ҳодисанинг олдиндан кўрилиши сабаби қалбнинг ажойиб сирлари билан боғлиқки, бу ҳол мукошифо илми билан изоҳланади». ⁵⁹ Зеро, шу пайтга қадар тушга турлича таъриф берилган ва ўрганилган бўлса-да, ҳамон туш сир-

⁵⁷ Кўрсатилган асар. – Б.128.

⁵⁸ Imam Gazali. – S.206.

⁵⁹ Imam Gazali. Ihyâ u 'Ulûmi`d-din. III cild. – S.57.

лилигича ва мўъжизалилигича қолмоқда. Туш – инсон шахси, ахлоқи ва руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги борасида Имом Ғаззолий, Фрейд ҳамда унинг издошлари фикрлари ҳамоҳангдир.

«Кароматли тушларга сабаб, – дейди Имом Ғаззолий, – уйқуда ғайб тажалли этади. Тушда киши ҳиссиётга бўйсунди, уйғонганда эса ҳиссиётга эътибор бермайди, ақлга бўйсунди».⁶⁰

Зигмунд Фрейд фикрича эса тушда кишининг уйғоқ пайтидаги онг ости кечинмалари юзага қалқиб чиқади. Уйғоқ пайти инсон кўпроқ онга, ақлга бўйсунди. Унинг хатти-ҳаракатлари чегараланган, маълум бир йўналишга йўналтирилган бўлади. Тушда эса инсон эркинроқдир.⁶¹

Дарҳақиқат, уйқу пайти биз уйғоқ пайтимиз юзага чиқишига ақлий истакларимиз йўл қўймаган кечинмаларга гувоҳ бўламиз ва у билан бирга яшаймиз ҳамда буни туш деб атаймиз. Аслида, туш инсон руҳий дунёсининг ажралмас, мураккаб ва муҳим қисмидир. Фрейд тушни таҳлил қилар экан, тушга эътиборсизлик XX аср инсонларининг руҳан майиб бўлиб қолишига олиб келди деган хулосага келади. Тушга – ички истак ва кечинмаларга эътиборсизлик туфайли одамзод энг катта фожиага дуч келди: у ўз қалбини унутиб қўйди.

Фрейд XX асрга хос ёвузлик, қуллик, мутелик, ахлоқий бузилишлар, маънавий юзсизликлар, эътиқодсизлик ва имон суствлигини инсоннинг ички истак, кечинмаларига эътиборсизлиги ёхуд бу кечинмаларнинг зўрлик билан жиловлаб қўйилишида деб тушунтиради. Фрейднинг бу назарияси туш ҳақидаги қадим тасаввурларга Ғарбдаги фан оламини жалб

⁶⁰ Imam Gazali. Cild III. – S.57.

⁶¹ Фрейд З. Толкование сновидений. – Мн: Поппурри, 1997. – С.303 – 445.

этди ва тушни, инсоннинг руҳиятини, инсон кечинмалари акс этган бадиий ижодни тадқиқ этувчи руҳий таҳлил методи деган метод юзага келди. Фрейд, Юнг ва бошқа ушбу метод вакиллари тушни таҳлил қилиб, ундаги рамзлар мифлардаги рамзлар билан вазифа жиҳатдан ўхшаш эканлигини кашф этдилар ҳамда тушни шарҳлаш мифларни шарҳлашни осонлаштиради деган қарашни ўртага ташладилар.

Умуман, уйқу ва уйғоқ ҳолатлар инсон фаолиятининг икки қарама-қарши қутбидир. Бирида воқелик ва мантиқ ҳукмрон, иккинчисида эркинлик ва «Мен» ҳукмрон. Уйғоқ одам ўз фаолиятини мавжуд шароитнинг мантиқига мослайди: у шу даврга мос кийим кияди, уй қуради, ташвиш чекади ва шу давр мантиқидан келиб чиқиб фикр юритади, муносабат ва муомала қилади. Яъни у макон ва замон чегарасида яшашга, макон ва замон номидан гапиришга, фаолият қилишга, яшаш учун курашга, ундан ўзини ҳимоя қилишга мажбур. Уйқу ҳолатида макон ва замондан мутлақо халос бўлади, у ўз ички дунёси – ўз «Мен»и ихтиёрига ўтади. Макон ва замон ушлаб қололмайди. «Мен» шунчалик кенги, у ўзида барча маконларни, барча замонларни мужассам этади. Бу ерда уйғоқ пайтдаги яшаш учун кураш мантиқи «ўлади». Кишининг уйғоқлигида унинг онгини жиловлаб турган бу мантиқ уйқуда мутлақо аҳамиятсиз бўлиб қолади. У макон ва замон ахлоқидан, тартиб-қоидасидан, қонунларидан, яшаш тарзидан, таъқиб ва тақиқ хавфидан буткул қутулади, яъни буткул эркин бўлади. Унинг замон тартиб-қоидасидан таранг бўлган ақлий зўриқишлари барҳам топади, ақл «дам» олади. Ана шу пайтда фақат «Мен»га – ички дунёга хос истак-кечинмалар бош кўтаради. Уйғоқ одам ўзини ўраб турган воқеликнинг ижрочиси, уйқу эса ички ҳиссиётлар – руҳий дунё билан юзма-юз келишдир. Уйғоқ пайти ақлий истаклар, ақлий муносабатлар пардалаб қўйган кечинмалар уйқу пайти одам билан юзма-юз келади, ўзини кўрсатади.

Тасаввуф аҳллоридан яна бири Иброҳим Ҳаққи ҳам ўзи-

нинг «Маърифатнома» асарида тушни иккига – рост ва ёлғон тушларга ажратади.⁶² «Рост, яхши тушларни,– дейди у, – қалби тоза бўлганлар кўради... Инсон туш кўрдиги замон қалб панжаралари очилади ва малоиклар оламида бўлган лавҳул маҳфуздаги ҳолатларни идрок этади».⁶³

Америкалик олим Эрих Фромм тушга оид бир мақоласида шундай бир аҳамиятли мисол келтиради. А. ҳамда Б. деган шахслар учрашиб қолишади ва биргаликда тижорат қилиш-моқчи бўлишади. Шу кеча А. тушида Б.нинг ўғирлаб олган пулларига сохта ҳужжат тўлдираётганини кўради. А. тушга катта аҳамият берса-да, бу гал эътиборсиз қолдиради. Бироқ бир йилдан сўнг Б. сохта ҳужжатлар билан катта миқдорда пул ўмарганига гувоҳ бўлади. Бу башорат тушни Фромм шундай шарҳлайди: «Одам уйғоқ пайти унинг ақлий салоҳияти Б.нинг асл қиёфасини тўлиқ қамраб ололмаган, бироқ ақлга нисбатан қамрови кенг бўлган онг ости ҳислари Б.нинг асл қиёфасини тўлиқ акс эттира олган ва бу таассурот хулосаси тушда намоён бўлган».⁶⁴ Олимнинг фикрича, онг ости ҳислари онгли ҳисларга нисбатан сезувчан, ҳаракатчан, ўта аниқ кечинмалардир. Башорат тушлар ана шу ўта сезувчан кечинмалар ҳосиласи бўлиб, буни одам бирдан англаб олиши қийин бўлади, ақл мазкур сезувчан ҳисларни ўз мантиғига суяниб қабул қилолмайди. Уйқу пайти эса бу кечинмалар туш сифатида келажакни ўзида намоён қилади.

Иброҳим Ҳаққи ҳайвон суратлари ва коинот шакллари инсон онгида турли қиёфаларда акс этишини ва тушдаги бун-

⁶² Erzurumlu İbrahim Hakki. Mârifetnâme. – İstanbul: Kit-San yayinleri, 1984. – S.99 – 101.

⁶³ Erzurumlu İbrahim Hakki. Mârifetnâme. – S.99.

⁶⁴ Фромм Э. Забывтый язык // Душа человека. – М.: Республика, 1992. – С.179 – 219.

дай рамзлар инсон ахлоқи билан бевосита боғлиқ эканлигини айтиб, тушда кибр – қоплон, зўрлик – арслон, ҳасад эса бўри қиёфасида гавдаланишини таъкидлайди.⁶⁵

Рухий таҳлил методи асосчиси Фрейд ҳам инсондаги майлларнинг тушда турли ҳайвон кўринишида гавдаланишини таъкидлайди.⁶⁶ Эрих Фромм эса «Қизил шапкача» эртагини таҳлил қилар экан, мазкур эртақдаги бўри ишқий майл тимсоли сифатида талқин этилганини ёзади.⁶⁷

«Алпомиш» достонида Барчиннинг майли «йўлбарс», акс майли эса «маст туя» қиёфасида гавдаланади.⁶⁸

Бу мисоллар шундан далолат берадики, ибтидоий даврлардан то бугунги кунгача кишиларнинг тушга бўлган муносабатларида унчалик фарқ сезилмайди. Улар кўраётган тушдаги рамзларда ҳам яқинлик мавжуд.

Шарқда тушга шунчалик бир инжа муносабатда бўлинганки, инсон табиатидан тортиб у еган таомгача тушга таъсир қилиши мумкинлигини яхши билишган. Мисол учун, «Қутадғу билиг»да бу ҳолат жуда гўзал мисраларда баён этилган:

*Йўриқча қолар туш, тушинг яхши йўр,
Туби – аслини бил, уқув бирла кўр.
Не тарз йўрса тушни ўшандек бўлар,
Ёмон йўрма тушни, сенга қилар кўр.*

⁶⁵ Erzurumlu İbrahim Hakki. Mârifetnâme. – S.100.

⁶⁶ Фрейд З. Сон и сновидения. – М.: Олимп, 1997. – С.101 – 122.

⁶⁷ Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992. – С.285 – 288.

⁶⁸ Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.97 – 101.

Баъзи туш еб-ичмак таъсири бўлар,
Яроқсиз озиқдан ёмон туш келар.
Баъзан боғланади у йил фаслига,
Мижоз кучайиши сабаб аслига.
Кичик эрса ўғлон, йил фасли гар ёз,
Нарса қизил бўлса, ернинг ранги бўз.
Қони ошди деган унинг, шубҳасиз,
Унинг томиридан бир оз қон оқиз.
Куз ойи бўлса ҳам йигит навқирон,
Тушида кўринса қизил, заъфарон,
Сариги кучайган бўлар, эй доно,
Ўзини бўшатса, кетади бало.
Тушида бу ўрта яшар, куз ойи,
Агар кўрса қудуқ, тоғ, олов жойи.
Кучайган бўлади унинг савдоси,
Дори ичса, бўлар унинг давоси.
Куз чоғи эса-ю, кўрувчи улуг,
Оқар сув, қор, ёмғир бўлса гар тўлиқ,
Кучайган бўлади унинг балғами,
Иссиқлик берилса, қилинар эми.
Тагин бир тоифа бўлар пойма-пой,
Бу хил туш таъбири бўлмас ҳойна-ҳой.
Узоқ ўйлаганда киши кўрса туш,
Таъбири бўлмагай унинг тенгу тўш.
Яна биров касбин кўрар тушида,
Унга ҳам таъбир йўқ, уринма жуда.
Буларнинг барига қилиб фаросат
Таъбирласанг кейин чиқади ҳожат.
Нима дер, эшитгин, таъбирчи ҳаким,
Сўрамоғи лозим туш кўрса ҳар ким:
«Таъбир қилма тушни билиб-билмайин,
Таъбирни не деса, бўлар шундайин.
Алам кўрса тушда, жавоби севинч,

Севинч кўрса, қайгу келар тундайин».
Тушингнинг таъбири ягона эмас,
Таъбирчи ҳакимлар ягона демас.
Тушда тўлиқ тутса ўзини шодон,
Алам-қайгуларга очилди гумон.
Тушида йиғласа, кўрса кўп алам,
Шодликка етишар, роҳати – бекам.
Баъзи туш бўлади, таъбири унинг
Бўлақлар учундир, у бўлмас сенинг.⁶⁹

Абулфазл Хусайн ат-Тифлисий ҳам ўз асарида Имом Жаъфар розиаллоҳу анҳу тушни учга бўлганлигини таъкидлайди. «Туш, аслида, уч қисмдур, – деб ёзади у ўзининг «Мукамал туш таъбирнома»сида, – бири ҳукм деб айтилади, иккинчиси муташобих (рамзий туш), учинчиси асфосу аҳлом (паришон) тушлардир».⁷⁰ Паришон тушларни кўрувчиларни тўрт гуруҳга бўлар экан, улардан бири савдо кўзғатувчи овқатларни егувчилар, деб айтади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, туш инсон ахлоқи, маънавияти, руҳияти билан чамбарчас боғлиқ экан. «Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама», – дейди халқимиз. Ёмон, кўрқинчли тушларнинг сабабини чеккадан эмас, ўзимиздан, ўз табиатимиздан излашимиз зарур. Бу биринчи ҳолат. Иккинчи ҳолат – тушни таъбирлаш билан боғлиқ жараён.

Юсуф Хос Ҳожиб туш таъбирчиларини ўрнига қараб юрумчи, йўрумчи, муаббир дея уч хил номда атайди. Адиб ўзининг

⁶⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. Кўрсатилган асар. – Б.128 – 129.

⁷⁰ Хусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукамал туш таъбирлари / Форсийдан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008. –Б.13 – 16.

«Қутадғу билиг» асарида: «Туш қандай таъбир қилинса, шундай бўлади», «Тушни яхшига йўй, туш йўруғига кўра бўлади»⁷¹, – дер экан, тушни доимо яхшига йўйиш лозимлигини таъкидлайди.

Эртақ ва дostonларимиздан бизга маълумки, тушни ҳамма ҳам таъбир қилавермайди. «Алпомиш» дostonида Барчиннинг тушини Суқсурой каниз, Бойбўрининг тушини эса қизи Қалдирғоч таъбир қилади. Мазкур дostonнинг барча вариантларида Қалдирғоч ҳам, Суқсурой каниз ҳам Алпомиш ва Барчиннинг ёнидаги йўлдошлардир. Керак пайти улар ўз яқинларига маслаҳат берадиган, уларга йўл-йўриқ кўрсата оладиган донишманд, оқила аёл, яна ҳам аниқроғи, дostonда ҳомий образ сифатида гавдаланадилар. Шунинг учун дostonда улар асосий қаҳрамонларга кўмакчи сифатида гавдаланади. «Манас» дostonида Манаснинг отаси Жақибнинг тушини Бойжигитдан бошқа ҳеч ким таъбир қилолмайди.

«Тушингни сувга айт», – дейди доно халқимиз. Сув култь-ти ҳақидаги қадим тасаввурлар билан боғлиқ бу мақолдаги иккита энг муҳим жиҳат эътиборлидир. Биринчиси – бу тушнинг албатта кимгадир айтилиши лозимлиги. Шундай қилинса, инсон энгил тортади, кўнгли равшанлашади. Фарб тадқиқотчилари айрим руҳий хаста беморларни кўрган тушларини ҳикоя қилиб бериш орқали даволаш мумкинлигини ёзишади. Иккинчиси – тушни ҳаммага ҳам айтиб бўлмаслиги. Уни энг яқин, қалби тоза кишиларга айтиш лозимлиги. Қолаверса, сувнинг тиниклиги, мусаффолиги ва оқиб туриши инсон руҳиятига таъсир этувчи хусусиятга эга.

Халқ орасида ҳам туш ҳаммага айтилавермаган. Туш энг яқин кишиларга айтилган. Одатда, юксак мақомларга эриш-

⁷¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Б.128.

ган, эл-юрт орасида катта ҳурматга сазовор бўлган, донишманд ва оққўнгил кишиларгина тушларни таъбир қилган.

Юқорида тушни таъбир қилиш исломда пайғамбарликнинг қирқ олти жузидан бири ҳисобланишини таъкидлагандик. Зеро, «...Рост туш Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан ваҳийдир. Туш Худойи таоло билан банда ўртасидаги омонатдир». ⁷²

Абулфазл ат-Тифлисий шундай ёзади: «Ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Муаббир учун шарт шуки, у тушни эшитаётган пайтда таҳоратли бўлиши, туш айтаётган душмани бўлса, душманлиги сабабли нотўғри таъбир қилмаслиги, бир одамнинг ёмонлигини билса, бошқаларга ошкор қилмаслиги керак». ⁷³ Бу ўринда тушни таъбир қилишда муаббир, яъни таъбирчининг зиммасидаги масъулият алоҳида таъкидланмоқда.

Туш кўрувчининг табиати, ахлоқи, дини, эътиқоди, исми, шажараси, туш кўриш олдидаги ҳолати, тушни кўрган куни ва пайти – буларнинг бари тушни таъбир қилаётганда албатта эътиборга олиш зарур бўлган ҳолатлардир.

Ривоят қилишларича, бир киши Ибн Сирин раҳматуллоҳу алайҳга: «Тушимда азон айтаётган эканман», – дейди. Ибн Сирин унга: «Ҳажга борасан!» – деб айтади. Шу пайт бошқа бир киши келиб: «Тушимда азон айтаётган эканман», – дейди. Ибн Сирин унинг тушини: «Сени ўғирликда айблашади», – дея таъбир қилади. Нега айнан бир хил тушни икки хил таъбир қилдингиз дея ундан сўрашганида у киши шундай жавоб беради: «Биринчиси яхши одам эди, шунинг учун унга: «Ҳажга борасан», – дедим. Иккинчиси аҳли фасодлардан

⁷² Ҳусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукаммал туш таъбирлари. – Б.23 – 33.

⁷³ Кўрсатилган манба. – Б.29 – 30.

эканини билдим ва таъбирни бошқача қилиб: «Сени ўғирликда айблашади», – дедим».⁷⁴

Бу ўринда бизнинг эътиборимизни тортадиган биринчи жиҳат – туш, энг аввало, инсон ахлоқи билан чамбарчас боғлиқ эканлиги бўлса, иккинчи ҳолат – тушдаги рамзлар ҳар бир тушда ўзгача маъно ташишидир. Тўғри, тушда ҳам умумий рамзлар, яъни ўзак рамзлар мавжуд. Бироқ ҳар бир туш таъбир қилинаётганда улар индивидуал маънога эга бўлади. Шунинг учун ҳам тушлар ва улардаги рамзларни шарҳлаш мушкул масала. Типик тушлар, яъни тез-тез учрайдиган тушлар ҳам бор. Уларда умумга хос бўлган сюжет ва рамзлар иштирок этади. Бироқ худди рамзий образлар аниқ бир матнда алоҳида маънога эга бўлганидек, тушдаги сюжет ва рамзлар ҳам конкрет туш ва унинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб таҳлил этилиши керак.

Шарқдаги туш ҳақидаги қарашлар Фарбда кейинги асрларда юзага келган таълимотнинг, эртак ва дostonларимиз, ёзма адабиётимиздаги тушларнинг ва таъбирномаларнинг илмий асосга эга эканлигини кўрсатади. Хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма манба бўлсин, туш лавҳаси ва ундаги рамзлар инсон руҳий оламининг рамзлари экан, уларга илмий ёндашиш ва илмий баҳо бериш бугунги кунимизнинг долзарб вазифасидир.

Ибн Ҳалдун, Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий каби мутасаввиф олимлар ҳам ўз асарларида туш ҳақидаги ўз қарашларини баён этганлар.⁷⁵

⁷⁴ Кўрсатилган манба. – Б.23 – 24.

⁷⁵ İbn Haldun. Mukaddime (Terc.Z.Kadiri Ugan). Cild I. – İstanbul: MEGSB yayini, 1988; İmam Gazali. İhyâ u 'Ulûmi'd-din (Terc. A.Serdaroglu). Cild IV. – İstanbul: Bedir yayinleri, 1975. – S.1066; Жалолиддин Румий. Маънавийи маснавий. – Тошкент, 1999. Биринчи жилд. – Б.65 – 75.

«Мукамал туш таъбирлари энциклопедияси», «Мукамал туш таъбирномаси», «Комил ат-таъбир», «Тушлар таъбири» каби асарлардан бизга маълумки, тушга аждодларимиз жиддий муносабатда бўлганлар.⁷⁶

Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг ижодида тушга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Сабъаи Сайёр», «Садди Искандарий», «Мажолис ун-нафоис» ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларида тушнинг гўзал намуналари келтирилганки, улар алоҳида тадқиқот мавзуидир. Қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, то олис ўтмишдан бугунги кунга қадар ҳеч бир ижодкор туш мавзуини четлаб ўтмаган.

Фарбда туш ҳақида жуда кўп файласуфлар, тарихчилар, ижодкорлар фикр билдиришган. Аммо Зигмунд Фрейдга қадар тушни ҳеч бир ижодкор махсус ва мукамал тадқиқ этган эмас.⁷⁷ Зигмунд Фрейд узоқ вақт инсон ҳолати ва руҳияти устида кузатиш олиб борди ва инсонни англаш, унинг қалбига, юрагига кириб бориш, ундаги хасталикни енгил учун, энг аввало, унинг руҳиятига «тил» топиш керак деган фикрни илгари сурган. Файласуфнинг бу фикрлари ўз даврида кескин

⁷⁶ Nablûsi İmam. İslami rüya tabirleri ansiklopedisi. – İstanbul: Cumle yayinleri, 1996; Муҳаммад Тақлисий. Комил ат-таъбир / Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент, 1992; Ҳусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукамал туш таъбирномаси / Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннахр, 2008; Биноий. Тушлар таъбири. – Тошкент: Халқ мероси, 1996.

⁷⁷ Фрейд З. Толькования сновидений. – Мн.: Поппурри, 1997. – С.50 – 144; Фрейд З. Сон и сновидения. – М.: Олимп, 1997. – С.15 – 534.

қаршилиқларга дуч келди. «Туш ўрганилишга арзимас бир нарса, уни ўрганиш бизга ҳеч нарса бермайди», – дея эътироз билдирган мухолифлари унинг тадқиқотларидан сўнг тушга бошқача муносабатда бўла бошлашди. Айниқса, Зигмунд Фрейд ўзининг «Туш таъбирлари» деган махсус тадқиқотини яратгандан сўнг энг ашаддий рақиблари ҳам унга тан беришди.

«Зигмунд Фрейд, – деб ёзади Стефан Цвейг ўзининг машҳур эссесига, – инсондаги буюк жасоратнинг тимсолидир! У инсониятни бахтлироқ эмас, онглироқ қилди... У олам манзарасини бутун бир авлод кўз ўнгида теранлаштирди».⁷⁸

Зигмунд Фрейд тадқиқотларидан сўнг унинг кўплаб издошлари ҳам тушни тадқиқ этишга киришдилар. Бироқ улар орасида Карл Густав Юнг⁷⁹ ва Эрих Фроммларнинг тадқиқотлари⁸⁰ алоҳида диққатга сазовордир.

Зигмунд Фрейд, Карл Густав Юнг ва Эрих Фромм тадқиқотларида, энг аввало, туш инсон руҳиятининг ифодасидир деган қараш ётади. Бу олимлар тушни инсон руҳиятининг турли ҳолатлари билан боғлашади. З.Фрейд тушда инсоннинг болаликдан сақланиб қолган пинҳоний майллари, К.Г.Юнг оммавий онг ости ҳиссиётлари, Э.Фромм ташқи дунё рамзлари: онг даражасига ўсиб чиқмаган, бироқ инсон қалбида ташқи дунёнинг рамзи бўлиб қолган турли кечинмалар устувор-

⁷⁸ Цвейг С. Зигмунд Фрейд // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. №2. – Б.140.

⁷⁹ Юнг К.Г. Воспоминания, сновидения, размышления. – Мн: Поппурри, 1994; Юнг К.Г. Аналитическая психология. – М.: Мартис, 1995; Юнг К.Г. Психологические типы. – М.: Университетская книга, 1996.

⁸⁰ Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992. – С. 180 – 298.

лик қилади деган фикрни ўртага ташлайдилар. Бу олимларнинг туш ҳақидаги фикрлари бир-бирини инкор этувчи эмас, аксинча, бир-бирини тўлдирувчи фикрлардир. Учала олимда ҳам бир нарса: туш – инсон руҳиятининг кўзгуси сифатида тадқиқ этилади.

З.Фрейд ва К.Г.Юнг тадқиқотларидан сўнг Фарбда инсоннинг руҳий ҳолатларини очишда туш муҳим восита бўлиб қолди ва атайин тушга, унинг руҳий, жисмоний таъсирига бағишланган юзлаб туш ҳақидаги ҳикоялар юзага келдики, барчасида тушнинг инсон ҳаётидаги ўрни тадқиқ этилди. Лотин америкалик машҳур адиблар – Х.Л.Борхес ва Х.Кортасарларнинг асарлари бунинг мисолидир.⁸¹

Туркиялик олимлардан Фикрат Туркман, Ҳасан Кўксал, Сулаймон Қазмас каби олимларнинг илмий ишларида туш ҳақида сўз юритилади.⁸² Проф. Умай Гунайнинг «Ошиқ тарзи, шеър дунёси ва туш мотиви» номли монографиясининг икки боби турк фольклоридаги туш талқинига бағишланган.⁸³ Бироқ бу тадқиқотларнинг кўпчилигида туш махсус монографияк планда тадқиқ этилмаган.

⁸¹ Борхес Х.Л. Страшный сон // Иностранная литература. – М., 1990. №3. – С.179 – 185; Кортасар Х. Страшные сны // Иностранная литература. – М., 1990. №3. – С.185 – 188.

⁸² Türkmen Fikret. Manas destani Üzerinde İncelemeler. – Ankara: TDK yayini, 1995; Türkmen Fikret. Köroğlu'nun Özbek varyantları // Millî Folklor. – Ankara, 1989. №4. – S.8 – 9; Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. Cilt II. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1995; Kazmaz Süleyman. Türk halk edebiyatında rüya ve aşk bâdesi motifi // Erdem. – Ankara, 1985. №1. – S.17 – 26; Köksal Hasan. Battalnameelerde tip ve motif yapisi. – Ankara: MIFAD yayinleri, 1984; Ergun Metin. Kazak Halk Akinlarında (Şairlerinde) Rüya Motifi // Millî Folklor. – Ankara, 1994. №23. – S.8 – 14.

⁸³ Günay Umay. Aşık tarzı şiir geleneği ve rüya motifi. – Ankara: Akçağ yayınları, 1999.

Аждодларимиздан мерос қолган кўплаб адабий ёдгорликларда туш муҳим ўрин тутди. Халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳисобланган дostonларимизда, эртақларимизда, асотир ва ривоятларимизда, мақол, топишмоқ ва кўшиқларимизда туш ва туш билан боғлиқ рамзларга дуч келамиз.

Атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов Виктор Жирмунский билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси» номли китобида бахши ҳақидаги афсоналарда туш алоҳида ўрин тутишини қайд этиб ўтади.⁸⁴

Албатта, бунинг қатор сабаблари бор. Маълумки, бахшичилик, яъни эпик анъана авлоддан авлодга ўтиб, асрлар оша оғзаки равишда сақланиб келган санъатдир. Бахши ўз эпик хотирасида ана шу анъаналарни сақлаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда бу эпик анъана янада бойиб, янгиланиб борган. Улар эпик билим ва эпик хотиранинг меросхўрлари, асровчилари эдилар. Аждодлардан мерос қолган бу эпик хотирани улар ўз қувваи ҳофизасига кўра ижро этганлар.

Бахшилар, айниқса, бахши шоирлар устоз-шогирдчилик анъаналарига жиддий қараганлар. Ўзбек бахшиларининг кўпчилиги ўз устозлари ҳақида деярли сўзлашмайди. Улар ўз қобилиятларини сир сақлайдилар ёхуд илоҳиёт билан боғлашади. Бунга сабаб – халқимизнинг бахшиларни, эпик ижодиётни муқаддас деб билишидандир.

Эпик қатлам орасида бахшиларнинг ўз санъатини сирли – илоҳий эгаллаганлиги ҳақида турли афсоналар мавжуд. Бу ҳол фақат ўзбек бахшиларига хос хусусият эмас, халқаро миқёсда кенг тарқалган. Бахши илоҳий қобилият эгасидир. Ҳамма ҳам шомон бўлавермаганидек, ҳамма ҳам бахши бўла-

⁸⁴ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947. – С.23 – 58.

вермайди. Эҳтимол, мана шунга ўхшаш мифологик тасаввурлардан бахшиларнинг илоҳиёт билан боғланиши ҳақидаги қарашлар пайдо бўлгандир?!

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўлади. Биринчи ҳолат – бахшилар билан боғлиқ бундай афсоналарнинг кўпчилигида бахшининг хасталикка йўлиқиши ва бўлажак бахшининг касал бўлиб қолиши ҳамда касалликдан фақат куйлаш орқали халос бўлиши. Иккинчи ҳолат – бахшининг тушга қаттиқ ишониши. Бахши реал воқеликка қандай ишонса, ўз тушига ҳам, туш билан боғлиқ афсоналарга ҳам чин ҳақиқат деб ишонади. Худди туш каби унинг хаёл дунёси ҳам шу қадар кенг, чексиз-чегарасиз ва бепоёнки, уни фақатгина ўзи каби ижодкор одамгина тушуниши мумкин. Мана шу жараён биз учун жуда муҳим.

Бахшидаги қобилиятнинг туш, яъни илоҳиёт билан боғланиш сабабларини ҳеч ким айтиб беролмайди. Бу қобилият унга қандай келди, нега айнан уни қийнайди, азоблайди? Бахшининг ўз қобилиятини сирли тарзда эгаллаши қанчалар ўрганилмасин, барибир жумбоқлигича қолиб келмоқда. Бахшини, у яратган эпик ижодиёт намуналарини ўрганар экансиз, сиз ўзингиз ҳам тобора бу сирга кўпроқ ишонч ҳосил қиласиз, бу мафтункор, сирли ва сеҳрли дунёнинг асирига айланасиз.

Бу тасаввурлар, эҳтимол, мифологик тасаввурлар маҳсулидир?! Шомоннинг «ўзга дунё» – «нариги олам»га саёҳати «руҳлар билан мулоқоти» ҳақидаги тасаввурлар маҳсулидир?! Бу биз учун сирли, ҳақиқатдан узоқ афсонадек туюлади. Бироқ бунинг ҳақиқат эканига бахши ҳам, тингловчи ҳам ишонади. Ана шу ишонч туфайли бу дунёқараш бугунги кунга қадар яшаб келмоқда. Бироқ, энг муҳими, бирор-бир бахши ўз-ўзидан ёхуд четдан пайдо бўлмайди. Бирор-бир бахшини ўрганиш учун у вояга етган муҳитни ўрганиш лозим бўлади. Чунки у ана шу эпик муҳитда катта бўлади, вояга етади. Бўлажак бахши ўз тинглаганларини, кўрган-кечирганларини, ҳис

этганларини, руҳиятидаги товланишларни аста-секин ўз хотирасига жойлай боради.

Кўпгина тадқиқотчилар қаҳрамонлик эпосининг эпик қатламда ҳам бадиий асар, ҳам тарихий, ҳам эстетик ва амалий бир асар сифатида қабул қилинишини ёзади. Қаҳрамонлик эпоси ўзининг дастлабки пайтида мифологик маросим характерида эди. Даврлар ўтиши билан бу эпик ижодиёт ўзининг дастлабки хусусиятларини йўқотиши билан бирга, унинг айрим жиҳатларини сақлаб ҳам қолди. Қадим тасаввурга кўра, эпосни куйлаш орқали табиатга таъсир қилиш мумкин деб ўйлашган. Бахшилар куйлар экан, улар бевосита руҳлар билан мулоқотга киришган. Беморларни даволаш, табиатга таъсир қилиш, қурғоқчиликда сув сўраш, тошқиннинг олдини олиш, урушда ғолиб келиш, мўл ҳосил йиғиш, овда муваффақиятларга эришиш, фарзанд кўриш, бойликка эгалик қилиш – буларнинг ҳаммаси бахшининг вазифасига кирган. Бахши одамлар билан руҳлар ўртасидаги воситачи ҳисобланган. Бахши икки дунёни туташтирувчи кўприк бўлган. Шунинг учун бахшининг ижтимоий мавқеи шу қадар юксак эди. Ибтидоий инсон тасавбурида сўз илоҳий ҳисобланган. У ҳаракат ва оғзаки ижронини асос қилиб олган. Ҳаракат танники, сўз эса руҳга, руҳиятга тегишли деб ўйлаган. Сўзга кишан солиб, асир қилиб бўлмади дейишган. Шунинг учун ҳам ёзувга қизиқмаган. Ёзув пайдо бўлгунга қадар оғзаки ижро ўзининг мукамал даражасига етган. Эҳтимол, қадим маросимларда такрор ва такрор ижро этилган дуо ва илтижолар тилимиздаги фразеологик бирикмаларнинг, эпик формулаларнинг юзга келишига асос бўлгандир. Шу тариқа санъат ва магия бир-бирига қоришиб кетган. Даставвал, у бир-биридан айро ҳолда тасаввур этилмаган. Эпик формулалардаги рамзлар, оҳанг ва қатъий тизим дастлаб магик функция бажарган бўлса, даврлар ўтиши билан унинг ўрнини эстетик функция ола бошлаган. Шунинг учун ҳам бахши ҳақида сўз юритганда бу санъат-

нинг шомонлик билан боғлиқ эканини англаш лозим бўлади. Эҳтимол, шунинг учун эпик жараён фақат шомонлик излари яхши сақланиб қолган халқлардагина бугунги кунга қадар яшаб келаётгандир?! Бахшининг:

Эшитганнинг кўнглида армон қолмасин, –

дея айтган мисрасида ҳам ана шундай магик-ритуал тасаввур излари мавжуд.

М.Н.Хангалов бурятлар тунда кўркмаслик, ёвуз руҳлардан сақланиш учун Абай Гэсэр Богдахон ҳақидаги дostonни айтишларини ёзади. Қирғиз жырчиси Келдибек куйлаганда осмонни қора булут қоплаган, ер силкинган. Олонхочи Артаман куйлаганда одамлар ҳушларидан айрилган, дарахтлар қулаган. Хакаслар эса қаҳрамонлик қўшиғи руҳларга таъсир қилади, ер ости ёвуз руҳларига етиб боради деб ўйлашади. Қурғоқчилик ва ҳарбий урушлар пайти эпос куйланган. Кўпгина манбалар эпоснинг ов пайтида магик функция бажарганини ёзади. Бурятларда улигерлар куйланса, ов яхши бўлишига ҳалигача ишонишади. Мўғулларда касал бўлганларни «Гэсэр», яъни мўғул эпосини ўқиб тузатишади. Бизнинг бахшиларимиз эса ижро пайтида уларга азиз авлиёлар, эранлар кўмак бериб туришини айтишади. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шомонлик маросимларида эпос ижро этилган, эҳтимол, шунинг учун эпосда шомонлик излари, у билан боғлиқ тасаввурлар яхшироқ сақланиб қолгандир?!

Сибирда шомон ижроси билан бахши ижроси ўзаро ўхшаш эканлиги кузатилган. Олмон эпосшуноси К.Райхл эса шундай бир фактни келтиради: «Кэт шомонидан қаҳрамонлик дostonини куйлаб беришни илтимос қилишганда у айнан шомон гимнини куйлай бошлаган».⁸⁵

⁸⁵ Reihl Karl. Türk Boylarının Destanları (Gelenekler, Şekiller, Şiir Yapısı). (Çeviren: Metin Ekici). – Ankara: TDK Yayını, 2002. – S.122.

Бахши ижро этаётган эпик матнда ҳам худди шомонликдаги каби азиз авлиё ва эранларга мурожаат қилинади. Биз биламизки, шомон асосан руҳлар билан мулоқотга киришган, унинг руҳи нариги дунёга сафар қилган, турли руҳлар қиёфасига кирган. Шунинг учун ҳам ўз ижросида у ана шулар ҳақида, у дунёга боргани, ўлиб-тирилгани ва яна бу дунёга қайтиб келгани ҳақида ҳикоя қилган. Биз шунга ўхшаш ҳолатнинг бир оз ўзгаришга учраган кўринишини эпик бахшилар ижодида кўрамыз. Улар ижро этган дostonлар, аслида, шомоннинг «нариги дунё», «ўзга олам»га қилган саргузаштини эслатади.

«Қизиғи шундаки, – деб ёзади Б.Путилов, – шомонлик матнлари характери жиҳатидан бахши матнларига ўхшаб кетиши кишини янада ҳайратга солади. Улар куйлаган матнлар, шубҳасиз, эпос намунасидир. Бироқ, афсуслар бўлсинки, шомонлик кўшиқлари билан эпик ижро матнлари ҳали жиддий тадқиқ этилмаган».⁸⁶

Шомон ва эпик ижрочининг макон, замон, олам ҳамда одам ҳақидаги тасаввурлари, бадий тасвир воситаларидаги ўхшашлик ана шундай хулосага келишимизга асос бўла олади. Кўпгина эпик терминларнинг шомонлик терминлари билан ўхшаш эканлиги, эҳтимол, шундандир. Халқимизда бахши сўзининг икки маънода қўлланиши ҳам фикримиз далилидир.

Бу китоб кейинчалик рус тилига ҳам таржима қилинди. Рус тилидаги таржима инглизча ва туркча нашрларидан бир оз фарқ қилади. Муаллиф кейинги йилларда йиққан маълумотлар билан мазкур нашрни тўлдирган. Қаранг: Райхл К. Тюркский эпос. Традиции, формы, поэтическая структура. – М.: Восточная литература, 2008.

⁸⁶ Путилов Б. Эпическое сказительство. – М.: Восточная литература, 1997. – С.59.

Эвинкларда нимнаган деганда ҳам эпик жанр, ҳам маросим, яъни камламоқ тушунилади. Малайцлардаги паванг термини ҳам шомон, табиб, маросим ижрочиси сифатида келади. Туркий тилдаги «йумак», «ымак», «нумах» мўғулча «дамағ», яъни афсона, эртақ, ривоят, қадимги туркча «йом» шомон ҳикояси маъносидадир. Худди бахши каби шомон ўз хоҳиши билан бўлмайди. Балки уни руҳ танлайди. Шунинг учун у даставвал қаттиқ касалга чалинади. У руҳлар айтганини қилгачина дарддан фориг бўлади. Худди бахши каби шомонга ҳам келгуси тақдири тушида аён бўлади. Шомон ҳам устозга шогирд тушади. Ундан шомонлик маросим сирларини ўрганади. Аста-секин маросимларни ўзи бошқара бошлайди.

Архаик эпосда шомонлик қатлами яққол сезилиб туради. Олимлар «Калевала» эпосининг асосида шомонлик ётишини айтадилар. Ф.Ойнас эса «Калевала»ни шомонлик эпоси сифатида талқин этади.

«Алпомиш» достонида Алпомишнинг етти йил зиндонда ётиб, унинг ҳақида «ўлди» деган хабар тарқалиши ва унинг зиндондан сўнг қиёфасини ўзгартириб юртига қайтиши беихтиёр шомоннинг нариги дунёга сафарини ёдимизга солади.

Қаҳрамон алпнинг нариги дунёга сафаридан мақсад – магик қудратга эга бўлиб қайта туғилиш, бир мақомдан иккинчи бир мақомга кўтарилишдир. Шу сабабли турк, жумладан, Олтой шомонларининг ҳозиргача сақланиб қолган маросимларида беҳушлиқда ўзини чавақлаш, бошини кесиб ташлаш, танасини тилка-пора қилиш ҳолатлари учрайди. Бу ҳолат шомоннинг бир мақомдан иккинчи бир мақомга ўтишидаги маросим билан боғлиқ бўлиб, танани тўлиқ инкор этиб, руҳ билан бирлашишни билдиради. Танасини инкор этиб, янгидан туғилган, ҳомий руҳлар қувватини ўзида жамлай олган шомонга дунёни янгилаш, янгидан қуриш имкони берилади.

Шомон ва бахши тушунчалари бир-бирига боғлиқ тушун-

чалар эканидан Кўрқут ота ҳақидаги кўплаб афсоналар гувоҳлик беради. Уруғбоши, йўлбошчи, шунинг билан бир вақтда эпик маданият вакили Кўрқут ота мисолида шомоннинг қай тахлит даврлар ўтиши билан бахши – ижрочига эврилишини яққол кўриш мумкин. Эпик ижоднинг турлича, яъни лингвистик, психологик, фалсафий ва бадий, мифологик талқинлари бизни бир нарсага – бахши ва шомон, аслида, бир синкретик образнинг турли даврлардаги турлича кўриниши эканлигини кўрсатишига ҳеч шубҳа йўқ. Замонлар ўтган сайин шомон ва бахши вазифалари аста-секин бир-биридан фарқлана борган.

Эпосни англашдаги бундай эврилишлар халқнинг тарихи, қаҳрамонлик ўтмиши ва маънавиятининг сарчашмаси бўлган эпик онгнинг тараққий этишида муҳим роль ўйнаган. Эпосдаги мифологик-магик жиҳатлар аста сўна бориб, шомон, табиб ва бахши функциялари бир-биридан тобора фарқлана борган. Энди бахши шомон функциясидан кўра эл донишманди, юрт маслаҳатчиси, эпик анъаналар давомчиси сифатида намоён бўла борган. Эпик қатлам онгидаги бундай эврилишларни англасакки, нима учун эпик анъана баъзи жойларда тезда унутилиб, баъзи жойларда ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётганлиги сабабини тушуниб етамиз.

Буларнинг бари эпоснинг, бахшининг, қолаверса, этноснинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи ва ўрни ҳақида сўзлашга мажбур қилади. Ижтимоий ҳаётда уларнинг мавқеи тушиши билан эпоснинг ҳам сўниш жараёни бошланади. Эпик хотира бу халқнинг тарихидир. У мифологик ёки қаҳрамонлик қобилига қанчалик ўралган бўлмасин, у барибир этнос учун муқаддас бўлиб қолаверади.

Кўпгина бахшилар ўзларидаги куйлаш қобилиятини туш, яъни илоҳиёт билан боғлаши табиий. Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев ўзининг «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» номли китобида Муродбахш ғори ҳақидаги худди ана

шундай афсонани келтириб ўтади.⁸⁷ Даствлаб чўпон ёхуд бирор-бир касб эгаси бўлган бўлғуси бахши тушида ўзига кимдир дўмбира бериб кетганини ёхуд тушида куйлай бошлаганини кўради. Бу каби афсоналар фақатгина ўзбек бахшиларигагина хос эмас, балки жаҳон эпик ижодкорларига хос хусусият ҳамдир.

Фарбда куйчи Кэдмон ҳақидаги афсона жуда машҳур. Бу афсонага кўра, черков хизматчиси Кэдмон ўзида куйлаш қобилияти йўқлигидан жуда уялиб юрган. Йиғинларда куйлаш навбати унга келганда давраларни тарк этган. Бир куни тушига бир чол кириб, унга: «Қани, Кэдмон менга куйлаб бер-чи», – деган. Кэдмон куйлаш қобилияти йўқлигини айтгач, чол яна унга: «Куйла», – деб буйруқ берган. Кэдмон тушида бирдан куйлай бошлаган. Шундан сўнг у черковнинг энг машҳур куйчисига айланган.

Кўрган туши туфайли фавқулудда поэтик қобилиятга эга бўлган бундай санъаткорлар ҳақидаги афсоналар типологик ҳодиса эканлигини В.М.Жирмунский ўзининг «Бахши ҳақидаги афсона» номли мақоласида яхши очиб берган.⁸⁸

Ёқут эпоси тадқиқотчиси В.В.Илларионовнинг келтирган маълумотига кўра, олонхочининг тушида ҳар доим руҳлар олонхо куйлаб кетишади.⁸⁹ Қалмиқ бахсиси Муксбюн Басанговнинг айтишича, у ёшлигида касал бўлиб қолган ва Эрликхон, яъни ўликлар мамлакатига бориб қолган. Эрликхон унга жангарчи бўлишини айтиб, бу дунёга яна қайтариб юбор-

⁸⁷ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.31 – 34.

⁸⁸ Жирмунский В.М. Легенда о призвании певца // Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979. – С.397 – 407.

⁸⁹ Илларионов В.В. Искусство якутских олонхоустов. – Якутск., 1982. – С.14 – 17.

ган.⁹⁰ Хакасларда Хайжи бу Хай руҳи билан боғлиқ. Хай руҳи тушига кирган одам бахши, яъни хайжи бўлади.⁹¹ Бахши – бу илоҳий руҳлар танлаган киши. Кўпгина афсоналарда Қўрқут ота бахшининг тушига кириб, унга куйлашни буюради.⁹² Ойротларда Этэн Гончак ҳақида шундай афсона бор. У мол боқиб юрганда олдига бир аждарҳони минган алп келади-да, ундан куйлашни истайсанми деб сўрайди. «Ҳа», – деб жавоб бергач, унга бир жонлиқ қурбонлик қил дейди. У уйғонганда атрофида ҳеч ким йўқ, фақат бир бўри бир эчкини ғажиётган бўлади. Шундан бошлаб у куйлай бошлаган экан.⁹³ Туркиялик фольклоршунос олим Метин Эргун манасчиларнинг кўрган тушларини таҳлил этар экан, бахши, оқин, жиров, ўзон ва манасчиларнинг кўрган тушлари бир-бирига ўхшаб кетишини таъкидлайди.⁹⁴ Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўлади. Биринчидан – бахшилар билан боғлиқ бундай афсоналарнинг кўпчилигида бахшининг хасталикка йўлиқиши ва бўлажак бахшининг касал бўлиб қолиши ҳамда касалликдан фақат куйлаш орқали халос бўлиши. Иккинчи ҳолат – бахшининг ўз тушига қаттиқ ишониши. Бахши реал воқеликка қандай ишонса, ўз тушига ҳам, туш билан боғлиқ афсоналарга ҳам чин ҳақиқат деб ишонади.

⁹⁰ Овалов Э.Б. Легенда о «Жангаре» в записи Б.Бергмана // Типологические и художественные особенности «Джангара». – М.: Элиста, 1978. – С.65 – 71.

⁹¹ Майногашева В.Е. О традиционном бытовании хакасского героического эпоса – Алыптых ныхмах // Учен.зап.Хакасского НИИ ЯЛИ. Сер. филол. Вып. XIV. – Абакан, 1970. – С.110.

⁹² Жирмунский В.М. Легенда о призвании певца. – С.404 – 406.

⁹³ Монголо-ойротский эпос. – М., 1923. – С.23.

⁹⁴ Ergun Metin. Kazak Halk Akınlarında (Şâirlerinde) Rüya Motifi // Millî Folklor. – Ankara, 1994. №23. – S.8 – 14.

Қирғиз фольклорининг тадқиқотчиси З.Қидирбоева ажойиб бир маълумот келтиради. «Бахшиларнинг туш кўриши билан боғлиқ афсоналар, – дейди у, – улар ўйлаб топган уйдирмалар эмас. Аксинча, узоқ йиллик ўқиб-ўрганиш, кўникма ва маълум бир малака ҳосил бўлгандан сўнги шогирднинг «пишиб етилгани»ни кўрсатувчи бир ҳолатдир».⁹⁵

Ҳақиқатан ҳам, шогирд бахши маълум бир поғонага кўтарилгандан сўнг, у ўнгида ҳам, тушида ҳам фақат бир нарса-ни, ўз устозидан ўрганганларини қандай ҳаётга татбиқ этиш, қандай ижро қилиш ҳақида тинимсиз ўйлай бошлайди. Бу бахшининг маълум бир малака ҳосил қилгандан кейин руҳий тай-ёргарлигини кўрсатувчи бир жиҳатдир. Худди тасаввуфдаги суфийлар каби улар ҳам ўз ижодининг маълум бир босқичига кўтарилгач, энди ўзлари ҳам ижод этиш қобилиятига эга эканлигини, бунга руҳий жиҳатдан кўникма ҳосил бўлганини ана шундай англаб олишлари мумкин.

Олимларимиз томонидан туш махсус ўрганилмаган бўлса-да, айрим мақола ва рисоаларда туш ҳодисаси фольклор манбаларида алоҳида ўрин тутишини таъкидлаганлар.⁹⁶ Бу тадқиқотларнинг ичида фолькоршунос Тоҳир Ҳайдаровнинг

⁹⁵ Қидирбоева З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе: Илим, 1984. – С.9 – 11.

⁹⁶ Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпомиш» // Об эпосе «Алпамиш». – Ташкент: Фан, 1959. – С.6 – 25; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1979; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.41; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981; Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.73 –76; Саримсақов Б. «Орзигул» дostonи юзасидан бир неча қайдлар // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1978. –

мақоласи алоҳида ажралиб туради. У ўзининг «Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида» номли мақоласида «Гўрўглининг туғилиши» дostonидаги туш мотивини кенгроқ таҳлил этишга ҳаракат қилган.⁹⁷ Бу мақола ХХ асрнинг 90-йилларига қадар фольклоршуносликда туш талқинига бағишланган бирдан-бир мақоладир. Зеро, шўро тузуми даврида туш на адабиётшунослик, на фалсафа, на руҳшунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг туш ва инсон руҳиятини ўрганишда янги давр бошланди. Энг аввало, туш билан боғлиқ кўплаб манбалар нашр этилди⁹⁸ ва туш илмий жиҳатдан ўрганила бошланди.⁹⁹ Турли таъбирномалар

Б.27 – 36; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.52 – 67; Раҳмонов Н. Битиклар оламида. – Тошкент: Фан, 1990; Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва скифлар маданияти // Адабий мерос. – Тошкент, 1985. №3 (34). – Б.76 – 80.

⁹⁷ Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Адабий мерос журнали. – Тошкент, 1986. №2. – Б.55 – 60.

⁹⁸ Биноий. Тушлар таъбири. – Тошкент: Халқ мероси, 1996; Муҳаммад Тақлисий. Комил ат-таъбир / Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент, 1992; Ҳусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлсий. Мукамал туш таъбирлари / Форсайдан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008; Фаридуддин Аттор. Илоҳийнома / Форсайдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2007; Боболардан қолган нақллар / Ёзиб олувчи Раҳмутулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчи, сўз ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев ва У.Сатторов. – Тошкент: Фан, 1998.

⁹⁹ Ҳаққул И. Тасаввуф луғати // Тафаккур. – Тошкент, 1999. №4. – Б.92 – 94; Ҳаққул И. Шайх Акбар // Тафаккур. – Тошкент, 2000. №2. – Б.92 – 101; Дўстхўжаева Н. Эртақларда туш ҳодисаси // Тафаккур. – Тошкент, 1998. №4. – Б.85.

ва туш ҳақидаги Фарб олимларининг рисоалари¹⁰⁰ чоп этилди.

Мавжуд манбалар, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон» туркумлари ва бошқа юзлаб дostonларимиз, эртакларимиз, асотир ва ривоятларимиз, мақол, топишмоқ, кўшиқларимиздаги туш ва у билан боғлиқ рамз, ҳолат, кечинмалар монографик йўналишда махсус тадқиқ этишни талаб қилади. Зеро, туш шунчаки тасодифий ҳодиса бўлмай, инсон руҳиятининг бир кўриниши, онг ости кечинмаларининг ўзига хос намоиши ҳамдир.

Тафаккуримизга куч-қувват бериб турувчи бундай кечинмаларни ўрганиш, руҳиятнинг турли товланишларини билиш адабиётшунослик учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам муҳимдир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб биринчи бобга шундай якун ясашимиз мумкин:

1. Туш феноменал физиологик-руҳий, инсоният тарихининг барча даврлари учун хос, умумий, айна пайтда, ўта индивидуал ҳодисадир. Инсон тушида худди реал ҳаётдагидек кўриши, эшитиши, ҳид ёки оғриқ сезиши, кулиши, йиғлаши, завқланиши, қайғуриши ва бошқа ҳиссий кечинмаларга дуч келиши мумкин. Шу жиҳатдан уни нафақат физиологик, балки англанмаган ўзига хос эстетик ҳодиса сифатида ҳам баҳолаш мумкинки, барча санъатлар тарихида ва бугунда мифлар каби туш мотиви, унинг образли ифодаларига такрор-такрор дуч келамиз.

2. Ҳозирги замон кишисининг онгини шартли равишда турли қатламлардан иборат дейиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, бир инсоннинг ижтимоий тараққиётнинг қайси босқичидаги мамлакатда ёки муҳитда яшаётгани, билими, дунёқараши

¹⁰⁰ Цвейг С. Зигмунд Фрейд / Русчадан Маҳкам Маҳмуд таржумаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. №2 – 3. – Б.133 – 156.

даражасига қараб унинг онг қатламларидан бирида мифологик тасаввурлар устувор, иккинчи инсоннинг тафаккурида диний эътиқодлар, учинчи бировида илмий қарашлар етакчи бўлиши мумкин. Инсонлар онгининг бундай хилма-хиллиги туфайли, умуман олганда, ибтидоий даврлардан XXI асргача кишиларнинг тушга муносабатида катта фарқлар сезилмайди. Бироқ турли мамлакатлар, турли халқлар тараққиётнинг турли даражасида яшаётгани учун тушга муносабат тарихини шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) мифологик муносабат. Анимистик тасаввур, яъни жонруҳнинг абадийлиги, унинг бир шаклдан иккинчи шаклдаги танага кўчиб юриши мумкинлиги туш ҳақидаги мифологик, анъанавий қарашларнинг асосидир. Мифологик тафаккурда қадимги аждодларимиз тушда кўрилган воқеанинг ҳақиқийлигига, албатта амалга ошишига қаттиқ ишонишган. Уни руҳлар, тириклар ва мархумлар дунёси билан боғловчи ҳодиса деб тушунишган. Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичида яшаган қадимги барча уруф-қабилалар тушни инсон ухлаб ётганда жоннинг танадан чиқиб, турли жойларни айланиб кўриб келиши деб тушунишган, бу пайтда тана вақтинча ўлим ҳолатида бўлади. Бундай қараш анимизм, ибтидоий маданият босқичидаги барча халқлар, архаик ва замонавий динлар учун хосдир;

б) анъанавий, диний муносабат. Архаик динлар, жумладан, шомонлик, ислом дини ҳамда Шарқда ҳам, Фарбда ҳам тушга сирли ҳодиса сифатида қараш умумийлиги сақланиб қолган бўлса-да, Фарбда тушнинг илоҳийлиги инкор этилган. Шомонлар фаолияти ва маросимларида тушга алоҳида эътибор берилган. Исломгача тушлар хосиятли ва хосиятсиз деб тасниф қилинган. «Ирқ битиги»даги туш таъбирларининг «бу яхши», «бу ёмон» хулосалари ана шуни ифодалаган. Бундай тасниф оддий халқ ўртасида ҳозиргача сақланиб қолган. Ис-

ломда тушларга алоҳида эътибор берилиб, улар вазифасига кўра раҳмоний ва шайтонийга бўлинган.

3. Тушларнинг мукамал таъбирлари, энг аввало, Шарқда яратилган. «Ирқ битиги – Таъбирнома»да 65 та туш таъбири келтирилган. Таъбирлар диний ва анъанавий характерга эга бўла борган. Туш ва унинг таъбири диалектик бирликдаги ҳодисалардир. Шарқда таъбирчилик юксак профессионал даражасига кўтарилган. Ибн Ҳалдун, Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий ва бошқа кўплаб мутасаввифларнинг асарларидаги туш ҳақидаги қарашларини дастлабки илмий талқинлар сифатида баҳолаш мумкин. Улар тушни инсон ахлоқи, руҳияти, эътиқоди билан боғлаб талқин қилганлар.

4. Фарбда туш ҳодисасини махсус ўрганган З.Фрейд тушда инсоннинг болаликдан сақланиб қолган пинҳоний майллари устуворлик қилади деб, бадиий ижодда янги руҳий таҳлил методига асос солди. Унинг издошлари: К.Г.Юнгнинг тушни оммавий онг ости ҳиссиётлари, Э.Фроммнинг ташқи дунё рамзлари деб талқин қилишлари бу методни янада бойитди. Уларнинг таълимотлари бадиий асарлар талқинида ҳам асослаб берилди.

5. Туш феноменига мифологик, анъанавий, диний, илмий қарашлар тарихи бошқа тадқиқ методлари қаторида психоаналитик методни ўзбек фольклори асарлари тарихи, поэтикасини ўрганишга ҳам тўлиқ татбиқ этиш мумкинлигини кўрсатадики, тадқиқотимизнинг кейинги бобларида бу метод моҳиятини изоҳлаш ва бундай татбиқни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

II БОБ

ФОЛЬКЛОРДА ТУШ ТАЛҚИНИ

2.1. Туш ва миф муносабати

Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодини ўрганувчи кўплаб мактаблар мавжуд бўлиб, улар фольклоршуносликнинг у ёки бу томонини қамраб олади. Сўнгги икки асрда «Ритуализм ва функционализм», «Француз социологик мактаби», «Структурализм», «Символик назария», «Рус мифшунослик мактаби» каби мактаблар пайдо бўлди ва бу оқимларнинг ҳар бири фольклорга ўзига хос ёндашиши, олдига қўйган мақсадлари билан бир-биридан фарқланиб туради. Бироқ ҳеч қайси мактаб XIX аср охирида юзага кела бошлаган ва XX асрда ўзининг қиёмига етган психоаналитик мактабчалик шов-шувларга сабаб бўлган эмас. Психоаналитик мактаб немис олими И.Бахофеннинг 1861 йилда эълон қилинган «Оналик ҳуқуқи» тадқиқотидан сўнг маълум бир назария сифатида шакллана бошлади ва немис олимлари – В.Вундтнинг «Халқлар руҳияти», «Миф ва дин», З.Фрейднинг «Тотем ва табу», «Туш таъбири» каби асарлари ҳамда К.Юнгнинг тадқиқотларидан сўнг XX аср илмида йирик мактаб сифатида шаклланиб бўлди. Асримизнинг йирик файласуфлари – К.Юнг, Э.Фромм, Ж.Кемпбелл, М.Элиаде, В.Одайник, Ж.Хоббек, Э.Сэмозлс, М.Фордахмлар психоаналитик методнинг турли қирраларини, унинг мифшунослиқдаги беқиёс имкони-

ятини кўрсатиб бердилар, натижада аср бошида бу оқимга шунчаки вақтинчалик модернистик оқим сифатида менсимай қараганлар психоаналитиканинг мифшуносликдаги, нафақат мифшунослик, балки фалсафа, эстетика, адабиётшунослик, социология, сиёсатшунослик, этика, психология ва санъатдаги ўрнини тан олдилар.

Хўш, шунчалик шов-шувга сабаб бўлган ва мифшуносликда янги оқим сифатида баҳо олган ҳамда миф ҳақидаги антик даврдан бери ҳукм суриб келаётган қарашларни янги йўналишга буриб юборган бу оқим қанақа оқим ва қанақа назария? Унинг моҳиятида нимадан иборат ва унинг жаҳон фольклоршунослигидаги ўрни қандай? Бу назария миф тадқиқотида нимага суянади?

З.Фрейд, К.Юнг, Э.Фромм тадқиқотларида, энг аввало, миф инсон руҳиятининг ифодаси деган ягона қараш ётади. Тўғри, бу олимлар мифни инсон руҳиятининг турли ҳолатлари билан боғлашади: хусусан, З.Фрейд мифда шахвоний майл, К.Юнг оммавий онг ости ҳиссиётлари, Э.Фромм ташқи дунёни рамзлар орқали қабул қилган, бироқ онг даражасига ўсиб чиқмаган, инсон кўнглига ташқи дунёнинг рамзи бўлиб қолган кечинмалар устуворлик қилади деган фикрни ўртага ташлашади.¹⁰¹ Бир қарашда бу олимлар бир-бирига қарама-қарши фикр айтаётгандай туюлади, аммо гап шундаки, ҳар учала олимда ҳам бир нарса – миф инсон руҳиятининг инъикоси деган қараш мавжуд. Бу психоаналитик методнинг асосини ташкил қилади.

Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва

¹⁰¹ Фрейд З. Толькование сновидений. – Мн.: Поппурри, 1997; Юнг К.Г. К вопросу о подсознании // Человек и его символы. – М.: Серебряные нити, 1997. – С.13 – 103; Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992.

туйғулар икки хил шаклда ўзини намоён этади: биринчиси анланган, маълум мантиққа бўйсунган, ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий хулоса ва йўналишига эга туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва улар ҳақидаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифодалайди; буларнинг барчасини онг синтез қилиб беради, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд, ташқи дунё билан тинимсиз алоқа қилиб турувчи ҳислар. Бу ҳислар инсон ҳаракати, руҳиятининг асосини ташкил этади. Гарчи гапираётган гапларимиз, фикрларимиз, ўзимизни тутиш ва ҳолатларимиз бизга анланган, маълум бир мантиққа бўйсунгандай туюлса-да, аммо шу ҳисларни юзага чиқарувчи, ушбу тушунчаларга туртки берувчи асосий нарса онг ости ҳисларидир. Инсон руҳиятида онгли фаолият ва онгли ҳислардан кўра анланмаган ҳислар кўлам жиҳатдан чексиздир. Гарчи биз кўчада кетаётиб олдимиздан ўтган мушукни англамай қолсак-да, онг ости ҳислари уни ўзига қабул қилади ва маълум муддатдан сўнг ўзи қабул қилган рамзда тушимизга узатади. Шу сабабли тушимиз бизга ҳамиша ғайритабиий туюлади. Улардаги воқеа ва образларни онгимиз қабул қилолмайди. Бироқ тушдаги воқеа, ҳодиса, ҳолат ёки образ айнан онг ости ҳисларининг ташқи дунёни қабул қилиш рамзлари бўлиб, одам онгли фаолиятдан тўхтаган, яъни уйқу пайтида бу ҳислар инсон миясига ўзи қабул қилган рамзларни тарқата бошлайди. Миф ва эртаклар ҳам ҳали инсон онгли фаолият даражасига кўтарилмасдан ёки дастлабки онгли фаолият босқичларида яратилган бўлиб, у пайтлар инсон руҳиятида онгли фаолият онг ости ҳислари даражасида эди. Мифлар қуруқ тушунча ёки аждодларимизнинг дунёқараши рамзи эмас, балки онг ости ҳисларининг дунёни қабул қилиш пайтдаги рамзларидир. Бугунги тушунчада юксак тараққий этмаган у пайтларда онг ости ҳислари инсон фаолияти ва

қарашини ўзида акс эттирган. К.Юнг айнан шу ҳолат мифларни яратди, айнан шу ҳолат бугунги онгли инсонни катта кашфиётлар қилишга мажбур қилди деган фикрни ўртага ташлайди.¹⁰² Онгли фаолият инсонни ўзи яшаб турган олам қонунқоидалари, ахлоқи билан чегаралаб кўяди. Онг ости ҳислари инсонни ҳамиша поэзия билан, табиат билан яқинлаштириб туради, унда ижодий ҳиссиёт туғдиради. К.Юнг: «Ҳозирги одам фан ва техникага сарфлаётган ижодий қудратини қадимда аждодларимиз мифларни яратишга сарфлаган эди», – дейди.¹⁰³ Инсондаги ижод қилиш ҳисси, ижодий руҳ онг ости туйғуларига хос. Шу сабабли фольклорда, у қанчалак қадим бўлмасин, инсон руҳияти рамзлари ётади. Туш каби мифда ҳам мантиқий тафаккур изчиллиги бузилади. К.Юнг туш бу асли аждодларимиздан генлар орқали бизга мерос қолган мифик тасаввурлардир деб таъкидлайди. Тўғри, файласуф бу ерда туш фақат аждодлардан мерос қолган тасаввурлар оқимидан иборат демайди, балки замонавий одамнинг ўз туши, яъни ўзи яратган мифи ҳам бор. Туш – бу замонавий одамнинг мифи. Гарчи юксак цивилизация даврида яшаётган бўлсак-да, ҳар бир одам ё англамай миф яратади, яъни онг ости ҳислари онг тараққиёти, мантиқий тафаккур ривожидан қатъи назар, ўз мифларини яратаверади ва бу мифлар тушда мантиқий тафаккурга кўниккан, табиат олдида ҳайратга ҳам, кўрқувга ҳам тушмай кўйган бугунги одамнинг тушларида акс этади. Замонавий одамда мантиқий тафаккур билан онг ости ҳислари ораси минг йиллик онг тараққиёти натижа-сида узилиб қолганлиги сабабли ҳам бизга бугун тушлардаги ва мифлардаги кечинмалар, воқеалар ғайритабиий туюлади. Мифлар яратилган даврда бу узилиш деярли сезилмасди.

¹⁰² Юнг К.Г. Ўша асар. – Б.17.

¹⁰³ Кўрсатилган манба.

Ҳатто бугун онгли фаолият бирламчи бўлган тафаккур даврида ҳам баъзан онг бирон муаммони ечишга ожиз бўлиб қолганда инсон фаолиятини онг ости ҳислари қўлга олади, яъни у бошқаришга ўтади. Баъзан «интуиция билан сезди», «интуицияси ёрдам берди» деган фикрларни эшитамиз-у, лекин айнан интуиция онг ости ҳислари эканига эътибор бермаймиз. Онг ости ҳислари инсоннинг ижодий қувватини белгиловчи ҳислар бўлиб, шеър ёки санъат асари яратаётганда, гўзаллик инсонни тўлиқ камраб олганда, ё муҳаббат, ё нафрат кишида ҳайрат уйғотганда онг ости ҳислари юзага қалқиб, инсон тафаккурига бевосита ўз маҳсулини беради. Санъатдаги поэтик мушоҳада билан мифдаги рамзий мушоҳада айнан бир нарса.

Санъат ва мифнинг тили битта – рамзларга асосланади. Ҳар иккаласини ҳам рамзларни шарҳлаб ўрганиш мумкин. К.Юнг мифларни таҳлил қилишда кўпроқ оммавий онг ости ҳисларига (коллективный бессознательность) катта эътибор беради. Унинг фикрича, оммавий онг ости ҳислари мифлар яратилаётганда асосий ўрин эгаллаган.¹⁰⁴ Бу онг ости ҳислари мифларга рамз, тимсол, сурат сифатида кўчиб ўтади, тўғрироғи, ташқи дунёни рамзлари билан қабул қилади. Момақалдиروقни найза дея тушуниш бу мифларни яратган ибтидоий аждодларимиз учун ташбеҳ эмас, шундай тушунилган, қабул қилинган. Психоаналитика мактабининг катта хизмати шунда бўлдики, улар мифларни, халқ оғзаки ижодини рамзларни шарҳлаш ва инсон психологиясини тадқиқ қилиш билан уйғунлаштира олди. Гарчи метод ягона бўлса-да, мифлардаги рамзларни шарҳлашда ҳар хил қарашлар дунёга келди. Ана шу қарашлар ҳар хиллигидан З.Фрейд ва К.Юнг бир мактаб вакили бўла туриб, К.Юнг мифлар асосида омма-

¹⁰⁴ Юнг К. Кўрсатилган асар. – С.339.

вий онгсизлик рамзлари ётади деган қарашни ўртага ташлагач, рақобатчи файласуфларга айландилар.

Психоаналитика назарияси «Шоҳ Эдип» трагедиясини шарҳлашда ўзининг мукамал даражасига етди. Шуни айтиш керакки, биргина шу асарни психоаналитика назарияси намояндаларининг деярли барчаси шарҳлаган, аммо бу шарҳ турличалиги билан диққатга сазовордир. «Шоҳ Эдип» З.Фрейд назарида она ва бола ўртасидаги англашилмаган майлни, К.Юнг фикрича, оммавий онгсизликни рамзлаштиради. Э.Фромм фикрича эса асар патриархал ва матриархал тузумларни ва шу даврга хос ота, она, боланинг ички кечинмаларини – табиийки, англалмаган, бироқ мияга рамз ҳолатида чўккан ҳиссиёт, кайфиятлар курашини акс эттиради. Психоаналитик мактаб намояндalари шу уч хил қараш таъсирида кейинчалик уч оқимга асос солдилар.

Шуни айтиш керакки, психоаналитика методи XX аср бошидан буён жаҳон мифшуносларининг қизғин баҳсига айланган. Бу методни ўрганиш фольклоршунослигимизни жаҳон фольклоршунослигининг илғор оқимлари билан таништирибгина қолмай, миф, асотир, эртак ва дostonларимизни ўрганишда, улардаги рамзларни шарҳлашда жуда зарур. Зеро, миф ва эртаклардаги рамзларни таҳлил қилиш бизнинг фольклоршунослигимизга ҳам бой материал беради.

«Шоҳ Эдип» трагедияси шарҳидаги З.Фрейд назарияси маълум манода тушунарли. К.Юнг «Оммавий онгсизлиги»ни изоҳлаб ўтишга тўғри келади. Шахсга хос хусусият шаклланмаган, онг ҳали шахс бўла олиш даражасида ривож топмаган, кўп нарса оломонга хос кайфият ва тушунчалар билан аталадиган ҳолатни Юнг оммавий онгсизлик деб номлайди. Оммавий онгсизликнинг қуйи даражаси оломончиликдир. Ҳар бир киши каби маълум гуруҳ, оломонда ҳам уларнинг ҳолати, кайфияти, ички дунёсини ифодаловчи бир хил онг ости ҳислари мавжуд.

Тафаккур тараққиётида шахс хусусиятлари намоён бўлмаган барча нарса омма нуқтаи назари ва омма тушунчаси ҳамда савиясидан келиб чиқиб баҳоланган, бошқача айтганда, тасаввур қилинган руҳий ҳолат оммавий онгсизлик деб аталади. Оммавий онгсизлик оломон кайфиятини ифодалайди. У бошқарилиши ва йўналишига қараб ёвуз ёки эзгу куч касб этиши мумкин. Одам руҳияти шундай мураккаб системаки, унда ёвуз кучни уйғотиш жуда осон. Оломон кайфиятини текширган Э.Фромм унинг кўр-кўрона сиғинишини ва ҳамиша раҳнамога, йўлбошчига ташна туришини, натижада раҳнамо, маъбуд ёки йўлбошчига ишончи мифик тарзда тушунилишини таъкидлайди. Бунда онг ости ҳислари иштирок этади. Илк космогоник қарашлар оммага, оломонга хос қарашлардан ташкил топган. Уруғчилик тузуми оломон кайфияти ва инон-ихтиёри ҳукмрон давр эди, яъни ҳамма нарса «биз» ёки «бизники» тарзида ифода этиларди. Бу даврда табиат ҳаммага бир хил иқтидор, салоҳият ато этганди. Кейинчалик жисмонан кучли ёки турмушда бошқаларга қараганда кўпроқ тажриба тўплаганлар шахс сифатида ўзини намоиш қила бошладилар, уларда «Мен» пайдо бўлди. Шу тарзда мантиқий тафаккур билан онг ости ҳислари ўртасида бўлиниш бошланди. Мантиқий тафаккурнинг бугунги тараққиёти даврида ҳам онг ости ҳислари йўқолиб кетгани йўқ, у ҳамон инсон руҳиятининг асосини ташкил қилади. Психоаналитик мактаб руҳиятининг шу қисмини ва мифлардаги руҳий ҳолатларнинг рамзларини ўрганади.

Ушбу мактаб вакиллари биринчи марта мифни замонавий одам билан бирга қўйишни ўргана бошлади. Бу метод асосчилари фикрича, миф – инсоннинг фақат ўтмиши, аجدодларнинг хаёлпарастлиги эмас, балки уларнинг кайфияти ва ўзи англаб етмаган, бироқ мияда сингиб ётган ҳолат, кечинма ва таассуротларидир. Мифга аجدодларнинг жўн хомхаёллари ёки чўпчаклари сифатида эмас, инсон руҳиятининг инъикоси

сифатида қараш зарур, шу сабабли ҳам миф ўтмиш садоси эмас, у кеча, бугун ва эртанинг мужассами, инсон руҳияти манзарасидир. Миф одам билан бирга яшайди, одам яшар экан, у ўзича миф яратади. Бироқ ҳамма ҳам ўз мияси яратган мифни «ўқийвермайди».

Мия яратган мифни, яъни инсон ҳаёти давомида бошидан кечирган кечинмалар, ҳиссиётлар, кайфиятлар, таассуротларни бугунги цивилизация ахборотлари билан тўлган онгимиз бирдан юзага чиқара олмайди: бу таассуротлар кўпинча онг ости қатламларида ётади ва одам ахборот олишдан, кундалик онгли кечинмалардан тўхтаган пайти, яъни уйқу ҳолатида туш сифатида юзага чиқади. Агар тушларимизга кирадиган «даҳшат»лар, ғайритабiiй воқеаларни миф билан солиштирсак, кўп жиҳатдан ўхшаш эканлигига гувоҳ бўламиз. Тушларимиздан, шу жумладан, мифлардан ҳам воқеалар ёки махлуқлар «даҳшатли» бўлгани учун эмас, биз бу воқеа ва «даҳшат»нинг тилини билмаганимиз, уни шарҳлашга бугунги «юксалган» онгимиз қодир бўлмаганлиги учун даҳшатга тушамиз. Психоаналитик методнинг вакиллари ана шу ўхшашликдан келиб чиқиб туш ва мифнинг айни бир нарса, яъни ҳар иккаласи ҳам инсон онгига рамзлар билан қабул қилинадиган ва рамзлар билан шарҳланадиган ҳолатлар деб баҳо берганларида мифни ўрганишда янги метод юзага келганини бутун дунё эътироф этганди. Туш ва мифни ўрганувчи, шарҳловчи тилни Э.Фромм «рамзлар тили» деб атайди¹⁰⁵ ва бу атама ҳозир жаҳон фалсафа ва фольклоршунослигида кўп такрорланадиган атамага айланди.

«Рамзлар тили» мифларни ва тушни шарҳлашда энг зарур ва ягона восита эканлигини айтиб ўтдик. Аждодларимиз

¹⁰⁵ Фромм Э. Забытый язык // Душа человека. – М.: Политиздат, 1992. – С.

бугун ибтидоий давр деб баҳо бериладиган пайтларда бизга қараганда юз карра шоирроқ эдилар. Улар, албатта, поэзияни тушунмасдилар, бироқ, бугунги тил билан айтганда, ўша минглаб йиллар аввал уларнинг тафаккур тарзи «поэтик мушоҳада» тарзида эди: улар ҳаётлари ва табиатдаги ҳар бир нарсани тасаввур қилган тушунчаларнинг рамзи сифатида қабул қилардилар. У пайтлар осмон, сув, кўкат, қуёш, ой, ёруғлик ва зулмат – тангрилар эди; қуёш ўрнини тун эгалларкан, эзгулик ва ёвузлик кураши кетаяпти деб ўйлашарди. Ҳайвонлар ҳам муқаддас саналар, уларнинг ичида ҳам ёвуз ва эзгу ниятлилари бор деб тушуниларди. Эзгулик маъбудлари осмонда, ер юзида ёруғлик билан бирга, ёвузлик тангрилари ер остида, зулмат билан бирга яшашади деб ўйлардилар. Олтой мифларидан бирида ҳатто дарахт тангри – ҳаёт дарахти ҳақида ҳам афсона бор. Атроф ва табиатда кўп нарса ҳали исмсиз эди; аждодларимиз ҳар бир нарсага исм бераркан, бу исм ўз тасаввур ва тушунчаларининг рамзи эди. «Аждарҳо» деган сўз товуш ва лингвистик жиҳатдан улкан илонга ҳеч алоқаси йўқ эди, бироқ «аждарҳо» сўзи аждодларимизнинг назарида олов пурковчи, учиб юрувчи улкан илонга ўхшаш махлуқни рамзлаштиради: бу тушунча энг қадим тушунча бўлиб, ўзида динозаврлардан тортиб улкан қушлар ва ёвуз одамларнинг феъл-атвориғача бўлган тушунчани рамзлаштирар, аждарҳо гапирар, учиб юрар, улканлиги билан бутун қишлоқни бир ҳамлада ютарди. Аслида, буларнинг бари маълум тушунчаларнинг рамзи эди; бу рамзлар аждодларимизнинг ҳиссиёти, тасаввури, онг босқичи, ички кечинмалари ва кайфияти билан боғлиқ эди. Ёвузлик белгиси бўлган аждарҳо ёвузликка хос барча нарсани ўзида мужассам этарди: исмсиз ва номсиз, улкан ва офатгўй стихияларга бой табиат олдидаги оммавий кўрқув ўша давр мифларига бутунлай сингиб кетган. Одам табиат олдида ожиз эди, бироқ борлиқ, жисмлар, коинот, наботот ҳақида шундай тасаввур-

лар қилардики, бу тасаввурлар тўлиқ рамзлар тили билан баён этиларди. Эртақларда учрайдиган кўпдан-кўп образлар қатори дев ҳам ҳар хил эди. Биз эртақларда Япроқ дев, Кўнғир дев, Оқ дев, Сарик дев каби рангларга боғлиқ девларни учратганимизда уларга зарб этилган рангларга унчалик эътибор бермаймиз, ваҳоланки, Япроқ дев – ўсимлик культининг, Сарик дев – олов культининг, Кўнғир дев – тоғ ва ғорлар, тошлар культининг, Оқ дев – осмон ва ёмғир культининг рамзлари сифатида эртақларда кезиб юради. Бундан ташқари, девлар ўзларида яна хилма-хил рамзлар ташийдики, бу рамзларни шарҳлаш бизга аждодларимизнинг поэтик мушоҳадаси ғоят кенг ва чуқур бўлганидан дарак беради. Мифлардаги рамзларга мурожаат қилиш бизга ғоят кенг бадий олам эшигини очади. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, мифлардаги ҳар қандай рамз ушбу рамзни яратган аждодларимизнинг маълум бир кайфиятини, ички дунёсини акс эттиради. Шундай миф, эртақ, дostonлар борки, улардаги маълум эпизодлардаги рамзларни психоаналитик метод ёрдамида шарҳлаш бизни аждодларимизнинг тафаккур босқичлари, онг жараёнлари, интилиш ва кечинмалари билан таништиради.

«Рустамхон» дostonида деярли эътибор берилмайдиган, барча эртақларга ўхшаб кетадиган шундай эпизод бор: онасини излаб юрган Рустамхон шоҳ қизини ейиш учун келаётган аждарҳони ўлдиради ва сал вақтдан сўнг шу дostonнинг ўзида Рустамхон зиндондан бўшаган девга дуч келади: девни мастон кампир Рустамни ўлдирдиш учун зиндондан бўшатган эди, бироқ дев Рустамни ўлдирмай, мастон кампирнинг ўзини ўлдиради.¹⁰⁶ Бу эпизод деярли барча эртақ ёки дostonларда учрайди, лекин бу хил психологик эпизодлар ўзбек

¹⁰⁶ Рустамхон. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – М.: Наука, 1972. – Б.169.

фольклоршунослигида ё тарихий, ёки маросим нуқтаи назаридан ўрганилган. Бу ерда, бизнингча, психоаналитик метод бўйича ёндашиш зарур бўлади.

Аввало, шуни айтиш керакки, энг қадим эртақларда, инсоният онгли ҳаётининг илк босқичида тангрилар ҳайвон қиёфасида тасаввур қилинади. Биз ҳайвон, қуш қиёфали тангриларни: Тиамат, Опсу, Улген, Эрликхон ва ҳоказоларни туркий халқлар қадим мифологиясидан хоҳлаганча топишимиз мумкин. Худди шунингдек, ёвузлик тангриларининг кучлари ҳам ҳайвон шаклида тасаввур қилинган. Аждарҳо шундай ёвузлик кучи бўлиб, кейинчалик, онг маданийлашгани сайин аждарҳо қиёфаси ҳам маданийлашиб борган. В.Пропп шаҳарлар пайдо бўлиши билан «илоҳ»лар ҳам ҳайвоний қиёфасини йўқотиб, одам қиёфасини олдилар дейди. Ёвузлик кучи аждарҳо ҳам онг маданийлашгани, инсон табиат сирлари ва кучларини англагани сайин одам қиёфасини олди: у энди одам каби юрадиган, қўлли-оёқли девга айланди. Бироқ у одам қиёфасини олгандан сўнг ҳам аждарга хос олов пуркаш, учиб юриш, ямлаб-ютиш, ғорларни макон қилиш каби белгиларни сақлаб қолди, яъни ёвузлик тангриси ва ёвузлик кучлари қиёфаси ўзгарди-ю, бироқ вазифалари ўша-ўша ёвузлик бўлиб қолди. Юқоридаги «Рустамхон» достонида худди ана шу жараён ўз ифодасини топган.

Ушбу шарҳдан кўриниб турибдики, дostonдаги воқеа эмас, балки унда сақланиб қолган қадим эпизодларнинг тарихий ва ижтимоий маъноси ҳатто дostonдаги кейинчалик бахшилар томонидан киритилган воқеадан ҳам кенгроқдир. Бу эпизод тўқима бўлмай, айтувчининг онг ости қатламларида англашилмаган тарзда мавжуд бўлган. Англашилмаган ёки онгга тўлиқ қалқиб чиқмаган ҳиссиётлар мифларнинг туб моҳиятини ифода этганлиги К.Юнг ва З.Фрейд томонидан исботланган ҳамда бу онг ости ҳиссиётлари психоаналитик методнинг асосини ташкил қилади.

«Рустамхон» достонидаги эпизод ҳам ана шу онг ости ҳиссиётлари маҳсулидир. Чунки тангриларнинг ҳайвон қиёфасидан одам қиёфасига ўтишини бир миф қилиб қўяй деб ҳеч ким уринмаган, ижод қилиш ва дoston тузилиши жараёнида бу эпизод ўз-ўзидан онг ва шуур оқими сифатида дostonга сингиб кетган. Онг ости ҳиссиётлари воқеликнинг рамзий кўриниши бўлиб, шу пайтгача ўзбек фольклоршунослигида бунга жуда кам эътибор берилган.

Достондаги Рустам ва аждарҳо жанги унчалик паҳлавонлар жангига ўхшамайди: Рустамнинг наърасини эшитиб аждарҳо ҳушдан кетади ва Рустамга бор-йўғи беҳуш аждарҳони чошиб ташлаш қолади. Кўриниб турибдики, наъра тортиш ва беҳуш аждарҳони ўлдириш унчалик катта ботирлик ҳам талаб қилмайди. Биз бу эпизодда жангни эмас, қадим тангрилар ўлиб, янгилари пайдо бўлиш жараёнини кўрамиз ва Рустам бу ерда ана шу янги майл рамзи сифатида иштирок этапти.

Бу хил мисолларни халқ оғзаки ижодидан кўплаб келтиришимиз мумкин. Психоаналитик метод фольклоршунослигимизни бойитса бойитадики, унга зарар етказмайди. Шу сабабли фольклоршунослигимизни дунё мактаблари билан муқояса қилиб ўрганиш тадқиқот методини ранг-баранглаштиради. Зеро, адабиётда мифологик тасвирга эҳтиёж ҳеч қайси замонда пасаймаган. Алишер Навоий асарларининг асоси мифга қурилган. Буюк шоир мифга ўз ғояларини, инсон ҳақидаги тадқиқот ва таълимотини сингирди. Фольклоршунослиқда миф ва ёзма адабиёт, Алишер Навоий ижодида мифларнинг тутган ўрни масаласига доир қатор тадқиқотлар мавжуд.¹⁰⁷

Европада эса XIX асрда бунёдга келган мифологик назариялар адабиётнинг яна мифга юз буришини бошлаб берди.

¹⁰⁷ Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006.

Нитше биринчи марта миф ва инсонни яхлит ҳолда тадқиқ этди. З.Фрейд, К.Юнг, А.Адлер мифшуносликнинг, мифга бўлган муносабатнинг янги назариясига асос солдилар. Бу назария миф билан адабиёт алоқасини мустаҳкам боғлаб берди: бу назарияга кўра, миф аждодларимизнинг тимсоллар тилига асосланган онг ости ҳис-кечинмалари инъикосидир. З.Фрейд мифга «онг ости шахвоний майлларнинг», К.Юнг «оммавий онг ости ҳисларининг», Э.Фромм «ақлий фаолиятгача бўлган онг ости ҳисларининг» намоён бўлиши деб баҳо бердилар. Шу жиҳатдан миф билан тушнинг фарқи йўқ эди ва бу баҳо мифни адабиётга мутлақ яқинлаштирди. Адабиётни услубий янгилашни мақсад қилган модернистлар мифга мурожаат қилдилар; тушга асосланган услуб — сюрреализм шу назария асосида пайдо бўлди. З.Фрейд, К.Юнг, А.Адлер мифнинг тимсолий тилини шарҳлаб бериши оқибатида мифга бўлган талаб кучайишига олиб келдики, инсондаги бадий мушоҳада тимсолий тилга асосланар экан, миф ва адабиёт поэтик тасаввур маҳсули сифатида бир-бирини тўлдириши мумкин деган қарашни ўртага ташлаган модернистлар мифик сюжет, рамз, тимсолларни адабиётга олиб кира бошладилар. Лекин бу «олиб кириш» шунчаки сюжетни қайтариш эмас, балки XX аср инсон руҳий дунёсини мифологик мушоҳада билан тадқиқ қилиш шаклида бўлмоғи керак эди.

Аслида, миф ва адабиёт мавзуси ёзма ижод пайдо бўлгандан буён файласуфлар, олимлар, шоирларнинг энг қизғин мунозара майдони бўлиб келган. Мифнинг адабиётга таъсирини аниқловчи, таҳлил қилувчи турли-туман оқимлар пайдо бўлди; бу оқимларнинг бир қисми адабиётни реал ҳаётга, реал тасаввурларга яқинлаштириш, ундан мифологик тасаввурларни суриб чиқариш тарафдори бўлса, бир қисми адабиётни мифга яқинлаштириш масаласини кўтардилар. Инсоният ақли мифдан, мифологик оламдан, аждодларнинг илк хаёлий дунёсидан қанчалик узоқлашиб ва тараққиёт зиналаридан кўта-

рилган сайин бу мавзу яна ҳам қизғинроқ тус олди. Атом, космик кема асри бўлган XX асрда ҳам физика ва кимёнинг ютуқларига қарамай, мифология яна адабиётнинг асосий мавзусига айландики, оқибатда «неомифологизм» деган оқим пайдо бўлиб, миф ва адабиёт алоқаларини биринчи марта илмий ўрганишга киришди. XX аср илғор адабиётининг йирик намуналари бўлмиш «Улисс», «Сехрли тоғ», «Доктор Фаустос», «Кўрғон», «Жараён», «Вабо», «Педро Парома», «Ёлғизликнинг юз йили», «Сарторис», «Ғазаб ва шовқин» каби асарлар адабиётдаги янгиланиш, унинг имкониятларини кенгайтириш, юксак поғонага кўтариш мифсиз содир бўлмаслигини кўрсатиб бергач, миф ва адабиёт алоқаларини энди қуруқ сюжетлардан эмас, инсон психологиясидан излайдиган фан – психоаналитика юзага келди. Бу фан миф – аждодлар дунёсининг яралиши, олам ва маъбудлар ҳақидаги жўн ва чўпчакона онгсиз тасаввурларнинг йиғиндиси эмас, балки инсон психологиясининг бир қисми, инсон руҳиятининг ажралмас бўлаги эканлигини исботлаб бера бошлади. Қизиғи шундаки, XVIII – XIX асрлардаги танқидий, романтик реализмларни ўзлаштирган, инсонни ўрганишда ўзигача бўлган бой тажрибадан унумли фойдаланган XX аср адабиёти инсон дунёси ва руҳиятини таҳлил қилар, ўзигача бўлган адабиётлардан ҳам кўра инсон руҳияти ва қалбига кўпроқ яқинлашар, уни тадқиқ этар экан, ана шу руҳият ва қалбда илк инсонлар дунёси каби мифологик тимсолларга дуч келди. Шундагина мифни фақат ифода усули, бадиийлаштириш воситаси сифатида эмас, балки инсонни таҳлил ва тадқиқ қилувчи поэтик тил сифатида қабул қилиш бошланди. Шу сабабли миф ва адабиёт алоқаси ҳақида гап кетганда бу алоқани фақат сюжетлаштириш ва тасвир усули, бадиийлик воситаси сифатида эмас, инсон руҳиятини акс эттирувчи поэтик тил сифатидаги ўрнига катта аҳамият бериш керак, зеро, Франц Кафка асарларида «Улисс», «Доктор Фаустос» каби параллел ми-

фик сюжетлар эмас, балки ички ва ташқи оламдаги мифологик жараён моделининг яратилиши муҳимдир.¹⁰⁸ Чунки инсоннинг ўз-ўзига ва ташқи оламга ётлашуви ва муносабати жараёни илк инсоннинг табиат ва илоҳларни культлаштириш жараёни ҳамда муносабатидан кам фарқ қилади. Инсон илк аждоди табиат, «илоҳ»лар олдидаги ожиз бўлганидек, бу ерда ҳам ўз тақдирини ўзгартиришга ожизлик қилади, ташқи ва ички олам жараёни мифологик модел устига қурилади. Шу сабабли ўз ихтиёридан ёт, олдиндан жараёнга маҳкум этилган ҳамда кўрғонни излаб йўлга чиққан ва уни тополмаган XX аср одамнинг руҳияти, тақдири маъбудлар қўлида бўлган, тақдир тақозосига қарши қанчалик курашмасин, барибир унинг қулига айланган, қанчалик истамасин, ҳеч бир воқеа ўз ихтиёри билан содир бўлмаган Эдипдан кам фарқ қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам одам ихтиёрсизлик қурбонидир ва ҳар иккала ҳолатда ҳам инсон ўз-ўзига ҳамда ташқи оламга бегонадир, демак, турли даврларда яратилган асар ва қаҳрамонлар муҳити мифик муҳитдир. Мифнинг бундай кенг имконияти ва инсонни таҳлил қилишдаги ролнинг беқиёслиги унинг адабиётнинг ажралмас қисми сифатида яшаб қолишини кўрсатдики, XX асрда эмас, умуман, инсоният шу пайтгача яратган ёзма адабиётнинг бирон улкан намунасини мифсиз, миф иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хўш, бу нимадан дарак беради? Адабиётга нега миф шунчалар «ёпишиб» олган? Адабиёт ва миф таъсирини қандай илмий асослаш мумкин? Умуман, нега адабиёт мифсиз яшолмайди? Нега мифсиз адабиётнинг умри қисқа? Бу саволга жавобни, бизнингча, икки нарсадан излаш зарур бўлади. Булардан биринчиси, инсоннинг ташқи олам билан муносабати ва уни қабул қилиш жараёнидир. Илк аждодларимиз ҳам худди шу ҳолатда мифлар-

¹⁰⁸ Кафка Ф. Избранное. – М.: Радуга, 1989.

ни яратган, яъни мифлар аجدодларимизнинг ташқи оламга муносабати, уни жонли, ҳаракатда дея тасаввур қилишлари, ана шу муносабатда инсоннинг тутган ўрнини белгилашлари, макон ва замон ҳақидаги тушунчалари оқибатида юзага келади. Э.Тайлорнинг аниқлашича, Африкадаги ҳанузгача қабила сифатида яшаётган ибтидоий қавмларнинг ер, осмон, фалак, табиат кучлари, олам ҳақидаги қарашлари ҳамон ўша олис замонлардаги каби ўзгармай қолган, яъни уларнинг бугунги тасаввурлари ҳам мифологик тасаввурлардан иборат.¹⁰⁹ Ташқи олам билан муносабат масаласи ва ундан туғиладиган тушунча ва тасаввурлар, бошқача айтганда, инсоннинг ташқи олам олдидаги ожизлиги оқибатида туғиладиган тасаввурлар йиғиндисидан миф яралади. Инсон беҳад кучли ва сирли ташқи олам олдида кичкина бир жонзотдир, унинг барча хатти-ҳаракати, ҳаёти, қисмати ана шу ташқи оламдаги кучлар қўлида ва у ана шу кучларнинг инон-ихтиёрини ифода этиб ҳаёт кечиради. Ана шу жойда эзгулик ва ёвузлик бўлинади, ташқи оламдаги қудратли кучлар эзгу ва ёвуз илоҳларга ажралади. Олам ана шу эзгу ва ёвуз маъбудларнинг мувозанатидан, курашидан иборат. Бу кураш инсон ичкарисси – руҳиятида ҳам акс этади. Агар одам руҳиятида ёмонлик пайдо бўлса, ёвузлик тангриси унинг ичкариссига кириб олиб, инсонни фақат ёмон ишлар қилишга ундайди. Ёки аксинча бўлиши мумкин. Бизнингча, XX аср адабиётида инсоннинг ана шу ожизлиги, ихтиёрсизлиги мавзуси асосий ўрин тутди. Шу сабабли «Улисс», «Сехрли тоғ», «Қўрғон», «Жараён» ёки бошқа асарларда инсон ихтиёрсизлиги бўрттириб тасвирланган.¹¹⁰

¹⁰⁹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – С.149 – 176.

¹¹⁰ Қаранг: Джойс Дж. Улисс. – М.: Эксмо, 2009; Кафка Ф. Избранное. – С.23 – 329.

Хусусан, бу асарларнинг ҳар бирида ўзига хос мифик олам яратилган. Бу оламда инсон ихтиёрсиз, ожиз қилиб тасвирланади, яъни шу мифик оламдаги ташқи, сирли кучлар инсон ихтиёрининг оддий ижрочилари, улар ихтиёрсизлик ва ана шу ихтиёрсизликдан туғиладиган маънисизлик қурбонларидир. Бу қурбонлик жараёни Ф.Кафка асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шуни айтиш зарурки, Кафка асарларида биронта миф эслатилмайди, мифлар келтирилмайди, бироқ асарлардаги образлар ўз ҳолати, ташқи оламга ёки ташқи оламнинг уларга муносабатига кўра мифологик образлардир. Кафкашунос М.Брод бу образларни маъбудлардан адолат ва шафқат ҳамда эътироф сўраётган мифологик образларга ўхшатади. Бошқа тадқиқотчилар эса асар Фрейд – Юнг назарияси асосида қайта талқин қилинган Нух пайғамбар ҳақидаги мифнинг таъсирида юзага келган. Хусусан, Нух отасининг мустабидлиги остида яшаган айбсиз айбдор ситамгар сифатида асар руҳига сингиб кетган дейишади. Бироқ бу талқин «Жараён»дан кўра «Ҳукм» новелласига кўпроқ мос тушади. Новеллада отанинг ўғлига муносабати ҳамда «Жараён»да ҳам қонуннинг Йозеф К.га муносабати ана шу мифни эсга солади, бироқ Кафка асаридаги мифологик талқин бевосита эмас, билвосита, яъни асарда яратилган тасаввур ва тушунчалар моделига сингдирилган. Шу сабабли бу асарларни хоҳлаган мифологик нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин бўлади. Бадиий олам мифни қайтариш эвазига эмас, балки ўша мифдаги олам моделини яратиш эвазига бунёдга келади ва асар қаҳрамони бутун инсониятни ўзида тимсоллаштиради. Мифик олам моделида ҳаракат қилаётган қаҳрамон мифдаги қаҳрамонлар каби ҳаракат қилади ва айбсиз айбдорга, илоҳларнинг қурбонига айланади. Йозеф К. ўзини нима учун суд қилишаётганини билмайди, бироқ унга тинимсиз қонуннинг адолатли томонларини (илоҳларнинг адолати каби) уқтиришади, уни суд қилишади, бироқ айбининг нималигини айтишмайди, су-

дьялар суд пайти турли суратлар чизиб ўтиришади, суд ҳам одатий бинода эмас, эски бир уйнинг томида, исқирт ва ташландиқ жойда бўлиб ўтади; турма руҳонийси Йозеф К.га ўз тақдирига кўниши кераклигини, агар гуноҳи бўлмаганда, иш кўзгатилмаслигини айтиб, уни ўзини қурбон қилишга кўндиради ва шу хизмати билан мифдаги коҳин вазифасини ўтайди; асар охирида Йозеф К.ни ташландиқ, тор, исқирт, қопқоронғу кўчада қатл этишади – бу қатлдан кўра оддий калла-кесарликка ўхшайди: Йозеф К. асар давомида адолат излаб тополмайди ва унинг қандай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди, оқибатда у ўзини қурбон қилишларига кўникади. Унинг қурбон бўлиши маъбудларга қилинган қурбонликни эслатади.

Тайлор қадим замонларда одамларни ҳар хил «илоҳ»ларга қурбонлик қилишларини ва буни қурбонлик қилувчи «илоҳ»ларнинг марҳамати сифатида қабул қилгани тўғрисида гувоҳлик беради. «Қўрғон»да қаҳрамон қўрғондан ўзини ер қазувчи сифатида эътироф этишларини истайди. Қўрғоннинг энг паст амалдорлари ҳам ўзини маъбудлардай тутаяди. «Қўрғон» юнон мифологиясидаги Зевс макони Олимпни, амалдорлар эса унинг атрофидаги илоҳларни эсга солади. Мифик олам модели асардаги ғайриоддий ҳодисаларга кенг имкон беради: К. қишлоққа келгач, меҳмонхона хўжайининикидан қўрғонга телефон қилиб ер қазувчи чақирилган-чақирилмаганини аниқлашади. Қишлоқдагилар қўрғон билан шу телефон орқали гаплашиб туришади ва ҳар хил кўрсатмалар олинади. Бироқ асар давомида маълум бўладики, қўрғон билан меҳмонхона ўртасида ҳеч қандай сим йўқ, алоқа ўрнатилмаган. Асарнинг мифологик модели уни хоҳлаган мифга нисбатан талқин қилиш имконини беради, шу сабабли тадқиқотчилар Ф.Кафка асарларини насроний, яҳудий мифларидан ташқари, Шумер мифларига, хусусан, Билгамеш (Гилгамеш)нинг «мангу ҳаёт суви»ни излаб, унга эришолмай ҳалок бўлгани ҳақидаги мифга ҳам қиёслайдилар. Ф.Кафканинг бевосита

бирон мифни эмас, балки мифик олам моделини асарига сингдириши, асарни ана шу модел асосига қуриши бевосита бирон параллел мифга асосланган, «Улисс» ёки «Сеҳрли тоғ» асарлари «Жараён» ва «Қўрғон»га нисбатан ўзининг қурилмасини тезроқ фош қилиб қўяди. Ж.Жойс мифга инсоният ҳаётининг давомийлиги сифатида ёндашади, Т.Манн ХХ аср ҳаётини тимсоллаштиришда мифдан фойдаланади, Ф.Кафка эса мифнинг асл моҳиятини очиб беради; бизга мифни келтирмайди, балки шу мифологик олам моделига олиб киради.

«Эврилиш»да биз бевосита мифологик маросимга – бир мақомдан иккинчи мақомга ўтишга, яъни одамни ҳайвонга айлантирган сеҳргарликка дуч келамиз ва бу «сеҳргарлик»ни энди жамият амалга оширади, инсонни ҳашаротга айлантириб ташлайди: мифология қадамма-қадам ҳайвон қиёфасидаги маъбудларни одам қиёфасига айлантирган бўлса, «Эврилиш»да биз одамнинг ҳайвонга эврилиш жараёнини кўра-миз. Умуман, ХХ аср адабиёти мифологияга янги муносабатни шакллантирди. Мифологияни тушунишда, уни талқин қилишда янги назарияни яратган психоаналитикларнинг инсон ва ижод жараёнлари ҳақидаги қарашларининг ўзиёқ мифологияни адабиётга, санъатга яқинлаштиради.

Психоаналитиклар ижодга онгсиз ҳисларнинг онг қатламига қалқиб чиқиши деб баҳо берадилар. Илҳом ақл бўғиб қўйган, ақлий фаолият тўхтатиб қўйган онг ости ҳисларининг бирдан юзага қалқиб чиқишидир. Буюк ижодкорлар онг ости ҳис-кечинмаларининг юзага қалқиб чиқишини оддий кўникмага айлантирган, онгли фаолият ва онг ости кечинмалари мувозанатини сақлай олган кишилардир. Психоаналитика фани инсон ичидаги «Мен»ни излар экан, у руҳий дунёдаги шу руҳиятга хос бўлган «миф»ларга дуч келди. Бу «миф»лар ўзининг инсон руҳий дунёсига таъсири жиҳатидан илк аждодларнинг мифларидан деярли фарқ қилмайди.

Руҳий дунёда «мен» шаклланмаган экан, у ерда культлар

мавжуд бўлади ва улар инсонни маънан мутеликда ушлаб туради. Мифлардаги қаҳрамон мақсадга эришишда илоҳлар, ёвуз руҳлар, деғу жинлар тўсиқ бўлганидек, унинг «Мен»га интилишини ҳар хил жимжима, сароб, умидсизликлар билан тўсиб туради, ўз кучига бўлган ишончни емириб ташлайди. Инсон ичидаги «культ» ўзларига маъбуд ясаб олган илк аждодларнинг руҳий дунёсидан кам фарқ қилади. Гарчи унинг ақли, онги илк аждодига нисбатан кескин фарқ қилса-да, уларни қиёслаб бўлмас даражада эса-да, Йозеф К. ичидаги культнинг илк аждодининг ичидаги культдан фарқи йўқ. Инсоннинг маънавий тарақиёти ва юксалиши фақат онг ва ақлнинг яшин худонинг найзаси эмаслигини ёки ерни хўкиз кўтариб турмаслигини билиши билан ўзгармайди, балки руҳий дунёдаги культларни енгиб, комил «Мен»ни қай даражада ярата олганлиги билан ўлчанади. Маданий қаҳрамон одамхўр дев ёки циклоп йўқлигини жуда яхши англайди ва бундай чўпчакка ишонмайди, бироқ унинг руҳий дунёсидаги культлар олдида ожизлиги, заифлиги, ички мутелиги ва қўркуви соясидан, ўзига тушиб турган аксидан ваҳимага тушиб, кул бўлиб яшашга мажбур қиладики, бу икки ҳолат ҳам фан нуқтаи назаридан миф деб аталади. Атоқли адиб У.Фолькнер асарларида «полковник»ларнинг шарпаси (арвоҳи эмас – Ж.Э.) кезиб юради ва шу шарпа қаҳрамонларни бошқаради. Ф.Кафка асарларида инсоннинг ожизлиги ва мутелиги, унинг ўз «Мен»идан ётлашуви, ихтиёрсизлиги қаршисида турган Жараён ва Қўрғон культларининг охирига етиб, ўз йўриғига юрдириб бўлмаслиги ҳақидаги маҳкумлиқ хулосаси туради; Т.Маннинг асарларида инсон руҳининг алдамчи эғизаги – ёвузлик ва мубталолик култи ҳукмронлик қиладики, инсон нимани яратмасин, ҳатто эзгулик номидан қилган ишлари ҳам охир-оқибат шу культга қилинган қурбонлик бўлиб чиқаверади. С.Беккет ёки театр абсурднинг бошқа намояндалари мантиқсизликка асосланган ҳаётларини культ қилиб, шунга сифиниб яшашади. А.Камю асарларида инсоннинг ҳаёти

охир-оқибат барибир бемаънилиқдан, маъносизлиқдан иборат-дир деган ақл культининг соялари ётади. М.Пруст асарларида сония, лаҳзани культ қилиб олиб, шундан маъни ва гўзаллик излаётган қахрамонлар кезиб юради. Биз «неомифологизм» оқимига мансуб хоҳлаган ёзувчининг асарида инсон ҳақидаги қайси даражададир «миф»ни учратамиз. Бу миф антик даврдаги мифларга параллел мифлар эмас, балки ўша мифларнинг такрори бўлмиш XX аср одами руҳиятидаги мифлардир. Шу сабабли ҳам бизнинг асримизда адабиётда мифлар маълум маънода янгиланди ва инсон руҳиятига кириб борилган, унинг онг қатламлари кашф этилган, адабиёт ҳақиқий инсоншуносликка айланган сайин цивилизация янги бир чўпчак деб қараган мифга эҳтиёж шунчалик кучайди. Ч.Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татиғулик кун», «Кунда» асарларида параллел мифлар шу бугунги инсон руҳиятида миф билан қиёсланиб, ҳар иккала мифдаги ўхшаш жиҳатлар кўрсатиладики, ёзувчи мифлар яратган аждодларидан кам фарқ қилади.¹¹¹ XX аср адабиётини кузатар эканмиз, Ф.Достоевскийнинг: «Одам жумбоқдир», – деган фикрига яқинроқ тарзда шартли қилиб айтиш мумкинки: «Инсон – бу миф». Бугунги адабиётимизда пайдо бўлаётган «Жажман», «Қора кун», «Кўк кўл», «Қора китоб», «Тун панжаралари», «Қадимдан бўлган экан» каби асарларда биз ана шу инсон ҳақидаги мифга яқинлашувни кўрамиз. Бу асарлардаги ўзларидан илгариги ҳикоялардан, А.Қаҳҳор мактабидан фарқли жиҳатлар, ғайриоддийликлар, ақл мантиғига зид, бироқ идрок ва руҳият мантиғини тўлдирувчи ҳолат ва фан-

¹¹¹ Айтматов Ч. Собрание сочинений в семи томах. – Бишкек: Туркестан, 1998. Т.2. – С.117 – 308; Айтматов Ч. Собрание сочинений в семи томах. – Бишкек: Туркестан, 1998. Т.3. – С.9 – 431; Айтматов Ч. Собрание сочинений в семи томах. – Бишкек: Туркестан, 1998. Т.4. – С.5 – 358.

тасмагориялар ана шу мифологик тасвирга бўлган интилиш натижасидир. Бироқ бу инсонни миф шаклида таҳлил қилиш масаласининг бир жиҳати. Унинг бошқа бир томони ҳам борки, бу услубга доир жиҳат. Мифологик тасаввур ёки мифологик ижод инсонни макон, замон, илоҳиёт тушунчаларига яхлитлаштиради, уни қайсидир макон, замонга тегишли ғоянинг ёки мафкура-нинг маҳсули эмас, макон, замон, илоҳиёт тушунчаларидаги яхлит бир умумийлик маҳсулига айлантиради. Кези келганда шуни айтиш керакки, социалистик реализм шу маънода инсонни сохталаштиришга, унга маълум бир ғоянинг маҳсули сифатида баҳо беришга уринди, бу эса инсонда мужассам бўлувчи яхлит тушунчани юзакилаштирди, уни ишлаб чиқариш воситалари каби бир ускунага айлантирди. Инсон ғоя инъикоси эмас, у ўзликнинг, ички «Мен»нинг, ички культнинг инъикосидир.

Миф, айтиш мумкинки, услуб имкониятларини кенгайтирди, поэтик мушоҳадага эркинлик берди, уни фалсафий кўлам билан тўлдирди. Маълумки, миф оламнинг яралиши, илоҳлар, уларнинг ўрни, вазифаси, умуман, дунёнинг ва инсоннинг яралиши ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисидир. Хўш, бу тасаввурларнинг поэтик тасаввурга, асар поэтикасига қандай алоқаси бор? Бу шу билан ифодаланадики, асарда ҳам мифдаги дунё каби ёзувчи дунёси яралади; яъни кенг олам ҳақида асарда фақат шу ёзувчига хос маълум ғоя сингдирилган ва маълум ғоясини ифода этган дунё яралади. Ана шу кичик олам ёзувчининг катта олам ҳақидаги мифологик мушоҳадасининг маҳсули ўлароқ пайдо бўлади; асарда ўз оламини яратаётган ёзувчи билан олам ҳақида миф яратаётган аждоди ўртасида фарқ йўқ. Ч.Айтматовнинг «Оқ кема» асаридаги мифология Она буғу ҳақидаги афсонада эмас, балки ёзувчи бола қалбида яратган олам – Она буғуга ишонч культида ўз аксини топади. Мифни шунчаки қайтариш, баён қилиш – бу ҳали ижод эмас. Европада ҳам, Америкада ҳам илғор адабиёт туғилишидан илгари мифларни шунчаки қайтариб ёки озгина ўзгар-

тиришлар киритиб мифологик руҳдаги асарлар эълон қилган ёзувчилар кўп, бироқ бу мифологик адабиётнинг илк босқичидир. Унинг юқори босқичи ёзувчи асарида у яратган дунё модели акс этади. Қадимги одамнинг дунёнинг яралиши, илоҳиёт, атрофни ўраб турган кучларнинг таъсирида туғилган тасаввури билан ёзувчи яратган дунё тасаввури ўртасидаги мантиқий боғлиқлик мифологияни поэтикага айлантиришдаги энг муҳим жиҳатдир.

2.2. Туш, маросим ва эпос

Туш ва маросим ҳақида сўз юритганда масаланинг икки муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим бўлади. Биринчи жиҳат – тушларнинг бевосита маросимдаги ўрни. Бундай қадим маросимларнинг рудиментларини тушни таъбирлаш билан боғлиқ урф-одат, ирим-сиримларда ҳам кўришимиз мумкин. Тушни таъбир қилувчининг шахси, жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилишининг илдизлари ана шундан.

Халқ орасида «Яхши тушга ҳам, ёмонга тушга ҳам садақа бериш керак», «Туш йўрилганидек бўлади» каби мақоллар бу маросим билан боғлиқ тасаввурлар ҳанузгача яшаб келаётганидан дарак беради. Қадимда эса бирор-бир тушни таъбир қилиш учун махсус маросим уюштирилган. Буқа, қўйлар сўйиб зиёфат берилган. Атрофдаги энг яхши таъбирчилар таклиф этилиб, мусобоқалар ташкил қилишган.

Кўпгина эртакларимиз, дostonларимизда ана шу маросим билан боғлиқ тасаввурлар изи яхши сақланиб қолган. Мисол учун, «Алпомиш» дostonида Бойбўри ва Бойсарига фарзандли бўлишлари тушда аён бўлади. Шундай хосиятли тушдан хурсанд бўлган ака-ука юртга зиёфат беради: «Бу сўзни эшитиб, бийларнинг жуда вақти хуш бўлиб, «тилаганимиз қабул бўлди», – деб кўнгли тўлиб, минди бедов отди, қистаб мазгилга қараб йўл тортди. Вақти хушлиги билан уч кеча-кундуз йўл юриб Бойсун-Кўнғирот элатига етди. Вақти хушлигига халойиқни, элни йиғиб, қирқ кеча-ю, қирқ кундуз тўй-томошо бериб ётди».¹¹²

Гарчанд бу парчада зиёфат сабаби хурчандчилиги учун дейилаётган бўлса-да, аслида, олдинги сатрларда бунга сабаб хосиятли туш эканлиги айtilган.

¹¹² Алпомиш. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга Тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.68.

Пўлкан шоирнинг «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Шохдорган кўрган тушини таъбирлаш учун таъбирчиларни йиғдириб, катта машварат ўтказди. «Ана энди Шохдорхон подшодан эшитинг. Шохдорхон подшо бир куни ёмон туш кўрди, тушида бир ажойиб иш кўрди. Шунда қуръаандоз мунажжимларини, ҳукамо таъбирчиларини йиғди. Йиғилганларга қараб Шохдорхон подшо бир сўз айтди».¹¹³

Худди шунга ўхшаш ҳолат «Юсуф ва Аҳмад», «Гулихиромон» дostonларида ҳам айнан такрорланади. «Юсуф ва Аҳмад»да Миср подшоси Гўзалшоҳ, «Гулихиромон»да шоҳи Гардон ўз тушларини таъбир қилдириш учун қуръаандозларни тўплаб, катта йиғин ўтказди.¹¹⁴

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бошқа туркий халқлар дostonларида ҳам туш таъбирига бағишланган маросимлар муҳим ўрин тутганини кўраимиз.

«Манас» дostonида бутун бошли бир бўлим «Манас баатыр туш коруп, той берип жорутканы» деб номланади ва бошдан-охир туш таъбир маросимига бағишланган. Манас тушида олтин қилич топиб олади:

*Жатып баатыр туш коруп,
Далай сонун иш коруп...
Жолго баатыр салыптыр,
Келе жатса, кезигип,*

¹¹³ Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Пўлкан шоир. Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.12.

¹¹⁴ Қаранг: Юсуф ва Аҳмад. Дoston / Айтувчи Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Ҳоди Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.47 – 48; Гулихиромон. Дoston / Айтувчи Ислом шоир Назар ўғли. Ёзиб олувчи Сиддиқ Асқаров. Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, С.Асқаров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – Б.226 – 235.

Жолунан чыгып калыптыр,
Байнеги алтин, сабы жез,
Узундугу уч-торт кез,
Сыртты калын, мизи курч,
Алкымы туз, кайкан уч,
Кандай болду бул кылыч?

Қахрамон бунинг оддий туш эмаслигини билиб, юртга чо-
пар юбориб, катта тўй-томоша уюштиради:

Ойгонуп Манас калыптыр,
Ою терен бу баатыр,
Оной эмес бу туш деп,
Оюна кыйланы алыптыр...
Окторулуп эр Манас,
Орчун кыргыз журтина
Ой-тоого кабар салыптыр:
Угузду журтка кабарын,
Кырк кундуз тойго келсин деп
Ар тарапка чаптырды,
Алтымыш бир чабарын...¹¹⁵

Йиғилганлардан ҳеч бир таъбирчи унинг тушини таъбир
қилолмайди. Фақат Ажибай (Ажыбай)гина бунга журъат эта-
ди. Манаснинг кўрган туши хосиятли туш эканини, тез орада
ниятлари амалга ошишини айтади.¹¹⁶

Туркиялик олим Баҳоуддин Угал «Манас» достонининг бош-

¹¹⁵ Манас. Сағымбай Оразбак уулунун варианты боюнча / Бас-
мага даярдап, создугун тузгондер К.Кырбашев, Ж.Мусаева, Р.Са-
рыпбеков, О.Сооронов. – Фрунзе: Кыргызстан, 1980. II китеп. –
Б.273 – 283.

¹¹⁶ Ўша манба. – Б.278.

қа вариантларида ҳам ушбу маросим муҳим ўрин тутганлигини қайд этади.

«Бу хосиятли туш учун (Манас – Ж.Э.) тўй беришни, кенгаш чақирилишини истади. Бу тушни тўғри таъбир қилганларга кўп молу дунё берайлик деди».¹¹⁷

Бундай маросим изларини биз «Илиада» достонида ҳам учратамиз. «Илиада»да туш энг кўп такрорланадиган мотивлардан бири бўлиб, дostonда туш таянч мотив сифатида келади десак хато қилмаган бўламиз.

Дostonда Париснинг онаси Ҳекуба унга ҳомиладор бўлиб, ой куни яқинлашиб қолганда бир туш кўради. Тушида мудҳиш ёнғин бутун Трояни қамраб олади. Бу тушини у эрига айтади. Эри бу хосиятсиз тушни коҳинга таъбир қилдиради. Коҳин тез орада Ҳекуба ўғил туғишини ва у Троянинг бошига улкан фалокатлар олиб келишини башорат қилади. Башоратга қарши ўзича чора кўрган Ҳекуба ва унинг эри бола туғилиши билан уни Ида тоғига олиб бориб, хилват ўрмонга ташлашни буюришади. Чақалоқ ўрмондаги айиқ сутини эмиб катта бўлади. Бир ёшга етганда уни ўрмондан топиб олган Агеллей ўзига ўғил қилиб олади.

Париснинг олдида келган маъбудлар унинг қўлига олма тутқазиб, қай биримиз чиройлимиз, шуни аниқлаб бер деб шарт қўяди. Афродита Еленани унга хотин қилиб олиб беришга ваъда бергани учун у Афродитани танлайди. Сўнгра у Трояга қайтиб келиб, ўзининг ота-онаси билан топишади. Ота-онаси тушдаги башоратни унутишади. Парис Еленани излаб Спартага йўл олади. У ердан Менелайнинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб гўзал Еленани ўғирлаб келади. Бу ҳақоратларга чидай олмаган Менелай Трояга уруш очади.

¹¹⁷ Bahaeddin Ögel. Türk mitolojisi. Cilt I. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1993. – S.510.

Шу тахлит Парис Троянинг бутунлай ёниб кул бўлишига са-
бабчи бўлади.¹¹⁸

*Лекин, дўстлар, аввал бирон коҳин ёки соҳибкаромат
Ё тушларни таъбирловчи сўзлаб берса*

(Туш ҳам Зевсдан-ку)

*Не боисдан экан Фебнинг бизга қаҳри? Ё қурбонликка
Юзта тана атаб, кейин унутдикми? Ё мудҳиш ўлат
Чангалидан бизни халос этмоқ учун тангри Аполлон
Истармикан қўй, эчкилар хушбўй ёгин ёндирмогимиз.¹¹⁹*

Яна:

Қушлаб билан фол очишда тенги йўқ зот донишманд

Калхас,

*Воқиф этди у ўтмишдан, мавжуд кундан ва келажакдан.
Юнонларни Аполлоннинг паноҳида денгизлар оша
Илионга бошлаб келган ҳам шу соҳибкаромат эди.¹²⁰*

Достоннинг иккинчи боби «Туш. Беотия ёки кемалар сано-
ғи» деб номланади. Зевснинг кўзига уйқу келмай, у ҳузурига
Тушни чақиртиради:

*Қалбаки Туш деган гоят мақбул фикр келди бошига,
Сўнг у Тушни чақиртириб, айтди унга ҳикматли сўзлар:
«Қалбаки Туш, гизиллаб уч, юнонларнинг бандаргоҳига
Ва сездирмай оҳиста кир Атрей ўғлин қароргоҳига.
Ҳозир сенга нелар десам, қулогига қуй ҳаммасини:
Жингалаксоч юнонларни ўзинг жангга бошлармишсан де,*

¹¹⁸ Ҳомер. Илиада / Русчадан Қодир Мирмуҳаммедов таржи-
маси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.14.

¹¹⁹ Қўрсатилган асар. – Б.27.

¹²⁰ Ўша жойда.

*Жами лашкар кўзголсин де: ниҳоят сен гавжум Илион
Шаҳрини заб этарсан де:
Олимп тоғида маскан қурганлар
Орасида муҳолифат қолмади де. Маъбуда Ҳера
Ўз фикрини ўтказди де самодаги илоҳийларга,
Приам элин бошига Зевс зўр фалокат ёғдирмоқчи де.¹²¹*

Туш бу ерда жонли бир персонаж сифатида тасвирланган.

*Туш фармонга қулоқ солиб парвоз этди мисли шамолдек.
Илоҳий Туш гап бошлади Нелей ўғли қиёфасида.¹²²*

Демак, у ўз қиёфасини ўзгартира олади. Энг муҳими, биз юқорида таъкидлагандек, тушни таъбирлаш учун махсус маросим уюштиради:

*Агамемнон шунда ахей лашкарини зўр маъракага
Йиғинлар деб фармон берди жарчиларга. Улар чор ёққа
Тарқалдилар жар солишиб. Одамлар ҳам тўпланди
дарҳол.*

*Вале бундан хиёл олдин Агамемнон Нестор кемаси
Турган ерга улугларни чақиртириб маслаҳат солди:
«Бугун, дўстлар, мен муаттар тун қўйнида кўрдим ажиб
туш,*

*Тушнинг бўйи, ҳаракати ўхшар эди Несторга гоаят.
Илоҳий Туш бошим узра туриб шундай деди рўй-рост.¹²³*

Йиғинда унинг тушини қумлоқ Пилос шоҳи Нестор хосиятли туш эканини айтиб жанг қилишга чорлайди.

¹²¹ Кўрсатилган асар. – Б.41.

¹²² Ўша жойда.

¹²³ Кўрсатилган асар. – Б.42.

*Шундан кейин қумлоқ Пилос шоҳи Нестор чиқди даврага
 Ва хушният билан шундай калом айтди оқсоқолларга:
 Модомики, Тушни ахей лашкарининг бош саркардаси
 Кўрибдийкан – ори ростдир: йигитларни, бас, шундай экан,
 Дам ганимат, жанг майдонга даъват этмоқ йўлин
 йўлайлик.*

Албатта, Нестор бунинг ёлғон туш эканини билмайди. Бироқ бу ерда бир нарса, тушга у ниҳоятда жиддий муносабатда бўлиб, тушдаги кўрсатмага амал қилиш зарурлигини уқтиради.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, туш инсон ҳаётида қанчалик ўрин тутса, оилавий-маиший маросимларда ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этиб келган. Юқоридагиларга қўшимча қилиб республикамизнинг жанубий вилоятларида бугунги кунгача сақланиб қолган никоҳ тўйи узвидаги туш билан боғлиқ маросимни мисол келтиришимиз мумкин. Никоҳ тўйидаги «Кампир ўлди» маросимида кампир ўзини ўлганга (ухлаганга) солиб ётади-да, кейин тирилик (уйғониб), кўрган тушини таъбир қилиб беради. Бу маросим «Алпомиш» эпосида ҳам тўлалигача ўз бадиий ифодасини топган. Шу ўринда туш ва маросим моҳиятини тўлароқ англаб етиш учун, аввало, эпик ижод ва маросим масаласига кенгроқ тўхталиб ўтиш зарур бўлади.

Мутахассислар эпос ва маросимни бир-бирига боғлаб турувчи энг муҳим жиҳат – халқ ижодининг специфик намунаси сифатида дostonлар маросим ва маросим фольклори билан бевосита алоқадорликда эканлигини урғулашади.¹²⁴

Шуни айтиб ўтиш керакки, эпоснинг, айниқса, қаҳрамонлик дostonларининг бевосита маросим билан боғлиқ жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Архаик эпосда, жум-

¹²⁴ Путилов Б. Эпос и обряд // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1974. – С.76.

ладан, «Алпомиш» достонида ҳам маросимларнинг муҳим ўрин тутиши ва устувор қонуният кашф этиши кузатилади. Бироқ қаҳрамонлик эпоси биргина маросимлардан келиб чиқади ёки туғилади деб хулосалаш масалани ўта жўн ҳал этиш бўлади. Эпос эпик формаларнинг трансформацияси орқали юзага чиқади. Ушбу архаик эпик форманинг бевосита маросим билан алоқадорлик томонларини тадқиқ этиш эпоснинг туб асосларини ёритишда ўта муҳимдир. Бу ўринда икки жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

– биринчидан, эпоснинг маросимлардаги ўрни ва функциясини. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида давом этаётган қадимий анъана – тўйу томоша ва бошқа маросимларнинг бахшилар иштирокида ўтказилиши;

– иккинчидан, маросимларнинг эпосда акс этиши, яъни маросимларнинг эпос сюжетида тутган ўрни.

«Алпомиш» достонини, таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг кўҳна маросимлар, урф-одатлар, ирим-сирим, табуларнинг «қомуси» деб аташ мумкин. Чунки ҳеч бир эпосда халқимизнинг маиший ҳаёти бунчалик кенг кўламда бадиий ифодасини топмаган. Фарзанднинг туғилишидан олдин овга чиқмоқ, суюнчи олмоқ, фарзанднинг туғилиши, фарзандга исм қўймоқ, этагига солмоқ, бешик тўй, масалаҳат, жарчи қўймоқ, чуфуррон тўй, тўёна бермоқ, аташтириб бешиккерт қилмоқ, иккинчи исм қўймоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, қаллиққа бормоқ, совчи қўймоқ, шартлашиш (кураш, кўпқари, пойга), куёв навқар, тўққиз товоқ, куёв товоқ, ўтни айланмоқ, қиз яширди, вақил ота, вақилини бермоқ, чимилдиқ тутмоқ, ит ириллар, ойна кўрсатар, соч сийпатар, қўл ушлатар, куёв улоқ, юз очди, бақан (таёқ) ташламоқ, солим бермоқ, ўлан айтмоқ каби турли-туман одат ва маросимларнинг «Алпомиш» эпосидан жой олиши муҳим аҳамиятга эга ва у махсус тадқиқотни талаб этади.

Эпос ва маросимни ўрганишда, авваламбор, қиёсий-типологик методнинг устуворлигини инкор этмаган ҳолда, струк-

турал, лингвопоэтик ва руҳий таҳлил каби кўплаб методларга ҳам суяниш лозим бўлади. Қиёсий типологик таҳлилда, биринчидан, маросимларни ўзаро қиёсий ўрганиш мумкин бўлса, иккинчи томондан, уни эпос ва эпосдаги мотивлар билан муқоясалаш имконияти туғилади. Лингвопоэтик ва руҳий таҳлил методлари эпос ва маросим семантикасини чуқурроқ ёритиб беришда асосий омил бўлади. Структурал метод эса эпос ва маросим тизимини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки архаик эпос билан маросим структураси ўзаро уйғун келишини кўрамаиз.

Шомоннинг шажараси, унинг танланиши, ҳомий руҳлар кўмагида бўлиши, ўзга дунёга сафар, ёвуз руҳлар билан жанги, ўзга қиёфага эга бўлиши бу шомонлик маросимида хос хусусиятдир. Архаик, жумладан, «Алпомиш» эпосида ҳам шажарага алоҳида урғу берилиши, Ҳакимбекнинг туғилиши ва доимо пирлар кўмагида бўлиши, қаҳрамонликлар намойиш этиши, сафарга отланиши, ёвузликка (ёвуз руҳларга) қарши кураши, етти йиллик зиндон, яъни рамзий ўликлик ҳолатидан сўнг қайта тирилиб чиқиб, Қултой қиёфасига кириши структурал жиҳатдан шомонлик маросими билан айнан бир хил эканлигини кўрамаиз. Қолаверса, эпоснинг генетик хусусияти унинг жанр структурасини ўрганиш орқали очилади.

Маросимнинг эпосда акс этиши ҳақида сўз кетар экан, унинг асосан икки: а) маиший турмушда ўз ижро ўрнига эга бўлиб, эпосда ҳам бадий акс этган (бефарзандлик, илоҳий кучларга сиғиниш, туш ва уни таъбир қилиш, фарзанднинг туғилиши, исм қўйиш, бешиккерт қилмоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, совчи қўймоқ, қаллиқ ўйнамоқ ва ҳоказо); б) маиший турмушда ижро ўрни унутилиб, бадий ҳолатга кўчган (фарзанд туғилишидан олдин овга чиқиш, куёвга келин томонидан шартлар қўйилиши ва ҳ.к.) жиҳатларини тадқиқ этиш лозим бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда унутилган

жуда кўп маросим элементлари, удумлари, табу, иримларнинг бадиий ифодалари фольклор асарларида сақланиб қолган.

«Алпомиш» достонида фарзанд туғилиши, яъни илоҳий туғилиш фольклорда етакчи мотивлардан бири бўлиб, у бир неча босқичлардан иборат. Биринчиси – ота-онанинг фарзандсизлик ҳолати. Бу, бир томондан, она уруғчилиги билан боғлиқ тасаввурларнинг маросим ва дostonларимиз қатламида сақланиб қолганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, дostonда рамзий маъно кашф этиб, пароканда элни бирлаштирадиган, ҳокимиятни мустаҳкамлайдиган янги авлод, янги алпнинг туғилишини англатади.

Қаҳрамонга исм берилиши билан боғлиқ ўринлар қисқа сатрларда айтиб кетилган бўлса-да, у дoston сюжетида муҳим аҳамиятга эга. Дoston қаҳрамони Ҳакимбек етти ёшга тўлганда Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон парли ёйни отгани учун «Алпомиш» деб аталади: «Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди: ...Бу Алпомиш алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтди».¹²⁵

Қадим маросимларда, хусусан, шомонликда маросимдан сўннг қаҳрамонга иккинчи исм берилган. Бу, биринчидан, шомоннинг эранлар томонидан танланганлигини ва руҳий камолотга етганлигини билдирса, иккинчи томондан, унинг бошқа қиёфага кирганлигини, магик қудратга эга бўлганлигини ҳам кўрсатган. Бугунги кунда ҳам республикамизнинг жанубий вилоятларида баъзан оилада ўғил фарзанд туғилса, уни «орқалиқ» экан деб ҳамда инсу жинс, ҳар хил ёмон руҳлардан асраш мақсадида болага дастлаб ёлғон исм берилади. Агар

¹²⁵ Алпомиш. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.18.

шундай қилинмаса, у хасталикка чалиниши мумкин деган қараш мавжуд. Маълум бир муддатдан сўнг кичик бир маросим ўтказилиб, болага ҳақиқий исм кўйилган.

Эпосда маросим ҳеч қачон батафсил тасвирланмайди, балки унинг муҳим нуқталари ўз аксини топган бўлади. Энг эътиборли жиҳати шундаки, маросим эпос тизимида сюжетни юзага келтириб, эпик характер касб этади. «Алпомиш» достонидаги Ҳакимбекка иккинчи исм берилиши билан боғлиқ ҳалқа олиб ташланса, дoston мазмунига жиддий путур этади. Демак, маросим маълум маънода эпос сюжет ҳалқасининг юзага келишига замин бўлиши билан бирга, бевосита эстетик функция бажаради.

Достонда Сурхайил кампир Барчиннинг онасига қарата шундай дейди:

*Қозонда қайнаган ширбоз гўштмиди,
Шул қизингнинг агар боши бўшмиди.
Боши бўшми дейин, сендан сўрайман,
Келин қилиб бирор рўмол ўрайин.¹²⁶*

«Бошнинг бўшлиги» ҳали қизнинг бировга аталмаганлиги, ҳеч ким билан аҳду паймон қилмаганлиги ва ота-онасининг рози-ризолиги олинмаганлигини англатади. Барчин эса туғилгандаёқ «бешиккerti» қилинган эди. «Ана шунда Шоҳимардон пир Ҳакимбекка ой Барчинни аташтириб, бешиккerti қилиб: «Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч ким баробар бўлмасин, омин оллоҳу акбар», – деб фотиҳани бетига тортди».¹²⁷ Бешиккerti қилиш одати ва у билан боғлиқ маросимлар бугунги кунгача ҳам халқимиз ҳаётида сақланиб

¹²⁶ Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.45.

¹²⁷ Кўрсатилган манба. – Б.17.

қолган. Бешиккертида албатта бўлғуси келиннинг бошига рўмол ўралиб, бирор-бир тилло тақинчоқ тақилган.

Бош кийим эса ҳамиша муқаддас саналган. О.Сухарева Ўрта Осиё халқлари бош кийимга алоҳида эътибор беришларини, ёшига қараб бош кийимлари ҳам ўзгариб борганлиги ва ҳар бир маросимда бош кийим муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлайди.

Қадимда эса бош ва бош кийим кўк билан боғланган. Шунинг учун бойбичанинг Сурхайил кампирга берган кескин жавобида ҳам, бир томондан, қизининг ёшлигида Ҳакимбек билан «бешиккерти» қилинганлиги таъкидланаётган бўлса, иккинчи томондан, улар икки дунё, икки олам вакили эканлигига ҳам ишорадир.

Барчиннинг элдан ажратилиб, баланд бир тепаликка ўтов тикиши дostonда шундай тасвирланади: «Ўн минг уйли қўнғиротдан чиқариб, Барчиннинг ўтовини кўтариб, ҳу анадай овлоқ тепанинг бошига тикиб қўйди. Бул ўтовда қирқин канизлари билан Барчин ўтирди».¹²⁸ Бу ерда диққатимизни тортадиган икки жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Биринчиси – Барчин ўтовининг тепаликка тикилиши. Тепалик, тоғ бу қадимда маросимлар ўтказиладиган муқаддас аждодлар руҳи яшайдиган жой ҳисобланган. Иккинчиси – ўтовнинг оқ ва бахмал эканлиги. Оқ ва қизил (бахмал) ранг, авваламбор, икки олам (эркак ва аёл бирлигининг макони) ҳақидаги қадим тушунчаларни ўзида ифода этган. Шунинг учун ҳам бу икки ранг эпосда ҳам, маросимларда ҳам аниқ рамзий маънога эга.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида узатилаётган қиз тўй куни бирор-бир қариндоши ёхуд қўшниларидан бириникида, яъни ўз уйидан узоқроқда бўлади. Қизнинг дугоналари

¹²⁸ Кўрсатилган манба. – Б.64.

узатилаётган қизни яширишиб, «қиз яширди» маросимини ўтказади. Куёв томондан танланган вакил бўлғуси келинни топиб олиши керак. Ана шу «қиз яширди» маросимидан сўнггина бўлғуси келиндан вакиллар рози-ризолик олишади. Дастонда ҳам айна маросим ўз аксини топган: «Қадимги расими шундай бўлади, Барчинойни қиз опқочди қилади. ...Бир ерда буларни топиб олади».¹²⁹ Ана шу каби маросимлардан яхши хабардор бўлмасак, Барчиннинг ўтов тикиб, ўз элидан ажралиб чиқишини жуда жўн талқин қилишимиз табиий, албатта. Аслида эса «Алпомиш» каби классик эпосда, бирор-бир детал ноўрин келмайди ва уларнинг ҳар бири ўзининг чуқур маъносига эга.

Барчиннинг алоҳида ўтов тикиб ўз элидан ажралиб чиқиши, бир томондан, қизнинг балоғатга етганидан далолат берса, иккинчи томондан, унинг ихота қилинишини англатади.

«Қиз яшириш», яъни турмушга чиқаётган қизнинг жамоадан ажратилиши, унинг ихота қилиниши, яъни ҳар хил нохушликлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун қилинган амалий ҳаракат бўлиб, Барчиннинг тепаликка ўтов тикиши ана шу қадим маросимнинг дostonдаги бадий ифодасидир.

Сочнинг маросим ва фольклордаги ўрни, функцияси ва поэтик кўлами шу даражада улканки, буни биргина мақола ёки тадқиқот доирасида ҳал этиш анчайин мушкул масала.

Маросимда магик ҳаракатлар ритуал аҳамият касб этса, эпосда у бадий кўринишга эга. Буни «Алпомиш» дostonидаги «соч сийпатар» ва шу каби маросимларда кўришимиз мумкин.

Соч, ёл руҳга тегишли, бировнинг сочи ёхуд ёлига эгалик қилиш, унинг руҳига эгалик қилиш, уни ўзига тобе этиш билан баробар ҳисобланган. Ж.Фрэзер соч қадим маросимларда энг юксак мавқеда бўлганлигини, ибтидоий инсон сочи тараш,

¹²⁹ Алпомиш. Дoston. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.166.

олдириш, куйдириш орқали табиатга ва руҳга таъсир қилиш мумкин деб ҳисоблаганлигини таъкидлайди.¹³⁰

Фольклошунос олим Асқар Мусақулов жаҳондаги кўпгина халқларнинг туғилиш, никоҳ, ўлим маросимлари билан бир қаторда соч олиниши ҳам инсон ҳаётида энг муҳим бўлиб, у осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлигини ёзади.¹³¹

«Соч сийпатар», умуман, сочининг ўрилиши бу қиз боланинг балоғатга етганлигини англатувчи унсурлардан бири бўлиб, у қадимий соч магияси билан боғлиқ маросимнинг трансформацияга учраган бир кўринишидир. Соч магияси, авваламбор, ҳосилдорлик култига бўлган эътиқоддан келиб чиққан. «Ал-помиш» достонидаги «соч сийпатар» маросимида ҳам ана шундай қадим тасаввурлар ўз ифодасини топган.

Арқон, таёқ, ойна маросимларда энг кўп ишлатиладиган предметлардир. Уларни бирлаштириб турувчи жиҳат эса бу учала жисм қадим тасаввурларга кўра икки дунё ўртасидаги чегара, белгини ифодалашидир. Шунинг учун куёв-келин йўлига ташланадиган арқон, таёқ (бақан) уларнинг бир дунёдан иккинчи бир дунёга қадам қўйганлигини англатган. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёл таёқ ёки арқондан ҳатламайди, оқар сувда чўмилмайди, тунда кўзгуга қарамайди, сочини кесмайди деган қарашлар бугунги кунгача сақланиб қолган.

Ойна, аслида, сувнинг атрибути ҳисобланади, сув табиий хусусияти билан кўзгуга тенглаштирилган. Сув эса икки дунё ўртасидаги чегара. Шунинг учун ҳам сувнинг барча дин ва турли хил маросимлардаги ўрни жуда баланд.

«Кампир ўлди» маросими никоҳ тўйининг бир қисми ҳисоб-

¹³⁰ Фрээр Дж. Фольклор в Ветхом завете. – М.: Политиздат, 1989. – С.263 – 265.

¹³¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.97.

ланади. Бу маросим баъзи жойларда келиннинг уйида, айрим ҳудудларда келин куёвниқига олиб келингандан кейин амалга оширилган.

«Алпомиш» достонида у келин, яъни Барчиннинг уйида амалга оширилади: «Бахмал ўтовда чимилдиқ тутиб, куёв навкарлари билан куёвни киргизмоқчи бўлиб, бир неча хотинлар «кампир ўлди» бўлиб, ўлганига бир нима олиб, «ит ириллар» деган расмини қилиб, бунга ҳам бир нарса бериб, ҳар замон салом солиб, уйдан ичкари кириб, чимилдиққа ўтириб, олдига дастурхон солиб, қўйларнинг тўшини пишириб олиб келиб, буларнинг олдига қўйиб, хўп еб тўйиб, куёвнавкарларга тўппи, рўмол, сармой бериб, ҳаммаси ўз расмиқаъдасини қилиб, куёвнавкарлар чиқиб кетди, булар ҳам мазгили, жой-жойига қараб кетди».¹³²

Н.П.Лобачева бу маросим ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларнинг барчасида учрашини таъкидлайди.¹³³ Бу маросим бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида худди дostonда айнан келтирилгани каби келин томонда амалга оширилади. Чимилдиқ тутилган уйга кирмоқчи бўлаётган куёвнавкарлар йўли тўсилиб, остонада турган бир кампир ит бўлиб «ириллайди». Одатда, ит бўлиб ириллайдиган кампир кайвони, ували-жували ва обрў-эътиборли, энг муҳими, келин томоннинг энг яқинларидан бири бўлиши керак.

Кампирнинг «улуши» берилгач, куёв ичкарига киритилади.

¹³² Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.166 – 167.

¹³³ Лобачева Н.П. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.302 – 320.

Шундан сўнг «кампир ўлди» маросими бошланади. Унда яна ували-жували бир кампир келин-куёвга солинган ўринга ёш болани қучоқлаб ётиб олади. Атрофда турганлар: «кампир ўлиб қолди, кампир ўлиб қолди», – дейишади. Сўнг кампир туш кўрганини айтади:

*Туш кўрибман,
Икки ёшни хуш кўрибман.
Олтин бешик бу жонда,
Олтин бешик у жонда,
Тоқ эмас, жуфт кўрибман.
Қўчқордай ул бир жонда,
Басолқи қиз бир жонда,
Кўркам савлатли,
Молу давлатли,
Фарзандли, неварали, чеварали кўрибман.¹³⁴*

Баъзи жойларда «ўлган» кампирнинг тушини иккинчи бир кампир таъбир қилиб, тушдаги рамзларнинг нима маъно ифода-далашини айтиб туради.

Бу ўринда кузатилганидек, туш кўпчилик маросимларда, умуман, инсон ҳаётининг барча нуқталарида алоҳида аҳамият касб этган. Ибтидоий инсон ўзининг ўтмиши, бугуни ва ке-

¹³⁴ Муаллифнинг шахсий архиви. Қашқадарё вилояти Қамаш-ши тумани Терсота қишлоғида яшовчи 102 ёшли Пиримова Масъул момодан ёзиб олинган матн. Бу кўшиқнинг бошқа бир вариантини фольклоршунос олим Маматқул Жўраев ҳам ўз китобида келтирган. Қаранг: Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б.35.

лажагини ҳам тушсиз тасаввур эта олмаган. Бирор-бир инсоннинг дунёга келиши, камол топиши, бахтли бўлиши ёки фалокатларга йўлиқиши тушларда аён бўлган.

Никоҳ эса ҳаммавақт ўлим ва туғилиш орасидаги муҳим бир восита, ҳаёт – ўлим – ҳаёт давомийлик циклининг бошла-ниши ҳисобланган. Ўлиб тирилувчи маъбудлар ҳақидаги қадим тасаввурларга кўра, кекса қиш ер юзини тарк этгач, у янги – баҳор қиёфасида дунёга келади. Ўлим йўқ экан, туғилиш ҳам бўлмайди; қиш ўлмаса, баҳор туғилмайди. Аслида, ўлим ва туғилиш бир моҳиятнинг икки қутби, холос. Достондаги «кампир ўлди» маросимида ҳам худди ана шу нарса, яъни бир фасл (цикл) ўрнини иккинчи бир фасл олганлиги, «кам-пир» ўлиб, янги оила дунёга келаётганлиги мангу давомийлик циклининг рамзий ифодасидир.

Табиат фаслини кекса кампир қиёфасида тасаввур қилиш «Чой момо», «Суст хотин» маросимларида ўзининг янада ёрқинроқ ифодасини топган.¹³⁵

Маълумки, ўлиб тирилувчи маъбудлар ҳақидаги кўплаб мифлар мавжуд. Бундай мифларга хос бўлган энг муҳим хусусият – уларнинг табиат ва ҳосилдорлик культуни ўзида мужассам этгани ва уларнинг кўпчилиги албатта аёл қиёфасида бўлганидир. Ҳар фасл алмашганда эса уларга қурбонликлар қилиниб, махсус маросимлар ўтказилган. Қадимги Мисрда Осириснинг ўлиб тирилиши баҳор маросимларида томоша сифатида кўрсатилган.

Германияда янги никоҳ қурган келинчақларга ўлимни ифодаловчи сомондан қилинган кўғирчоқ кўрсатилган. Қари кампир кўринишидаги «Ўлим» келинчақнинг кўп фарзандли бўлишига ёрдам беради деган тасаввур бўлган.

¹³⁵ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.65 – 119.

Кўпгина тадқиқотчилар ўлимнинг ҳосилдорлик ва серфарзандликка кўрсатадиган таъсири ҳақида тасаввурлар никоҳ маросимларида жуда барқарор эканлигини таъкидлашади. Шунинг учун ҳам оила ва мавсум маросимлари бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ўрганилиши зарур. Зеро, оила маросимларининг барча қирралари мавсумий маросимларни ўрганиш орқали очилади.

Худди эпос каби туш ва маросим ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Бундай маросимларнинг тарихий илдизларини ёритишда эпосга мурожаат этишимиз табиий. Эпосдаги мотивларни эса ҳаётдаги мавжуд маросимлар билан қиёсий ўрганганимиздагина уларнинг мазмун-моҳияти янада тўлароқ очилиши мумкин.

2.3. Туш ва қўшиқ

Туш ва қўшиқ муносабатлари, аниқроғи, тушларнинг халқ қўшиқлари яратилиши, мазмуни ва бадииятига таъсири ҳақида сўзлашдан аввал шуни айтиш лозимки, уларнинг ҳар иккиси умуминсоният учун хос тарихий-типологик, ҳаётий ва давомий ҳодисадир. Яъни жаҳонда бирорта туш кўрмаган киши бўлмаганидек, куйлаш қобилияти бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда қўшиқ хиргойи қилиб юрмайдиган одам ҳам йўқ. Бироқ олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек халқ лирик қўшиқлари ҳажман қанчалик кўп, ижод ва ижросига кўра қанчалик оммавий бўлмасин, улар орасида бевосита туш тилга олинган намуналар кам учрайди.¹³⁶

Масалан, олима Музайяна Алавия тўплаб нашр эттирган «Оқ олма, қизил олма» номли қўшиқлар тўпламида туш бирор марта тилга олинмайди. Истисно тарзида қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин:

*Синглим саҳар-саҳарда
Туш кўрибди, ёр-ёр.
Тушида бир қарчигай
Хуш кўрибди, ёр-ёр.*

Бу тушнинг таъбири қўшиқ тингловчилари учун изоҳсиз ҳам тушунарли. Чунки ўзбек халқида турмушга чиқмаган қиз тушида қуш кўрса, одатда, унинг тезда узатилиб кетиши таъ-

¹³⁶ Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент, 1959; Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва саънат, 1967; Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва саънат, 1972; Тўй муборак: Ёр-ёр / Нашрга тайёрловчи Охунжон Сафаров. – Тошкент: Маънавият, 2000.

бир қилинади. Шундай бўлса-да, қўшиқ давомида туш таъбир ҳам қилинган:

*Тушидаги қарчигай
Биров бўлгай, ёр-ёр.
Биров-бирав деманглар,
Куёв бўлгай, ёр-ёр.*

Туш бевосита тилга олинган қўшиқлар профессионал халқ бахшилари, халфаларнинг бой репертуарида ҳам жуда кам учрайди.¹³⁷ Хоразмда машҳур профессионал халфалар репертуаридаги қўшиқларда туш билан бевосита боғлиқ қуйидаги мисралар бор:

*Кундуз бўлса, ишлаганда ишингман,
Кеча бўлса, ухлаганда тушингман,*

¹³⁷ Профессор О.Сафаров тўплаб нашрга тайёрлаган «Тўй муборак: Ёр-ёр» тўпламида туш тилга олинган қуйидаги матн бор:

1-кампир:

Туш кўрибман, туш кўрибман,

Бир ажойиб туш кўрибман.

Келинимнинг кўлида

Ҳасан-Ҳусан той кўрибман.

2-кампир:

Туш кўрибман, туш кўрибман,

Бир ажойиб туш кўрибман.

Куёвимнинг кўлида

Фотима-Зухро ой кўрибман.

Матнга: «Чимилдиқда келин-куёв учун жой солинганда айтилади», – деб изоҳ берилган. Бу никоҳ тўйидаги «Кампир ўлди» маросими билан боғлиқ бўлиб, тадқиқотимизнинг «Туш, маросим ва эпос» бўлимида тўхталиб ўтганмиз.

*Ширин жондан кечиб юрган кишингман,
 Ёқма, бола, ўз ёнганим оз эмас...
 Оқшом тушимда бир гули раънони кўрибман,
 Мен ул гули раъно бирлан бирга юрибман...
 Жума кеча кўрган туш ҳикматлидир, ёр-ёр,
 Ёмон иши доимо миннатлидир, ёр-ёр.¹³⁸
 Хуш уйқуда ётсам кирар тушима,
 Сесканиб уйгонсам тушар ёдима,
 Оҳ деганда ёш айланар кўзима,
 Келмади, келмади, нечун келмади?¹³⁹*

Туш бевосита тилга олинган намуналар, бу каби мисралар улкан қўшиқлар денгизидан бир томчи бўлса-да, туш ва қўшиқ муносабати ҳақида маълум бир хулосага келиш, илмий фараз қилиш имконини беради.

Биринчидан, бу мисоллардан бирида жума куни кўрилган туш ҳикматли бўлади дейилганки, бу ишонч бутун ўзбек халқининг тушга муносабати учун хосдир. Иккинчидан, уларда туш орқали севган кишининг истаги, кечинмалари ифода этилган.

Севиб қолган кишилар, айниқса, ёшларнинг севгилиси, муҳаббат билан боғлиқ тушлар кўриши исбот талаб қилмайди. Қолаверса, улар орасида қўшиқ муҳитида ўсган, халқ қўшиқлари усулида ўзи ҳам янги намуналар яратиш салоҳиятига эга бўлганлари жуда кўп бўлган. Тахмин қилиш мумкинки, туш кўриб уйгонган бундай ошиқ-маъшуклар ўша туши таъсиридаги ўз кечинмаларини қўшиқларга солган.

Бутун илмий-ижодий фаолиятини халқ қўшиқларини тўплаш, нашр этиш, ўрганишга бағишлаган М.Алавия барча

¹³⁸ Анаш халфа. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б.18, 47.

¹³⁹ Ожиза. Шеър ва дostonлар. – Тошкент, 2003. – Б.14.

ишларида халқ кўшиқларида ишқ-муҳаббат мавзуси устувор бўлиб келганини кўп такрорлайди.¹⁴⁰

Агар дoston ва эртакларда туш мотиви фаол учраб, кўпгина ҳолларда сюжетни бошлаб берувчи, баъзан қахрамонларнинг келгуси тақдирини рамзий тарзда белгилаб берса, халқ пирик поэзиясида бутунлай бошқа манзарани кўрамиз.

Айтиш мумкинки, агар тадқиқотчи халқ кўшиқларига туш ҳодисасининг таъсирини бевосита ўрганмоқчи бўлса, яъни туш сўзини ахтарса, унинг изланишлари аввалдан самарасиз бўлиб, боши берк кўчага кириб қолади. Ҳолбуки, тушлар рамзлар олами бўлса, халқ кўшиқлари ҳам шунчалар рамзларга бойдир. Кузатишларимиз халқ кўшиқларида туш таъсири, одатда, «тағматн»да бўлишини кўрсатади. Шу боис уларда туш бевосита тилга олинмаса ҳам, уларнинг кўпчилиги моҳиятида бевосита тушлар ва уларнинг таъбирлари ётганини кўрамиз. Муҳими шундаки, халқ дostonлари ва эртакларидаги тушлар бевосита англаган, яъни тушга урғу берилган рамзлар илк асосда мифологик тафаккурга асослангани учун уларнинг кўшиқлардаги билвосита, яъни қайд этилмаган ифодаси ўртасида моҳиятан жиддий фарқ кўрмаймиз. Фикримиз исботи учун «Алпомиш» ва «Кунтуғмиш» дostonларида тушлар англаган рамзларни халқ кўшиқларидаги рамзларга қиёслаб кўрсак.

Алпомиш даставвал қабристонда ухлаб қолганда чилтонлар унинг руҳи билан Барчин руҳини учраштиради. Барчин руҳига бир коса шароби антахур тегади. Барчин шаробни кўлига олиб, ўзи ичгани кўнгли бўлмай, Алпомишга тутиб сўз айтади. Жумладан, шундай дейди:

¹⁴⁰ Қаранг: Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974.

*Хон тўрам, сизга не бўлди,
Олинг, аллаёр-аллаёр.
Шундай бўлди Барчин сўзи,
Кийганим гулгун қирмизи,
Ақлингдолар жоду кўзи,
Қаватида йўқ канизи,
Коса берар бийнинг қизи...¹⁴¹*

Моҳиятига кўра Барчин тутган коса, ундаги шароби антаҳур ҳозиргача никоҳ тўйларида келин-куёвга тутиладиган коса ё пиёла ва ундаги никоҳ сувидир. Достондаги шароб магик кучга эга бўлганидек, дуо ўқилган никоҳ суви ҳам магик кучга эга деб тушунилади. Шу боис Алпомиш ҳали никоҳ ўқилмагани учун Барчин тутган шаробни ичишни кейинга қолдиради. Унинг бу шаробни албатта бир кун ичиши шарт.

«Халқ кўшиқларининг тарихий асосларига кўра, сув культларининг изларига диққат қилсак, – деб ёзади А.Мусақулов, – халқ лирикасидаги сув ва унинг атрибутлари – шабнам, томчи, булоқ, қудук, ариқ, сой, дарё, муз, ҳовуз, қор, ёмғир, сув ўсимликлари – қамиш, ялпиз, сув бўйидаги дарахтлар, сув жониворлари – балиқ, илон, сув идишлари – кўза, коса, пиёла – барча-барчаси бирор жиҳати билан севги, оила, фарзанд ғоялари ва кечинмалари билан боғланади».¹⁴²

Халқ лирикасида севишганларнинг бирга чой (достонларда шароб) ичиши – висол, ича олмаслик – айрилиқ, ичиш истаги – севги майли, чой идишларининг нозиклиги – бахт, синиши – бахтсизлик рамзи бўлиб келади:

¹⁴¹ Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи М.Зарифов. – Тошкент: Шарқ, 1988. – Б.91 – 92.

¹⁴² Мусақулов А. Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.15.

*Наманганнинг йўллари,
Пиёланинг гуллари.
Чой ичганда ярашган
Бизнинг ёрнинг қўллари.*¹⁴³

Айрилиқ тугамагани боис Алпомиш Барчин тутган шаробни ича олмайди. Қахрамоннинг келгуси тақдири бирмунча мавҳум бўлгани учун унинг тушлари орасида унча узоқ муддат ўтмайди. У чўпонлар қўшхонасида ётганда сахар вақти иккинчи тушини кўради. Тушига пири кириб, уни овутади. Айни шу пайтда Барчин кўрган туш уларнинг келгуси тақдирини ойдинлаштиради. Суқсурой канизи баён қилган Барчин туши таъбирдан:

*Қибла бетдан бир ой тугиб келсалар,
Ой эмасдир, ул ҳам Расул пайгамбар.
Ой гирдинда тўртта ёруғ юлдуз бор,
Юлдуз эмас, тўрт чориёр муқаррар...
Кўтарган бургути бобонг Чибори,
Устида қарчигай Ҳаким шунқори...
Бойчибори ем емайми қўлингнан,
Вакиллари савол сўрар тилингнан.
Қочсанг сени нега қўйсин Алпомиш,
Бахмал уйда маҳкам қисар белингнан...*¹⁴⁴

Ушбу парча таҳлилидан аввал бир халқ қўшиғини келтирсак:

*Ўзим қарчигай бўлсам,
Илентирсам ўзингга.*

¹⁴³ Оқ олма, қизил олма. – Б.86.

¹⁴⁴ Алпомиш. – Б.99 – 100.

*Билагингга талпинсам,
Мени олсанг қўйнингга.*¹⁴⁵

Парчада пайғамбар – ой, чорёрлар – тўрт юлдуз рамзлари билан берилади. Бу дostonдаги исломий қатлам таъсири бўлиб, бизнингча, исломгача ой рамзи ҳомий илоҳани англатган. Кейинчалик ой тўлиқ поэтик рамзга айланиб, севгилини ифодалаган. Аммо айрим намуналарда аввалги изларини сақлаб қолган. Халқ қўшиқлари хазинасида, айниқса, ёр-ёрларда «Ой олдида бир юлдуз» анъанавий мисраси билан бошланувчи намуналар жуда кўп. Масалан:

*Ой олдида бир юлдуз,
Ой боласи, ёр-ёр.
Келинчакни сўрасанг,
Бой боласи, ёр-ёр.*

Қўшиқда ота ёки она ойга, фарзанд юлдузга қиёсланмоқда. Ота-она ҳам фарзанд учун ҳомийдир. Бу қўшиқ тарихий асосига кўра мифология билан боғлиқ семантик параллелизмнинг ажойиб намунасидир.

Биз келтирган парчада Бойчибор от бургут рамзи билан берилмоқда. Бунинг ҳам маълум сабаблари бор. Бойчибор – тулпор от, қушдай уча олади. Иккинчидан, у бош қахрамоннинг аниқловчиси, баъзан, масалан, пойгада Алпомиш иккинчи ўринда қолиб, биринчи планга чиқади.

Фольклоршунос Ш.Турдимов халқ лирик қўшиқларида қушлар – қарға, ғоз, ўрдак, турна, қалдирғочлар хабарчи рамзлардир дейди ва буни таҳлиллар билан асослаб беради.¹⁴⁶ Барчиннинг тушига кирган бургут ва қарчиғай рам-

¹⁴⁵ Оқ олма, қизил олма. – Б.17.

¹⁴⁶ Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных

зий хабарчилардир. Шу боис Барчин тушида бирор қушга эврилмай, инсон қиёфасида қолади. Барчиннинг тушида Бойчибор билан боғлиқ яна бир жиҳат бор. Тушда қайси рамзда келмасин, Бойчиборнинг асли тулпор отдир.

Олима М.Алавия агар тушда от кўрилса, мурод ҳосил бўлади деб таъбир қилинишини ёзади.¹⁴⁷ Шуниси характерлики, халқ кўшиқларида ҳам от мурод, севгилининг поэтик жуфти сифатида талқин қилинади:

*Сарховуз бўйида сариқ от кўрдим,
Соллониб чиққаним бир мурод кўрдим.
Бедов отни сугормоққа чиққанда
Ёргинамни машъал чироқдай кўрдим.*¹⁴⁸

«Алпомиш» достонидагидек «Кунтуғмиш»да ҳам чилтонлар бош қаҳрамонларни ухлатиб, тушларида руҳларини учратишиб тўй қилишади.

«Иккови бир-бирови билан ўйнашиб, тўрасининг узугини Холбека олиб кўлига солди (Шу кеча Кунтуғмиш ҳам шундай бир туш кўрди). Шу ишда иккови ҳам уйғонди.

Тўра бир оҳ тортиб, бу дардини ҳеч кимга айтолмай, нигинига қараса, бошқа нигин; қоғозга муҳр қилиб босса, Холбеканинг оти чиқади».¹⁴⁹

лирических песнях: Дисс... канд. филолог. наук. – Ташкент, 1987; Турдимов Ш. Том устига том солдим // Ёшлик. – Тошкент, 1988. №7. – Б.75 – 76; Турдимов Ш. Бирнинг минг жилваси // Ёшлик. – Тошкент, 1987. №5. – Б.70 – 71.

¹⁴⁷ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Б.31.

¹⁴⁸ Оқ олма, қизил олма. – Б.121.

¹⁴⁹ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Булбул тароналари. Беш томлик. – Тошкент: Фан, 1971. Т.1 – Б.175 – 176.

Ушбу мисолимизда бизнинг кузатувимиз учун муҳими тушдаги узук деталидир. Мифологик тафаккурда узук англатган маънолар, унинг магик хосияти ҳақидаги қарашларга кенг тўхталмасак-да, ушбу кўчирмамизда узукнинг магик хислатга эгалиги кўриниб турибди. Достон мазмунига кўра, узук севги, оила рамзи бўлиб, қаҳрамонлар никоҳини чилтонлар қийгани (ўқигани)ни тасдиқловчи поэтик деталь бўлиб келмоқда. Яъни достондаги туш ҳам, узук ва унинг хосияти ҳам мифопоэтик тафаккур ҳосиласидир.

Ахборотчимиз қашқадарёлик Момохол Норованинг айтишича, тушда узук кўришнинг қуйидаги таъбирлари бор: Агар уйланмаган йигит тушида узук кўрса, тезда уйланади. Уйланган бўлса, фарзанд кўради. Агар турмушга чиқмаган қиз тушида узук кўрса, унга совчилар келиб, тезда тўйи бўлади. Турмушга чиққан бўлса, фарзанд кўради. Фарзанднинг қиз ёки ўғил бўлиши туш кўрувчининг мучалига боғлиқ бўлади, яъни унинг мучали ҳалол жониворлар: от, қўй, қуён, товуқ бўлса, ўғил, сичқон, илон, маймун кабилар бўлса, қиз туғилади.

Энди халқ қўшиқларидаги узук поэтик рамзи англатган баъзи маъноларни кўриб чиқсак:

*Куёв поччам қўлида
Талпинар қуш, ёр-ёр.
Келинойим узуги
Тоза кумуш, ёр-ёр.*

*Қўлидаги кумуши
Давлат бўлсин, ёр-ёр.
Қўндирилган қушлари
Фарзанд бўлсин, ёр-ёр.¹⁵⁰*

¹⁵⁰ Тўй муборак: Ёр-ёр. – Б.57.

Албатта, халқ кўшиғини ижро этувчига бундай-ундай айт дейиш мумкин эмас. Бироқ ушбу мисолимизнинг иккинчи банди:

*Кўлидаги кумуши
Фарзанд бўлсин, ёр-ёр.
Кўндирилган қушлари
Давлат бўлсин, ёр-ёр, –*

деб айтилганда, бизнинг ахборотчимиз таъбирига ҳам, эпик анъанага ҳам тўғри бўларди. Маълумки, кўпгина ўзбек эртаклари ва дostonларида бирор мамлакат подшоси ўлса, давлатқуш учириб янги подшо сайлашади. Мисол учун, юқорида тилга олинган «Кунтуғмиш» дostonига мурожаат қилсак: «...Буврахон подшо ўлди. У вақтда подшоларга расм шу эди: давлатқуш деган қушни учирар эди, кимнинг бошига қўнса, подшо қилар эди».¹⁵¹ Дostonда Кунтуғмиш давлат қуш туфайли Шаҳри Зангарга подшо бўлиб қолади. Кўшиқларда узук рамзи англатган маънолар ҳақидаги фикрларимиз тўғрилигини мана бу мисоллар ҳам тасдиқлайди:

*Чимилдиқнинг тагидан
Топдик узук, ёр-ёр.
Қайси бойнинг қизисан,
Кўзи сузук, ёр-ёр.
Қўлимдаги қўш узук, қўлим узук,
Кўзим сенга тушибдир, кўзи сузук...¹⁵²*

Халқ кўшиғи эртак, дoston каби сюжетли эмас, тафсилот-

¹⁵¹ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Булбул тароналари. Т.5. – Б.290.

¹⁵² Тўй муборак: Ёр-ёр. – Б.68, 147.

ларга берилмайди. Ундаги рамзларнинг тушлар билан муносабатини англаш кўп жиҳатдан тингловчининг тасаввурига, билим ва савиясига боғлиқ бўлади.

Достонлар ва кўшиқлардаги биз кўриб чиққан рамзлар қиёси туш ҳодисасининг халқ лирикасига ҳам бевосита ёки билвосита таъсир этганини янада чуқурроқ, махсус тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

Албатта, биз халқ кўшиқларидаги барча рамзлар тушлар таъсирида пайдо бўлган дейиш фикридан йироқмиз. Бироқ уларнинг бу борада муҳим тарихий, ижодий асос бўлганини инкор этиб бўлмайди.

Хулосамизни янада асослаш учун туш таъбирлари ва кўшиқлардаги яна бир нечта рамзлар ифодалаган умумийликларга тўхталиб ўтсак. Одатда, тушда кўрилган чўлу биёбон айрилиққа таъбир қилинади. Кўшиқларда ҳам улар ана шу рамзни англатади:

*Қизил гулим, қизил гулим,
Ажаб бевақт хазон бўлдинг.
Мени чўллар аро ташлаб,
Ўзинг йўлга равон бўлдинг.*

Тушда кўрилган сандиқ никоҳ тўйига таъбир этилса, кўшиқларда у бевосита никоҳ асос соладиган оила рамзи бўлади:

*Икки сандиқ рўбарў рўй беради, ёр-ёр.
Икки қуда тенг туриб, қўй беради, ёр-ёр.¹⁵³*

Ўзбек халқ лирик кўшиқлари хазинасида «Дарёларнинг нарёғида...» сўз бирикмаси билан бошланувчи намуналар

¹⁵³ Оқ олма, қизил олма. – Б.20, 165.

жуда кўп учрайди. Тушда ҳам, қўшиқларда ҳам дарё, сувларнинг нарёғи айрилиқни, кўприк висолни билдиради.

Сув (дарё, денгиз, ариқ)дан ўтиш халқ ижодида никоҳ рамзи эканини рус фольклоршуноси В.И.Ерёмина ҳам келтириб ўтади.¹⁵⁴ Кўприк бўлса, у қирғоқдан бу қирғоққа ўтишнинг энг қулай воситасидир:

*Тахта-тахта кўприкдаё
Тахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Пайғамбарнинг қизидай
Бахтинг бўлсин, ёр-ёр.*¹⁵⁵

Туш ва қўшиқнинг бирлиги, аввало, рамзлар уйғунлигида намоён бўлар экан, яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш зарур. Бу уларнинг реал ҳаётдан тасаввурий ва бадиий-эстетик мушоҳадага кўра фарқи масаласидир. Масалан, реал ҳаётда одамлар ҳар куни чой ичадилар ёки кимлардир дарё бўйида яшаб, ҳар куни дарёнинг у томонини кўрадилар. Таъкидлаш лозимки, чой, дарё, кўприк, узук, қуш ва ҳоказолар фақат туш ҳамда халқ қўшиғида, умуман, фольклорда рамзий маъно касб этади. Оддий турмушда уларнинг тирикчиликка зарурлигидан бошқа маъноси йўқ.

Ч.Валихонов ёзиб олган бир афсонада айтилишича, қадим замонларда қўшиқ ер узра учиб одамларни куйлашга ўргатган. У аёлдай нозик ва гўзал бўлган. Қўшиқ қайси жойда кўпроқ тўхтаб, қувонса, у ерда одамлар серфарзанд ва фаровон яшашган.¹⁵⁶

¹⁵⁴ Ерёмина В.И. Ритуал и фольклор. – Л.: Наука, 1991. – С.161.

¹⁵⁵ Остонаси тиллодан: Тўй қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.25.

¹⁵⁶ Валихонов Ч. Избранные произведения. – М.: Наука, 1987. – С.274.

Туш ва қўшиққа хос бўлган умумий хусусиятлардан яна бири – уларнинг қадим даврлардан буён соғлом ақл меваси ҳисобланган оддий мантиқ қонунларига бўйсунмаслигидир. Поэтика нуқтаи назаридан халқ қўшиқларидаги мантиқ қонунларига бўйсунмайдиган жиҳатларни биз ҳозир поэтик кўчимлар, тасаввур меваси деб тушунишимиз мумкин. Аммо, қизиғи шундаки, мифологик тафаккур ҳам тасаввур ҳукмрон бўлган тафаккурдир. Бу тафаккурнинг муҳим хусусиятларидан бири истак учун чегара ва мумкин бўлмаган нарсаларнинг йўқлигидир.¹⁵⁷ Тушлар бизнинг ихтиёримиздан ташқарида рўй беради. Халқ қўшиқлари, айниқса, мифологик тафаккур излари сезилиб турган анъанавий намуналари ҳам бизнинг ихтиёримизда эмас. Ҳар иккиси учун ҳам худди мифдагидек бўлиши мумкин. Бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Туш ва халқ қўшиқлари, умуман, халқ оғзаки ижодидаги рамзларни тушуниш учун фақат фактлар, илмий кузатишлар эмас, теран поэтик ҳиссиёт, одамга тоабод йўлдош бўладиган эзгу хаёлот ҳам керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ қўшиқларидаги жуда кўплаб поэтик рамзларнинг тарихий асосида туш ва у ҳақдаги мифологик тафаккур таъсири ётади.

¹⁵⁷ Голосовкер Я.Э. Логика мифа. – М.: Наука, 1987. – С.11 – 23.

2.4. Туш ва топишмоқ

Топишмоқлар дунё халқлари фольклоридаги энг қадимий кичик жанрлардан бири ҳисобланади. Бу ўзбек топишмоқларига ҳам хос хусусиятдир. Бироқ «кичик» атамасини нисбий маънода қабул қилиш зарур. Зеро, халқ оғзаки ижодида шундай топишмоқлар борки, уларнинг мазмунини бутун бошли эртақ ёхуд дostonга тенг деб қарашимиз мумкин.

Топишмоқларимиз борасида қатор изланишлар мавжуд.¹⁵⁸ Бироқ буларнинг орасида Зубайда Ҳусаинованинг тадқиқоти алоҳида ажралиб туради.¹⁵⁹ Олима илк бор ўзбек топишмоқларини монографик планда ўрганиб, мазкур жанрнинг ўзига

¹⁵⁸ Қаранг: Зарифов Ҳ. Топишмоқлар // Ўзбек фольклори: хрестоматия. – Тошкент, 1939; Ўзбек топишмоқлари. Узбекские загадки / Тузувчи, таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Абдурахимов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974; Абдуллаев Ж.Х. Ўзбек топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 1993; Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференсmalar муносабати (Ўзбек топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2007; Сапарниёзова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2005; Қобулжонова Г. Метафораларнинг системавий-лисоний талқини (Ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2006; Жўраева М. Топишмоқ ва маросим // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. №2. – Б.19 – 24.

¹⁵⁹Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва саънат, 1981; Ҳусаинова З. Топишмоқли эртақлар / / Ўзбек фольклори очерклари. – Тошкент: Фан, 1989. Т.2. – Б.102 – 129.

хос хусусиятлари, таснифий белгилари ва бошқа жанрлар билан муносабатини яхши очиб берган.

«Топишмоқ, – деб ёзади Зубайда Ҳусаинова, – халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари: достон, эртак, кўшиқ, мақол каби халқнинг маънавий бойлиги ва коллектив ижоди маҳсулидир. У инсон ижтимоий ҳаёт, табиат ҳодисаларининг мавжуд томонлари билан кенг боғланган бўлиб, ҳаммавақт реал заминга асосланади. Унда атрофимизни қуршаб турган реал, моддий дунёдаги турли объектлар акс этади. Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бир бутун бадий асардир. Унда фалсафий, тарихий, этнографик белгилар, тушунчалар, ҳодисаларнинг моҳияти гўзал образли ифодаларда акс этади».¹⁶⁰

Ўзбек топишмоқларининг тадқиқи олиманинг бу фикрларини тўла тасдиқлайди. Ушбу тадқиқотдан мақсадимиз топишмоқ ҳамда эртак ва достонларимизда келадиган туш ҳодисасини ўзаро қиёслашдан иборат. Дунёда туш кўрмайдиган одам бўлмаганидек, топишмоқлари бўлмаган халқ ҳам мавжуд эмас. Туш қанчалик умуминсоний ҳодиса бўлса, топишмоқлар ҳам дунёнинг барча халқларига хос бўлган халқаро жанрдир. Ҳар иккаласининг тарихий асослари ибтидоий аждодларимизнинг мифологик тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, тушларнинг ҳам, топишмоқларнинг ҳам юзага келишида ўхшаш қонуният мавжуд. Хўш, бу ўхшашлик нималарда кўринади? Бизнинг назаримизда, у ҳар икки манабанинг қадим тасаввурлар ва метафорага асосланганлигидадир.

Топишмоқларда бирор-бир жисм (ҳаракат ёки ҳолат) иккинчи бир жисмга мажозий қиёсланиб, «бу нима?» деган са-

¹⁶⁰ Ҳусаинова З. Сўнгсўз // Топишмоқлар. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.337 – 338.

вол қўйилади ва якунида унинг жавоби берилади. Бу жанрнинг зарурий шарти, муҳим специфик хусусияти, ўзгармас қонунияти ҳисобланади. Мисол:

*Қатор, қатор қора нор,
У не бўлди, болқантўз?
Уй ортида қўш терак,
У не бўлди, болқантўз.¹⁶¹ (Соч ўрими)*

Ёхуд:

Қизнинг чечасига айтиб тургани:

*Оч газадан чанг чиқди,
У нимадир, чечажон?
Жўра отли бир чиқди,
У нимадир, чечажон?
Ёлғиз отли бир чиқди,
У нимадир, чечажон?
Адир ўти чангиди,
У нимадир, чечажон?
Тўрт оёғи боврига,
У нимадир, чечажон?..*

Чечасининг қизга жавоби:

*Оч газадан чанг чиқса,
Совчи келар, она қиз.
Жўра отли бир чиқса,
Қуда келар, она қиз.
Ёлғиз отли бир чиқса,
Кувёе келар, она қиз.*

¹⁶¹ Топишмоқлар. Кўп томлик. – Б.31.

*Адир ўти чангиса,
Қўй келади, она қиз.
Тўрт оёғи боврига,
Туя келар, она қиз.¹⁶²*

Демак, топишмоқлар ўз қурилишига кўра икки қисмдан иборат: савол ва жавоб. Савол қисмида гўё бир-бирига алоқасиз, мантиқан узоқ бўлган бирор-бир ҳаракат ёки ҳолат (жисм, нарса) иккинчи бир нарсага ўхшатилади, қиёсланади. Бир парча патир, оламга татир (ой); Кичкина кучукча уй қўриқлар (қулф); Тоғ устида ўрмон (соч). Юзаки қараганда, патирнинг ойга, кучукнинг қулфга, сочининг ўрмонга ўхшатилиши ғалати туюлмаса-да, бироқ кучукнинг вазифаси уй қўриқлаш бўлганидек, қулф осилган уйга бегоналарнинг киролмаслиги, патир (нон)нинг кўриниши ойга ўхшаш эканлиги, қуюқ ўсган соч ўрмондаги дарахтларни эслатиши ҳам табиийдек туюлади.

Топишмоқлардаги бундай ўхшатиш, метафоралар эртак ва дostonларимиздаги туш мотивида келадиган рамзларни ёдимизга солади. Эртак ва дostonларимиздаги туш билан боғлиқ парчалар ҳам худди топишмоқдагидек икки қисм: бирор-бир қаҳрамоннинг тушдаги ҳолати ва унинг таъбиридан иборат бўлади. Ҳатто бу тушдаги ҳолатлар кўпинча худди топишмоқлардагидек савол тарзида келади. «Рустамхон» дostonида келган туш баёни бунинг исботидир:

*Уч юз олтмиш жаллод келди қошима,
Қор ёмғирдай қамчи урди бошима.
Арзи ҳол айтолмай дени тўшима,
Тушимнинг табгири, Химча, не бўлди?*

¹⁶² Кўрсатилган манба. – Б.183 – 184.

*Ёмон дема яхши жўра сабилди,
Оқ юзима қирмиз қонлар қуйилди.
Қора сочим ҳар тарафга ёйилди,
Жаллодлар ҳайдайди мендай ойимни,
Бу тушимнинг табири не бўлди?..*

Химчаойим бу сўзларни эшитиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, Хуройимга қараб бир сўз айтиб турган экан:

*Тушингди айтинг, опа, кўнглим бузилди,
Оқтошнинг шаҳридан ризқинг узилди.
Кўролмайсан, билдим, ёлғиз кўзингди,
Келгин сарсон, опа, энди бирга йиғлайик!
Шундай гаплар кириб сенинг тушингга,
Кун ўтмайди, жаллод келар қошингга.
Бу тушинг хабари шундай бўлади:
Ҳаялламай, опа, жаллод келади...¹⁶³*

Худди шунга ўхшаш мисолни «Якка Аҳмад» достонида ҳам кўришимиз мумкин.¹⁶⁴ Бошқа дostonларимизда кўпинча тушлар ва унинг таъбири топишмоқ шаклида келади.

Тушни таъбир қилиш кўп асрлик тарихга эга ва унинг бой рамзлар тизими мавжуд, таъбирчилар уни жуда яхши билишади. Бу рамзлар тизими авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Топишмоқ бадий-эстетик ҳодиса, унинг тарихий асосида худди дostonларимиздаги каби қадим мифологик тафаккур изларини кўришимиз мумкин. Баъзи тушларнинг топишмоққа айланган ҳолатлари ҳам мавжуд. Биргина мисол:

¹⁶³ Рустамхон. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – М.: Наука, 1972. – Б.102 –104.

¹⁶⁴ Якка Аҳмад. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбул ўғли. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.252 – 253.

*Тушда кўрсанг ганж,
Ўнда кўрсанг янч.*

Бу мисолимизда топишмоқ элементи ҳам, мақол элементи ҳам бор. Ўзбек халқи тасаввурида тушда кўрилган илон бойлик рамзига айланиб кетган. Иккинчи мисрада эса реал ҳаётини нарсани назарда тутилган. Топишмоқ ҳам, туш ҳам метафора, кўчимларга бой. Бадий ижод ҳодисаси сифатида тушлардаги рамзлар турли поэтик кўчимларга айланган. Туш рамзлари эса топишмоққа нисбатан ўзларининг мифологик хусусиятларини кучлироқ сақлаб қолган.

«Метафора – топишмоқнинг юрагидир, – дейди рус фольклоршунос олими Лазутин. – Метафорани тушуниш, топишмоқни тушуниш демакдир».¹⁶⁵

Метафора асосида икки нарсани (ҳолат)нинг қиёси ётади. Бироқ бундай қиёс ўхшатмалардан фарқланиб туради. Ўхшатмаларда «худди», «дай», «гўё», «мисли» каби сўзлар ёрдамида ўхшатилма билан боғлиқлик юзага келади. Мисол учун: *Турса туюдай, жатса жабадай.*

Метафоранинг ўхшатишдан фарқли жиҳати ўхшатилма билан ўхшатма ўртасидаги боғлиқлик ошкор этилмай, сир тутилади. Икки ўртадаги боғлиқликни топиш учун кишидан катта билим, савия ва зеҳн талаб этилади.

*Отаси эгри-бугри,
Онаси силлиқ жувон,
Ўғли қўшиқчи,
Қизи ўйинчи (Ариқ, сув, бақа, балиқ).¹⁶⁶*

¹⁶⁵ Лазутин С.Г. Поэтика русского фольклора. – М.: Высшая школа, 1981.– С.52.

¹⁶⁶ Топишмоқлар. Кўп топик. – Б.348.

Топишмоқнинг жавобини топиш учун «коса» тагидаги «нимкоса», яъни метафорани тўғри англай олиш керак. Топишмоқлардаги метафора нарса ва предметларни ўзаро қиёлаш асосида пайдо бўлади. Бу қиёслашда, албатта, ташқи ва ички ўхшашликлар ҳисобга олинади. Кундалик ҳаётда истеъмол қиладиган метафоралар асосан номинатив характерга эга бўлади. Бадиият намунасига айланган стилистик-поэтик метафоралар эса образлиликни юзага келтириб, бадий тил имкониятларини кенгайтиради. Ҳар бир бахши тилдаги мавжуд метафоралардан, эпик формуладан имконият даражасида фойдаланишга ҳаракат қиладди. Тилга, формулаларга бахшининг ижодий ёндашуви жараёнида янгидан-янги метафоралар юзага келади. Бундай метафоралар тилнинг луғат қатламини бойитади, образлар тизимини мустаҳкамлайди.

Достонларимиздаги туш мотиви билан боғлиқ рамзлар метафораларга бойлиги билан ажралиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бевосита туш ҳақидаги топишмоқлар оз бўлса-да, халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайди.

*Саман от миндим, сой кечдим,
Соясини кўрмадим.
Қизил бахмалдан тўн бичдим,
Қийиғини кўрмадим.¹⁶⁷*

Саман от, сой, қизил бахмал тўннинг тушга қандай боғлиқлиги бор деган савол туғилади. Юзаки қараганда, ҳеч қандай. Бу оддий топишмоқнинг жавоби туш эканлигини топиш анчайин мушкул. Бу топишмоққа «калит» топиш учун эса маросимларга мурожаат қилишимизга тўғри келади.

¹⁶⁷ Кўрсатилган манба. – Б.45.

Мотам маросимида «От турлади» ва «Тўн кийдирар» деган узвлар мавжуд.¹⁶⁸ Қадимда бирор-бир хонадонда эркак киши вафот этганда «От турлади» маросими уюштирилган. Удумга кўра, вафот этган одамнинг оти эгарланиб, давра тушилган. Бу маросимни уюштиришдан мақсад марҳумни оти билан нариги дунёга кузатишдан иборат бўлган.

Олимлар қадимда қаҳрамон вафот этганда унинг оти билан бирга қўшиб кўмилганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар беришади. Жумладан Э.Тайлор кундалик маиший ҳаётда ҳам, мотам маросимида ҳам отлар муҳим ўрин тутганлигини, бирор киши вафот этганда оти ҳам унга қўшиб кўмилганини урғулайди.¹⁶⁹

В.П.Дьяконова бу удум туваликларда кейинги даврларга ҳам яхши сақланиб қолганлигини таъкидлаб ўтади.¹⁷⁰ Туваликларнинг марҳумни отга миндириб қабристонга олиб бориши кишининг эътиборини тортади.

Фольклоршунос олима Дармоной Ўраева «От турлади» удумининг Бухорада «жар» деб юритилишини, унда вафот этган йигитга мотам ёр-ёри айтиб бўлингач, марҳумнинг ошна-оғайнилари от атрофини айланиб, садр тушганлигини қайд этган.¹⁷¹

Халқимиз орасида тобутни бекорга «тўрт оёқли чўбин от» дейишмайди. Бу қанчалик бадий метафора бўлмасин, унда

¹⁶⁸ Қаранг: Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.140 – 15; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004. – Б.54 – 55.

¹⁶⁹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – С.237 – 245.

¹⁷⁰ Дьяконова В.П. Отражения погребального обряда тувинцев в фольклоре // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1974. – С.265.

¹⁷¹ Ўраева Д. Кўрсатилган асар. – Б.55.

аждодларимизнинг қадимий инонч-эътиқодлари изларини кўрамиз.

Отни муқаддас билган аждодларимизнинг қадимга тасав-
вурига кўра, инсон қаерга сафар қилмасин, унга албатта от
зарур бўлган. Уйку ҳам бир «ўлим», яъни у дунёга сафар деб
қабул қилинган. Отни ўзига тотем деб билган инсон учун бун-
дай сафар отсиз бўлмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам юқори-
даги топишмоқда бекорга: «Саман отга миндим, сой кечдим»,
– дейилмаяпти. Саман от биз учун тушунарли. Саман от бу
ўринда туш кўрувчининг уйкуга кетганлигига, «Сой кечдим»
эса туш кўрганлигига, икки дунё ўртасидаги «чегара» сувдан
ўтганлигига ишора қилмоқда. Нариги дунёда эса ҳеч бир нар-
са ҳаётдагига ўхшамайди. Кўп ўринларда эса бутунлай тес-
кари ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам ҳеч бир киши у ерда
ўз «соясини кўрмайди». Энди топишмоқнинг қолган икки мис-
расини таҳлил қилишимиз лозим. Бунинг учун биз яна маро-
симларга мурожаат қиламиз.

Маълумки, бугун ҳам тўй-томошаларимиз, тадбирларимиз
тўнсиз, сарпосиз ўтмайди. Тўн кундалик маиший ҳаётимиздан
шунчалик мустаҳкам ўрин эгаллаганки, буни сўз билан ифо-
далаб бўлмайди. Тўннинг мотам маросимида ҳам алоҳида ўрни
бор. Бирор-бир хонадонда таъзияли ҳолат бўлганда албатта
марҳумнинг оила аъзолари «махсус», яъни мотам маросими
кийимини кийишган. Одатда, эркаклар тўн кийишади.

Дармоной Ўраева ўзининг «Ўзбек мотам морасими фольк-
лори» номли китобида қизиқ бир фактни келтиради. «Жар»
маросимидан сўнг марҳум йигитга «Тўн кийдириш» («Жоман-
пўшон») бўлиб ўтади. Унда марҳум йигитга кекса чол янги
дўппи ва янги чопон (тўн) кийдиради...»¹⁷²

Бундай мисолларни бошқа жойдаги мотам маросими би-

¹⁷² Ўша жойда.

лан боғлиқ намуналарда ҳам кўришимиз мумкин. Топишмоқдаги «Қизил бахмалдан тўн бичдим, қийиғини кўрмадим» мисрасидаги маъно биз учун энди тушунарли. Юқоридаги топишмоқни тахминан қуйидагича ифодалаш мумкин:

*Уйқуга кетиб туш кўрдим,
У дунёда ҳаммаси бошқача эди.
Ўлиб, яна қайта тирилдим.
Кўрганларим, уйғонгач, ғойиб бўлди.*

Яна бир ҳолат, топишмоқда келган кўпгина метафораларни туш мотивида келган рамзларга қиёсласак, улар ўртасидаги ўхшашлик янада ойдинлашади.

«Узун-узун қизгина, узун бўйли қизгина» (Туя); «Момом кетиб бораётир, кулчаси қолиб бораётир» (Туянинг изи); «Қатордаги қора нор, жетақдаги жир моя, Қарағай новда бутқисиз, боғлон кўзи суяксиз» (Ота, она, соч, кўкрак); «Пастаккина бўйли, иссиққина пўстинли» (Қўй), «Ола-була тўни бор, қуйруғида холи бор» (Йўлбарс), «Кундуз кўрпа ёпар, кечаси очиқ ётар» (Юлдуз), «Аввал бошдан ишим бор, устасида кумушим бор. Очилмаган сандиқда кўзи боғли қушим бор» (Она, тугилмаган бола) ва ҳоказо. Ушбу мисолларда қиз, момо – туяга, ота – норга, она – мояга, кўкрак – кўзига, қўй, йўлбарс, юлдуз – одамга, қуш – болага ўхшатилмоқда.

Бу ердаги метафоралар эртак ва дostonларимизда туш мотивидаги рамзлар билан уйғун, айна пайтда, ифода усулида тескари ҳолатда келганлигини кўраимиз.

Қибла бетдан бир ой туғиб кўринди,
Ой ёнида икки юлдуз кўринди...¹⁷³

¹⁷³ Алпомиш. Дoston / Айтувчи Омон шоир Раззоқов. Ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев. Қўлёзма. ЗЎФА. Инв. №943. – Б.22.

Олтмиш бешта боққан қўйим бор экан,
Қолган экан қўйим жуда семириб...
Бир оч бўри чиқиб келди остимдан,
Қира берди қўйларимни бир бошдан...¹⁷⁴
Бир тарлон талпиниб Қўнғиротдан учди,
Яхшиликка юри, опа, бу тушди....
Кўк ёл бўри келиб, қирди қўйимди...¹⁷⁵
Ётиб эдим, валлакатим, туш кўрдим,
Мен тушимда бир ажойиб иш кўрдим.
Мабодо кўнглингга оғир олмасанг,
Эк қаноти майиб бўлган қуш кўрдим.¹⁷⁶

Бу ўринда қўй, бўри, қуш – одам, ой – ёр, юлдуз – фарзанд маъносида келмоқда. Топишмоқда одам бирор-бир жисм ёхуд ҳайвон ҳақида топишмоқ учун метафора вазифасини ўтаб келаётган бўлса, дostonларда бунинг акси: қуш, қўй, бўри, ой, юлдуз рамзлари қахрамоннинг, унинг ҳолати ва кечинмаларининг бадиий ифодаси сифатида келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, туш ва топишмоқлар структурал, ифода усули, мазмун-моҳиятига кўра ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга. Улардаги ўхшашлик ҳар иккаласи ҳам мифолик тасаввур маҳсули эканлигини кўрсатади. Бу тасаввурлар аجدодларимизнинг қадим дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, тарихий тараққиёт жараёнида улар билан боғлиқ ту-

¹⁷⁴ Алпомиш. Достон / Айтувчи Берди бахши. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.102 – 103.

¹⁷⁵ Алпомиш. Достон / Айтувчи Саидмурод Паноҳ ўғли ва Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б.19 – 20.

¹⁷⁶ Кунтуғмуш. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент, 1975. – Б.192 – 193.

шунчалар ҳам ўзгариб борган. Туш ва топишмоқлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар уларнинг ўз табиатидан келиб чиққан.

Топишмоқ ва туш мотивида акс этган метафора ва рамзлар халқ оғзаки ижоди бадииятини кучайтириб, эстетик аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Ушбу боб сўнгида унга якун сифатида қуйидаги хулосаларни айтишни лозим топдик:

1. Ҳар бир фанда бўлганидек, жаҳон фольклоршунослигининг ҳам ўз тадқиқ методлари бор. Уларни мифологик, антропологик, тарихий, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий каби мактаб вакиллари ишлаб чиққанлар. Бу мактаб вакиллари баъзан бир-бирларининг қарашларини тўла инкор қилиш даражасигача етган бўлсалар-да, улар кашф этган методлар бир-бирини тўлдириб, фольклор тарихи, поэтикаси, аҳамияти ҳақидаги улкан ишлар юзага келишига сабаб бўлди. Улар орасида XX асрда шаклланган психоаналитик мактаб вакиллари яратган руҳий-тахлил методи ўзига хос ўрин тутди. Бу мактаб таълимотининг мавзумиз учун бевосита аҳамияти ва назарий асослардан бири бўлишига сабаб шундаки, унинг вакиллари қарашларида туш ҳодисаси марказий масалалардан биридир.

2. Психоаналитик метод асосчилари ва вакиллари мифларни янгича ўрганишга асос солдилар. Улар классик мифларни ва тушни инсоннинг англамаган онг ости ҳислари, руҳияти ифодаси сифатида рамзлар тилига асосланган моҳиятига кўра бир нарса деб баҳоладилар. Уларнинг талқинича, мифлар ҳам, санъат ҳам рамзлар тилига асосланади. Фақат биз поэтик мушоҳададаги рамзларни кўчимлар деб қабул қилсак, ибтидоий одам миф рамзларини ҳақиқат сифатида тушунган. Шу сабабли, масалан, мифда бирор ҳайвоннинг инсонга эврилиши реал воқелик деб қаралган.

3. Психоаналитик мактаб вакиллари биринчи марта мифни

замонавий одам билан биргаликда ўргана бошладилар. Уларнинг талқинича, туш замонавий одамнинг мифидир. Бу мактабнинг улкан кашфиётларидан бири шундаки, унда инсон руҳиятида ибтидоий даврда ҳам, бугун ҳам мавжуд бўлган эзгулик ва ёвузлик ҳислари миф ва тушларда турли рамзлар, руҳлар сифатида намоён бўлишини илмий асослаб бердилар. Ўзбек фольклорининг тарихий асослари ҳам, энг аввало, мифология билан боғлиқ бўлгани, туш мотиви фольклоримизнинг истисносиз барча жанри намуналарида иштирок этиб, турли бадиий-эстетик вазифалар бажариб келиши, психоаналитик методни ўзбек фольклорини ўрганишга тадқиқ қилиш фанимизни янада юксак даражага кўтаришга асос бўла олади.

4. Тадқиқотимизнинг аввалги саҳифаларида айтилганидек, туш ўзбек фольклорининг барча жанри намуналари, жумладан, халқ кўшиқларида ҳам алоҳида ўрин тутди. Туш ва кўшиқ умуминсоният учун хос, тарихий типологик, ҳаётий ва давомий ҳодисалардир. Ўзбек халқ лирик кўшиқлари узоқ тарихий асосларга, ҳажман нақадар кўплигига, оммавий ижод ва ижро этилишига қарамай, уларда туш бадиий деталлари жуда кам учрайди. Бироқ туш мотиви мавжуд намуналарда ўзига хос рамзлар, халқнинг туш ҳақидаги қарашлари, таъбирлари маълум даражада ўз бадиий ифодасини топган. Жумладан, уларда тушда кўрилган қуш – хабар, чой ичиш – висол, ича олмаслик – айрилиқ, сув ва унинг атрибутлари – севги, от – мурод, узук – никоҳ, фарзанд рамзлари бўлиб келади.

5. Халқ лирик кўшиқларида туш таъсири, одатда, «тагматн»да бўлади. Тушлар рамзлар олами, кўшиқлар рамзларга бой бўлгани учун тушлардаги рамзлар лирик кўшиқлардаги рамзларга мос бўлади. Қиёсий таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, кўшиқлар ҳам кўпинча анъанавий зачин мисра, рамзлар, лирик хулосага эга бўлсалар-да, эртак, дostonлар каби ёйиқ сюжетли эмас, тафсилотларга берилмайди.

6. Миф, туш ва кўшиққа хос умумий хусусиятлардан бири –

уларнинг оддий мантиқ қонунларига бўйсунмаслиги. Шу боис кўшиқларда дарёларнинг ўртасидан йўл солиш, илонлар ўрдасини қуриш мумкин. Фарқ шундаки, мифлар ва тушларда бундай рамзлар ҳақиқат деб тушунилса, лирик кўшиқларда улар поэтик кўчимлар деб қабул қилинади. Умуман олганда, ўзбек халқ кўшиқларидаги кўплаб поэтик рамзларнинг тарихий асосида туш ва у ҳақидаги мифологик тасаввурлар ётади.

7. Туш қадимий, доимий, умуминсоний физиологик-руҳий, сеҳрли-илоҳий ҳодиса, топишмоқ тарихий асослари ибтидоий даврлар билан боғлиқ жаҳон фольклорига хос жанр бўлгани учун улар ўртасида генетик алоқадорлик, умумий ва фарқли жиҳатлар бўлиши табиий. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

а) туш – доимий ҳодиса, топишмоқ – тарихий-фольклорий жараён натижасида мифологик тафаккур мевасидан поэтик тафаккур ҳосиласига айланган, аммо намуналарида қадимий тасаввур рудиментлари сақланиб қолган фольклор жанри;

б) дунё ибтидоий одам учун улкан жумбоқ, топишмоқ эди. Бунга у мифлар билан жавоб берди. Топишмоқ ҳам қандайдир жавобни талаб қилади. Туш ва унинг таъбирлари асосида, улар ҳақида ҳам кўплаб топишмоқлар яратилган. Худди тушни таъбир қилиш каби топишмоқ айтиш, унинг жавобини топишнинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Худди миф ва туш каби моҳиятига кўра туш таъбири ва топишмоқ жавоби бир нарсалардир;

в) қадимда туш ҳам, топишмоқ ҳам магик-маросимий аҳамиятга эга бўлиб, нотўғри таъбир қилганлар жазолангани, бирор кўнгилсизликка учрагани каби топишмоқ қоидаларида ҳам жавоб топа олмаганлар жазоланган;

г) топишмоқларнинг туш шаклидаги ифодалари халқ достонлари сюжети таркибида кўп учрайди ва муҳим бадий-эстетик вазифалар бажариб келади. Туш рамзлар олами бўлганидек, топишмоқларнинг кўпгина намуналари рамзлар, турли поэтик кўчимлар асосига қурилади.

III БОБ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАК ВА ДОСТОНЛАРИ СТРУКТУРАСИДА ТУШНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

3.1. Эртақларда туш ва туш мотиви

Бутунни билиш учун уни юзага келтирувчи қисмларни билиш керак бўлади. Шу маънода эпик асарларнинг сюжет асосини ташкил этувчи мотивларни билмасдан уларнинг моҳиятини англаш мушкул. Демак, дастлаб мотив ўзи нима деган саволга жавоб бериш лозим.

«Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да: «Мотив сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири», – дейилган.¹⁷⁷ Сюжет асар мазмунини ташкил этган воқеалар тизими бўлса, мотив шу воқеликни юзага келтирувчи асосий унсур ҳисобланади. Яъни эпик асар қурилма-структурасини мотивларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Эпик асарларнинг сюжет ва мотиви ҳақида мутахассис олимларнинг қарашлари турлича. Бироқ кўпчилик олимлар рус олими А.Н.Веселовскийнинг бу борадаги фикрларига асос сифатида таянишади. Мазкур олим мотивларнинг сюжетни

¹⁷⁷ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.190 – 191.

юзага келтирувчи энг асосий бўғин эканини таъкидлаб: «Мотивлар бирлашиб, сюжет ҳалқасини юзага келтиради», – дейди.¹⁷⁸ У мотивларни сюжетнинг энг кичик бир бўлинмас бўлаги сифатида таҳлил этади.

В.Пропп ва Б.Путиловлар эса А.Н.Веселовскийнинг қарашларини ривожлантириб, мотивларнинг ҳамшиша ўзгарувчан эканлигига, улар сюжетнинг кичик бир бўлаги бўлган ҳолатда унинг ўзи ҳам бўлақлардан, қисмлардан ташкил топишига эътибор қаратадилар. «Мотив сюжетнинг мағзидир», – дейди Б.Путилов.¹⁷⁹ Бу ўринда олим мотивларнинг табиий эволюцион жараёнини назарда тутади.

Сюжетнинг юзага келиши мотив билан чамбарчас боғлиқ экан, мотив бирламчи эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Энг муҳими, ҳар бир мотивнинг сюжет ҳалқасида қандай ўрин тутишини, қандай мазмун ва моҳият кашф этишини аниқлаш фольклоршуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбек халқ эртақ ва дostonлари таҳлилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар мавжуд. Улар орасида Ҳ.Зарифов, М.Саидов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Х.Эгамов, Ф.Жалолов, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.¹⁸⁰

¹⁷⁸ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л.: Высшая школа, 1940. – С.494.

¹⁷⁹ Путилов Б. Мотив как сюжетообразующей элемент // Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С.142.

¹⁸⁰ Жирмунский В.М., Зарифов Х. Узбекский героический эпос. – М.: Наука, 1947; Зарифов Х. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – С.6 – 25; Мирзаев Т. «Алпамыш» қаҳрамонлик эпоси ва ўзбек дostonлари // «Алпамыш». – Тошкент: Фан, 1999. – С.7 – 49.

Эпик асарларнинг сюжети, версия ва вариантлари, тарихий асослари ва бадиияти борасида бу олимларимизнинг изланишлари назарий манба бўлиб хизмат қилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Бироқ, шундай бўлса-да, биргина Н.Дўстхўжаеванинг ўзбек эртаклари таҳлилига бағишланган илмий ишини истисно қилганда, эпик асарлар структураси бизда ҳалигача етарлича ўрганилган эмас.

Ҳар қандай эпик ижод, авваламбор, эртак ва дostonлар ҳам ўз қурилмасига эга. Мотив эса ана шу қурилмада асосий ўрин тутди. Шундай экан, фольклор асарлари таҳлили мотивлар таҳлили орқали амалга ошмоғи керак. Эпик асарлардаги мотивларни аниқлаш, ҳар бир мотивнинг бошқа мотивлар билан боғлиқ жиҳатларини, ички ҳаракат ва хусусиятларини, бадиий-эстетик вазифаларини таҳлил этиш фольклоршуносликдаги муҳим масалалардан биридир.

Маълумки, эпик асар сюжети албатта бирор макон ва замонда кечар экан, бу ҳаракат, шубҳасиз, мотивлар ҳаракати орқали амалга оширилади. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу мотивлар, хусусан, туш мотивининг эпик асардаги ўрни, бошқа мотивлар билан муносабати, воқеликни юзага келтиришдаги тадрижий ривожини таҳлил этишдан иборат. Зеро, туш ва туш мотиви эпик асарларда муҳим ўрин тутди.

Ўзбек фольклорида, хусусан, халқ эртак ва дostonларида тушнинг муайян асар таркибида тутган ўрни, бадиий-эстетик вазифаси ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этиш учун, аввало, туш мотиви мавжуд бўлган асарларни жамлаб олиб, уларни ўзаро муқояса қилиб, маълум етакчи хоссаларига кўра таснифлаб, сўнгра турли йўналишлар бўйича тадқиқ этиш талаб этилади. Биз ушбу мақсадда нашр этилган мавжуд эртак ва дostonлардаги туш иштирок этган асарларни ажратиб олиб, уларни муайян жанр доирасида саралаб чиқдик. Оммавий нашр этилган 160 эртақдан 19 тасида, 60 та дostonнинг 16 тасида бевосита туш мотиви мавжудлиги аниқлан-

ди. Айни ҳолат эртак ва дostonларда туш мотивининг келиши хусусий ҳодиса бўлмай, анъанавий кўриниш олганлигини ва махсус тадқиқ қилиш етарлича материал бера олишини намoён этмоқда.

Эртак ва дostonлар таркибидаги тушнинг ҳар бир асар композицияси, сюжет қурилмасидаги ўрни, бадий вазифаси ва ушбу мотивнинг туб асослари, ундаги тимсол, рамзларнинг семантик кўламини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш умумфольклордаги туш ҳодисасининг табиати, бадий-эстетик қимматини ёритиш имконини беради. Шундай экан, дастлаб туш мотиви иштирок этган эртак ва дostonларни алоҳида-алоҳида ҳар бир жанр қамровида қараб чиқайлик.

Эртак сюжетида туш мотивининг тутган ўрни, бадий юки, умуман, эртаклардаги тушлар ўзаро қиёсланиб таҳлил қилинганда, авваламбор, куйидаги жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Бу ўринда туш мотивининг сюжет тизимидаги вазифаси, яъни сюжетдаги бошқа ҳалқаларнинг туш мотивига қай даражада боғланганлиги, аксинча, туш мотивининг бу мотивларга қанчалик алоқадорлиги масаласига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Сюжет ўзагини ташкил этувчи намуналар

Айни типдаги эртаклар нисбатан кам сонли бўлса-да, уларда туш воқеа асосини ташкил этувчи таянч – ўзак мотив вазифасини бажариши билан ажралиб туради. «Мусофирбек» (варианти «Сотилган туш»), «Хосиятли туш», «Сирли туш», «Ибратли туш», «Давлатмирза», «Хон билан камбағал», «Қирон ака», «Маликаи Бирмисқол» каби эртакларни айни гуруҳга киритиш мумкин.¹⁸¹ Ушбу асарлардан бир қанчаси-

¹⁸¹ Қаранг: Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар М.И.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Ҳусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва

нинг номланиши («Сотилган туш», «Хосиятли туш», «Сирли туш», «Ибратли туш») ҳам уларда тушнинг етакчи ўрин эгаллашини кўрсатиб турибди.

«Хосиятли туш» ва унинг версияси бўлмиш «Мусофирбек» эртагини бу гуруҳнинг мукамал намунаси сифатида келтириш мумкин. «Хосиятли туш» эртагининг қисқача мазмуни қуйидагича: «Камбағал аёлнинг ёлғиз кал ўғли ўтинчилик билан умр кечирарди. Бир куни у ғаройиб туш кўрибди. Тушида калнинг ўнг томонида қуёш, чап томонида ой балқиб турганмиш, кал гоҳ қуёшни, гоҳ ойни қучиб бағрига босармиш. Кал онасининг маслаҳати билан бу тушининг таъбирини доно маликага айтади. Малика кални уришиб ҳайдайди. Кал дарвоза олдида пойлаб, бу тушнинг таъбирини ўз ошиғига айтган пайти билиб олади. Таъбирга кўра, кал маликага ва яна бир гўзал парига уйланиши керак экан.

Малика ва ошиғи тақдирга қарши тадбир кўриб, бу юртдан кетишга аҳдлашади. Кал яна онасининг маслаҳатига кўра ухлаб қолган ошиқ йигит ўрнига бориб малика билан бирга ўзга юртга кетади. Кал маликанинг синовидан ўтиб, унга уйланади. Улар ўзга подшоликда яшай бошлайди. Шу мамлакат вазири калнинг хотинини кўриб, ҳуснига маҳлиё бўлиб подшога айтади. Подшонинг ҳам маликага ишқи тушиб, ҳаловатини йўқотади. Подшо маликага етишиш учун вазирининг маслаҳати билан калга шартлар қўяди. Кал малика хотини ёрдами-

санъат, 1995. I жилд; Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар М.И.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. II жилд; Олтин бешик. Эртаklar / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, К.Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985; Сув қизи. Фантастик эртаklar / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Сабуров. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1966.

да бу шартлар (йўлбарс сути, Гулиқаҳқаҳни олиб келиш)ни бажаради ва зolim подшодан қутулиб, юртга подшо бўлади». ¹⁸²

«Мусофирбек» эртаги «Хосиятли туш»дан биргина чўпон йигит Қўлдошнинг мардикор дўсти Йўлдош кўрган тушни сотиб олиши билан фарқланади. Аслида, Йўлдошнинг тушида «...осмонда иккита жуда катта юлдуз ва битта юлдуз тушиб» кўйнига кириши ҳам моҳиятан «Хосиятли туш»даги кал кўрган тушга уйғун келади. Эртаклардаги сюжет ривожини ва етакчи мотивлар ҳам бир-бирига деярли мос. Яъни:

– Қўлдошнинг тасодифан қизга шерик бўлиб сафарга чиқиши;

– қизнинг Қўлдошни синаши;

– Қўлдошнинг қиз билан оила қуриб, ўзга мамлакатда яшашлари;

– мамлакат подшосининг қизга ошиқ бўлиб, шартлар қўйиши (1. Йўлбарс сути. 2. Тилла ғишт);

– ушбу шартларни бажариш баробарида Қўлдошнинг иккинчи синглисини ҳам ўзи билан олиб келиши;

– ўлиб кетган отаси билан боғлиқ учинчи шартнинг бажарилиши давомида шоҳнинг ҳалок бўлиб, қаҳрамоннинг мамлакат тахтига эғалик қилиши.

Ўрни билан шуни айтиш керакки, «Хосиятли туш»да ҳар бир мотив эпик мантиқ мезонларига мос равишда ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада бадиий асосга эга. Лекин «Мусофирбек»даги иккинчи шартни бажариш баробарида пари қизнинг келиши туш таъбири ҳамда «Хосиятли туш»даги муқобилга тўғри келса-да, қизга Қўлдошнинг дўсти Йўлдошга берилиши сўнги даврдаги таҳрир сифатида баҳоланиши ўринли. Чунки туш таъбирини кўра, икки ёруғ юлдуз

¹⁸² Мусофирбек // Ўзбек халқ эртаклари. II жилд. – Б.293 – 307.

туш кўрувчининг («Хосиятли туш»да кун ва ой) кўйнига киради. Ўз навбатида, бу юлдузлар тушни сотиб олган кишига насиб этиши керак эди («Хосиятли туш»да воқеа шундай ечимга эга).

«Мусофирбек» эртагида қаҳрамоннинг «қизга шерик бўлиб сафарга чиқиши» мотиви ҳам «Хосиятли туш»дагидек мантикий асосга эга эмас. Айни пайтда, «Мусофирбек»даги синов мотиви ва бу ўринда келтирилган киритма ҳикоят эртак бадииятини янада мукаммал мақомга кўтаради. Айни воқеалар «Хосиятли туш»да учрамайди.

Бир сўз билан айтилса, қиёс натижаси бу эртакларни версия сифатида баҳолашга тўла имкон беради. Кўриниб турибдики, эртаклар сюжети туш тизимига мос равишда ривож топиб яқунланмоқда. Мабодо эртак таркибидан туш мотиви олинса, асарлар сочилиб, ўз қиёфасини йўқотади.

Ушбу эртаклар халқнинг туш – инсон тақдири ва келажаги тўғрисида сирли хабар ва ишоралар эканлиги ҳақидаги тасаввурларини ўзига хос равишда бадиий ифода этмоқда. Хусусан, кимки туш кўрсатмаларига биноан тадбир юритса, албатта амалга ошиши «Хосиятли туш» орқали, мабодо айни имкон ўзгага берилса, бу азалий «юк» бошқа ўзанга ўтиб рўёбга чиқиши «Мусофирбек» мисолида тасвирлаб берилмоқда. Тақдири азалнинг амалга ошуви бевосита инсон хатти-ҳаракати ва интилишларига боғлиқлиги ҳақида ушбу қарашлар халқимизнинг туш ҳодисаси билан боғлиқ сакрал тасаввурларининг мукаммал тизимга эга эканлигини яна бир бор исбот этади.

Маълумки, нафақат ўзбек, умуман, дунё халқлари эртакларида маълум миқдордаги мотивлар ва санокли сюжет типлари мавжуд бўлиб, барча эртаклар ана шу мотивларнинг бирор-бир сюжет типи доирасида у ёки бу даражада комбинацион янгиланиши натижасида пайдо бўлади. Ушбу сюжет тизилмасида кўпинча бирор-бир мотив етакчи ўрин эгаллай-

ди. Қолганлари эса ушбу таянч мотив атрофида бирлашади. «Хосиятли туш», «Мусофирбек», «Сирли туш», «Ибратли туш», «Давлатмирза», «Хон билан камбағал деҳқон» каби эртақларда туш мотиви ана шундай бирлаштирувчи ўзак ва-зифасини ўтамоқда.

Ушбу гуруҳга мансуб «Ибратли туш», «Хон билан камбағал деҳқон» эртақларига солиштирилса, уларда туш ва таъбир бевосита асар сюжетининг асосий қисмини ташкил этишини кўрамиз.

«Ибратли туш» эртагини намуна сифатида келтириб таҳлил этайлик.

«Бир замонда бир подшо кечаси ётиб туш кўрган экан. Тушида айланиб юриб бир боғни кўрган экан, боғда бир тоғни кўрган экан, ўртасида иккита тентак билан соғни кўрган экан. Ул боғнинг ўртасида бир туп мевали дарахт бор экан, у дарахтнинг меваси пишган экан, тўкилиб тагига тушган экан. Мевани териб олган экан, дўпписига солган экан, ейман деб ея олмай қолган экан. Шунда бу кўрган тушига ўзидан-ўзи таажжу – ҳайрон қолган экан.

Подшонинг тўртта мунажжим фолчиси бор экан. Тўртовини аравага солиб келиб, рўпарага олиб келиб:

– Мен бугун туш кўрдим, тушимни жўйинглар, таъбирини айтиб беринглар, – деган экан. Мунажжимлар:

– Кўрган тушингизни бизга айтасиз, унга биз таъбир айт-миз, –

дейишибди. Подшо:

– Мен тушимда бир боғни кўрдим, боғда айланиб юриб тоғни кўрдим, ўртасида бир тентак билан соғни кўрдим. Боғнинг ўртасига борсам, бир мевали дарахт, меваси пишган, тўкилиб тагига тушган. Мевасидан териб олибман, дўппимга солибман, ейман деб туриб уйғониб қолибман. Шу кўрган тушимни қай хилда қилиб таъбирини жўясизлар? – дебди. Мунажжимлар:

– Кишининг тушига ҳар қандай нарса киради. Уни жўйса ҳам бўлади, жўймаса ҳам бўлади, – дейишибди. Подшо:

– Кўрган тушни жўя олмагандан кейин, сизларнинг мунажжимликларингизнинг нима кераги бор? – дебди. Мунажжимлар:

– Бўлмаса, кўрган тушингиздаги мевали дарахт мевасининг монанди нимага ўхшайди? – дебди. Подшо:

– Меваси тиллага монанд, барги кумушга монанд, шохи темирга

монанд, – дебди. Мунажжимлар:

– Сиз тушингизда кўрган у дарахт ер юзида йўқ нарса, – дебди. Подшо:

– Йўқ нарса менинг тушимга кирмайди. Топиб бермасанглар, мунажжимлигингизни ҳисобга олмайман, сизларга жазо буюраман, – дебди. Шунда мунажжимлар кўзидан ёш тўкиб, бир-бирига ҳайрон қарашиб турган вақтда подшонинг отбоқар хизматкори бу гапни эшитиб қолиб, подшога таъзим қилибди. Подшо:

– Ҳа, нима арзинг бор, – дебди. Отбоқар:

– Сиз айтган мевали дарахт бор. Булар мунажжим бўлгани билан билмайдилар. Буларни хўрламанг, топиб беринг деб зўрламанг. У мевали дарахт бор бўлгани билан, ҳозир меваси пишгани йўқ. Меваси тўкилиб, тагига тушади. Мевасини териб олиб, этагимга солиб танаси темирга ўхшаган, барги кумушга ўхшаган, меваси тиллага ўхшаган дарахтни олиб келиб кўрсатаман. Ҳар қанча жазо буюрсангиз, мен гарданимга оламан, буларни қийнаманг деб умид қиламан, – дебди. Подшо хўп деб мунажжимларни беозор кетказибди. Ўзининг еган овқатининг сарқитини отбоқарга егизиб юрганда қирқ кун бўлибди. Отбоқар йигит ҳалиги мевали дарахтнинг бир шохини кесиб, мевасини ҳалвиратиб, елкасига солиб шалвиратиб подшонинг дарвозасига келибди. Эшик олдидагилар:

– Буни нимага олиб келдинг, – деса,

– Подшога менинг кўрсатадиган далил, важим бор, – дебди. Улар подшонинг олдига олиб боришибди. Подшонинг олдига мевали дарахтни ташлаб, таъзим қилиб турибди. Подшо:

– Нимага буни олиб келдинг, – дебди. Отбоқар:

– Буни олиб келмай, нимани олиб келаман, – дебди. Подшо:

– Бунинг менга нима даркори бор? – дебди. Отбоқар йигит:

– Нима даркори бор дейсиз, бунинг мевасидан ейсиз, қайси кунги мунажжимларга нима дейсиз. Буни сиз кўринг, сизнинг тушингизда кўрган дарахтнинг йўригидан йўриқлаб, ўзингизнинг ўзингиз ақлингизни кўриқлаб, шунга қаранг-чи, тушингизда кўрган дарахтга ўхшайдими, йўқми? – деганидан кейин подшо қойил бўлиб, озгина сарпо бериб кетказиб, нарироққа етказиб, у дарахтнинг мевасидан еб, ундай-бундай деб, у мевали дарахт нима экан десам, жийда экан...»¹⁸³

Эртақда тўрт мунажжим таъбир этолмаган подшо тушини оддий отбоқар йигит ечади. «Ибратли туш»нинг ибратли жиҳати туш таъбирининг воқеага, таъбирчи хатти-ҳаракати, тадбирига сингдириб юборилганлигида. Яъни бу ҳаёт – «боғ»да ўзини доно атаганларнинг ҳаммаси билимли бўлмай, ақли, идроки, камолини кўз-кўз қилмай, бошқалар наздида «телбасифат» юрган кишилар ҳам доно бўлиши мумкинлиги, ҳар ким бажарган ишига кўра баҳоланса, адолат тантана қилиши ҳақидаги фикр бадиий ифодаланган.

«Подшо ва камбағал деҳқон» эртагида эса бевосита ҳаётда ҳам шундай ҳолат, ҳодиса рўй бериши ҳақида тасаввур акс этиши баробарида тушнинг киши руҳий ҳолати ва ўй-ке-

¹⁸³ Ибратли туш // Луқмони Ҳаким / Айтувчи Нурали Нурмат ўғли. Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев ва З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б.174 – 176.

чинмаларининг ифодаси сифатида воқе бўлиши ҳам ўта об-разли тасвирларда баён қилинган.

Эртақда деҳқоннинг бир хумча олтин топиб олиб ҳузур-ҳаловатини йўқотиши, йўлда ўтаётган маҳрам буни кўрди деб гумонга бориб уни турли баҳоналар билан тергаши, кампирининг олтинларни тошга айлантириб қўйганидан беҳабар тош тўла хумни хонга олиб бориши ва ниҳоят ўзини овсарликка солиб зиндондан қутулиши, охир-оқибатда хум тўла олтинга боғлиқ учта туш сюжет асосини ташкил этади.

Бир асарда икки ёки ундан ортиқ тушларнинг келиши ўзбек халқ эртақларида ягона ҳодиса эмас. Жумладан, «Мусофирбек», «Фулумбачча», «Маликаи Ҳуснобод», «Қирон ака», «Мурқумом», «Давлатмирза» эртақларида ҳам икки-тадан туш учрайди. Юқорида санаб ўтилган эртақлардаги тушлардан «Хон билан камбағал деҳқон» эртагидаги тушларнинг бир-бири билан ўзаро яхлит тизимда туришини нисбатан ягона ҳолат сифатида кўрсатиш мумкин. Яъни чол кўрган биринчи туш: «Бобо уйига қайтиб келиб ниҳоятда чарчаганидан ётиб ухлаб қолибди. Тушида у қирқта довучча еган эмиш». Кампири унинг бу тушини: «Довучча аччиқ нарса-ку, энди сиз хондан қирқ таёқ ейсиз», – деб таъбир қилади. Чол бу таъбирдан кўнгли тўлмайд эшонга боради. Эшон: «Сен ҳеч вақт тушингни хотинингга айта кўрма, унинг йўйгани нотўғри бўлади. Энди қирқ таёқ оласан», – деб айтади. Ҳақиқатан ҳам кампирнинг айби билан чол хондан қирқ таёқ жазо олади.

Иккинчи туш: «Бобо ҳолдан кетиб ухлабди ва яна туш кўрибди. Бу гал у тушида саксонга довучча ебди. Чол тушини хотинига айтмай, эшонга бориб:

– Эй тақсир, бугун мен яна туш кўрдим, тушимда ўн беш дона довучча едим. – дебди. Эшон:

– Сен қанча довучча еганингни тўғриси айт, – дебди. Бобо:

– Тақсир, қирқ, элликта довучча едим! – дебди. Эшон айтибди:

– Бу айтганларинг ҳам тўғриси эмас, тўғрисини сўзла, – дебди. Ҳар бир довучча учун энди биттадан таёқ есам керак деб ўйлаб:

– Бугун мен тушимда саксон довучча едим, – дебди.

– Агар ундай бўлса, – дебди эшон, – бугун сен минг тилла мукофот оласан».

Келтирилган ҳар иккала туш тасвирида халқнинг туш ҳодисаси билан ўта муҳим қарашлари ўз ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Булар куйидагилар:

– «Тушнинг боши қил» мақолида образли айтилган эътиқод мавжуд. Бунда туш дастлаб қандай таъбир қилинса, ўша ҳолатда рўй беради деб қаралади;

– ҳар қандай тушни яхшиликка йўйиш ва тушни асосан таъбирни биладиган оқил кишига айтиш. Чолнинг бу тушини беўрин таъбир қилган кампир яхшиликнинг ёмонликка айланишига сабаб бўлади. Эшон шу сабабли ҳам чолга: «Ҳеч вақт ўз тушингни хотинингга айтма», – деб маслаҳат беради;

– туш кўрувчи таъбирчига ўз тушини имкон қадар батафсил, бузмасдан баён этишининг муҳимлиги. Чунки ҳар бир кўрилган туш қаторида тўқилган туш ҳам амалда рўй бериши мумкин деган қатъий ишонч мавжуд. Жумладан, ислом оламида кенг тарқалган Юсуф алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ қиссаларда ҳам новвой тўқиган тушда айни ҳодиса акс этган. Эшоннинг чолни тушини аниқ айтишга мажбур этиши ана шу талабдан келиб чиққади.

«Хон билан камбағал деҳқон» эртагидаги тушлар халқнинг туш ҳақидаги эътиқодий қарашлар тизимини ўзида мукамал акс эттириши билан ҳам аҳамиятлидир. Эртақдаги хон кўрган учинчи туш ҳам юқоридаги туш ва олтин билан чамбарчас боғлиқ.

«Ўша куни тунда хон ҳам туш кўрибди. Тушда қиёматқойим бўлган эмиш. Фаришталар ҳамма одамларни, шулар қаторида хонни ҳам Сирот кўприкка ҳайдаб борганмиш. У

бир ярим минг чақирим йўл босгандан сўнг Мурод бобога дуч келибди. Бобо хонга: «Сен биз каби бегуноҳларни у дунёда урдинг, қийнадинг, бир семиз отинг ҳуркиб сени йиқитгани учун мени қаттиқ жазоладинг, энди сени бу ерда шундай урадиларки, бу дунёга келганингга ҳам пушаймон ейсан, – дебди».

Эртақда подшонинг Мурод бобони чақиртириб келиб розиризолигини олиш учун кўп тилла ваъда қилгани, лекин чол кўйиб юборсангиз бўлди, розиман деб пул-мол олмай, ўзи топган олтинларни сарфлаб мурод-мақсадига етганлиги айтилади.

Туш таъбирига кўра, чол подшодан минг тилла олиши керак эди. Лекин бу ўринда эртақчи қандайдир сабабларга кўра воқеанинг ушбу ўрнига таҳрир киритган. Аслида, туш иштирок этган эртақлар, хусусан, асар сюжети бевосита туш билан боғлиқ асарларда айтувчилар томонидан киритилган янгилик ёки ўзгартиришлар, унутилган деталь ва ўринлар аниқ сезилиб туради. Мисол тариқасида юқорида кўриб чиқилган «Мусофирбек» ва «Хон билан камбағал деҳқон» эртақларини эслаш kifоя.

Биз биринчи гуруҳ сифатида саралаган эртақлар композициясига диққат қилинса, уларда туш мотивининг асар аввалида келишини кузатамиз (биргина «Хон билан камбағал деҳқон» эртаги бундан мустасно).

«Маликаи Бирмисқол», «Қирон ака», «Воспирохун» (сўнгги қисми), эртақларида сюжет тугуни туш билан бошланишига кўра биринчи гуруҳга мансуб бўлса-да, бу намуналардаги туш мотиви тўлалигича сюжетнинг бошқа ҳалқаларини ўз қарамоғида тутиб турмайди. Масалан: «Маликаи Бирмисқол» эртагида подшонинг яккаю ягона Аҳмадбек ўғли гўзал маликани тушида кўриб ошиқ бўлиб қолади. Айни ҳолатни «Қирон ака» эртагида ҳам кўрамыз.

Ҳар икки эртақда ҳам тушнинг тафсилоти учрамайди. «Аҳмадбек ғам-ҳасратдан узоқда вояга етибди. Кунлардан бир

қуни тушида гўзал маликани кўриб, унга ғойибона ошиқ бўлиб қолибди. Шу кундан бошлаб Аҳмадбек бировга гапирмайдиган, бирон таомга қўл ўрмайдиган бўлибди»¹⁸⁴ тарзида статик ахборот берилган. Бу ҳолат «Қирон ака» эртагида ҳам деярли шундай. Эртақларда шаҳзодалар сирини бир хилда кекса кампирлар аниқлаб, уларнинг ошиқлиги ошкор бўлади. Аҳмадбекка ғайритабиий кўмакчилар, «Қиронхон»даги шаҳзодага эса Қиронхон ёрдам бериб, ошиқлар маъшуқасига етишади.

Ушбу эртақлардаги туш мотиви бошқа бир хабар билан алмаштирилса, эртақлар сюжетида деярли путур етмайди. Айти ҳолатни «Воспирохун» эртагининг учинчи қисмида, яъни Соҳибқуролнинг уч ўғил кўриб, отасидан қолган мерос мулк орасидаги ойнаи жаҳонномага қараб ухлаб, тушида кўрган қизга ошиқ бўлиб, унга ўғилларини жўнатиши ва кенжа ўғилнинг қийинчиликларни енгиб, ушбу қизни олиб келишида ҳам кузатамиз.

«Қирон ака», «Маликаи Бирмисқол», «Воспирохун» (сўнгги қисми) эртақларида сюжетнинг кўрилган туш билан боғлиқ бошланиб, яқун топиши бу эртақларнинг биринчи гуруҳга мансуб эканлигини билдирса-да, қиз ҳақида маълумот берувчи тушнинг бошқа бирор «xabарчи» мотив билан алмашиши сюжет тизимида деярли ўзгартириш киритмаслиги бу намуналарни эртақлардаги биз алоҳида ажратилган иккинчи гуруҳга уйғунлаштиради.

Сюжетнинг маълум ҳалқаларини боғловчи намуналар

Ушбу гуруҳга кирувчи намуналарда туш мотиви эртақ сюжет тизимидаги ҳалқаларнинг маълум бир бўғинларини ўзаро

¹⁸⁴ Маликаи Бирмисқол // Олтин бешик. – Б.82 – 85.

бир-бирига боғлаб туради. Энг эътиборли жиҳатлардан яна бири шундаки, бу гуруҳдаги тушлар эртақ воқеалари баёнининг ривожига ёки сўнггида учрайди.

Айни гуруҳга кирувчи тушларни бирор-бир эртақ сюжетидаги ўрни ва моҳиятига кўра қуйидагича ички қисмларга ажратиб тасниф этиш мумкин:

а) қаҳрамоннинг тушига кирган бирор-бир ғайритабиий куч ёки ҳомий руҳ унга хавф-хатардан қутулиш йўлини, чорасини ўргатади: «Фуломбачча» (биринчи туш), «Беш қиз», «Одилбек билан Хуррамбек», «Ҳақим балиқчи», «Эркенжа» ва ҳоказолар.

Мисол тариқасида «Фуломбачча» эртагидаги биринчи тушни келтиришимиз мумкин. «Фуломбачча ғаладон ичида ётиб туш кўрибди. Тушида бир одам: «Эй йигит, шу қишлоқнинг нариги чеккасида бир тепалик бор. Шу тепалиқда аждарнинг макони бор. Бу аждар кундузи ухлайди, кечаси чиқиб ҳамма қишлоқларни айланиб, нима тўғри келса тутиб ейди. Бу қишлоқнинг хароб бўлишига шу аждар сабабчи. Сен эртага ўрмонга бориб, бир қанча ёғочларни йиғиб, шу аждар устига кўмма қилиб, ички томонини бир-бирига маташтириб қўй. Ёғочларнинг ҳар қайси учини ип билан боғла, ўртасига тош қўй. Илон чиқадиган вақтда ҳалиги ипларни бирданига кесиб юбор. Ёғочлар тегиб, аждарнинг боши ярадор бўлади, ўлса ҳам ажаб эмас», – дебди. Фуломбачча уйғониб қараса, олдида ҳеч ким йўқ, тонг отиб қолибди».¹⁸⁵ Фуломбачча ушбу маслаҳатга амал қилиб аждарни енгади.

Қаҳрамонга «Беш қиз» эртагида – Хизр, «Одилбек билан Хуррамбек»да – кампир, «Ҳақим балиқчи»да – чол, «Эркенжа»да – бир одам айни шу тартибда маслаҳат беради. Қаҳра-

¹⁸⁵ Фуломбачча // Ўзбек халқ эртақлари. Икки жилдлик. II жилд. – Б.310 – 318.

монга ғайритабиий кучларнинг тушида берувчи маслаҳатлари деярли аниқ тарзда айтилиб, бошқа тушлар каби махсус таъбир, талқин талаб этмайди.

Мисол тариқасида яна бир намуна келтириб ўтиш мумкин. «Одилбек билан Хуррамбек»дан кўчирма: «Одилбек йўл юриб, ниҳоят, тоғ оралиғидаги ғорга етиб келибди. Тушида бир нуроний кампирни кўрибди. Кампир:

– Ҳа, болам, бу борса келмас юртда нима қилиб юрибсан? – деб сўрабди. Одилбек бошидан ўтганларни гапириб берибди.

– Ишинг оғир экан, болам, – дебди кампир. – Майли, сенга бир маслаҳат берай, бахтинг ёр бўлса, мақсадинга етарсан.

– Қандай маслаҳат экан, – деб сўрабди Одилбек. Кампир айтибди:

– Сен мана шу ғорга кириб бораверасан, кўп юрганингдан кейин ажойиб бир гулзорга етасан. Шунда сен юқорига қара. Баланд тоғнинг чўққисида кўк билан ўпишиб турган бир қаср-ни кўрасан. Гулпаризод ана шу қасрда туради. У қасрга чиқиш одам боласининг қўлидан келмайди. Агар бахтинг бўлиб чиқа олсанг, қасрнинг биринчи дарвозасида баҳайбат бир дев қоровул бўлиб ётибди. Шу девни ўлдириб, жиғилдонидан қирқ дарвозанинг калитини олсанг, бас. Ундан у ёғи дарвозаларни очганингдан кейин маълум бўлади. Одилбек уйғониб кўзини очса, туши экан». ¹⁸⁶

Одатда, тушга кирувчи ғайб одам қаҳрамонга керакли маълумот, йўл-йўриқ ва таъбу сиргача айтади;

б) қаҳрамон тушига кирган шахс ёки бошқа ишорат берувчи восита сабабли сафарга отланади. «Озодчеҳра», «Ғулом-бачча» (иккинчи туш), «Сусамбил», «Булбулигўё», «Қирон ака» (иккинчи туш) эртақларида келган тушларни ушбу гу-

¹⁸⁶ Одилбек билан Хуррамбек // Олтин бешик. – Б.119 – 125.

руҳга киритиш мумкин. Айни эртақлардаги тушлар тафсилотига эътиборимизни қаратайлик:

«Озодчеҳра бир куни кечаси тушида отасини кўриб, чўчиб уйғонибди ва чуқур бир оҳ тортибди...»¹⁸⁷ Шундан кейин у отасини кўриш учун йўлга чиқади.

«Фуломбачча тушида подшоҳнинг қизини кўрибди. Қиз Фуломбаччага:

– Оташинлик вақтида алваъдайн деган гаплар бор. Ваъдага вафо қилмадинг-ку, – деб кўздан ғойиб бўлибди. Фуломбачча чўчиб уйғониб қараса, туши, ёнида ҳеч ким йўқ, азон вақти бўлган экан».¹⁸⁸ Фуломбачча ҳам шу туш туфайли йўлга чиқади.

«Подшонинг кенжа ўғли туш кўрибди. Тушида бир парча булут узилиб, қўйнига тушибди. Чўчиб уйғониб, подшонинг ёнига келиб:

– Эй отажон! Менга ҳам сафар йўли тушди. Туш кўрдим, тушимда сафарга чиқишни хуш кўрдим. Яхшилик билан жавоб берсангиз ҳам, йўқ десангиз ҳам кетаман, – дебди».¹⁸⁹ Кенжа ўғил ҳам туш йўриғи билан сафарга отланади.

«Сусамбил»да ҳўкиз тушида бошқа ҳўкизни сузаяпман деб хўжайинини сузгани учун уйдан ҳайдалиб, бошқа ҳайвонларга қўшилиб Сусамбилни излаб йўлга тушади.

Келтирилган тушлар баёни ҳам бу хилдаги тушларнинг қисқачалиги деярли ортиқча тимсолларсиз қаҳрамоннинг сафарга чиқишига туртки уйғотиши билан ажралиб туришини билдирмоқда;

в) эртақ сюжетининг маълум бир ҳалқасида рўй беражак

¹⁸⁷ Озодчеҳра // Ўзбек халқ эртақлари. Икки жилдлик. I жилд. – Б.87 – 98.

¹⁸⁸ Фуломбачча // Ўзбек халқ эртақлари. Икки жилдлик. II жилд. – Б.310 – 318.

¹⁸⁹ Булбулигўё // Олтин бешик. – Б.31– 44.

воқеа қаҳрамон тушида аён бўлади. «Маликаи Ҳуснобод», «Рустам ва Шерзод», «Мурқумом» (иккинчи туш) эртакларидаги тушлар ушбу хусусияти билан эътиборга молик.

Масалан: «Қизнинг отаси кечаси туш кўрибди. Қараса, осмондан бир бургут келиб, подшони кўтариб учибди. Олиб кета туриб:

– Менга қуллуқ қиласанми, ё бошингни узиб ташлайми? – дебди. Подшоҳ:

– Юртимни ва хазинаю дафиналаримнинг ҳаммасини сенга берай, лекин омон қолдир, – дебди. Шунда қуш:

– Менга дунё керак эмас, сен золимдан Ҳуснободнинг ҳокими талаб қиламан, – дебди. Подшоҳ қизининг исмини эшитиб йиғлаб турган вақтида Ҳуснобод қизи бир тоғнинг орасидан чиқиб кела бошлабди. Бир қўлида яланғочланган қилич, бир қўлида ғоз кабоби бор эмиш. Қизи етиб келиб, ўша қушни бир урибди. Қуш икки бўлакка бўлинибди. Подшоҳни ерга қўйиб, қўлидаги кабобни узатиб:

– Ота, мендан ўтган бўлса, маъзур тутинг, – дебди. Подшоҳ «дод» деб уйғонибди. Қараса, ён-атрофида ҳеч ким йўқ, қоронғуда бир ўзи ётган экан».¹⁹⁰

Подшоҳ тушини вазири сизга душман даф қилса, қизингиз келиб қутқариб олар экан, подшоҳлик бошқа одамга ўтар экан деб таъбир қилгани учун зиндонбанд этилади. Эртақ воқеалари эса ушбу туш хабар берганидек ечим топади.

«Рустамзод ва Шерзод» эртагида ҳам ўзи ва болалари тақдирида рўй беражак воқеа чолнинг тушида аён бўлади. «Бир куни бобой чарчаб, ўйлаб ётган эди, мудроқ босиб, кўзини уйқу олди. Тушида кўрса, ўз ҳовлисида ўтирибди. Шу вақтида бир шоқол келиб, мурғни тутиб олди. Бобой югуриб келиб,

¹⁹⁰ Маликаи Ҳуснобод // Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. II жилд. – Б.105.

мурғни қутқариш учун кўп жаҳду жадал қилди, бўлмади. Ахири шоқол мурғни олиб кетди. Бобой уйғониб қолиб, туш кўрганини англади». ¹⁹¹

Ушбу эртақдаги туш бевосита таъбир қилинмаган бўлсада, воқеалар ривожини туш тимсоллари талқинига мос давом этади. Айни ҳолат «Мурқумом» (иккинчи туш)да ҳам тўлалигича акс этган.

Келтирилган мисолларни ўзаро ва бошқа туш иштирок этган намуналарга муқояса қилиб кўрилса, айни гуруҳдаги тушлар тўлалигича тимсоллар воситасида баён этилишини кузатамиз;

г) воқеликни туш сифатида баён этиш. Қаҳрамон мушкул шартни бажариш давомида ўз кўрганларини туш сифатида айтади («Моҳистара»). Қаҳрамонга қўйилувчи шартга сабаб сифатида туш тўқилади («Мусофирбек»даги иккинчи туш). Ҳар икки ҳолатда ҳам тўқилувчи тушлар шарт мотиви билан алоқадор келмоқда. Эртақлар таркибида туш мотиви сюжетининг маълум ҳалқаларини боғлаб келган намуналар асосан биз юқорида тасниф этган тўрт хил кўринишда намоён бўлмоқда.

Ўз навбатида, эртақларда келувчи тушларнинг икки катта гуруҳи ўзаро қиёсланса, улар ўртасидаги фарқ янада аниқроқ намоён бўлади.

Ҳар икки гуруҳ ўртасидаги асосий фарқлар:

– биринчи гуруҳга мансуб эртақларда туш мотиви асосан воқеа аввалида келади ва сюжетнинг асосий бўғинлари: тугун, кульминация, ечимлар ушбу мотив билан чамбарчас боғланган ҳолатда воқеа бўлади;

– иккинчи гуруҳдаги тушлар воқеа ривожини ёки воқеа сўнгига келади. Уларда биринчи гуруҳдаги каби кенг қамров йўқ;

¹⁹¹ Рустамзод ва Шерзод // Ўзбек халқ эртақлари. Икки жилдлик. II жилд. – Б.59 – 73.

– биринчи гуруҳ намуналаридаги туш мотивини иккинчи гуруҳдан фарқли бошқа мотив билан алмаштириш ёки тушириб қолдиришнинг имкони йўқ. Акс ҳолда, эртақ бутунлай ўзгариб кетади. Иккинчи гуруҳдаги туш моҳиятан шу мотив ўрнини босувчи бошқасига алмаштирилса ҳам, умумсюжет тартиби деярли ўзгармайди;

– биринчи гуруҳдаги тушларнинг асосий қисми таъбири билан биргаликда айтилса, иккинчи гуруҳда бу ҳолга ҳаммавақт ҳам амал қилинмайди. Бу гуруҳга мансуб кўпчилик тушлар тўғридан-тўғри хабар, ахборот шаклида келади.

Эртақ сюжетида туш мотиви ҳалқасининг жойлашув ўрни масаласига келадиган бўлсак, у асосан қуйидаги ўринларда жойлашган:

1. Воқеа бошида.
2. Воқеа ривожиди.
3. Воқеа сўнгида.

Туш мотиви учровчи эртақлар ва уларда ушбу мотивнинг сюжет қурилмасидаги ўрни, вазифаси инобатга олиниб, улар алоҳида жадвалга жамланди. Айни пайтда, жадвал (1-жадвал)да тушда келувчи тимсоллар, таъбир, тушнинг бошқа мотивлар билан алоқаси ва келтирилган эртақнинг мавжуд версия, вариантлари ҳам ўз аксини топган.

Биз юқорида тушнинг эртақ сюжетида тутган ўрни ва унинг сюжетни ташкил этишдаги вазифалари хусусида атрофлича тўхталдик ва қилинган хулосалар, таснифлар жадвалда ҳам ўз аксини топган.

Навбатдаги масала тушнинг бошқа мотивлар билан ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш. 1-жадвал натижаларига таяниб қуйидаги кўрсаткични чиқарамиз:

Ушбу жадвал эртақ таркибидаги тушлар асосан синов (8), сафар (7), уйланиш (5) мотивлари билан фаол, қисман ҳомий ва хатар (3 тадан) ва бир ўринда ўлим мотиви билан боғлиқ келишини кўрсатмоқда. Демак, эртақ сюжети ўзагини ташкил

этувчи қаҳрамоннинг ёр учун (уйланиш) сафарга отланиши ва синовларни енгиб унга етишувида туш асосий боғловчи вазифасини ўтамоқда.

1-жадвал.

**Ўзбек халқ эртакларида туш билан
боғлиқ мотивлар**

№	Туш билан боғлиқ мотивлар номи	Умумий ҳисоби
1.	синов	8
2.	сафар	7
3.	уйланиш	5
4.	ҳомий	3
5.	хатар	3
6.	ўлим	1

3.2. Достонлар структурасида тушнинг тутган ўрни ва таснифи

«Алпомиш» достонининг барча вариантларида биз туш мотивига дуч келаемиз. Достондаги воқеалар бошланишида, ривожда ва якунида келган бундай тушлар ўрнига қараб бири-бирдан фарқланиб туради. Мисол учун, достоннинг Фозил Йўлдош ўғли вариантыда туш мотиви воқеанинг бошида ва ривожда келади. Қаҳрамон, яъни Алпомишнинг дунёга келиши, улғайиши, уйланиши, ҳаёт қийинчиликларини енгиб мурод-мақсадига етиши туш мотиви орқали очиб берилади. Агар достондаги туш мотиви тушириб қолдирилса, унда сюжет жиддий зарар кўради. Достондаги бефарзандлик, улғайиш, синов, сафар, уйланиш ва уйга қайтиш мотивлари бевосита туш мотиви билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келадики, туш бу ўринда воқеалар ривожини учун асосий пойдевор вазифасини ўтаганини кўраемиз.

Туш мотивига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири унинг кўпинча бошқа мотивларни ўзи билан бирга етаклаб келишидир. «Алпомиш» достонига Алпомиш, Барчин ва Қоражон бир вақтнинг ўзида айна бир тушни кўради: «Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди, саҳар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам баҳмал ўтовда ётиб субҳи содиқ туққан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин кейин, дўғулиш кўрди».¹⁹²

Ана шу туш мотивида бутун достон воқеалари олдиндан башорат қилиниб, рамзлар тилида баён этилади. Яъни дос-

¹⁹² Алпомиш. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.144 – 145.

тон сюжетининг кейинги воқеалари ривожини ана шу парчада кўрсатиб берилади. Ушбу мотивдан сўнг дoston воқеалари тезлашиб, сюжетнинг кейинги ҳалқалари учун вазият яратилади. Қоражон ана шу туш туфайли Алпомиш билан дўст тутинади. Синовда ўз туғишган акалари ёнида туриб эмас, Алпомиш томонда туриб даврага тушади. Алпомишнинг дўсти, сирдоши, яқин кўмакчисига айланади. Шунинг учун ҳам ана шу туш парчасини дoston сюжетининг «ядроси» деб баҳолаш мумкин.

Ўзбек дostonларидаги туш мотиви синов, уйланиш, сафар, қайтиш каби кейинги мотивлар билан чамбарчас боғланган ҳолда келади. Дoston сюжетининг кейинги «тақдири» ана шу туш мотиви билан бевосита боғлиқки, агар Алпомиш, Барчин ва Қоражон ана шу тушни кўрмаганларида, Қоражон Алпомиш билан дўст тутинмаган ва воқеалар тизими бошқача ривожланган, бу эса сюжет ўзгаришига олиб келган бўларди. Бу ҳолат барча вариант ва версияларнинг ичида энг мукаммали ҳисобланган Фозил Йўлдош ўғли вариантнинг бадииятига ҳам салбий таъсир қилмай қолмасди.

Эпик ижодда мотивлар ҳамини ранг-баранг бўлади. Шунинг учун ҳам сюжетда ҳар бир мотив ўзига хос «юк»ка эга. Мотивларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, сюжетдаги барқарорлиги доимо ҳам бир хил бўлавермайди. Шунинг учун уларни икки йўналишда олиб қараш мумкин. Биринчиси, бирор-бир мотивнинг тушиб қолиши ёки ўзгариши сюжетда ҳам туб ўзгариш бўлишига олиб келувчи барқарор мотивлар. Бундай мотивлар асар структурасида мустаҳкам ўринга эга бўлади. Иккинчиси, мотивлар ўзгариши ҳеч қандай сюжетнинг ўзгаришига олиб келмайди. Бундай мотивлар бошқа бир мотив билан алмаштириш мумкин бўлган нобарқарор бўлган мотивлар.

Фозил Йўлдош ўғли вариантыдаги туш мотиви барқарор мотивларга тааллуқли бўлиб, бу мотивнинг ўзгариши бошқа

мотивларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бироқ шу дostonнинг Пўлкан ва Эргаш Жуманбул вариантыдаги воқеа якунида келган туш мотивининг ўзгариши ёхуд тушиб қолиши сюжетда айтарли даражада катта ўзгаришларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам унга нобарқарор мотив намунаси сифатида қарашимиз мумкин.

Барқарор мотивлар ҳам ҳаммиша ҳаракатда, ички ўзгаришларга мойил эканлигини ҳам унутмаслик керак. Мисол учун, «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Гўрўғлининг ўлими» каби дostonларда ҳам туш барқарор мотив бўлиб келади. Лекин «Кунтуғмиш» дostonида у сафар, «Рустамхон»да уйланиш, «Гўрўғлининг ўлими»да ўлим мотиви билан боғлиқ ҳолда келадики, бу боғлиқлик вазиятга қараб ўзгариши мумкин. «Кунтуғмиш»да қаҳрамон тушида ёрини, «Рустамхон»да она ўз қизини, «Гўрўғлининг ўлими»да Гўрўғли ўз пирини тушида кўради. Барқарор мотивдаги ана шу кичик ички ўзгариш кейинги мотивга таъсир қилади, шу сабабли кейинги мотив ана шу ўзгаришга қараб белгиланади.

Ўзбек халқ дostonларида келувчи тушлар сараланиб, жамланиб, уларнинг сюжет таркибида тутган ўрни, тушни кўрувчилар, туш бевосита боғловчилар навбатдаги мотивлар ҳамда тушдаги етакчи тимсоллар асосида тасниф этиб чиқилса, дostonлардаги туш мотиви билан боғлиқ асосий маълумотларни кўрсатувчи 2-жадвалга эга бўламиз.

Бевосита жадвал натижаларига таяниб ўзбек халқ дostonларидаги туш мотивининг табиати, ўзига хос жиҳатлари ва бошқа хоссалари ҳақида аниқ хулосалар чиқариш мумкин.

Намуна сифатида олинган 20 та дostonнинг 13 тасида 2 тадан 5 тагача, қолган 7 асарда биттадан туш келган ва уларнинг умумий сони 42 тани ташкил этади. Шулардан 14 та туш воқеа бошидан, 23 таси воқеа ривожидан, 5 таси воқеа сўнгидан ўрин олган. Кўриниб турибдики, тушларнинг асосий қисми сюжет аввали ва ривожда келмоқда. Бу эса, ўз навбатида,

тушнинг дoston воқеаси баёнида таянч бўғинлардан бири сифатида иштирок этишини бидиради. Айна фикрни туш асосида рўёбга чиқувчи бошқа мотивлар кўрсаткичи ҳам тасдиқлайди.

2-жадвал.

Достонлардаги тушнингбошқа мотивлар билан боғлиқлиги

№	Туш билан боғлиқ мотивлар	Умумий ҳисоби
1	Уйланиш	15
2	Синов	9
3	Туғилиш	5
4	Ҳомий	5
5	Хатар	3
6	Тирилиш	2
7	Қайтиш	2
8	Фарзандсизлик	1
9	Сафар	1
10	Ўлим	1

Жадвалда акс этганидек, достондаги тушларнинг кўпчилик қисми уйланиш (15), синов (9), туғилиш (5) ва ҳомий кучлар (5) билан боғлиқ бўлиб чиқмоқда. Одатда, аксарият достонлар сюжети ўта содда ҳолатга келтирилса, ҳомий кучлар ҳамкорлигида синовларни енгиб ўз ёрига уйланиш атрофидаги содда шаклни олади. Шундай экан, дoston сюжети асосини ташкил қилувчи ушбу ўзак мотивларнинг туш билан чамбарчас боғлиқлиги, дoston сюжети қурилмасида тушнинг ўта муҳим бадийий, композицион юкка эга эканлигини исбот этади.

Ўзбек халқ дostonларида бадийий тасвирланган тушлар синчиклаб ўрганилса, уларда халқимизнинг туш ҳодисаси ва

бу ўзига хос тизим ҳақидаги эътиқодий қарашлари янада ойдинлашади. Ушбу ҳолат, авваламбор, туш кўриш билан боғлиқ тасаввурлар тасвири мисолида яққол намоён бўлади. Маълумки, халқнинг қадим дунёқарашига кўра, киши уйкудалиги вақти унинг руҳи равони танани маълум муддатга тарк этиб, ташқи дунё, ўзга олам ва ўлчамларда сайру саёҳатда бўлади. Руҳнинг ана шу саёҳати давомида кўрган-кечирган, эшитган, билганлари туш дейилади.

Бу ҳодиса «Абдуллахон ва Қулбобо кўкалдош» ривоятида жуда аниқ акс этган. «Абдуллахон билан Қулбобо кўкалдош иккови амакивачча экан. Ҳали Абдуллахон подшо бўлмасдан аввал Қулбобо кўкалдош иккови полиззорга кириб, қовун ва тарвуз сўйиб ебди. Кун кузги иссиқ экан. Шу ерда кигиз устида Абдуллахон билан Қулбобо кўкалдош чўзилиб ухламоқчи бўлибдилар. Абдуллахон дарров ухлаб қолибди. Аммо Қулбобо кўкалдош ухлай олмабди. Бир палла Қулбобо кўкалдош қараса, Абдуллахоннинг бурнидан чивин чиқиб, бир тарафга равона бўлибди. Учиб бора туриб ерда ётган пичоқ устидан ўтиб, бир жирранда (сув ўпириб кетган чуқурлик)га кириб, кейин жирранданинг ичидаги бир ёриққа кириб кетибди. Пича вақтдан кейин чивин ёриқдан чиқиб ортига қайтибди. Келган йўлидан юриб, қайтиб Абдуллахоннинг бурнига кириб кетибди. Бир маҳал Абдуллахон уйғониб, Қулбобо кўкалдошга қараб:

– Мен бир туш кўрибман. Тушимда бир ёқларга борибман. Йўлда бир темир кўприқдан ўтибман. Кейин жуда катта жардай чуқурлик бор экан. Ўша чуқурликда катталиги тепадай келадиган кўза бор экан. Кўзанинг ичидан ҳар бири ғалвирдай келадиган сон-саноксиз кўп тилло бор экан, – дебди. Боядан бери бу воқеани кузатган Қулбобо кўкалдош Абдуллахондан айрилиб қолибди. Кейин ҳалиги ёриққа махсус белги кўйибди-да, Абдуллахоннинг хизматида юраверибди. Давр айланиб Абдуллахонга Бухоро подшолиги тегиб қолиб-

ди. Шундан кейин Абдуллахон Қулбобо кўкалдошни чақириб:

– Сен менга кўп хизмат қилдинг. Мана бугун менинг ошиғим олчи турди, яъни подшо бўлдим. Энди мендан кўнглингда нима мақсадинг бўлса тила, – дебди.

Қулбобо кўкалдош ҳалиги полиззорни тилабди. Дарров Абдуллахон Қулбобо кўкалдошга полиззорнинг ўрнини васиқа қилиб берибди. Қулбобо кўкалдош ўша полиззорга бориб, белги қўйилган жойни топибди-да, хазинани қазиб олибди.

Чивиннинг кўзига тепадай бўлиб кўринган кўза тандирдан сал каттароқ экан ва ғалвирдай бўлиб кўринган тиллалар қирқ тангалик ёки ярим мисқоллик тиллолар экан. Қулбобо ана шу хазинани сарфлаб Бухорода Кўкалдош деган мадрасани қурдирган экан». ¹⁹³

Ушбу ривоятда руҳи равоннинг чивин шаклига кириб танани тарк этгани ва сайр этиб ўз ўрнига қайтгани ва Абдуллахон руҳининг бу сафари давомида кўрганларини туш сифатида айтгани, зийрак Қулбобо кўкалдошнинг вазиятни тўғри илғаб хазинага эга бўлгани тасвирланиши баробарида кўпчилик тушларнинг реал воқелик билан бевосита алоқадор эканлиги, фақат ҳолатни туш мантиғидан келиб чиқиб баҳолай олган киши ибратли хулосаларга кела олиши айтилмоқда.

Ўзбек халқ дostonларида келувчи бир қатор мумтоз туш намуналарида қаҳрамонларнинг туш кўриши тасвирига айнан ана шу эътиқодий тасаввурлар асос қилиб олинганини кўрамиз.

«Алпомиш» дostonида Алпомишнинг туш кўриш ҳолати кўйланган ўринларга диққат қилайлик: «Чилтонлар илму каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, Бахмал ўтовда ухлаб ётган еридан, Барчиннинг руҳини олиб келди танидан.

¹⁹³ Боболардан қолган нақллар. – Б.60 – 61.

Алпомиш мунда ухлаб ётибди, ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини ўртада бир ерга қўйди. Бир коса шароби антахур чилтонлардан Барчиннинг руҳига тегди. Барчиннинг руҳи шаробни қўлига олиб, Алпомишни кўриб, бир ўзи ичгани кўнгли бўлмади, Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб бу сўзни айтиб турган экан:

*Олинг, аллаёр-аллаёр,
Келинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр».*¹⁹⁴

Алпомишнинг руҳи Барчинга жавоб қайтаради: «Бул сўзни икковининг руҳи бир-бирига айтди, кечаси файзи саҳар вақтига етди. Чилтонлар Барчиннинг руҳини олиб кетди, Чилбир чўлида, Ойна кўлида, бахмал ўтовда, ухлаб ётган ерида Барчиннинг руҳини ҳам танига киргизиб қайтди. Алпомишнинг руҳини ҳам танига киргизди. Эрта-мертан тонг отди. Оқшом кўрган одамлар йўқ, бир ўзи қопти. Қадимгидан сертараддуд бўлиб, бийнинг қизини тушида кўриб: «Оқ кубба келган, қизил чиройли, хўб баркамол, яхши қиз экан», – деб отланиб ётибди.

Барчин ҳам канизларга кулиб ўтирибди: – Бий бобомнинг ўғли тушимга кирибди, икковимиз бир ерда ўтирибмиз, пок бўлмаса, ит йиқилиш бўлайлик деб қопмиз, анча гаплашибмиз, – деб вақти хуш бўп ўтирибди».¹⁹⁵

Келтирилган мисоллар халқимизнинг туш ҳодисаси билан боғлиқ қуйидаги ўта муҳим қадим эътиқодий қарашларини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятли.

1. Раҳмоний тушлар ҳомий эранларнинг руҳи равонни тан-

¹⁹⁴ Алпомиш. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – Б.139.

¹⁹⁵ Кўрсатилган манба. – Б.141.

дан чиқариб, тайин манзилларга олиб бориб, тегишли руҳ билан учраштириши ва яна танга қайтариши натижасида олган маълумотлари эканлиги ва айна ҳолатнинг реал воқелик сифатида англашилуги.

«Кунтуғмиш» достонида шундай тасвир берилган: «Кунлардан бир кун Холбека ноз уйқуда ётиб эди, бир туш кўрди. Чилтонлар ва мардон ғойиблар бир тонгда суҳбат қилиб ўтириб эди, бир чилтон келиб Холбеканинг руҳини олиб борди, биттаси келиб Кунтуғмишнинг руҳини олиб борди. Чилтонлар тўй қилиб Холбекани тўрага топширдилар. Иккови бир тўшакда ётиб, бир-бировига сўз қотиб, Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг кимдир? Тўра айтди: «Отим Кунтуғмиш, отамнинг оти Авлиё Қорахон, отам Нуғойга подшо, Нуғой тўраси бўламан. Сен кимсан, отинг кимдир, юртинг қаерда?» Холбека айтди: «Отим Холбека, отамнинг оти Шоир вазир, юртим шаҳри Зангирда».

Иккови бир-бирови билан ўйнашиб, тўранинг узугини Холбека олиб кўлига солди. Холбеканинг узугини тўра олиб кўлига солди (Шу кеча Кунтуғмиш ҳам шундай туш кўрди). Шу ишда иккови ҳам уйғонди.

Тўра оҳ тортиб, бу дардини ҳеч кимга айтмай, нигинига қараса, бошқа нигин: қоғозга муҳр қилиб босса, Холбеканинг оти чиқди».¹⁹⁶

«Кунтуғмиш»да узукларнинг алмашиши туш ва ҳуш боғлиқлиги ўта реал воқеа сифатида қаралиб, ғайб иши деб тушунилганлигининг анъанавий тус олганлигини ҳам исбот этади.

2. Тушда кишиларнинг кўриши ҳам руҳларнинг учрашуви

¹⁹⁶ Кунтуғмиш. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчи Исо Эрназар ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.135.

натижаси сифатида талқин этилади. Масалан, Қоражон Алпомишга илк бор Муродтепада дуч келганида кўрган тушини эслаб: «...Магар қирқ чилтон билан расул пайғамбар мени мусулмон қилиб, қавм-қариндошини тушимда руҳима кўрсатиб мени дўст қилган, Қўнғиротдан келаётган Алпомиш деган комилбачча шул бўлмаса», – деб Алпомишга қараб бир сўз деб турган экан»¹⁹⁷ тасвирида ҳам руҳий ҳолатга алоҳида урғу берилмоқда.

Барчиннинг эса Суқсурой канизга ўз тушини сўзлай туриб: «Жон жасаддан бир беқарор бўлганда», – дейиши замирида ҳам худди ана шу тасаввурлар олами турибди.

3. Руҳи равон кўчиши ва воқеалар кечиш жараёнининг файзи саҳар вақтида рўй бериши. Чилтонлар Алпомиш ва Барчин, Кунтуғмиш ва Холбека руҳларини саҳар пайти учраштиргани аниқ айтилган.

Раҳмоний тушларнинг саҳар пайти кўрилиши «Алпомиш» дostonида Барчиннинг иккинчи туши баёнида янада мукамал тасвирланган: «Барчин ҳам кўрган тушини Суқсурой канизга айтиб турибди:

*Хазон бўлиб богда гуллар сўлганда,
Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,
Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,
Раҳмат дарё айни тошиб келганда,
Туш кўрибман файзу саҳар бўлганда...»¹⁹⁸*

Одатда, саҳар пайти барча зиён-заҳматлар, яъни тун (зулмат) кучлари чекиниб, ёруғлик (кун) ҳукми қарор топади ва шу пайт кўрилган тушлар албатта рўёбга ошади деб англа-

¹⁹⁷ Алпомиш. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – Б.148.

¹⁹⁸ Кўрсатилган манба. – Б.145.

нади. «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Рустамхон» ва бошқа дostonларимиздаги кароматли тушларнинг саҳар пайти кўрилди деб тасвирланишининг бош сабаби ҳам шундан.

4. Туш кўрувчиларнинг уйғониб, бўлган воқеани эслашлари ва таъбир излаб, тадбир белгилашлари. Дostonларимиздаги деярли барча тушларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Уқорида кўриб чиқилган туш намуналарининг ўзбек халқ дostonлари таркибида келувчи аксарият тушлардан ажралиб турувчи муҳим бир жиҳати – бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ кишининг бир хил мазмундаги туш кўришининг тасвирланишида. «Алпомиш» дostonининг икки ўрнида, аввало, Алпомиш ва Барчин, сўнгра Қоражонлар, «Кунтуғмиш» дostonида Кунтуғмиш ва Холбека, «Юнус билан Мисқол» (Раҳматулла Юсуф ўғли варианты)да Гўрўғли ва Юнус, Мисқол парилар бир хил туш кўришади. Қаҳрамонларнинг бу тартибда бир пайтда бир хил туш кўришлари уларнинг ягона руҳий иқлимга мансуб бўлиб, орзу-интилишлари, тақдирларида боғлиқлик мавжудлигидан ҳам далолат беради.

Ўзбек халқ дostonларида тушларни кимлар, қайси ҳолатда кўришларидан қатъи назар, дoston сюжети ва воқеалар баёнига алоқадорлигига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Бутун асар давомида ўз тасдиғини топиб борувчи, қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдирини деярли тўла қамровчи тушлар.

2. Сюжет ҳалқаларининг маълум бўғинлари, қаҳрамонлар ҳаётининг у ёки бу даврига тааллуқли тушлар.

Биринчи гуруҳга мансуб тушларнинг ёрқин намунаси сифатида «Гўрўғлининг туғилиши» дostonида Шохдорхоннинг кўрган тушини келтириш мумкин.

«Ана энди, Шохдорхон подшодан эшитинг: Шохдорхон бир кунни ёмон туш кўрди, тушида бир ажойиб иш кўрди. Шунда қуръаандоз мунажжимларини, ҳукамо-таъбирчиларини йиғди. Йиғилганларга қараб Шохдорхон бир сўз айтди:

Губурларим, бугун ухлаб туш кўрдим,
 Мен тушимда кўп қабоҳат иш кўрдим,
 Ё билмайман, ўзи манглайнинг шўри,
 Ёвмит элдан келди иккита бўри.
 Келган бўри, куръаандозлар, ким бўлди?
 Икки бўри тоғда икки шеър кувди,
 Шербаччалар қўйга оралаб қолди,
 Қўйимнинг ўлигин ҳар ёққа отди.
 Тутуним бурнимдан чиқиб кетди,
 Бу тушимнинг таъбири не бўлди?
 Тепамдан бир лаган тиллам сочилди,
 Озимдан бир толпир қушим училди.
 Иморатим бари теп-текис бўлди,
 Шуъласи оламни ёп-ёруғ қилди.
 Қуръаандозлар, айтинг, таъбир на бўлди?
 Бир чинор элимдан кўкариб кетди,
 Фалт уриб шохаси осмонга етди.
 Қурай, қурай соялаган ким бўлди?
 Сочларингни тол-тол қилиб таранглар,
 Бу гапларни ким кўргандан сўранглар.
 Туши қурсин, таъбирлари кўп ёмон,
 Бу тушимнинг таъбирини йўринглар...»¹⁹⁹
 Юсуф қуръаандознинг таъбири:
 Билмаганинг билдирайин, билмасанг,
 Подшоҳим, мақсадга етгин, ўлмасанг!
 Бу тушингнинг таъбирини айтайин,
 Тагин-а, кўнглингга оғир олмасанг.
 Зимистон айрилмас тоғларнинг қори,

¹⁹⁹ Гўрўғлининг туғилиши. Достон / Айтувчи Муҳаммад Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. – Б.13.

*Тушинг курсин, билдим, манглайнинг шўри!
Ёвмит элдан кепти иккита бўри:
Икковидан яхши фарзандлар бўлар,
Қўйингни ўлдирган бўри – иккови.
Бошларингга неча савдолар солар,
Фуқаронинг кўнгли қаролар бўлар,
Тушингнинг таъбири шулдир, подшойим.
Шу бирови элатингга шоҳ бўлар,
Тушингнинг таъбири шулдир, подшойим!
Тепангдан сочилган тилланг қонингди(р),
Овзингдан учган қуш жонингди(р).
Қулаган иморат сенинг танингди(р),
Тушингнинг, курсин, таъбирлари шу бўлди».²⁰⁰*

Шоҳдорхон кўрган тушида аён бўлганидек, Гўрўғли туғилиб, вояга етиб, куч-қудратга эниб кўр қилинган отаси учун Шоҳдорхондан ўч олади.

«Юсуф ва Аҳмад» достонида Гўзалшоҳ кўрган туш ҳам моҳиятан Шоҳдорхон тушига уйғун: «Икки йўлбарс Миср элига келиб Гўзалшоҳга тикилади. Ейман деб унга ташланади, тирноқлари шоҳнинг этига ботади. Эл оралаб иморатларни бузади. Бир чинор кўкариб шоҳлари осмонга етади. Мисрнинг одамлари чинор тагида ётади. Йўлбарснинг бирови чанг солиб, Гўзалшоҳнинг тепасидан тиллалар сочилиб, қуши учади. Иморати текис бўлади. Бобо қамбар: Икки йўлбарс – Юсуф ва Аҳмад, тўкилган тилла – қон, учган қуш – жон, қулаган иморат – тана, ёп-ёруғ ой – ўзим деб таъбир қилади. Гўзалшоҳ уни бу таъбири учун зиндонга ташлатади. Достон воқеаларининг изчил баёнида бу туш ўз тасдиғини топади. Асар охири-

²⁰⁰ Гўрўғлининг туғилиши. Достон / Айтвучи Муҳаммад Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – Б.12 – 13.

да Юсуф ва Аҳмад келиб Бобо қамбарни зиндондан озод қилади. Гўзалшоҳ мағлуб бўлади.

Моҳиятан дoston фабуласига тенг, ўта тимсолий шаклда келувчи бу хил тушлар асар бадий қимматини ошириш баробарида, эпос структурасида тақдирнинг роли ҳал қилувчи ўринга эгаллигини намоён этувчи етакчи унсурлардан ҳисобланади. Одатда, ушбу гуруҳга алоқадор тушлар дoston воқеалари бошидан ёки воқеа ривожининг аввалидан ўрин олади.

Иккинчи гуруҳ дoston воқеалари баёнининг деярли барча бўғинларида кўпчилик ҳолатда воқеа ривожини ва сўнгида келади. Ушбу гуруҳнинг ёрқин намунаси сифатида «Алпомиш» дostonининг Пўлкан ва Эргаш шоир вариантыдаги воқеа якунида Бойбўри кўрган тушни келтириш мумкин: «Шунда туш кўрганини айтиб, Бойбўрибек бир сўз деди:

*Огайнилар, бугун ухлаб туш кўрдим,
Мен тушимда хўп ажойиб иш кўрдим.
Кашалнинг элидан бир шунқор учди,
Қултойнинг олдига парвоз қип тушди.*

*Ултонтозга кабоб чангаллар солди,
Ўтирган ҳовлиси теп-текис бўлди.
Қўнғиротнинг шаҳари ёп-ёруғ бўлди,
Тос тепамга икки жуфт чироқ ёнди.*

*Ҳамма одам атрофимга келдилар,
Мен ўзимни бир баландга олдилар.
Ҳамма одам қулли бўлсин дедилар,
Атрофимни олиб турган ким бўлди?*

*Давлат берса, яхши рўмол ўрагин,
Қора зулфинг гарданингга тарагин.*

*Хобнома китобни олиб кел, Қалдирғоч,
Бу тушимнинг таъбирини жўрагин.*

Шунда Қалдирғоч бориб китобни олиб келиб, отаси Бойбўрининг тушини жўраб ётибди:

*Ўйласам, омонат банданинг жони,
Ҳамроҳ бўлгай мўмин қулнинг имони.
Гоҳи туш раҳмони, гоҳи шайтони,
Тушман фолнинг бўлмас экан баёни.
Давлат берса, балхи рўмол ўрайин,
Ўлмасам, элимда даврон сурайин.
Айтганимга қулоқ солинг, отажон,
Тушингизнинг таъбирини жўрайин.
Шукр, обод бўпти Қўнғирот элингиз,
Сайрайди боғларда булбулингиз.
Бир шунқор давра олиб учса Кашалдан,
Аввал келиб Қултой билан кўришибди,
Алҳамдуллоҳ, келибди ёлғиз улингиз.
Оқизибди Ултонтознинг ёшини,
Итларга торттириб унинг гўшини,
Кесиб обди Ултонтознинг бошини,
Минг мартаба шукр этай худога,
Акажоним кепти Қўнғирот элимга.²⁰¹*

Келтирилган мисолдан аниқ кўриниб турибдики, бу гуруҳга мансуб тушлар дoston сюжетининг маълум қисми ва вақт жиҳатидан ҳодисалардан қаҳрамонларга тегишли маълумот-

²⁰¹ Алпомиш. Дoston / Айтувчилар Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев ва З.Хусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.189 – 190.

ларни, хабарларни илоҳий мактуб сифатида етказишга хизмат қилади.

Ўзбек фольклори, хусусан, эртак ва дostonлардаги тушларнинг табиати, ўзига хос хусусиятлари, умумий жиҳатлари уларни ўзаро муқояса этганда янада яққолроқ намоён бўлади.

Эртак ва дostonлар таркибидаги тушларнинг ўзаро қиёсий таҳлили

Туш эртак ва дoston жанри таркибида муҳим бадий композицион юк ташувчи мотивлардан бири эканлигини юқорида таҳлил этилган қисмлар хулосалари исбот этади. Аслида, ҳар қандай бадий асар, шу жумладан, фольклордаги тушларнинг зуваласи ҳам бевосита ҳаётдан, одамлар кўрувчи тушлардан олинади. Ҳар икки ҳолатда ҳам туш руҳи равоннинг ўзига ёнма-ён замон ва маконга саёҳати сифатида англаниб, ўз мантиғи билан воқе бўлади. Ҳаётдаги тушлар коммуникатив вазифа бажаришса, санъатдаги, жумладан, эртак ва дostonлардаги тушлар бадий-коммуникатив юк ташийд.

Ҳаётдаги ва эртак, дostonлардаги тушлар келаётган хабарнинг амалга ошувидаги муддатларнинг шартли бўлишига кўра ҳам бир-бирига ўхшаб кетади.

1. Киши (ҳаётда), қахрамон (асарда) тақдирини тўла қамровчи тушлар. Бу хил тушларнинг амалга ошишида узоқ муддатлар кўпинча кўрувчининг умри давомидаги вақт ўтади. Бу кенг қамровли даврдан хабар берувчи тушлар ўта тимсолий, умумий тарзда намоён бўлади.

Ҳар бир киши ўз ҳукми давомида бу хил тушларни кўради. Бу тушлар бевосита кўрувчининг ўзи ёки яқинлари тақдирига боғлиқ келиши мумкин. Намуна сифатида машҳур созанда Турғун Алиматовнинг оталари кўрган тушни келтираимиз.

«Алимат субҳи дамда уйғониб, ибодатини қилиб, онаси ҳузурига кирди.

– Она, бир туш кўрдим. Тушимда осмондаги ой ҳовлимиздаги мана шу толга кўнибди. Қўл узатсам етгудек экан. Олиб, яктагимнинг кўйнига солдим. Биров кўриб қолмадимикан деб, у ёқ-бу ёққа қарасам, ҳеч зоғ йўқ, уйғонсам, тушим.

– Сенга худойим кўчқордай ўғил бераркан, болам. Толеи ойдек мунаввар, номи етти иқлимга машҳур бўларкан, болам». ²⁰²

Ҳақиқатан ҳам, Алиматовнинг отаси кўрган туши кейинчалик, қарийб ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб ўғлининг тақдири сифатида ўз тасдиғини топди.

Биз ишимизнинг ушбу бўлими давомида таҳлил этган «Мусофирбек» эртаги, «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Шохдорхон ва «Юсуф ва Аҳмад»да Гўзалшоҳ кўрган тушларни ушбу гуруҳнинг ёрқин намунаси сифатида келтириш мумкин.

2. Вақт ва амалга ошуви жиҳатидан қисқароқ муддатни қамровчи тушлар. Бунда уч кун, уч ҳафта, уч ой ва уч йилгача вақт оралиғида туш билдирган хабар амалга ошади деб анланган. Ҳаётда рўй берувчи айна турдаги тушларга ёзувчи Абдулла Қодирий кўрган тушни мисол қилиб келтирамиз.

«У киши: – Бугун бир бемаза туш кўрдим, Ҳайбулла, – дедилар паришон ҳолда. Мен дафъатан нима дейишимни билмай қолдим. Чунки, юқорида айтганимдек, у киши бировлар ҳақидаги тушларни кўп ҳикоя қилган бўлсалар ҳам, ўзлари ҳақида биринчи гапиришлари эди. Кўнглимдан: «Энди юрак бўшатишга бибим йўқлар-да, – деган андиша кечди...

– Қанақа туш, ада? – дедим ва негадир бир нарса сезгандай сесканиб кўйдим.

²⁰² Баҳодир Мурод Али. Созандалар султони // Миллий тикланиш. – Тошкент, 1995. №11. –Б.3.

– Тун эмиш, – дедилар дадам, – осмонда тилла жабдуқли от устида учиб борар эмишман. Кўқда юлдузлар чарақлар, от жабдуғига ўрнатилган жавоҳир тошлар жилоланар эмиш... Пастда эса ҳамма мени қўл силкиб олқишлар эмиш. Шу вақт бирдан ҳаво айниди, ҳалиги мусаффо осмон зулматга айланди. Оқ отим гўё тубсиз жаҳаннам, унда мудҳиш махлуқлар ғужғон ўйнар, оғизларини очиб, узун тилларини чиқариб гўё менга ташланмоқчидай бўлар, баъзилари оғизларидан худди мушак отилган каби ўт сочар, мен бўлсам зўр бериб отни қамчилар эмишман. Лекин у энди қанот ёйиб уча олмас, чунки ўтлар ҳарорати уни куйдира бошлаган эмиш... Ниҳоят, от «шу-увв» этиб жаҳаннамга тик шўнғиб кетди... Чўчиб уйғондим, терлаб кетибман... Вужудимни аллақандай кўрқув қоплади. Бир нарса дея олмай дадамга тикилиб ётар эдим. Дадам кулиб дедилар:

– Бир кўнгилсиз гап бўладиганга ўхшайди, Ҳабибулло...»²⁰³ Шу тушдан икки кун кейин, 31 декабрь куни Абдулла Қодирийни қамоққа олишди ва оила аъзолари ёзувчини қайта кўришмади.

Эртак ва дostonлардаги аксарият тушлар ушбу гуруҳга мансуб, уларнинг кўпчилигида хабар ва ахборотлар тимсоллар билан келиб, махсус таъбир талаб этса, маълум қисмида бўлажак воқеа аниқ-тиниқ айтилади. «Алпомиш» дostonида Алпомиш кўрган иккинчи туш бунга мисол бўла олади:

*«Ҳакимбек кирганда ўн тўрт ёшига
Меҳмон бўлди чўпонларнинг қўшида.
Ул кечаси файзи саҳар бўлганда
Расули худони кўрди тушида.
Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,*

²⁰³ Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари // Ёшлик. – Тошкент, 1989. №6. – Б.50 – 51.

Фафлатидан кўзини очди Искандар,
Кўзига кўринди расул пайгамбар,
Бу сўзларни расул пайгамбар айтди:
«Адашган умматим, шафқатдорингман,
Таниб қолгин расул пайгамбарингман,
Умматларни мудом йўлга солурман».
Бу сўзни эшитиб Ҳаким шу замон:
«Пайгамбарим, эшит оху зоримни,
Сабил қилмам элда кирдикоримни,
Ҳали ололмайман Барчин ёримни,
Кўролмадим Шоҳимардон пиримни».
«Ғам ема умматим, – дейди пайгамбар, –
Остида дулдули, белда зулфиқор,
Жиловида Бобоқамбар жиловдор,
Ғамингда отланди Шоҳимардон пирлар,
Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор».
Бу сўзни эшитди ётган Искандар,
«Раҳм айлаб юборди хол қилган жаббор,
Ҳамма пирлар бўлди сенга мададкор,
Кўнглингдан кетади бир зарра губор»,
Бу сўзларни айтиб расул пайгамбар».²⁰⁴

Достондаги Барчин кўрган иккинчи туш ҳам айна турнинг намунаси бўла олади. Одатда, бу хил тушлар ўз таъбири билан бирга берилади.

3. Туш кўрилгандан сўнг кўпи билан бир кунча вақт ичида рўй берувчи тушлар. Бунда тушга бирор-бир ҳомий руҳ, эран ёки азиз авлиё кириб, мушкул аҳволда қолган туш кўрувчига йўл-йўриқ ёки каромат кўрсатади.

²⁰⁴ Алпомиш. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – Б.145.

Ҳаётда камдан-кам ҳолатларда рўй берувчи бундай тушларга Бобур Мирзанинг ёв таъқибида, ночор қолган вақти кўзини уйқу олиб, Хўжа Аҳрори Валини тушида кўриши билан боғлиқ воқеани келтириш мумкин.

Эртақ ва дostonларда ҳам қахрамон ночор аҳволда қолган вақти ғайб эранлар унинг тушига кириб шундай маслаҳатлар берган, йўл-йўриқлар кўрсатган ҳолатлар мавжуд. Масалан, «Фуломбачча» эртагида Фуломбаччага тушида бир одам аждарни қандай даф қилиш йўлини кўрсатса, «Беш қиз»да Хизр, «Маликаи Ҳуснобод»да маликанинг тушига кирган доно вазир айнан шундай вазифа бажаришади. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи (Пўлкан шоир варианты)да ота юртни излаб йўлга чиққан ёки Гўрўғли чўлда беҳуш йиқилганда Хизр ёрдамга келиб, Така-ёвмит йўлини кўрсатиб қўллаб юборади. Кишилар ҳаётда кўрувчи ва фольклордаги тушларнинг тимсоллари, уларнинг таъбирларида ҳам уйғунлик бор. Бу хусусда ишимизнинг навбатдаги бобида махсус тўхталамиз. Энди эса бевосита эртақ ва дostonларда келувчи тушларнинг қиёсий таҳлилига ўтсак.

Авалло, эртақ ва дostonлардаги тушлар ушбу жанр намуналарининг таркибий қисмини ташкил этиб, халқ бадиий даҳосининг маҳсули сифатида юзага чиқади ва яхлит бадиий-эстетик вазифа бажаради. Туш мотивининг ҳар бир жанрда ўзига хос равишда намоён бўлиши уларнинг фарқли жиҳатларида янада яққолроқ кўринади.

Эртақларда туш етакчи мотив сифатида келиши билан бир қаторда, бевосита туш асосига қурилган эртақ сюжетлари ҳам мавжуд. Масалан, «Мусофирбек», «Сирли туш», «Хон билан камбағал деҳқон», «Ибратли туш» каби эртақлар бунинг мисолидир. Дostonларда туш сюжет воқелигини юзага келтирувчи асосий мотив сифатида иштирок этса-да, бироқ бутун сюжет тушдан иборат бўлган дoston учрамайди.

Тушнинг баёни, тафсилоти ва таъбирларининг ифода шак-

ли ҳам ҳар бир жанрда ўзига хос равишда берилади. Эртақлардаги тушлар нисбатан қисқа, баъзи ўринларда бир-икки жумладан иборат насрий шаклда ифодаланса, дostonларда тушлар батафсил, назм ва наср аралаш, баъзан бутунлай шеърий шаклда айтилади.

Бу ўринда бир бахши ва ягона дostonчилик мактаби вакиллари ижро этган дostonлардаги тушлар қиёс қилинса, уларда маълум анъанавий ифода қолиплари шаклланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Юсуф ва Аҳмад» дostonларида келган тушлардаги образлар ва тимсоллар, анъанавий эпик қайтариқлар фикримизга далил бўла олади.

Тушлар сюжетининг навбатдаги мотив билан ўзаро боғлиқлиги даражасига кўра ҳам маълум фарқларга эга.

Дoston жанрига хос эпик кўлам ундаги туш мотивининг эртақдаги қамровига нисбатан фаол иштирокини ҳам таъминлаганлиги қуйидаги кўрсаткичда аниқ кўриниб турибди.

Дostonларда туш асосан қуйидаги мотивлар билан алоқадор: уйланиш (15), синов (9), туғилиш (5), ҳомий (5), хатар (3), тирилиш (2), қайтиш (2), фарзандсизлик (1), сафар (1), ўлим (1).

Эртақлардаги мотивлар сони нисбатан кам: синов (8), сафар (7), уйланиш (5), ҳомий (3), хатар (3), ўлим (1).

Ушбу кўрсаткичлар ўзаро чоғиштирилганда эртақ ва дostonларда туш фаол алоқадор мотивлар сирасига уйланиш, синов, ҳомий ва хатар мотивлари кирмоқда. Ўз навбатида, эртақларда энг кўп келувчи синов мотиви (8) дostonда бир бор келса, дostonлардаги туғилиш мотиви билан алоқадор тушлар эртақларда кам учрайди.

Айни ҳолат ҳар бир жанр сюжет қурилишида у ёки бу мотивнинг мавжудлиги, уларнинг фаоллик даражаси бевосита ушбу жанр табиати билан алоқадор воқе бўлишини намоён этмоқда.

3.3. Тушнинг бошқа мотивлар билан қиёсий таҳлили

Ҳар бир халқ қиёфаси, феъл-атвори, тафаккури, руҳияти ва савияси, энг аввало, унинг оғзаки ижодида акс этади. Тафаккур тарихи ва тараққиёт босқичлари оғзаки ижод намуналарида намоён бўлади. Фольклорда халқнинг дунёни, ўзини билиш ва англаш сари қўйган қадамлари, жараёнлари мужассамдир.

Достонларимиздаги ҳар бир сўз, ҳар бир мисра, ҳар бир образ ва мотивлар чуқур таҳлил қилинган ва қиёсий ўрганилгандагина унинг юксак бадиият намунаси эканига амин бўламиз. Қаҳрамонлик ва бошқа достонларимизда эпоснинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи кўплаб мотивлар мавжуд.

Халқ достонларида тимсолий маъно касб этган, туш мотиви билан бевосита параллел ҳолатда ёхуд ушбу мотив билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда келган қатор мифологик мотивлар ҳам кўплаб учрайдики, шулардан бири қаҳрамоннинг илоҳий туғилиши бўлса, иккинчиси, унинг, яъни алпнинг сарушлик ҳамда тутқунлик (зиндон) ҳолатидир.

«Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркум достонларида қаҳрамон – алпнинг туғилиши илоҳий хусусият касб этади. Илоҳий туғилиш фольклордаги етакчи мотивлардан бири бўлиб, бир неча босқичлардан иборат. Биринчиси: алп – қаҳрамон туғилишидан олдин ота-онасининг фарзандсизлиги ҳолати. Бу ҳолат, энг аввало, рамзий маънога эга. Бу, бир томондан, она уруғчилиги билан боғлиқ тасаввурларнинг достон қатламида сақланиб қолганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, ҳокимиятни мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна қайта бирлаштирадиган янги авлод – янги қаҳрамоннинг туғилишини англатади. Иккинчиси: қаҳрамон туғилиши тушда илоҳий каромат қилиниши. Учунчиси: қаҳрамон туғилгандаёқ унинг зиммасига юклатилган вазифа, яъни ўташи шарт бўлган синовларнинг олдиндан белгилаб қўйилиши.

Атоқли олим В.Жирмунский илоҳий туғилиш мотивини партогенезис, яъни аёлларнинг сирли, илоҳий ҳомиладор бўлиши, яъни қадим тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлайди.²⁰⁵

Эпосда қаҳрамоннинг бирор-бир мева ёхуд тотем ҳайвон сабабли ёки ҳомий руҳ туфайли дунёга келиши ва уларнинг туғилаётган пайтида оталарнинг уйда бўлмаслиги олимнинг юқоридаги фикри асосли эканини кўрсатади.

В.Пропп ҳам илоҳий туғилиш мотивини матриархат даври билан боғлаб, унинг бир неча турларини санаб ўтади. Булар: 1) мевадан туғилиш; 2) сўз – дуодан туғилиш; 3) руҳдан туғилиш; 4) печкадан туғилиш; 5) яратилиш (ёғочдан ёхуд бошқа бирор-бир нарсадан яшаш).²⁰⁶

В.Проппнинг бу таснифи анча баҳсли. Зеро, бу ердаги мевадан туғилиш билан ёғоч ёхуд бирор-бир дарахт новдасидан яратилиш айнан бир нарса. Шунингдек, сўз – дуодан туғилиш ва руҳдан яратилишни ҳам айро ҳолда эмас, балки бир ҳолатнинг турли матнлардаги турлича кўриниши деб қараш лозим бўлади.

Ўзбек дostonларидаги туғилиш мотиви эса асосан:

- тотемистик тасаввурлар;
- аждодлар култи билан боғлиқ тасаввурлар маҳсули эканини кўришимиз мумкин.²⁰⁷

²⁰⁵ Жирмунский В.В. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С.224 – 233.

²⁰⁶ Пропп В.В. Мотив чудесного рождения // Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С.203 – 240.

²⁰⁷ Қаранг: Алпомиш. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999; Алпомиш. Дoston / Айтувчи Берди бахши (Бердиёр Примкул ўғли). Ёзиб олувчи А.Алавий. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент:

«Алпомиш» достонининг Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли вариантларида Бойбўрига фарзанд ато этилиши тушида аён бўлади.

Алпомишнинг бошқа вариантларидаги туғилиш мотивини ҳам чуқурроқ таҳлил қилсак, у бевосита туш билан боғлиқлигини кўрамиз. Фозил шоир вариантида «Алпомиш»нинг туғилиши Шохимардон пирнинг равзасида тунаб қолиш билан боғланади, яъни қаҳрамоннинг туғилиши уларнинг тушида илоҳий каромат қилинади.²⁰⁸ Умуман, туш ва туғилиш мотиви достонларимизда кўпинча ёнма-ён келади.

«Манас» достонида ҳам Манаснинг туғилиши тушда аён бўлади. Манаснинг отаси Жақипнинг тушини Бойжигитдан бошқа ҳеч ким таъбирлаб беролмайди. Жақипнинг тушидаги бургут ва йўлбарс туғилажак фарзанд нишонаси сифатида таърифланади.²⁰⁹

Бойбўрининг фарзандсизлик ҳолати достонда рамзий бир маънога эга бўлиб, гап янги авлод – маданий қаҳрамоннинг

Ёзувчи, 1999; Алпомиш. Достон / Айтувчилар Саидмурод Паноҳ ўғли ва Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчилар Ш.Муродов ва Ҳ.Зарифов. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 2000; Алпомиш. Достон / Айтувчи Хушвақт Мардонақулов. Нашрга тайёрловчи Т.Турдиев. – Тошкент: Ёзувчи, 1998; Гўрўғлининг туғилиши. Достон / Айтувчи Муҳаммад Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967; Рустамхон. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – М.: Наука, 1972; Кунтуғмиш. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчи И.Эрназар ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975; Гўрўғли. Хоразм достонлари / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.С.Рўзимбоев, Г.О.Эшжонова. – Урганч: Хоразм, 2004.

²⁰⁸ Алпомиш. Достон / Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.15.

²⁰⁹ Манас. I китоб. – Б.23 – 48.

туғилиши ҳақидадир. Қаҳрамоннинг туғилишидан олдин унинг юртида хаос – парокандаликнинг ҳукм суриши барча архаик эпосларга хос хусусиятдир. Алпомишнинг дostonда бобоси Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонга эгалик қилиши ва алп аталиши бизга ана шу рамзийлик калитини топиб беради. Камон эпосда, энг аввало, космоснинг, салтанатнинг тимсоли бўлиб келади. Алпомишнинг туғилиши хаоснинг космосга айланиши, тартибсизликларга тартиб берилиши, парокандаликнинг бирлашиши, қувватнинг жам бўлиши, эзгу адолатнинг тантана қилишидир.

Шоҳимардон пир билан боғлиқ ўринлар исломдан кейинги тасаввурлар маҳсулидир. Зеро, дostonнинг асосий сюжет тизими, ундаги мазмун ва моҳият исломиятдан анча олдинги, қадимий тасаввурлар билан боғланади. Бизнингча, Шоҳимардон пир билан боғлиқ ўринлар, аслида, ўзида аждодлар култини тамсил этган Қултой образига тегишли деб қараш керак. Қултой дostonда оддий бир чўпон эмас, Алпомишга ҳамиша кўмак берувчи ҳомий руҳдир. Дostonда Алпомишнинг Қултойга тутинган ўғил эканлиги айтилади. «Билмаганлар Алпомишни Қултойнинг ули дер эди».²¹⁰ Алпомишнинг елкасидаги беш панжа изининг бири Қултойга тегишли эканлиги ҳам, зиндондан қайтган, яъни қайта тирилган Алпомишнинг Қултой қиёфасига кириши ҳам бежиз эмас.

Алп – қаҳрамон туғилишининг тушда каромат қилиниши ва унинг шажараси илоҳлар билан боғланиши жаҳон эпик ижодиётида кўплаб учрайди. «Гильгамеш» дostonида Гильгамеш ва Энкиду ҳам ярим одам – ярим илоҳ: «Сен бир хилқат Энкиду, мисоли тангри каби».²¹¹

«Маҳабҳарата» дostonида пандавлар Панд шоҳининг ўғил-

²¹⁰ Алпомиш. Фозил шоир варианты. – Б.331.

²¹¹ Эпос о Гильгамеше. – М.: Наука, 1961. – С.12.

лари. Бироқ шоҳ Панд тавқи лаънатга учраган, хотинлари тангри инояти билан фарзанд кўради.²¹² «Одиссея» достонида ҳам Одиссей Лаэртнинг ўғли. Шунинг билан бир қаторда у Зевснинг ўғли ҳам: «Зевс ато этган Лаэртнинг ўғли».²¹³

Қаҳрамон – алпнинг илоҳий туғилиши мотивида, бир томондан, унинг илоҳлар билан боғлиқлиги эътироф этилса, иккинчи томондан, у ўз шажарасининг давомчисидир. Шунга кўра, Алпомиш Бойбўрининг боласи, Добонбий ва Алпинбийларнинг авлоди. Иккинчи томондан, у фарзандсизлиги туфайли Бойбўрига Шоҳимардон пир, яъни Қултой томонидан ато этилган илоҳий фарзанд. Шунинг учун ҳам у Қултойга ўғил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам етти йиллик зиндондан сўнг у айнан Қултой қиёфасига киради. «Дада Қўрқут китоби»да бу ҳолат очиқроқ баён қилинган, яъни Бомси Байрак ўзига исм берган, ўзига ҳомийлик қилган ўзон – Қўрқут ота қиёфасига киради. «Алпомиш» достонидаги Қултой ҳам, «Дада Қўрқут китоби»даги Қўрқут ота ҳам аждодлар культини ўзида тамсил этган бадий образлардир.

Кўпчилик олимлар туш билан боғлиқ илоҳий туғилиш мотивига эпик қаҳрамоннинг хислатларини бўрттириб кўрсатувчи восита сифатида қарашади. Бироқ бу қаҳрамоннинг эпосдаги функциясига киради. Мотивнинг мифологик асосларини бу ҳол изоҳлай олмайди. Чунки эпосда функция ва генезис бошқа-бошқа масала. Туш ва илоҳий туғилиш мотиви кўпроқ архаик эпосга хос бўлиб, у эпос қонуниятларини, унинг структурал тузилиши, эпос ва миф муносабатини ўрга-

²¹² Гринцер П.А. Эпос древнего мира // Типология и взаимосвязи литературы древнего мира. – М.: Наука, 1971. – С.134 – 205.

²¹³ Гомер. Одиссея / Перевод с древнегреческого В.Жуковского. – М.: Правда, 1985. – С.133.

нишда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, ушбу икки мотив билан эпос ва миф муносабатини ёритиб бериш мушкул. Шунинг учун эпосдаги бошқа етакчи мотивларни ҳам ўзаро қиёслашни талаб этади. Шундагина биз эпос ва миф муносабатидаги ўзаро боғлиқликни, эпосда ҳам, мифда ҳам битта тизимга риоя этилганини кўрамыз: фарзандсизлик – туш – илоҳий туғилиш – улғайиш – сафар-синов – қайтиш. Шунинг учун туш ва илоҳий туғилиш мотивлари дostonдаги бошқа етакчи мотивлар билан қиёсий ўрганилгандагина эпоснинг мифологик асослари ва бадиияти янада чуқурроқ очилади. Худди миф ёхуд эртақдаги каби эпосдаги қаҳрамоннинг туғилиши тушда олдиндан башорат қилинади, ғайритабиий туғилади ва тез улғаяди, ёшлигидаёқ ўз қаҳрамонликларини намойиш этади. Алпомиш етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган «ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйини отиб алп аталади: «Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш оти кўйилди».²¹⁴

Алпомишнинг барча вариант ва версияларида ҳам ана шу ҳолат такрорланади. «Дада Кўркут китоби»да Бомси Байрак карвонга ҳужум қилган ёғийларни енгиб жасорат кўрсатади.²¹⁵ Манас ҳам етти ёшида ўз жасоратини намойиш этади.²¹⁶

Қаҳрамоннинг жасорат кўрсатгандан сўнг унга ҳақиқий исм берилиши қадимги битик, яъни Култегин ёдномасида ҳам учрайди. «Отам Ҳақон ўлганда иним Култегин етти ёшда қолди.

²¹⁴ Алпомиш. Достон / Фозил шоир варианты. – Б.18.

²¹⁵ Ergun Muharrem. Dede Korkut Kitabı I (Giriş-Metin-Faksimile). – Ankara: TDK Yayını, 1994; Ergun Muharrem. Dede Korkut Kitabı II (inceleme, indeks). – Ankara: TDK Yayını, 1994. – S.116 – 153.

²¹⁶ Манас. Сагимбой Ўрозбек ўғлининг варианты. – Фрунзе: Кыргызстан, 1978. 1-китоб. – Б.22 – 72.

Ўн ёшда Умайдай онам бахтига иним Култегин Эр деган ном олди».²¹⁷

Кўпгина архаик эпосларда қаҳрамон ёвузлик тимсоли бўлган аждарҳо, дев ва унга ўхшаш бирор-бир махлуққа қарши курашади. Сигурднинг («Эдда»да) аждарҳони ўлдириши, Рамнинг рақшасларни, Гильгамеш ва Энкидунинг эса Хумбабуни ўлдириши, Алпомишнинг Сурхайл мастон ва унинг ўғиллари билан кураши худди ана шунинг мисолидир.

Эпосда гарчи ёвуз куч жуда кўп эврилишларга учраган, қаҳрамон энди маълум бир душман кучларига қарши курашса-да, аслида, бу ёвузлик ибтидоси ер ости дунёсининг ёвуз кучларига қарши курашни англатади.

Шунинг учун «Алпомиш» достонида Алпомишнинг рақиби Тойчихон эмас, Сурхайл мастон ва унинг ўғилларидир. Тўқсон қалмоқ алпнинг ёрда яшаши ҳам, ташқи тасвири ҳам бизга ер ости ёвуз кучларини эслатади.

«Алпомиш» достонининг бошқа вариантларида: «Тойчихоннинг 90 та дев аскарлари, Мастон кампирнинг 5 та дев ўғли бор эди»²¹⁸, – дейилади ва Алпомиш 90 газли девларга қарши курашади.

П.А.Гринцер ёвузлик тимсоли – мифологик махлуқларга қарши кураш қаҳрамоннинг жасоратини намойиш этувчи бир сифат бўлиб, бу жаҳон эпосидаги асосий мотивлардан бири эканлигини таъкидлайди.²¹⁹

Ярим одам – ярим илоҳ бундай қаҳрамонларнинг ҳали ёшлик чоғиданоқ жасорат кўрсатиши қаҳрамонлик эпосига хос бир хусусият бўлиб, бу жасоратлар қаҳрамон туғилиши каромат қилинганда унинг тақдирига битилган, зиммасига юкла-

²¹⁷ Култегин битиги // Қадимги ҳикматлар. – Б.27.

²¹⁸ Алпомиш. Достон / Айтувчи Бекмурод Жўрабой ўғли. – Б.56.

²¹⁹ Гринцер П.А. Кўрсатилган асар. – С.157 – 158.

тилган вазифалардир. «Гильгамеш» достонида Гильгамеш, «Одиссея» достонида Одиссей, «Дада Қўрқут китоби»да Бомси Байрак худди ана шундай хислатлари билан ажралиб туради.

«Алпомиш» достонига ҳам хос бўлган бундай жиҳатлар эса уни жаҳон эпосининг дурдоналари билан қиёсий ўрганиш имкониятини беради.

Алп – қаҳрамоннинг ҳам илоҳларга хос бўлган хусусияти уларнинг ташқи бадий тасвирларида ҳам яққол кўринади. Алпомиш, Гўрўғли ва бошқа қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши тасвирлари ҳам бизга дев ёки аждарҳо келбатини эслатади. Алпларнинг улканлиги, ғайритабиий куч-қудратга эгаллиги, ташқи бадий тасвирлари билан дев ва аждарҳо каби мифологик мавжудотларга қиёсланади.

«...Қадди-қомати Ҳазрати Алига ўхшар, симбати Юсуф пайғамбарга ўхшар, келбати ўттиз икки газ... баҳодирликда бекаму кўст»²²⁰ Алпомишнинг олти ботмон олтин соққани ўйнаб юриши, товушига ўн бир тоғ тебраниши, ҳар нонуштага тўқсондан жониворларни ейиши нафақат бадий муболаға, балки маъбуд, илоҳлар ҳақидаги қадим тасаввурларнинг бадий ифодаси ҳамдир.

Эпосда қаҳрамоннинг илоҳий куч-қудратга эга бўлиши, уларнинг бадий тасвиридаги бундай муболағали жиҳатларда, биринчидан, алплар илоҳийлаштирилса, иккинчидан, халқнинг аста-секин илоҳий кучлар ҳақидаги тасаввурлардан ҳаётий кучларга, алпларга ўта бошлаганини кўрсатади.

Достонларимиздаги туш ва туғилиш мотивининг қиёсий таҳлили достонларимиздаги бошқа мотивларни тадқиқ этишда унинг поэтик хусусиятларини, мифологик қатламнинг тари-

²²⁰ Алпомиш. Достон / Айтувчилар Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбул ўғли. – Б.21.

хий илдизларини, улардаги асл маъно ва моҳиятни янада чуқурроқ ўрганишда яқиндан ёрдам беради.

Эпик ижодда туш билан ёнма-ён (параллел) келадиган мотивлардан яна бири сархушлик ва тутқунликдир. Достонларимиздаги сархушлик ва тутқунлик ҳолатини таҳлил қилиш, туш мотивининг асл моҳиятини, унга сингдирилган мазмунни кенгроқ талқин қилиш имконини беради.

«Алпомиш» достонида Алпомиш Барчинни олиб келиш учун сафарга отланиб, йўлда қабристонда тунаб қолиб қуйидаги тушни кўради:

«Шоҳимардон пири чилтонларга айтди: – Бул бача бизнинг муридимиз бўлади, бугун сизларга меҳмон бўлди, кўнглини наза қилмай, вақтини хушлаб жўнатишлар. Шу гапни айтиб Шоҳимардон пири жўнаб кетди. Чилтанлар кўнглини хушлаб, отнинг жоловидан ушлаб, Бойчиборни таблага тортиб ташлаб, Ҳакимбекни чилтанлар суҳбатга бошлаб, бекнинг вақтини хушлаб ўтирди. От қоқиб, йўл юриб борган одам, чилтонлар суҳбатида ўтириб-ўтириб уйку олиб кетди. Чилтонлар: – Бу бачча Шоҳимардон пирнинг муриди экан. Бизнинг суҳбатимизда бўлди, вақтини хушлай олмадик, – деди. Чилтонлар илму каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, Бахмал ўтовда ухлаб ётган еридан, Барчиннинг руҳини олиб келди танидан. Алпомиш мунда ухлаб ётибди, ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини ўртада бир ерга қўйди. Бир коса шароби антаҳур чилтонлардан Барчиннинг руҳига теғди. Барчиннинг руҳи шаробни қўлига олиб, Алпомишни кўриб, бир ўзи ичгани кўнгли бўлмай, Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб бу сўзни айтиб турган экан:

*Олинг, аллаёёр-аллаёёр,
Келинг, аллаёёр-аллаёёр,*

*Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Коса ўшлаб қўлим толди,
Бийнинг қизи маҳтал бўлди,
Кўнглингиз кимдан қолди,
Боқолмай юрдик сабилди,
Хон тўрам, сизга не бўлди,
Олинг, аллаёр-аллаёр.
Шундай бўлди Барчин сўзи,
Кийганим гулгун қирмизи,
Ақлингдолар жоду кўзи,
Қаватида йўқ канизи,
Коса берар бийнинг қизи,
Қўнғирот бекнинг сарвинози,
Бойсун элнинг добулбози,
Келинг, аллаёр-аллаёр.
Коса берар ойимчалар,
Богда очилган гул-гунчалар,
Жафо қилди кўп гаччалар,
Ҳалак бўлган бек баччалар,
Коса берган ойимчалар.
Узатдим коса оз – тўлмас,
Олмасангиз, сира бўлмас,
Ичмасангиз, ойим қўймас,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.²²¹*

Бу ҳолат «Юсуф ва Аҳмад», «Гўрўғли» туркуми, Хоразм ошиқ дostonларида ҳам кўп такрорланиб келади.

Қаҳрамоннинг сафарга отланишига ёхуд бошига кулфатлар тушишига айнан сархушлик ҳолати сабаб бўлади. Бу «Алпомиш» дostonининг иккинчи қисмида Алпомиш қайнота-

²²¹ Алпомиш. Фозил шоир варианты. – Б.85 – 87.

си – Бойсарини қутқариш учун қалмоқлар юртига қайтиб бо-ришида, айниқса, яққолроқ баён этилган. «Сурхайл кампир уларни меҳмон қилиш баҳонасида маст қилиб:

*Қилсам деб айёр масхара,
Ичаётир шундай тура.
Ҳийла билан ақлин олар,
...Сулаб ётир қирқ бир сардор
Неча хум ароқни ичиб,
Энди маст бўп қолди қайсар.*²²²

Алпомишнинг қирқ йигитини ёқиб юборади-ю, «ўтда ёнмас», «ўқ ўтмас», «қилич кесмас» унинг ўзини оти – Бойчиборнинг думига (!) боғлаб зиндонга ташлайди. Қалмоқлар Алпомишнинг сархушлик ҳолатини: «Ҳозир ўлик маст бўп ётган балодир», – деса, Алпомиш эса ўз ҳолатини: «Маст бўлибман, мен зиндонга сазовор», – дея таърифлайди.

Бошқа қардош халқлар эпик ижоди, жумладан, «Манас» ва «Дада Қўрқут китоби»да айна ҳолатга дуч келамиз. «Дада Қўрқут китоби»да Салор Қозоннинг уйи талон-торож бўлганлиги хусусидаги ҳикоятда унинг ўз уйини, тўғрироғи, юртини ташлаб, овга отланишига, ўғли ва хотинининг ғаюрларга тутқун бўлишига сархушлик сабаб бўлади:

«Тўққизта қора кўзли, хўп сувратли, сочи ортига ўрилган, кўксида тугмали, қўллари хиноли, бармоқлари нигорли, гўзал ғайридин қизлари улуғ Ўғиз бекларига ароқ тутиб шароб ичирардилар. Ичиб-ичиб Улош ўғли Салор Қозоннинг боши айланди».²²³

²²² Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.38 – 39.

²²³ Ergun Muharrem. Dede Korkut. Kitabı I (Giriş-Metin-Faksimile). – Ankara: TDK Yayını, 1994. – S.95.

Бамси Байракнинг тутқун бўлишига ҳам, аслида, сархушлик сабаб бўлади: «...Ёримасин, ёлчимасин, ул малъун тезда етти юз ғайридин билан йўлга тушди. Байрак оп-олача чодири ичинда еб-ичиб ўтирар эди. Тун уйқусида душманлар ўтовга бостириб келди, булар-чи ғофил».²²⁴

Эътибор берсак, «Алпомиш» достонида ҳам, «Дада Қўрқут китоби»да ҳам қаҳрамон – алпларнинг тутқун бўлишига сархушлик сабаб бўлаяпти. Бошқа эртак ва дostonларимизда ҳам сархушлик ва тутқунлик (тоғда, ғорда, қудукда, зиндонда, баъзан эса қўрғонда бандилик) ҳолати туш мотиви билан ёнма-ён келади.

«Юсуф ва Аҳмад» достонида ҳам Юсуф ва Аҳмад сархушлик туфайли Миср подшосига тутқун бўладилар: «Ана, Аҳмадбек шу куни қирқ йигити билан ичди майни, бариси думини қайтарган маст бўлди».²²⁵

«Гўрўғли» туркум дostonларида Гўрўғли қирқ йигитига мурожаат қилиб косада май туттади. Майни ҳамма ҳам ичолмайди, чунки май ичганлар бирор муҳим топшириқни бажаришлари, яъни синовдан ўтишлари шарт бўлади.

Ҳамма ҳам шомон бўлавермаганидек, ҳамма ҳам майни ичишга қодир эмас. Майни эса фақат алпларгина ича олади. Маълумки, эпос қонуниятига кўра алплар туғилишидан олдин илоҳий каромат қилинади ва улар ҳамиша ҳомий руҳлар кўмагида бўлади.

Алпомиш ва Бамси Байракнинг сархушлик ва тутқунлик ҳолати тасодифий бўлмай, бу уларнинг алплик мақомига эришувидаги навбатдаги синовлардан бири эди.

²²⁴ Ergun Muharrem. Dede Korkut. Kitabı I. – S.130.

²²⁵ Юсуф ва Аҳмад. Дoston / Айтувчи Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.78.

Сархушлик туркий халқларнинг қадимги маросимига кўра ҳомий руҳлар билан мулоқот қилиш ҳолати ҳисобланган. Сархушлик, яъни беҳушлик шомоннинг галюцинация, экстаз ҳолатидир. У шу ҳолатидагина нариги дунёга сафар қилади.

Хитойликларнинг мусиқа тарихи китобида милoddан аввал Хитойнинг ғарбида яшаган туркларнинг мусиқа ва рақслари ҳақида сўз юритилади. Турклардан хитойликларга ўтган рақслардан бири – «Хут-энъю» рақси бўлиб, уни эркаклар ижро этганлар. Бу рақсда раққос икки кўлига май олиб, май ичиб рақсга тушади. Май тугаши билан рақс ҳам тугайди. Бу рақс бизга шомоннинг май билан рақсга, жазавага тушишини эслатади. Рақсда сархушлик, беҳушлик, яъни шомоннинг нариги дунёга сафар чоғидаги ҳолати акс этган.

Сархушлик ва беҳушлик рамзий ўликлик ҳолатидир. Шомон беҳушлик ҳолатида ўзининг ўлганини, танаси бўлак-бўлакларга ажралганини яхши ҳис қилиб туради. Қайта тирилиш маросими қанчалик азоб-уқубатли бўлса, бу шомоннинг куч-қувватидан дарак беради.

Олтой шомонларининг шу кунгача сақланиб қолган маросимларида ҳам беҳушлик шомон руҳий ҳолатининг энг олий босқичи бўлиб, узоқ беҳушлик ҳолатида бўлган шомонлар катта ҳурмат ва эътиборга молик бўлганлар. Сархушлик, беҳушликдан мақсад «ўлик»лик ҳолатига ўтиш – нариги дунёга сафар қилиш, илоҳий куч-қудратга эга бўлиб қайта туғилишдир.

Алпомиш дostonнинг биринчи қисмида Барчин ёрини олиб келиш учун йўлда кетаётиб мозорда (тоғ, ғор, мозор муқаддас, яъни руҳлар билан мулоқот қилиш жойи ҳисобланган) тунаб қолади. У ерда эса чилтонлар Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини учраштиради: «Чилтонлар: – Бу бачча Шохимардон пирнинг муриди экан. Бизнинг суҳбатимизда бўлди, вақтини хушлай олмадик деб илми каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, бахмал ўтовда ухлаб ётган

еридан Барчиннинг руҳини танидан олиб келди. Алпомиш ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини ўртада бир ерга қўйди. Бир коса шароби антаҳур чилтонлардан Барчиннинг руҳига тегди. Барчин руҳи шаробни қўлига олиб... Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб бир сўзни айтиб тургани экан».²²⁶

Салор Қозоннинг туткун бўлиши ва бу туткунликнинг нариги дунёга сафар билан боғлиқ эканлиги «Дада Қўрқут китоби»да аниқ баён этилган: «Ниҳоят, Қозонни келтирдилар. Таманин қалъасида бир қудуққа ташладилар... Бир кун Такурнинг аврати айтур: – Борайин, Қозонни кўрайин, ҳоли не кечибди. Кўп одамларга жабр этганмиш у, – деди.

Хотун келиб зиндончига тешикни очтиртирди. Чақирди, айтур: – Қозонбек ҳолинг надир?.. Қозон айтур: – Ўликларингга ош берган пайт уларнинг қўлларидан олиб ейман, ўликларингиз йўрғасига минаман, танбалларини судрайман».²²⁷

Алпомишнинг етти йил, Бомси Байракнинг ўн олти йил зиндонда туткун бўлганда уларнинг ўлди деган хабар тарқалишида ҳам айнан юқоридаги рамзий маъно яширин.

Қахрамон – алпнинг нариги дунёга сафаридан мақсад – магик қудратга эга бўлиб қайта туғилиш, бир мақомдан иккинчи бир мақомга кўтарилишдир. Шу сабабли туркий, жумладан, Олтой шомонларининг ҳозиргача сақланиб қолган маросимларида беҳушликнинг ўзини ўзи чавақлаш, бошини кесиб ташлаш, танасини тилка-пора қилиш ҳолатлари учрайди. Шомоннинг бу ҳолати бир мақомдан иккинчи бир мақомга ўтишдаги маросим билан боғлиқ бўлиб, танани тўлиқ инкор этиб, руҳ билан бирлашишни билдиради. Танасини инкор

²²⁶ Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.86.

²²⁷ Ergun Muharrem. Dede Korkut. Kitabı I. – S.235.

этиб янгидан туғилган, ҳомий руҳлар қувватини ўзида жамлай олган шомонга дунёни янгилаш, янгидан қуриш имкони берилади.

Сархушлик, беҳушлик ҳолати «Авесто»да ҳам учрайди. «Авесто»да хаумо ичимлиги кишида жазава қўзғатиб, илоҳий куч-қудрат ҳамда боқийлик бахш этувчи ичимлик сифатида тилга олинади.²²⁸ Уни ичган киши бир вақтнинг ўзида ҳам ерда, ҳам руҳлар оламида бўла олиш қобилиятига эга.

«Алпомиш» ва бошқа дostonларимизда туш, илоҳий туғилиш, сархушлик ва тутқунлик ҳолатларининг ёнма-ён келиши тасодифий эмас. Қаҳрамон бир мақомдан иккинчи бир мақомга кўтарилаётганда турли хил синовлардан ўтган. Алпомиш ҳам, Бомси Байрак ҳам худди шундай синовларга дуч келади. Эпосда бундай синовлардан фақат алпларгина ўта олади.

Алпомиш ўз ёри қўйган шартларни бажариб, биринчи синовдан ўтиб биринчи мақомга эришган бўлса, сархушлик туфайли тутқунда бўлиб, ундан озод бўлиши иккинчи мақомга ўтиш ҳолатини акс эттиради. Биринчи синов алп – шомоннинг балоғат ёшига етганини билдирса, иккинчи мақомдан ўтиш билан эса у юртга бош бўлиш, салтанатга эгалик қилиш қудратини ифода этади. Бу ҳолат «Алпомиш»га ўхшаш дostonларимиздаги мифологик қатлам илдизлари қадимги замонларга бориб тақалишини кўрсатади. Зеро, қадимда шомонлик маросимига мувофиқ беҳушлик мақомидан ўтган шомон ёвуз руҳларни, ёвуз кучларни енга олиш қудратига эга бўлган.

Қадимги турк ва ҳинд асотирларида гуноҳ қилган кишини ёпиқ идишга солиб (яъни тутқун қилиб) қўйиш ҳақида афсо-

²²⁸ Мифы народов мира. В двух томах. – М.: Энциклопедия, 1992. Т.2. – С.462.

налар бор. Идишдан қайтиб чиққан киши она қорнидан қайта туғилган билан тенглаштирилган. Ҳиндларда сигирдан қайта туғилиш маросими мавжуд. Бу маросимга кўра, қоҳин сигир акс эттирилган тулупга киради ва ундан қайтиб чиққанда қайта туғилган ҳисобланади. Зиндон (қудуқ ва ҳоказолар) қоронғилиги ва бўшлиги билан она қорнини эслатади.

Эътибор қилсак, алплар синовдан ҳамиша ҳомий руҳлар кўмагида ўтади. Уларнинг тутқунликдан озод бўлишида ҳам ҳомий руҳлар асосий роль ўйнайдилар. Алпомиш ўз оти – Бойчиборнинг думи, Бомси Байрак эса қиз туширган арқон ёрдамида тутқунлик (зиндон)дан озод бўладилар. От ёли, баъзан эса қиз сочи, арқон – булар ҳаммаси магик ритуал характериға эға бўлиб, унинг илдизлари қадим тасаввурлар билан боғланади. Ибтидоий одам дунёқарашиға кўра, соч ёхуд ёлда руҳлар яшайди.

Туркий халқларнинг кўпгина эртақларида ўз ёлидан берган дев, от, бўри ёхуд сочидан тола берган пари қаҳрамоннинг ёлни тутатиши билан дарҳол унга кўмакка етиб келадилар.

Олтой шомонларининг бош кийими от ёки буғунинг ёлидан тайёрланган.²²⁹ Шомонлик удумиға кўра соч ёхуд ёл жонли ва қудратлидир.

Алпомиш ҳам, Бомси Байрак ҳам ҳомий руҳлар кўмагида зиндондан озод бўлиб, яъни қайта туғилиб, бир мақомдан бошқа бир мақомға кўтарилганлигини уларнинг тутқунликдан сўнг ўз қиёфаларини ўзгартирганликларида ҳам кўрамыз. Алпомиш етти йиллик бандилиқдан сўнг юртиға қайтаётиб Қултой қиёфасиға, Бомси Байрак эса Далли ўзон қиёфасиға киради.

Алпларнинг зиндондан қутулгандан сўнг ўзға қиёфада ки-

²²⁹ Традиционные верование и быт народов Сибири: XIX – начало XX в. – Новосибирск: Наука, 1990. – С.163.

риб келишлари бу дoston сюжетининг, ундаги мифологик қатламнинг қадимий эканлигини намоиш этади. Қахрамоннинг қиёфа ўзгартиришлари бу уларнинг нариги дунёга сафар қилгани, қайта туғилиб, юксак бир мақомга эришганлигини ифода этади. Қиёфа ўзгартириш, яъни ниқоб илоҳиёт белгиси ҳисобланган. Фақат энг юқори мартабага эришган шомонгина бир қиёфадан иккинчи бир қиёфага кира олган.

Алпомиш нега айнан Қултой қиёфасига, Бомси Байрак нега айнан Далли ўзон қиёфасига кирди деган саволга эпосда гўё очиқ жавоб йўқдай. Бомси Байракнинг Далли ўзон қиёфасига кириши ҳомий руҳ – Қўрқут ота қиёфасига киришидир. «Дада Қўрқут китоби»да бунга очиқ ишоратлар бор.

Қўрқут ота келиб Бомсига исм беради:

*«...Сан ўғлингни Бомсим дея эркаларсан,
Унинг оти бўз айғирли Бомси Байрак бўлсин,
Отини мен бердим, ёшини эгам берсин».*²³⁰

Бомси Байракнинг уйланишида ҳам Қўрқут ота шартларни бажаришда кўмак беради. Демак, Бомси Байракнинг Далли ўзон – аждодлар культуни ўзида тамсил этган ҳомий руҳ – Қўрқут ота қиёфасига кириши бежиз эмас.

Алпомишнинг нега айнан Қултой қиёфасига кирганига дostonнинг бир жойида ишора қилинади. «Қултой айтди: – Алпомишнинг белгиси шул эди. Ўнг эгнида Шоҳимардон пирнинг, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг изи бор эди».²³¹

Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифов Шоҳимардон пир билан боғлиқ белгини дostonнинг кейинги давр, исломдан сўнги давр таъсири деб тўғри хулоса чиқаради. Мана шу

²³⁰ Ergun Muharrem. Dede Korkut. Kitabı I. – S.121.

²³¹ Алпомиш. Дoston. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.153.

белги, Алпомиш елкасида Қултой панжасининг изи борлиги – Қултойнинг оддий чўпон эмас, балки ҳомий руҳ эканлигини кўрсатиб турувчи далилдир.

Қултойнинг оддий чўпон эмаслиги бошқа бир жойда, достоннинг бошида ҳам айтилади: «Қултой ҳам заҳар чол эди, ётган жойида бир қур ҳайт тортганди, тўқсон тўқайдан йилқи йиғилиб қошига келди».²³²

Қўрқут отанинг Бомсига исм бериб, бўз айғирли бўлсин дейиши билан Қултойнинг Алпомишга от танлаб бериши айнан бир ҳодисадир. Алпомишнинг елкасидаги беш панжа эгаси ҳам, унга исм берган ҳам, от кўринишида алпни зиндондан қутқарган ҳам ҳомий руҳ – Қултой эди. Шунинг учун ҳам Алпомиш айнан аждодлар культуни ўзида тамсил этган Қултой қиёфасига киради.

Қултойнинг ҳам, Қўрқут отанинг ҳам аждодлар култи билан боғлиқлиги китобдаги жуда кўп жойларда рамзий-тимсолий тарзда бериб ўтилади. Маълумки, аждодлар культуни ифода этган ҳомий руҳ маданий қатлам даврида ғайб дунёси ва инсонларни бир-бирига боғлаб турувчи кишига айланади. Худди «Алпомиш» достонидаги Қултой каби Қўрқут ота ҳам асарда ҳомий руҳ сифатида гавдаланади.

Маданий даврда аждодлар култи ўзини асосан тушларда намоён қилади. Бундай мифологик қатлам жаҳон фольклорида кузатилган.

«Алпомиш» достонида Алпомиш чўпонлар қўшхонасида ухлаб ётиб тушида пайғамбарни кўриши ва Шохимардон пир кўмагида келгусида синовлардан ўтиб мурод-мақсадга етиши башорат қилинади:

*Ҳакимбек кирганда ўн тўрт ёшига
Меҳмон бўлди чўпонларнинг қўшида.*

²³² Кўрсатилган манба. – Б.76.

*Ул кечаси файзи саҳар бўлганда
 Расули худони кўрди тушида...
 «Фам ема, умматим, – деди пайгамбар, –
 Остида дулдули, белда зулфиқор,
 Жиловида Бобо қамбар жиловдор,
 Фамингга отланди Шоҳимардон пирлар,
 Файратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
 Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
 Сенга тақдим қилди Барчин зулфакдор.»²³³*

Шоҳимардон пир билан боғлиқ воқеалар, атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов айтганидек, кейинги даврлар маҳсули бўлиб, аслида, Алпомишга пирлик, яъни ҳомийлик қилган ўзида аجدодлар култини тамсил этган Қултойдир. Буни Алпомиш айнан чўпонлар қўшхонасида ётиб қолиши ва у ерда туш кўриши ҳам тасдиқлаб турибди. Шунинг учун ҳам Алпомишнинг тушида ҳомий руҳ – Қултой кўмакка етиб келади. Зеро, Алпомиш тунаб қолган чўпонлар қўшхонаси ҳам оддий қўшхона эмас, муқаддас, илоҳий жой ҳисобланади.

«Қўрқут ота китоби»да Яганакнинг Қўрқут отани туш кўришида айнан шу аждодлар култи – ҳомий руҳ билан боғлиқлик жиҳати аниқ баён этилади: «...Кўзим уйкуда экан туш кўрдим. Ола кўзим очибон дунё кўрдим. Оқ бўз отлар чопдиргучи алпларни кўрдим. Оқ дубулғали алпларни ёнимга олдим. Оқ соқолли Қўрқут отадан ўгитлар эшитдим. Кўндаланг ётган қора тоғлардан ошдим. Қарши ётган денгизни тилдим, кечдим. Узоқда кўринган тоғ ёнида бошдан оёқ порлаб турган бир Эр кўрдим...»²³⁴

Тушдаги «оқ бўз отлар», «оқ дубулғали алплар», «оқ со-

²³³ Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.92 – 93.

²³⁴ Ergun Muharrem. Dede Korkut. Kitabı I (Giriş-Metin-Faksimile). – Ankara: TDK Yayını, 1994. – S.123.

қолли Қўрқут ота» каби сифатлашлар мифологик хусусиятга эга ва ҳар бирининг ўз маъноси ва шарҳи бор. Оқ соқолли Қўрқут ота эса аждодлар культуни ифода этувчи ҳомий руҳ рамзидир.

Маданий эмпирик даврда аждодлар мифологик унсур сифатида фақат тушдагина ўз хусусиятини сақлаб қолади; баъзида эса бу культлар бевосита диний тушунчалар билан қоришиб, ҳомий руҳ, ҳомий культга айланади. Алпомишнинг етти йиллик тутқунликдан сўнг Қултой қиёфасини, Бомси Байракнинг эса Далли ўзон қиёфасини танлаши, яъни уларнинг ҳомий руҳ – Қултой ва Қўрқут ота қиёфаларига кириши мантиқий тадрижийликка эга.

Тутқунлик ва тутқунликдан сўнг қиёфа ўзгариши Ҳомернинг «Одиссея» достонида ҳам учрайди. Ўзга дунёдан қиёфасини ўзгартириб қайтган Одиссей камондан ўқ ўзиши билан ўз қиёфаси ошқор бўлади. Алпомиш ҳам, Бомси Байрак ҳам тутқунликдан сўнг юртига қайтиб, ўз камонларидан ўқ узишди. Бироқ улар то ўз ёрлари билан ўлан айтишмагунча қиёфалари очилмайди.

Алпомишнинг ўз хотинининг тўйига келиб Қултой қиёфасида, Бомси Байракнинг Далли Ўзон қиёфасида ўлан айтиш ҳолати бу яна бир бор мазкур эпосларнинг тарихий илдизлари жуда қадимга бориб тақалишидан дарак беради. Ҳомий руҳ қиёфасида қайта тирилган шомон нафақат жисмоний, балки магик қудратга эга эканлигини ҳам намойиш этиши лозим эди. Шунинг учун ҳам қадимда шомон ва бахши сўзлари бир маънони англатган.

Кўриб чиққанимиздек, «Алпомиш» ва «Дада Қўрқут» эпосидаги алп қаҳрамонларнинг сархушлик ва тутқунлик ҳолати, тутқунликдан сўнг бошқа қиёфага кириши туркий халқларнинг қадим тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, бу тасаввурлар эпосда бевосита матнда рамзий маъно кашф этган.

Бу эса дostonларимиздаги мифологик қатламнинг қадимий-

лигини, барча туркий халқларнинг ғурури ва фахри бўлган «Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Дада Қўрқут китоби» жаҳон адабиётининг нодир намуналари ҳисобланмиш «Одиссея», «Калевала», «Маҳабҳарата», «Нибелунглар қиссаси» каби шоҳ асарлар билан бир қаторда тура оладиган, улар билан бўйлаша оладиган буюк асарлар эканлигидан далолат беради.

Боб давомида билдирилган мулоҳазалар, таҳлиллар, қиёслар, кузатишлар унга қуйидагича хулоса қилиш имконини беради.

Туш мотиви ўзбек фольклорининг барча жанр намуналарида учраса-да, унинг эртақ ва дostonлардаги сюжет таркиби, композицион қурилишидаги ўрни, бадий-эстетик вазифалари тадқиқи бу мотивнинг анъанавий типик характерга эга бўлганини, эпик тур тарихий асослари, ривож ва поэтикасида муҳим ўрин тутганлиги, ноэстетик ҳодисаларнинг фольклорда эстетик ҳодисага ривожланиб бориши йўлини аниқлашга имкон беради.

1. Эртақларда туш мотиви асосан қуйидаги бадий-эстетик вазифаларни бажаради:

а) эртақ зачинида келиб, эртақ сюжетининг ўзагини ташкил этадиган туш мотиви. Бу типдаги «Хосиятли туш», «Мусофирбек», «Сирли туш», «Ибратли туш», «Давлатмирза», «Хон билан камбағал деҳқон» каби эртақларда туш мотиви бутун эртақ сюжети, қаҳрамон тақдирини аввалдан рамзлар воситасида белгилаб беради ва халқнинг туш – инсон тақдирини тўғрисидаги сирли хабар эканлиги ҳақидаги тассавурларини бадий ифодалаб келади. Бундан ташқари, бу тип эртақларда тушнинг диалектик бирлиги бўлган таъбирчилик маданияти, тартиб-қоидалари, ирим, табуларининг баёни, таъбирчи образининг иштироки ҳам ўзига хос;

б) ўзбек фольклорида типик таъбирчи образи асосан туш мотиви фаол вазифа бажарадиган эртақ ва дostonларда уч-

райди. Улар не-не донолар таъбир қилолмаган туш рамзларини жуда яхши билишади, таъбирнинг барча қоидаларига амал қилишади ва еча олишади. Бу образнинг ҳаётдаги тарихий асослари бевосита шомонлик ва у орқали мифология билан боғланади. Психоаналитик таҳлил тили билан айтганда, улар онг ости кечинмаларини «ўқий оладиган» кишиларнинг фольклордаги образидир;

в) бу тип эртақларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларда баъзан тушдаги ҳодиса, ҳолатлар реал воқелик билан уйғунлашиб кетади. Ўзбек эртақлари, дostonлари намуналарида туш мотиви икки ёки ундан ортиқ мазмунларда келиши мумкин. Табиийки, туш мазмунига қараб унинг таъбири ҳам пировардида эртақ матнида воқе бўлиши ҳам турлича кечади;

г) туш мотиви билан бошланадиган яна бир тип эртақларда бу мотив сюжетнинг барча ҳалқаларини тутиб турмайди, улардаги туш мотиви бошқа бир хабар билан алмаштирилса ҳам, умумий сюжетга путур етмайди. Шунингдек, уларда анъанавий таъбирчи образи ҳам иштирок этмайди.

2. Эртақ сюжетининг маълум бир ҳалқаларини боғловчи туш мотивлари. Бу тип эртақларда туш мотиви эртақ воқеалари баёни ривожда ёки сўнгида келади. Уларда туш қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) қаҳрамон тушига кирган бирор-бир ғайритабиий куч ёки ҳомий руҳ уни хавф-хатардан огоҳ қилиб, қутулиш чораларини ўргатади. Унинг тушига кирганлар, одатда, Хизр каби мифологик образлар бўлади;

б) эртақ қаҳрамони тушига кирган шахс ёки башоратчи сўзи билан сафарга отланади. Бу тип эртақларда туш мотивининг вазифаси ана шу билан тугайди;

в) эртақ сюжетининг маълум бир ҳалқасида рўй беражак ҳодиса қаҳрамонга тушида аён бўлади;

г) қаҳрамон ўз бошидан кечирганларини туши сифатида

баён этади. Бунда туш мотиви бевосита шарт мотиви билан алоқадор бўлади.

3. Эртактарнинг композицион тузилишига кўра туш мотиви эртактар аввали, воқеалар ривожига ва якунида келиб, синов, сафар, уйланиш, ҳомий руҳ, хатар, ўлим мотивлари билан яқин муносабатда бўлади. Бу муносабат даражаси турлича бўлиб, туш – синов, туш – сафар, туш – уйланиш мотивлари боғлиқлиги кўп учрайди.

4. Мотив эртактар ва асарлар сюжети ҳамда композициясида асосий ўрин тутаяди. Фольклордаги типик ва халқаро шундай мотивлар борки, уларнинг тарихий асослари, ривожига, асар сюжети, бадиий вазифаларини тадқиқ этиш умумфольклорни тадқиқ қилиш билан тенглашиши мумкин. Фольклоршунослигимизда дostonлар жуда кўп ўрганилган. Улар ҳақида фундаментал ишлар, тадқиқотлар яратилган. Бироқ ҳозиргача бирорта эртактар ёки дoston мотивлар таҳлили, ўзаро муносабати даражасида махсус тадқиқ қилинган эмас. Ҳолбуки, монументал эпосимиз – «Алпомиш» дostonининг барча вариантларида туш мотиви бир эмас, бир неча бор такрорланиб келади. Унда Алпомишнинг туғилиши, улғайиши, қийинчиликларни енгиб мурод-мақсадига етиши туш мотиви орқали юзага чиқади. Типик туш мотиви халқаро ва анъанавий фарзандсизлик, улғайиш, синов, сафар, шарт, уйланиш, уйга қайтиш мотивлари билан боғланиб кетадики, асар ўзига пойдевор бўлган туш мотивисиз бундай даражага етмас эди.

5. Дostonдаги туш мотивига улкан бадиий-эстетик вазифа юкланган. Улардаги рамзлар бош қаҳрамонлар тақдирини аввалдан башорат қилиб беради. Дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли вариантини туш мотивисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир вариантларидаги воқеа якунида келган туш мотиви сюжетда жиддий бир вазифа бажармайди. Ана шу жиҳатдан дostonлардаги мотивларни вазифасига кўра барқарор ва барқарор бўлмаган мо-

тивлар дейиш мумкин. Барқарор бўлмаган мотивларни тушириб қолдириш ёки алмаштириш билан асар моҳиятига жиддий путур етмайди.

6. Худди эртактлардаги каби дostonларда ҳам туш мотиви бошқа мотивлар билан алоқадорликда, асар зачини, воқеалар ривожи, якунида келиши мумкин. Бироқ дostonлардаги туш мотиви халқнинг эътиқодий қарашлари, рамзлар орқали қахрамонлар руҳий ҳолати, тақдирини теран талқин қилиши, юксак бадиий-эстетик завқи, одатда, шеърый йўлда баён этилиши билан ажралиб туради. «Алпомиш»да Барчин ва Алпомиш руҳи тушларида учрашадиларки, бу халқнинг тушни илоҳий ҳодиса деб тушунишини, тушнинг онг ости кечинмалари ифодаси эканлигини онгсиз, яъни ноилмий, анъанавий сезишини кўрсатади. Бунинг тарихий асоси бевосита тана ва жон ҳақидаги анимистик-мифологик тафаккурдадир. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида икки кишининг бир хил мазмундаги туш кўриши ҳам ўзбек дostonчилигидаги ноёб ҳодиса ҳисобланади.

7. Дostonлардаги, жумладан, «Алпомиш»даги тушларда ҳомий руҳлар сифатида Муҳаммад пайғамбар, Ҳазрат Али, авлиё-анбиёлар, ҳомий эранларнинг рамзлар орқали берилиши исломий қатлам бўлиб, эртактларда учрамайди. Шунингдек, эртактлардаги таъбирчи эпизодик образ сифатида маълум бир вазифаларни бажарса, дostonларда у етук типик образ даражасига кўтарилган.

8. Дoston сюжети ва композицион қурилишига кўра туш мотивлари икки типдан иборат бўлади:

а) асар давомида ўз тасдиғини топиб борувчи, қахрамонлар ҳаёти ва тақдирини башорат қилувчи тушлар;

б) сюжет ҳалқаларининг маълум бир қисмлари, қахрамонлар ҳаётининг маълум бир даврига тааллуқли тушлар.

9. Ҳар қандай бадиий асар, жумладан, фольклордаги туш мотивининг асоси ҳам, энг аввало, ҳаётдан, аниқроғи, қанча-

лик мавҳум ёки аниқ бўлмасин, одамлар кўрувчи тушлардан олинади. Ҳар икки ҳолатда туш руҳнинг параллел замон ва маконга саёҳати бўлиб, ҳар бири ўз мантиғига эга. Кишилар ҳаётида кўрилган ва эртак билан дostonлардаги тушларнинг қиёсий таҳлили натижасида тушларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) инсон ва асар қаҳрамони тақдирини тўла қамраб олувчи тушлар. Бу хил тушларнинг воқе бўлиши учун узоқ муддат керак ва улар ўта тимсолий бўлади. Бу хил тушларни ҳар бир киши кўриши, аммо маъносини англамаслиги мумкин;

б) вақт ва амалга ошуви жиҳатидан қисқароқ муддатни қамровчи тушлар. Халқда бундай тушлар уч кун, уч ҳафта, уч ой, уч йил оралиғида амалга ошади деган инонч бўлган. Бу ерда уч рақами анъанавий, магик рақамдир. Шу боис эртак ва дostonлардаги аксарият тушлар шу гуруҳга мансуб бўлади;

в) туш кўрилгандан кейин қисқа муддатда амалга ошувчи тушлар. Бундай тушлар ҳаётда жуда кам учрайди.

IV БОБ

ТУШ СЕМАНТИКАСИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Асотирлар, эртақлар шундан дарак берадики, ибтидоий тасаввурлар, бугунги тасаввурлардан фарқли ўлароқ, дунёни рамзлар орқали қабул қилган, рамзлар билан баҳо берган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган. Ибтидоий инсон тилини том маънода рамзлар тили дейиш мумкин.

Улген – ёруғлик ва эзгулик, Эрликхон – зулмат ва ёвузлик, Қора дев – зулмат, Оқ дев – жала, булут, Сариқ дев – олов, Кўк дев – осмон, Момоқалди роқ – тангрилар овози, Яшин – тангрининг ўқи, Сел – ёвуз руҳнинг офати, Тоғ – тилсимли қўрғон, Сув, Тупроқ – тириклик, Фор – руҳлар макони, Осмон – эзгулик тангрилари, Ер ости – ёвуз руҳлар маконининг рамзи, кодлашган исмлари эди. Барча нарса – тушунча, қараш, тасаввур, қўрқув, қувонч, шодлик, бахт, кечинмалар рамз бўлиб, у орқали тушунтирилар, унинг воситасида қабул қилинарди. Дунё рамзлардан иборат бўлиб, бу инсониятнинг илк, аммо чинакам ижоди эди. Бу ижод азалу абадни бирлаштира оларди.

Тимсолсиз санъат, адабиёт, умуман, ижод бўлган эмас. Халқ оғзаки ижоди бугун фақат мифологик ёки тарихий асос сифатида ўрганиладиган ижод эмас, балки у тимсоллар санъати сифатида ўрганиладиган, таҳлил этилиши лозим бўлган санъатдир.

Тимсол ўзи нима? Биз бирон асарни ўқиганимизда ёки халқ

ижоди намунасини тинглаганимизда гап А ҳақида бораётгандай бўлса ҳам, асл маъно Б га тегишли эканлигини ҳис этиб турамыз. Биз буни истамасак-да, ички туйғуларимиз А асليда Б эканини такрорлайверади. Чунки тимсолни ақлимиз эмас, туйғуларимиз тез англайди.

Тимсол – ташқи дунёнинг бизнинг ички дунёмизда, «қалбимиз ва онгимиздаги оксидир». Демак, ички дунёмизда ташқи дунёни ўзига хос қабул қилувчи хусусият бор. У ташқи дунёни рамзлар, тимсоллар орқали, яъни ўзича «қайта ишлаб» қабул қилишга мослашган. Инсон туғилгандаёқ дунёга шундай руҳий имконият билан келган. Илк одамлар табиат ва коинот сирларини тимсоллар орқали қабул қилганлари бежиз эмас.

Ибтидоий одам сел, бўрон, олов, тўфонни кўрганда улар қаршисида ўзининг ожизлигини ҳис қилган ва ваҳимага тушган. Қуёш танасини яйратганда қувонган. Натижада зулмат – ваҳм, ёруғлик – қувонч тимсоли бўлиб қолган. Мана шу ваҳм ва қувонч инсон ички дунёсининг ташқи дунёга нисбатан тимсоли эди. Бундан ташқари, зулматни душман, ёруғликни дўст деб билган инсон ана шу икки тимсолга эзгулик ва ёвузлик маъносини ҳам юклаган. Чунки ибтидоий одам учун абстракт тушунчалар йўқ эди. В.М.Мелетинский айтганидек, у дунёни тасаввурлар орқали англади, улар воситасида муносабат қиларди. Демак, тимсол ва тасаввур эгизаклар эди.

Шу сабабли ҳар бир тимсол асосида инсон тасаввурлари ва кечинмалари ётадики, уларнинг қай тарзда, қачон пайдо бўлганини билиш тимсолларни аниқ, илмий тўғри шарҳлаш имконини беради.

Инсон ўзи кашф этган кўркув, ваҳм тимсолларини ҳали абстракт мушоҳада қила олмагани учун жонли ҳолда тасаввур қилиб, махлуқ ва йиртқичлар шаклида рамзлаштирган. Тимсоллар инсон онгининг тинимсиз ишлашига йўл очгани учун онг, ўз навбатида, ожизликдан қутулиш чораларини излаган.

Натижада ваҳм ва ёвузлик тимсоллари бўлган махлуқларни енгувчи, ўзига бўйсундирувчи қаҳрамон туғилган.

Бу жараёни рус фольклоршуноси А.Н.Афанасьев яхши ифодалаган: «Ҳақиқий шоир халқ эди: у тилни ва мифларни яратди ҳамда бадиий асар учун зарур бўлган барча нарсани – ҳам шакл, ҳам мазмун берди ва ҳар бир номга поэтик маъно бағишлади, ҳар бир мифда поэтик фикр ифода этди».²³⁵

Тимсол – инсон руҳиятининг тили бўлиб, у табиат билан ана шу тилда гаплаша бошлаган. Шу тимсоллар тилида мифлар, эртаклар, достонлар юзага келган. Бу ижод маҳсуллари ўзлари яратилган даврдаги инсон кечинмаларининг меваси бўлиб, ундаги тимсолларни тўғри шарҳлаш бизни аجدодларимизга яқинлаштиради, уларнинг ички дунёсини ёритиб беради.

Миф, эртак, достонлардаги туш мотиви билан боғлиқ тимсоллар халқ тафаккурининг хазинаси бўлиб, уларни ўрганиш халқ тафаккури тарихини ўрганишдир.

Халқ достонлари ва эртакларидаги туш мотивининг бадиий қиммати, муайян матндаги поэтик юкини теран англаш учун, авваламбор, ҳаётдаги туш таъбирлари билан боғлиқ тушунча, тасаввурларни бадиий (фольклордаги тушларни шартли равишда бадиий тушлар деб олмоқдамиз) тушларга ўзаро қиёслаб ўрганиш талаб этилади. Масаланинг ушбу тартибда қўйилишининг маълум сабаблари бор. Аввало, бадиий тушларнинг андазаси ҳаётдаги тушлардан олинади. Қолаверса, бадиий тушлар ҳам ҳаётдаги тушларга уйғун коммунакатив вазифа бажаради ва ундан башорат ёки бирор-бир хабар англади. Ана шу англантиш ва англаш жараёни семантик жиҳатдан бир-бирига уйғун келади. Яъни бадиий тушлар таъбири ҳам ҳаётини тушлар таъбирига кўп жиҳатдан мос. Бунда туш тимсол сифатида қаралиб, таъбир этилади.

²³⁵ Афанасьев А.Н. Кўрсатилган асар. – С.83.

Яна бир ўхшашлик ҳаётдаги тушлар кўп жиҳатдан бадиий ижодга хос шаклда намоён бўлишида кўринади. Хусусан, мифологик ва фольклорий тафаккур шакли туш структураси ва семантикасига ҳар жиҳатдан тўғри келади.

Айни пайтда, ҳаётдаги ва бадиий тушлар ўртасида семантик нуқтаи назардан фарқлар ҳам мавжуд. Фольклордаги (умуман, бадиий матн таркибидаги) тушларнинг ҳаётдаги тушлардан назарда тутилаётган фарқли жиҳатлари куйидаги ўринларда яққол кўзга ташланади:

– бадиий туш, аввало, бадиий ижод маҳсули бўлиб, бадиий-эстетик хусусиятга эга. Ҳаётдаги тушларга бундай вазифа юкланмайди;

– ҳаётдаги тушлар туш кўрувчи тақдири, ҳаёти билан боғлиқ коммуникатив вазифа бажарса, бадиий тушга қаҳрамон ҳаёти, тақдири билан боғлиқ ана шундай хусусият юклансада, асар таркибида ўзига хос бадиий вазифага ҳам эга бўлади;

– ҳаётдаги тушлар бир бор (баъзан такрорланса ҳам) кўрилади. Кўпчиликка ошкор этилмайди. Бадиий туш асар таркибида турғун кўриниш ва ўрин эгаллайди.

Ҳаётдаги ва бадиий тушлар таъбирланишида ҳам маълум фарқлар мавжуд. Ҳаётдаги тушлар таъбирида икки муҳим асос таянч вазифасини бажаради:

1. Тушда кўрилган нарса ва предметларнинг халқ тасавуридаги анъанавий рамзий маъносига таянилади;

2. Туш кўрувчининг шахси, ҳаёти билан боғлиқ кўрилган тимсоллар индивидуал талқин этилади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам туш кўрувчи ва таъбирчи – йўриқчининг ички интуицияси муҳим роль ўйнайди. Ушбу ўринда халқ ўртасидаги «Тушнинг боши қил» деган ибора ҳолатни тўлиқ ифода этади. Яъни туш дастлаб қандай таъбир қилинса, анланса, ўша ҳолат юз бериши мумкин деган эътиқод, тасавурлар тизими мавжуд. Мисол тариқасида куйидаги нақлни келтириш мумкин: «Нақл қилишларича, Ҳазрат Хожа шундай

дедилар: «Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машғул эдик ва ёшлар расмига мувофиқ алоҳида хонамиз бор эди. Бир куни кечаси турк машойихларининг улуғларидан бўлган Ҳаким Ато Қуддуса Сирруҳуни тушимда кўрдим. Улар мени бир дарвишга топширар эдилар. Уйғонган пайтимда дарвишнинг афти-ангори эсимда қолган эди. Солиҳа бувим бор эдилар, бу тушни уларга айтдим. «Турк машойихларидан сенга насиба ҳосил бўлади», – дедилар. Мен доим ўша дарвишни кўриш орзусида юрардим.

Бир куни Дарвозаи Оҳангарондан чиқаётиб ўша дарвишга дуч келиб қолдим. Сочлари мулоҳ шаклида, бошида минг баҳяли кулоҳ, қўлида уд дарахтидан қилинган ҳасса бор эди. Орқасидан равона бўлдим. У менга қайрилиб боқмасди. Мен эса қолмасдан кетавардим. Мурғқуши кўчасига етиб бир уйга кирди. Мен эса орқага қайтдим. Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. «Халил номли бир турк шайхзодаси сени йўқлаяпти», – деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан бир оз ҳадя олиб бордим... Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги туғён урди. Шу пайт менга туркийчалаб: «Улким сенинг кўнглингдадир, ўзи бизга аёндур, айтмоқ не ҳожат?» – деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди».²³⁶

Ушбу нақлда тушнинг тимсоли қандай талқин этилса, ўша маъно асос ўрнига ўтиши баён қилинмоқда. Бадиий тушларда анъанавий тимсоллар қўлланилади. Бу ўринда хусусий ҳолатлар кўзга ташланмайди.

Гап бевосита туш семантикаси хусусида борар экан, туш ҳақида тасаввурлар тизимидаги таянч тушлардан бирига алоҳида диққат қилиш керак. Ушбу тушунча халқона «чин дунё» ва «ёлғон дунё» деб аталувчи дунёқараш билан боғлиқ. Ас-

²³⁶ Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б.25 – 26.

лида, ушбу бинар тушунча дунёнинг аксарият халқлари мифологияси ва деярли барча динларида ҳам мавжуд. Мифологик, диний, фалсафий, адабий манбаларда кўплаб талқинларига эга. Ушбу дунёқараш ва тушунчаларга кўра, биз яшаётган воқелик, аслида, «ёлғон дунё» бўлиб, ўзга олам – чин дунёнинг соялари деб қаралади. Инсон ухлаб, унинг руҳи равони чин дунёга бориши ёндош (параллел) оламларга ўтиши мумкин деб тушунтирилади. Ушбу руҳи равоннинг чин дунёга вақтинчалик саёҳати даврида кўрган-билганлари туш сифатида қаралади. Чин дунёдаги воқелик ёлғон дунёдаги воқеликнинг акси бўлганлигидан туш таъбир қилинганда сояни асосга айлантириб мазмун чиқариш керак деб ўқтирилади. Аксарият таъбирлар мана шу таянч тушунчага асосланади.

Масалан, қуйидаги нарса ва предмет, ҳолатларнинг анъанавий халқона таъбирларига диққат қилайлик: пул – гап-сўз, қон – ёруғлик, ўлган одамни кўриш – тирик танишни учратиш, бит – бойлик ва ҳоказо.

Одатда, кўрилган тушни ҳамма ҳам таъбир қила олмаслигини таъкидлагандик. Ҳаётда бирор-бир оқил, билимли, турмуш тажрибасига эга яқини ёки эл орасида обрў-эътибор топган кишидан туш таъбири сўралган. Шунингдек, таъбирномалардан фойдаланилган. Фольклорда ҳам тушни таъбир қилишнинг юқорида келтирилган икки усули тасвирини кўришимиз мумкин. Масалан: «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Шохдорхон ўзи кўрган тушни Юсуф қуръаандоздан сўрайди.²³⁷ «Алпомиш» достонида эса Барчиннинг тушини канизини Суқсурой йўяди.²³⁸ Ҳар икки ҳолатда ҳам таъбирчилар кўрилган тушни батафсил таъбир қилишади.

²³⁷ Гўрўғлининг туғилиши. Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан варианты. – Б.12 – 13.

²³⁸ Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.97 – 101.

«Алпомиш» достонининг Пўлкан ва Эргаш Жуманбул ўгли вариантларида эса воқеа иккинчи усулда ўз ечимини топади. Эътибор қилайлик: Бойбўри атрофидаги яқинларига ўзи кўрган тушини баён этиб, Қалдирғочга шундай дейди:

*Огайнилар, бугун ухлаб туш кўрдим,
Мен тушимда хўп ажойиб иш кўрдим.
Кашалнинг элидан бир шунқор учди,
Қултойнинг олдига парвоз қил тушди.
Ултонтозга кабоб чангаллар солди,
Ўтирган ҳовлиси теп-текис бўлди.
Қўнғиротнинг шаҳри ёп-ёруғ бўлди,
Тос тепамга икки жуфт чироқ ёнди.
Ҳамма одам атрофимга келдилар,
Мен ўзимни бир баландга олдилар.
Ҳамма одам қулли бўлсин дедилар,
Атрофимни олиб турган ким бўлди?
Давлат берса, яхши рўмол ўрагин,
Қора зулфинг гарданингга тарагин.
Хобнома китобни олиб кел, Қалдирғоч,
Бу тушимнинг таъбирини жўрагин.*

Шунда Қалдирғоч бориб китобни олиб келиб, отаси Бойбўрининг тушини жўраб ётибди:

*Ўйласам, омонат банданинг жони,
Ҳамроҳ бўлгай мўмин қулнинг имони.
Гоҳи туш раҳмони, гоҳи шайтони,
Тушман фолнинг бўлмас экан баёни.
Давлат берса, балхи рўмол ўрайин,
Ўлмасам, элимда даврон сурайин.
Айтганимга қулоқ солинг, отажон,
Тушингизнинг таъбирини жўрайин...²³⁹*

Ушбу ўринда «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли вариантида Барчин кўрган туш баёнидаги бошламани юқоридаги Қалдирғоч таъбири бошламасига солиштириб қарайлик. Барчин кўрган тушини шундай айтади:

*Хазон бўлиб бозда гуллар сўлганда,
Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,
Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,
Раҳмат дарё айни тошиб келганда,
Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда.²⁴⁰*

Қалдирғоч таъбири, Барчин кўрган туш баёнидаги бошламалар сўзма-сўз тўғри келмаса-да, улар моҳиятан бир-бирига яқин ва туш ҳақидаги халқ тасаввурлари, туш кўриш, таъбир йўналиши билан боғлиқ яхлит тизимда туриши билан аҳамиятли. Бошламалардаги туш тизими билан боғлиқ турғун мазмунга эга жиҳатларни қараб чиқайлик.

1. Жоннинг танда омонат эканлиги, руҳи сокин ва руҳи равоннинг тандаги ўрни. Руҳи равоннинг танадан бир муддат чиқиб, қайтиш имконига эга эканлиги ва шу жараёнда у ўзга маконлар, ўлчамларга ўтиб, туш ҳодисаси содир бўлиши.

2. Руҳи равоннинг ўзга макон ва ўлчамлардаги олган ахборотларнинг раҳмоний ва шайтоний бўлиши. Таъбирда ушбу жараённинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги.

3. Тонг – саҳар, тун – кун, яхшилик ва ёмонлик кучлари ўрин алмашаётган пайти, яхшилик палласи босиб келганда кўрилган тушларнинг раҳмоний – башоратли бўлиши.

4. Туш ва фолга муносабатда худди «Фолга ишонма, фол-

²³⁹ Алпомиш. Достон. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти. – Б.189 –190.

²⁴⁰ Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианти. – Б.97 – 101.

сиз юрма», – деб айтилганидек ўта ҳушёр муносабатда бўлишлик.

Кўриб чиққанимиз бошламаларнинг бири туш баёнида, бошқаси таъбир қисмида келаётган бўлса-да, улар яхлит тизимга боғлиқ анъанавий формулага мос тасвирланмоқда. Аслида, бу анъанавий формула ўта қадимий бўлиб, деярли ҳар бир туш баёни, таъбирининг ифода воситаларидан ҳисобланган.

Энди бевосита туш таъбири ва таъбирчилар масаласига қайтсак. Достонларда туш таъбирчисига нисбатан қуръаандоз, таъбирчи, жўриқчи атамалари қўлланилса, уни йўришга эса жўриш (йўриш) ва таъбир сўзлари ишлатилади. Айни пайтда, ҳар бир кишига қўлланма, йўл-йўриқ воситасини ўтовчи таъбирномаларга таъбирнома, хобнома, таъбирлар тўпланган маъносида ишлатилади. Демак, ҳаётдаги тушлар моҳиятини англаб, уларни йўйиш икки хил:

1. Махсус таъбирчи – йўриқчига мурожаат қилиш.

2. Ёзма равишда тартиб берилган таъбирномаларга таяниб туш йўриш.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ ўртасида оғзаки юрвчи таъбирлар ва ёзма таъбирномалар шу пайтгача махсус йиғилиб, талқин этилган эмас. Баъзи тадқиқотларда йўл-йўлаккай, билвосита айтилган фикр-мулоҳазалар ҳам бармоқ билан санарли.

Фольклордаги туш семантикаси ва унинг туб илдизларини ёритишда анъанавий оғзаки ва ёзма таъбирномалардаги тимсоллар талқини алоҳида аҳамиятга эга ва бу ҳусусда махсус тўхталишни мавзунинг ўзи ҳам талаб этади.

4.1. Оғзаки ва ёзма таъбирномалардаги рамзлар талқини

Ҳар бир халқнинг тушида кўрилган маълум бир нарса-предмет ҳолатларини изоҳловчи турғун рамзий маънолари билан боғлиқ анъанавий тушунчалар мавжуд. Ана шу тушунчалар халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб, халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, яшаш шароити, умуминтеллектуал даражаси кўламида янгиланиб, кенгайиб келади. Ёзма тарзда тартиб берилувчи таъбирномалар ҳам, авваламбор, ана шу анъанага таянади.

Халқ орасидаги оғзаки анъанавий таъбирлар худди жонли ижродаги фольклор намуналари каби халқ дунёқараши, тафаккур тарзи, кундалик ҳаётига сингиб кетган. Улар маълум бир тартибга келтирилган бўлмаса-да, кўнгилга таниш, англамли. Тартибга келтирилиб, ёзма кўриниш олганлари эса таъбирномаларга айланган. Бугунги кунда уларнинг бир-бирига таъсири ҳам алоҳида ўрганиладиган мавзу.

Неча минг йиллар давомида шаклланиб, анъана тусини олган оғзаки таъбирларнинг оммавийлигини халқ иборалари, мақол, топишмоқлари таркибидан ўрин олганлигидан ҳам билишимиз ҳам мумкин. Масалан, «Тушда кўрсанг янч, ўнгда кўрсанг ганч», – деб илонга нисбатан айтилса, «От – мурод», – деб таърифланади.

Халқ таъбирининг ўзига хос хазинаси сифатида халқ дoston ва эртақларидаги туш мотиви тасвирларини келтириш мумкин. Чунки бу ўринда туш баёни билан бирга таъбири ҳам келтирилади (Хусусан, дostonларда бу ҳолат батафсил кўриниш олган – Ж.Э.).

Тушдаги тимсоллар талқинининг халқ ҳаёти, ишонч-эътиқодлари, тарихи, тақдири билан чамбарчас боғлиқлигини кўпгина халқларда бир образнинг турлича таъбир этилиши мисолида ҳам кузатамиз. Бугунги кунда ўзбек халқ туш тизи-

мида ит душман, тухмат, ёмонлик тимсоли сифатида келади. Лекин ўтмишда, жумладан, тасаввуф адабиётида, қолаверса, бир қатор Европа халқларида ит дўст, ҳамкор сифатида англанади.

Айни пайтда, маълум бир образ халқ ҳаётида кечган эътиқодий ўзгаришлар натижасида ўзининг туб тимсолий маъносини янгилашини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши натижасида бу хил ўзгаришлар юзага келди. Ушбу ҳолатга ёрқин мисол тариқасида юқорида келтирилган «ит» образини ҳам олиш мумкин. Фольклор намуналари таркибида сақланиб қолган бир қанча кўхна мотивлар, образлар «ит»нинг халқимиз эътиқоди тарихининг маълум бир қатламларида ижобий образ сифатида қаралганлигини тасдиқлайди. Фикримизни «Одамтой» эртагида ит ва отнинг қондош деб талқин қилиниши, «Эрмана мерган» ва бошқа бир қатор эртақларда итнинг қаҳрамонга ҳамкор, дўст бўлиб келиши тасдиқлайди. Халқимизнинг мукамал тизимга эга туғилиш ва шомонлик маросимларидаги ит образида ҳам ана шу ижобий муносабат изларини кўраемиз.

Маълум бўлмоқдаки, тушдаги тимсоллар, уларнинг маъно қирралари тарихи халқнинг эътиқодий қарашлари, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ривожланишда келмоқда. Ушбу нуқтаи назардан олиб қаралса, ўзбек туш тизимидаги тимсоллар изоҳида икки муҳим босқичнинг кўзга яққол ташланишини кузатиш мумкин. Яъни:

1. Тушдаги тимсолларнинг исломгача бўлган талқини.
2. Тушдаги тимсолларнинг ислом маданияти кенг ёйилгандан кейинги талқинлари.

Алоҳида аъъанавий таъбирга эга нарса ва предметларнинг туб рамзий маънолари тарихи алоҳида-алоҳида тадқиқ этиб чиқилса, уларнинг маъно қамрови белгилаб олинса, ушбу образнинг қайси дунёқараш маҳсули эканлиги маълум бўлади.

Биз масаланинг бу жиҳатига дoston ва эртақдаги туш таъ-

бирида келувчи образларни бевосита тадқиқ этганда батафсил тўхталамиз. Лекин имконимизда ёзма равишда етиб келган баъзи таъбирнома намуналари мавжудки, улар ёрдамида ҳам дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин. Жумладан, барча тадқиқотчилар томонидан исломгача бўлган эътиқодлар маҳсули сифатида қаралувчи «Ирқ битиги» мана шундай намуналар қаторига киради.

Ёзма шаклда етиб келган таъбирномалар

«Ирқ битиги» таъбирномаси ҳақида фикр юритишдан аввал туш таъбирларининг халқ орасида ёйилиши, авлоддан-авлодга ўтиб келиши, истифода қилинишида алоҳида ўрин тутувчи ёзма таъбирномалар ҳақида ҳам тўхталиш лозим.

Ўзбек ёки туркий илк таъбирномаларнинг қачон тартиб берилганлигини аниқ айтиш қийин, лекин «Ирқ битиги» ҳозиргача фанга маълум исломгача бўлган таъбирномаларнинг ёрқин намунаси бўлиб турибди.

«Ирқ битиги»ни исломдан кейинги таъбирномаларга солиш тирсак, улар ўртасида баён, изоҳ ва ифода воситаларига кўра аниқ фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Ушбу ўринда «Ирқ битиги»ни рус тадқиқотчилари ва русча таржимасида «Книга гаданий», яъни «Фол китоби» тарзида ўгирилиши ўзбекча таъбирномалардаги таъбирномага нисбатан муайян маънода аниқдек туюлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам «Ирқ битиги»даги тимсолларнинг анъанавий туш тимсоллари билан уйғун жиҳатлари кўп. Бундай хулосага келишга бир қанча асосларимиз бор.

Авалло, халқ ўртасида оғзаки келувчи ва эпик асарлардаги туш таъбирларида у ёки бу образнинг муайян рамзий маъноси аниқ келади. Ҳозирга қадар урфда бўлган ёзма таъбирномаларда ҳам ҳар бир образ қандайдир анъанавий рамзий изоҳига эга.

Иккинчидан, оғзаки ва ёзма таъбирномаларда ҳеч қачон

туш воқеаси тўла тасвир этилмайди. «Ирқ битиги»да эса ҳар бир бўлимга бирор-бир ҳолат, воқеликни акс эттириб, сўнгра бу яхши, бу ёмон деган хулоса чиқарилади. Ушбу жиҳатлари билан «Ирқ битиги» Шарқда ўзига хос анъанага эга фол китобларига анча яқин туради.

Рус олимаси И.В.Стеблеванинг «Ирқ битиги»даги бўлинмалар композицияси ҳақидаги фикри ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Бошламалари бир сатрда келадими ёхуд кенг ёйилган ҳолатда, бундан қатъи назар таъбирномалар бир хил структурага эга: 1) тушдаги ҳолат; 2) тушнинг яхши ёхуд ёмонлигидан хабар берувчи баён; 3) хулоса».²⁴¹

Ушбу ўринда биз учун масаланинг муҳим жиҳати – «Ирқ битиги»даги тимсоллар ва уларнинг маъно кўламининг аниқ сезилиб туриши, англамли ҳолатда берилганлиги. Яъни «Ирқ битиги»да келган у ёки бу образнинг қадимда қандай маънога эга эканлиги ва унинг бугунги кунда амалдаги таъбир ва фольклор асарлари таркибидаги талқинларга қанчалик мос ёки фарқли эканлигини кузатиш имконини беради. Биз куйида «Ирқ битиги»даги барча образларга тўхталмай, фақат фольклор намуналари ва бугунги кундаги туш таъбирларига уйғун келувчи талқинларгагина ўз эътиборимизни қаратамиз.

«Ирқ битиги»даги Рим рақами I билан белгиланган дастлабки бўлимга диққат қилайлик.

*Мен осмон ўғли,
Олтин тахтда ўтириб
Шодланаяпман.
Билиб қўйинг: бу – яхши.*²⁴²

²⁴¹ Стеблева И.В. Древнетюркская книга гаданий как произведение поэзии // История, культура, языки народов Востока. – М.: Наука, 1970. – С.150 – 177.

²⁴² Ирқ битиги // Қадимги ҳикматлар. – Б.70.

Биз кеча ва кундуз олтин тахт устида шодланиб ўтирган Осмон ўглини қуёш деб оламиз. Чунки дунёнинг кўпчилик халқларининг қадим тасаввурларида ҳам олтин тахтда ўтирувчи Осмон ўгли – Осмон ёритқичларидан бўлмиш қуёш сифатида қаралади. Қолаверса, кундуз ва кечанинг воқе бўлиши қуёш ҳолатига чамбарчас боғлиқ. Тасвирда қуёшнинг «шод» ўз тахтида ўтириши яхшилик белгиси сифатида талқин этилмоқда. Фольклор намуналари, хусусан, бир қатор эртақларда қаҳрамоннинг ой ва қуёшни кўриши яхшилик аломати сифатида таъбирланади. Юсуф алайҳиссаломга нисбат берилувчи XIX асрда тартиб берилган таъбирномада эса: «Ҳар ким тушида офтобни кўрса, қиёматда пайғамбарларнинг қаторида бўлғай», – деб изоҳланган. Кўриниб турибдики, самовий ёритқичларнинг рамзий маънолари деярли ўзгаришсиз келмоқда.

*VIII. Мен олтин бошли илонман,
Олтин қорин қўрсогимни
Қилич билан чопиб,
Менинг танамни йўл четига,
Бошимни уйим йўлига қўйишди дейишади.
Билиб қўйинг: бу – ёмон.²⁴³*

Ушбу парчани сўзма-сўз олиб мазмун чиқарсак, олтин бошли илонни ўлдириб, танасини йўл четига, бошини уйига элтувчи йўлга қўйилган ҳолат тасвирланиб, бу ёмон деган изоҳ айтилади. Тасвирнинг бошқа парчаларидаги каби асл маъно тимсолий усулда келаётганлиги аниқ. Бу ўринда асосий урғу олтин бошли илон образига тушмоқда. Изоҳ эса илонни ўлдириб, таҳқирлаш ёмонлик, бахтсизлик аломати эканлигини

²⁴³ Ирқ битиги. – Б.48.

билдирмоқда. Маълумки, илон образи ва топинчи нафақат тушларда, умуман, ўзбек фольклори ҳамда халқ эътиқодларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек фольклоршунослигида илон култи билан боғлиқ масалалар махсус тадқиқ этилганлигини²⁴⁴ инобатга олиб, бу ҳақда ортиқча тўхталмай шуни таъкидлаш лозимки, «Ирқ битиги»даги илон образи – тимсолинг маъно кўлами бу кунги ўзбек фольклори материаллари ва туш таъбирларига уйғун келади. Айти ҳолатни мазкур ёдгорликдаги яна бир образ – уй мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

IX. Катта уй ёнди.

Унинг тубигача ҳеч нарса қолмади.

Деворларигача қолмади дейишди.

*Билиб қўйинг: – бу ёмон.*²⁴⁵

Ўзбек фольклори намуналари, хусусан, халқ кўшиқларида уй, иморат, том (ўчоқ) образларига бот-бот дуч келамиз. Ўзбек халқ лирик кўшиқларидаги поэтик рамзларни тадқиқ этган Ш. Турдимов лирик кўшиқларда келувчи «том» рамзий образини алоҳида олиб ўрганар экан, шундай ёзади: «Халқ тасавурида иморат, уй – оила тақдири, том – оила бошлиғи, эр (эр киши), тақдир сифатида талқин қилинган».²⁴⁶ Тадқиқотчи «Гўрўғлининг туғилиши» достонидаги Шохдорхон кўрган тушдаги «иморатим бариси текис бўлди» мисраси ва «Дада

²⁴⁴ Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2004.

²⁴⁵ Ирқ битиги. – Б.48.

²⁴⁶ Турдимов Ш. Том устига том солдим // Ёшлик. – Тошкент, 1988. №7. – Б.75 – 76.

Қўрқут китоби»даги Солор Қозон уйининг талон-торож қилиниши номли қўшиқда Солор Қозон тушидаги «уй» образлари ҳамда «Ирқ битиги»даги иморат тимсолини яхлитликда олиб ўрганар экан, ушбу манбалардаги «уй» образининг умумий тимсолий мазмунга эғалигини қайд этган.²⁴⁷

Фольклоршунос Т.Ҳайдаров ҳам «Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида» мақоласида ушбу далилларга тўхта-лар экан: «Гўрўғлининг туғилиши» достонидаги «Иморатим барини текис бўлди» (Қулаган иморат сенинг танингдир), – деб таъбир қилиниши тасодифий ҳолат ёки оддий ўхшатиш бўлмай, асрлар давомида оғзаки ижодда оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ибтидоий тасаввурларнинг диффузиялашган бадий кўриниши бўлиши керак», – деб ёзади.²⁴⁸

Халқ ўртасида анъанавий тарзда амал қилаётган талқинларга асосланиб тузилган замонавий таъбирномада эса «уй» тимсолига шундай таъриф берилган: «Ўз уйини кўриш – оила-сидаги, ишидаги воқеалардан ҳолатига қараб хабар, тоза, покиза уй ва ҳовли кўриш – вақтинчалик кўрқув ва узоққа чўзилмайдиган омадсизлик. Уйни тозалаётган, супураётган бўлса – меҳмон келади. Таъмирланаётган уйни кўрса – омад, барака келишидан ва катта йиғин бўлишидан дарак. Бузилаётган уй – оғир касаллик. Босиб тушган уй – чуқур ғам-ғусса белгиси».²⁴⁹

Умуман олганда, бундан қарийб ўн аср нарида исломгача бўлган халқ дунёқарашлари, эътиқод, тасаввурлар тизими билан боғлиқ яратилган «Ирқ битиги» ва ўрта асрларда ёзма шаклга келган «Дада Қўрқут китоби», оғзаки анъаналар маҳ-

²⁴⁷ Кўрсатилган манба.

²⁴⁸ Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида / Адабий мерос. – Тошкент, 1986. №2. – Б.55 – 60.

²⁴⁹ Таъбирчи Гулширин Ниёзова. Шахсий архив. – Б.11.

сули «Гўрўғли» достони ҳамда бугунги таъбирномадаги уй, иморат, том тимсолларининг туб маъноси деярли ўзгаришсиз келаётганини кузатмоқдамиз.

Айни ҳолатни «илон» тимсоли мисолида ҳам айтиш мумкин. Бу эса анъанавий халқ таъбирномалари негизини ташкил этувчи кўпгина образларнинг туб маънолари тарихи узоқ асрлар давомида шаклланиб, деярли ўзгаришсиз авлоддан-авлодга ўтиб келаётганидан дарак беради. Бундай ҳолатни «Ирқ битиги»даги от, йўлбарс, туя, қумурсқа ва бошқа образлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ислом дини кенг ёйилгандан кейин тузилган таъбирномалар

Ислом оламида маълум ва машҳур таъбирномаларнинг барчаси, у қайси жойда тартиб берилган бўлишига қарамай, бевосита кўҳна таъбирномаларга таяниб тузилганлиги аниқ. Бизнинг вазифамизга бу таъбирномалар тавсифи ва тўла таҳлили кирмаганлиги сабабли бевосита ўз ҳудудимизда оммавий тарқалган бир неча намуналар мисолида уларга хос етакчи хусусиятларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда ҳам асосий эътибор таъбирномадаги тимсолларнинг семантик кўламига қаратилади.

Аввало, шу нарсани таъкидлаш лозимки, исломий таъбирномаларни Юсуф алайҳиссаломга нисбат бериш анъанаси мавжуд. Яъни барча таъбирлар шарҳини дастлаб Юсуф пайғамбар ижод қилган ва шу асосда таъбирлар шарҳи тарқалган деб қаралади. Фикримизнинг ёрқин далили сифатида ўтган аср давомида тошбосма китоб ҳолатида нашр қилинган «Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом» деб номланган китобни келтириш мумкин.

Таъбирномада туш ҳақида қисқача сўз юритилиб, қай вақти ва қайси кунлари кўрилган тушларнинг кароматли эканлиги ҳақида баён этилгач, «Бу «Таъбирнома»ни Ҳазрати Юсуф

алайҳиссалом ўн икки боб бирла шарҳ қилибдурлар. Энди баён қилинур», – деб бевосита таъбирнома бошланади.

Анъана бўйича, дастлаб «Андоғким агар киши фаришта-ларни кўрса ва пайғамбарларни ва ойу кунни, юлдузларни, намози иқоматларни, подшоҳларни, Қуръон ўқимоқ ва ўрган-моқни тушида кўрса – ушбуларни баёни».²⁵⁰ Шундан кейин «Ҳар ким тушида» деб тимсол келтирилиб изоҳ берилган. «Ирқ битиги»даги умумий «яхши» ва «ёмон» деган изоҳлардан фарқи ўлароқ, ҳар бир ҳолат «Золимларнинг юзини кўргай» ёки «Подшолар қаторида бўлғай», «иссиқ нон садақа бермак керақдир», – дея шарҳланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, исломий руҳдаги таъбирно-маларда ҳам барча етакчи тимсоллар изоҳи деярли «Ирқ битиги» ва фольклордаги изоҳларга уйғун келаётганлигини кўра-миз. Фикримизнинг ёрқин мисоли сифатида биз юқорида келтирган бўлим номидаги санокни келтириш мумкин. Унда осмон ёритқичлари, пайғамбару авлиёлар, муқаддас битигу алқовлар умумий изоҳда жамланган. Ўзбек фольклоридаги бадий тушлар сараланса, улар орасида ушбу таснифга тушадиган намуналар анча-мунча учрашини кўра-миз.

Бадий тушларнинг аксарият қисми таъбири бадий матн-да берилиши масалани бирмунча осонлаштиради. Лекин ҳар бир асарнинг асрлар давомида сайқалланиб бориши, маъ-лум ўзгаришларга учраши, баъзан таҳрир этилишини инobatга олсак, маълум янгиликлар рўй беришига ҳам олиб келганли-гини кўришимиз мумкин.

Фольклорнинг туш намуналари ва етакчи тимсолларнинг семантик кўлами, тарихий асослари ҳамда бадий вазифа-лари ҳақида фикр юритилар экан, биз юқорида кўриб чиққан барча асосларга таянган ҳолда иш тутамиз.

²⁵⁰ Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом. – Б.2.

4.2. Эртақ ва дostonлардаги туш билан боғлиқ рамзлар талқини

Ўзбек халқ дostonлари ва эртақлари таркибида келувчи бадий туш намуналарида иштирок этган асосий образлар маълум белги ва ўзига хос хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилиб, тасниф қилинса, эпик асарлардаги тушларда қандай образ ва деталлар фаол қўлланиши ойдинлашади. Шунингдек, уларнинг қандай рамзий маънолар ташишини белгилаб олиш имкони туғилади.

Ўзбек халқ дostonлари ва эртақларида келувчи тушларда қўлланган етакчи образларни қуйидаги тарзда яхлитлаштириб тасниф этиш мумкин.

1. Халқ дostonларида келувчи образлар:

1. Илоҳий кучлар, пайғамбар ва азиз-авлиёлар: тангрининг овози, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в), Хизр, Шоҳимардон пир, чилтон, Бобо Қамбар, Фовсул Фиёс, Шоҳи замона, Ойдин Юсуф.

2. Турли шахслар: қиз кўринишидаги кампир, уч киши, мўйсафид, сулув, отли киши, 360 жаллод.

3. Осмон ёритқичлари: кўёш, ой, юлдуз.

4. Дoston қахрамонлари: Алпомиш, Барчин, Қоражон, Бойбўри, Бойсари, Гўрўғли, Юнус пари, Кунтуғмиш, Холбека ва ҳоказо.

5. Табиат кўринишлари: тоғ, ғор, кўл, гўзал боғ, хазонли боғ.

6. Қушлар: давлат қуши, шунқор, бургут, тарлон, қарчигай, ўрдак, қузғун, қарға, бошқа қушлар.

7. Ҳайвонлар: аждарҳо, маст туя, йўлбарс, шер, шербачча, от, кўк бўри, қўй, балиқ.

8. Табиат унсурлари: ўт, сув, шамол, туман, тутун,

9. Иморат ва уй жиҳозлари: ўтов, чонғороқ, ҳовли, иморат, чироқ, ўрин-тўшак.

10. Буюм, кийим ва тақинчоқлар: чочбовмат, тулуғ, узук, тилла тақинчоқ.

11. Инсон аъзолари: юз, соч, тирноқ, яланғоч тана, қон.

12. Рўзғор буюмлари: тузоқ, қамчи, лаган, қилич, ўқ.

13. Рақамлар: 2, 3, 39, 40, 360.

14. Ичимлик ва таомлар: май, овқат.

15. Йиғин, тантана: тўй, маърака.

II. Ўзбек халқ эртақларида келувчи образлар:

1. Илоҳий кучлар: азиз-авлиёлар, фаришталар, Хизр, мўсафид чол.

2. Осмон ёритқичлари: ой, юлдуз, қуёш.

3. Турли шахслар: ота, қиз, фарзанд.

4. Табиат кўринишлари: тоғ, мевали боғ, ҳовуз, кўприк.

5. Қушлар: бургут, мурғ, қуш тухуми.

6. Ҳайвонлар: аждар, шоқол, тўнғиз.

7. Иморат ва уй жиҳозлари: уй, ҳовли.

8. Буюм, кийим, тақинчоқ: мунчоқ, таёқ.

9. Инсон аъзолари: қўл, оёқ.

10. Рўзғор буюмлари, қурол-аслаҳа: милтиқ, қилич.

11. Рақамлар: 1, 7, 15, 20, 40, 80.

12. Ичимлик ва таомлар: кабоб, ёнғоқ, довучча.

Юқорида келтирилган тасниф натижаларига кўра, халқ дostonлари ва эртақларидаги туш тафсилотида келувчи асосий образлар ўзаро солиштириб чиқилса, қуйидаги ҳолат аниқ бўлади:

биринчидан, эртақларга нисбатан дostonларда туш мотиви мукамалроқ кўринишда келиши улардаги образлар миқдорига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда;

иккинчидан, биз шартли равишда ажратган ўн беш гуруҳдаги образлардан ўн биттаси эртақларда ҳам учрайди. Лекин дostonлардаги образларга солиштирилганда уларнинг сони кам эканлиги маълум бўлади;

учинчидан, бир қатор образлар фақат дostonлар таркибида келса, бошқа хил образлар эса фақат эртаклар таркибида келади.

Ушбу ҳолатлар тушдаги образлар маълум эпик жанрлар орасида ҳам ўзига хос равишда намоён бўлишидан далолат бермоқда.

Ўзбек фольклоршунослигида, хусусан, халқ дostonлари ва эртаклари таркибида келувчи тушлардаги етакчи образларнинг маънолари, авваламбор, бевосита туш таъбир этилган ўринда айтилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан дostonлардаги тушлар характерлидир. Масалан, фольклордаги бадий тушнинг мумтоз намунаси сифатида келтириш мумкин бўлган «Алпомиш» дostonидаги Алпомиш ва Барчиннинг кўрган тушларини, Барчин тушининг Суқсурой канизи томонидан таъбирланган ўринларни семантик нуқтаи назардан қараб чиқайлик.

Алпомиш йўлда чўпонлар кўшхонасида тунаб қолади. «Алпомиш чўпонларнинг кўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди, саҳар вақти чўпонларнинг кўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб субҳи содиқ тукқан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин-кейин, дўғилиш кўрди. Аввал Алпомишнинг туши: Бир қусармас пири тушида бу сўзларни айтиб билдирибди:

*Ҳакимбек кирганда ўн тўрт ёшига
Меҳмон бўлди чўпонларнинг кўшида.
Ул кечаси файзи саҳар бўлганда
Расули худони кўрди тушида.
Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,
Фафлатидан кўзин очди Искандар,
Кўзига кўринди расул пайгамбар,*

Бу сўзларни расул пайгамбар айтди:
 «Адашган умматим шафқатдорингман,
 Таниб қолгин расул пайгамбарингман,
 Умматларни мудом йўлга солурман».
 Бу сўзни эшитиб Ҳаким шу замон:
 «Пайгамбарим, эшит оҳу зоримни,
 Сабил қилмам элда кирдикоримни,
 Ҳали ололмайман Барчин ёримни,
 Кўролмадим Шоҳимардон пиримни».
 «Ғам ема умматим, – дейди пайгамбар, –
 Остида дулдули, белда зулфиқор,
 Жиловида Бобо қамбар жиловдор,
 Ғамингда отланди Шоҳимардон пирлар,
 Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
 Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
 Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор».
 Бу сўзни эшитди ётган Искандар,
 «Раҳм айлаб юборди хол қилган жаббор,
 Ҳамма пирлар бўлди сенга мададор,
 Кўнглингдан кетади бир зарра губор»,
 Бу сўзларни айтиб расул пайгамбар». ²⁵¹

Алпомишнинг тушида пайгамбарни кўриши ва Шоҳимардон пир ёрдамида мурод-мақсадига етиши каромат қилинмоқда. Атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов Шоҳимардон пир билан боғлиқ воқеаларни кейинги даврлар маҳсули деб баҳолайди. Аслида, Алпомишга пирлик, яъни ҳомийлик қилган, ўзида аждодлар культини тамсил этган Қултойдир. Буни Алпомишнинг айнан чўпонлар қўшхонасида ухлаб қолиши ва у ерда туш кўриши ҳам тасдиқлаб турибди. Шунинг учун ҳам

²⁵¹ Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.97 – 98.

Алпомишнинг тушига айнан ҳомий руҳ – Қултой киради. Зеро, Алпомиш тунаб қолган чўпонлар қўшхонаси оддий қўшхона эмас, балки муқаддас жой ҳисобланади. Тушда тангрини, илоҳларни кўриш ҳар доим ҳам яхшиликка йўрилган. Шунинг учун ҳам тушда Алпомишнинг қийинчилик, яъни синовларни енгиб мурод-мақсадига етиши олдиндан каромат қилинмоқда.

Барчиннинг туши эса ушбу тушнинг давоми сифатида келади (3-жадвал)²⁵²

Суксурой Барчин кўрган тушдаги ойни пайғамбар, тўрт юлдузни тўрт чорёр деб таъбир қилмоқда. Тушдаги аждарҳо, маст туяларга кули эранлар, қирқ чилтон маънолари юкланмоқда. Аждарҳолар кўтарган бургут Ҳакимбекни олиб келадиган Бойчибор эканлиги, бургут қанотининг тегиши, отнинг Барчин кўлидан ем ейиши, аждарҳоларнинг Барчин тилини тишлаб туриши, никоҳ вакилларининг рози-ризолик олиши, тез орада Алпомиш ва Барчин бирга қовушиб мурод-мақсадларига етишларига ишорат қилинмоқда. Достондаги туш ва унинг таъбири халқимизнинг туш тартиби, ундаги хабарларнинг яхлит бир тизим сифатида келиши, маъно ушбу тизимни биргаликда олган ҳолда чиқарилиши ҳақидаги тасаввурларини ҳам кўрсатаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Энг аввало, шуни айтиш керакки, туш – ғайбдан келувчи хабар. Хабар ғайб олами вакиллари воситасида олинади. Баъзан тизимнинг ушбу ҳалқаси аниқ кўрсатилмасда-да, билвосита анланади. Ғайб олами вакиллари кўкка тегишли ва улар кўк (осмон) тимсолларида намоён бўлади. Барчиннинг кўрган тушида тизим тўлиқ ва осмон (кўк) ёритқичлари – ой-юлдузлар – пайғамбар, чориёрлар деб таъбир этилмоқда. Айни ҳолат туш таъбирлари учун анъана эканлигини унутмаслик керак. Тушлардаги осмон ёритқичлари кўп ўринларда ҳомий кучлар бўлиб келади. Эски инончларга кўра, осмон

²⁵² Кўрсатилган манба. – Б.98 – 101.

3-жадвал.

Барчиннинг тушини Суқсурой таъбир қилган ҳолат

№	Барчин кўрган тушдаги асосий ўринлар	Суқсурой таъбири
1.	Қибла бетдан бир ой туғиб келади...	Қибла бетдан бир ой туғиб келсалар, Ой эмасдир, ул ҳам расул пайғамбар....
2.	Ой гирдини тўрта юлдуз олади...	Юлдуз эмас тўрт чориёр муқаррар...
3.	Ер юзини туғиб кетди айдахор...	Ер юзини туғиб кетса айдахор, Мақкадан Машриққа кули эранлар.
4.	Келаётган маст туяман, айдахорлар аралаш...	Келаётган маст туяман айдахорлар аралаш, Мадинада ўттиз уч минг саҳоба Фотма дер, Зўҳра дер ханизи дарға.
5.	Чўлда кўрдим қирқта айдахор...	Қирқ айдахор қирқта чилтан пирлар бор
6.	Қирқ айдахор бир бургутни кутарар, Шул бургут келиб тушди қошимма.	Кутарган бургути бобонг чибори, Устида қарчигай Ҳаким шўнқори....
7.	Қанотининг учи тегди бошимга...	Эрта чошка келар бобонгнинг ули...
8.	Бир нечалар ушлаб турди кўлимни...	Бойчибори ем емайми кўлингдан....
9.	Айдахорлар тишлаб турди тилимдан...	Вакиллари савол сураар тилингдан....
10.	Қайсар йўлбарс пайдо бўлди кейнимдан, Қочсам қўймай маҳкам кучди белимдан.	Қочсан нега сени қўйсин Алломиш, Бахмал уйда маҳкам қисар белингдан.
11.	Бахмал уйнинг чонгороғи ўйилди...	Бахмал уйнинг чонгороғи ўйилса, Мен билувда тўқсон қалмоқ сўйилди.
12.	Мендайн ойимнинг зулфи ёйилди...	Хафа бўлма, мудом ўйнаб кулгин-чи...
13.	Орқамдаги чоқбовватим тўйилди...	Сенинг кўнглингдаги бўлиб қолади...
14.	Солиб қўйган бу тушагим жийилди...	Сендай ойим бунда ўйнаб кулади...

кучлари ердаги ҳар бир воқеадан воқиф бўлиб, инсонларнинг хатти-ҳаракатини бошқариб туради.

Иккинчидан, қадим тасаввурга кўра, ғайб олами билан инсон бевосита мулоқотга киришиши қийин. Аксарият ҳолларда икки ўртада боғловчи –воситачи кучлар мавжуд деб ишонилган. Барчиннинг тушида ана шу воситачи кучлар зооморфик тимсолларда ифодаланган. Булар аждарҳо, туя ва бургут тимсолларидир. Аждарҳо – мифологик образ. Ҳаётда аждарҳога айланиши мумкин бўлган илонлар ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд.

Суқсурой таъбирида аждарҳо – қулли эран, қирқ чилтон деб айтилган. Барчин тушидаги аждарҳоларга аралаш келаятган маст туя, исломий таъбирлар нуқтаи назаридан қаралганда, оддий туя эмас. Ўзбек халқ амалий санъати нақшларида, турли суратларда ҳам акс эттирилган қанотли туя – айнан ушбу туянинг сурати дейиш мумкин. Халқона таъбирда туя – азиз авлиёлар, баъзи ўринларда ажал фариштаси деб айтилади. Достондаги таъбирда асосий маъно, яъни азиз-авлиё мазмуни берилмоқда. Таъбирда: «...Мадинада ўттиз уч минг саҳоба, Фотма дер, Зухра дер канизи дарға...», – дейилмоқда. Бургут тимсоли таъбирда Бойчибор деб изоҳланган. Анъанавий талқинда тушда кўрилган от – муроднинг ҳосил бўлиши, мақсадга етишдир. Бургут тимсоли семантик қамрови айни мазмунни ҳам қамрайди.

Барчин тушидаги воситачи, боғловчи кучларни ифодалайдиган тимсолларнинг умумий боғловчи жиҳати ҳам борлигини назардан қочирмаслик керак. Бу уларнинг барчаси қанотли мавжудотлар эканлигида. Образлардаги қанот муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар таъбир олинувчи кучлар қудрати, вазифасини аниқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Барчин тушидаги шартли учинчи бўғини бевосита ер оламига, инсон ҳаётига боғлиқ тимсол, рамзларда кўринади. Бу ўринда зооморфик образлар билан бир қаторда халқ маро-

сими, удумлари, иримлари, турмуш анжомларига кўчма маъно юклатилган. Жумладан, йўлбарс – Алпомиш, йўлбарснинг белдан сиқиши – висол, «чанғароқ ўйилиши», «чочбовмат туйилиши», «тўшак жийилиши» каби бирикмалар ҳаётий-маиший мазмун касб этмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Барчин кўрган туш тизимида дастлабки икки қатлам анъанавий тимсолларга таянган бўлса, учинчи бўлимда хусусий ҳолат билан боғлиқ ифодалар шартли рамзий маъно ташимоқда.

Мазкур туш парчасини руҳий таҳлил методидан келиб чиқиб таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Тушда «ой ва юлдуз кўриш» дostonда пайғамбар, чорёрларни кўриш тарзида шарҳланади. Бу ғоят баҳсли таъбир. Зеро, тушдаги рамзлар мантиқан бир-бирини тўлдирмоғи зарур. Бизнингча, «ой кўрмоқ» қизнинг балоғатга етганини англатапти. Чунки вазият айнан Барчиннинг қалмоқлар «қўл сўраб келиши» кутилаётган пайтда содир бўлаяптики, воқеан туш рамzlари ҳам шунга боғлиқдир.

Тушдаги ой қизнинг балоғатга етганини билдириши – халқ ичидаги гап. Танадаги ўзгариш тушда ҳам акс этиши фанда ҳам маълум. Юлдузни эса халқ гоҳ фарзанд, гоҳ яхши кунлар таъбири сифатида баҳолайди. Халқ достонида халқ руҳияти акс этар экан, тушга ҳам халқ таъбирини қўллаган маъқул. Шунда биз кейинги рамзлар билан мантиқий узвийликни кўраимиз: балоғатга етган қизга совчи келди, унинг кўнгли бошқада. Парчада, кўриб чиққанамиздан ташқари, яна ўн учта рамз бор. Бу тушни Барчин қирқ алп уни қайлиқликка сўраб-зўрлаб турган пайтда кўрган. Шу сабабли зўрлик бир неча рамзда – маст туя, қирқ аждарҳо човут солмоқ, чўл, аждарҳоларнинг Барчин тилини тишлаб тургани тарзида намоён бўлмоқда. «Маст туя» билан «йўлбарс» айнан бир маънони англатмоқда. Аммо тушда ҳам қалмоқларнинг Барчин кўнглига, майлига ёқмаганлиги сабабли бу ҳиссий майл «маст туя» шаклида келаётир. Маст

туянинг совчи бўлиб келган қалмоқларнинг умумий талабларига алоқаси йўқ, аксинча, шу талаб остида турган ишқий истак рамзидир. Бу истак қалмоқларда қанчалик мастона бўлса, Барчин тушига ҳам маст туя қиёфасида кираяпти.

Бу шарҳ бир оз баҳсли бўлиб туюлиши мумкин, бироқ шуни айтиб қўйиш лозимки, ҳар қандай балоғатга етган қиз ўзини ҳар хил ишқий майллардан ҳимоя қилиш инстинкти билан тарбияланади. Бу инстинкт совчи бўлиб келган кишини кўриши билан қизнинг шуурида уйғонади ва майл билдирган эркак билан қиёсланади. Барчиннинг тушида ҳам худди шу ҳолат акс этган. «Маст туя» ва «йўлбарс» майл ва акс майлларнинг рамзларидир.

Ёрнинг майли, яъни Ҳақимбекка Барчинни боғлаб турувчи ришта дostonда бургут ва йўлбарс қиёфасида кўринган. Бу туш Барчиннинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини ғоят яққол ифодаламақдаки, бу парча дostonнинг маҳорат билан чизилган психологик парчасидир. Эътибор берсак, бургут Барчиннинг олдида, йўлбарс орқасида пайдо бўлаяпти. Барчиннинг руҳий кечинмаларига бу манзара жуда мос. Чунки Барчин мусофир сифатида иккиланган, журъатсизланган пайти, бу ерда аждарҳодан кўрқув, шунингдек, Ҳақимбекдан умид акс этган. Бундан ташқари, яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқ зарур. Аёлнинг ишқий майлини таҳлил қилган З.Фрейд аёллар ўзлари ишқий майл билдирган кишиларни тушларида таёқ, ханжар, ёғоч, қалам, болға ушлаб турган ҳолатда ёки ўзларига ёқимли бўлган қуш ва ҳайвонлар қиёфасида кўришини таъкидлаган эди. Йўлбарс Барчиннинг ишқий майли рамзики, бу унинг тарбияси ва феъл-атворидан келиб чиқади. Барчин дашт ва кенглик ҳамда ботир ва жасур кишилар орасида тарбия топган қиз сифатида майлини ҳам ботир, кўрқмас киши – йўлбарсга билдираяпти.

Қаҳрамоннинг ишқий майлига қараб тадқиқ қилиш бизнинг адабиётшунослиқда расм бўлгани йўқ. Бироқ тушдаги рамз-

ларни шарҳлашда биз бу хил тадқиқотдан ҳам ўзимизни четга торта олмаймиз. Чунки туш ўзида бошқа кишиларга айтиб бўлмайдиган интим муносабатларни ҳам акс эттирадики, биз тушни тўғри шарҳлаш учун бу муносабатларга ҳам мурожаат қилишимизга тўғри келади. Нега йўлбарс Барчиннинг орқасида пайдо бўлаяпти? Бу тимсолни икки хил шарҳлаш мумкин ва иккала ҳолда ҳам рамз ўзини оқлайди. Биринчи шарҳ муддат маъносида: Барчин ишқий майл билдирган киши унинг ўтмишида қолган, шу сабабли йўлбарс орқада турибди. Фақат Ҳакимбекка боғлиқ туйғу ва кечинма (бургут) Барчиннинг олдида, қошида турибди.

Келтирилган парчада яна учта рамз борки, уларда ака-ука жанжалидан сўнг қалмоқ юртига келиб қолган Бойсарининг яқин орада яна кўч-кўрони йиғиштирилиб, кўчишга тушишига ишора бор. Барчин ўз тушида яқин вақтларда яна унинг «чон-ғороғи ўйилиб», «зулфи ёйилиб», «тўшаги жийилиб», қайта кўчиш бошланишини олдиндан кўраяпти. Достоннинг бошдан-охиригача бўладиган бутун жараён ана шу парчада – тушда аён бўлмоқда.

Бундай мисолларни халқ оғзаки ижодидан яна истаганча келтириш мумкин. Халқ достонлари ва эртақларидаги рамзлар ва тушни шарҳлаш миллий тафаккур даражасини аниқлаш учун ғоят муҳимдир. Чунки бу рамзларда миллий тафаккурга хос, миллатнинг ижод, тасаввур, фантастик салоҳияти ётадики, бу рамзларни ўрганиш халқ маънавий тарихини, руҳий дунёсини ўрганишга олиб келади ва бундай тадқиқотлар шахсни тарбиялашда муҳим ўрин тутаяди.

Халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир деталь ўзига хос тимсолга эга бўлиб, уларни шарҳлаш эртақ ва достонларнинг маъносини тўла англашга ёрдам беради. Тўғри, бахши ёки эртақчи ҳам асарга ўз индивидуал ўхшатиш, қиёсларини кириштириши мумкин. Аммо бу ҳам анъанага, эпик ижод қонуниятига мос келмаса, асар сюжетида сингишмайди, унинг «ётлиги»ни

халқ дарров англаб олади. Ўзида халқнинг анъана, удум, маросим, фикр тарзини ифода этган деталгина халқона образнинг маъносини очиши, кенгайтириши мумкин. Айти ҳолат дostonдаги аксарият бадий тушларга хос эканлиги кузатилади.

«Алпомиш» дostonининг бошқа вариантларида, хусусан, Омон шоир Раззоқ ўғли,²⁵³ Берди бахши,²⁵⁴ Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли²⁵⁵ вариантлари ўзаро муқояса қилинса, эпик асар таркибидаги туш мотиви бадий тасвири қайси бир вариантда мукамал ижро этилганини аниқлаш имкони туғилади. Айти пайтда, анъанадан чекиниш ҳолати эпосдаги ушбу мотивнинг қайси узвларда рўй бергани, тимсоллар ўртасидаги уйғунлик ва фарқлар ойдинлашади.

Омон шоир Раззоқов вариантыдаги туш тасвири Фозил шоир вариантига анча яқин. Туш анъанавий шаклда дostonдаги воқеалар бошида ва ривожда келади. Барчин кўрган туш воқеа ривождан жой олган: «Барчин туш кўриб, тушида бир ажойиб иш кўриб, Суқсурой канизини чақириб:

*Бунда келинг бўйгинангдан, Суқсурой,
Бул кеча ётибман тушлар кўрибман,
Туш бошида бир ажойиб иш кўрибман.
Ер юзини босиб келди аждаҳор,
Бу туялар аралашиб кўринди.
Қибла бетдан бир ой тугиб кўринди,
Ой ёнида икки юлдуз кўринди.
Бул осмонда учиб келди бир бургут,*

²⁵³ ЗЎФА. Инв. №943. Жами 72 бет.

²⁵⁴ Алпомиш. Дoston / Айтувчи Берди бахши. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.120.

²⁵⁵ Алпомиш. Дoston / Айтувчилар Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.7, 80.

*Бургутнинг бошида тилло тумоги.
 Бургут келиб оқ уйимнинг туйнугига кўнибди,
 Оқ уйимнинг туйнугига чанг урди.
 Оқ уйимнинг чангороги ўйилди.
 Бу тушимнинг таъбири не, Суқсурой?²⁵⁶*

Суқсурой аждарҳо – қирқ чилтон, туялар – Бойбўри, ой ёнидаги икки юлдуз – Кунтугал ва Қалдирғоч, бургут – Бойчибор, уйга кўнгани – от ем егани, тумоги – Алпомиш деб таъбир қилади.

Омон Раззоқов вариантида туш тасвири Фозил шоир вариантыга қиёс этилса, бир қатор узвлардаги тарқоқликни, таъбирда эса анъанадан чекиниш ҳолатлари мавжудлигини кузатамиз. Ушбу ҳолат эпик асар ижросида келувчи ҳар бир мотив, умуман, дostonнинг мукамал кўриниш олишида ижрочи маҳоратини, унинг анъана йўлларини нечоғлиқ эгаллаганини ва бошқа объектив ҳамда субъектив факторларга боғлиқ равишда воқе бўлишини ойдинлаштирмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, «Алпомиш» дostonининг аксарият вариантларида Алпомиш қалмоқ юртига келиши арафасида Барчиннинг туш кўриши баён этилади. Лекин ҳар бир вариантдаги поэтик ифода шакли, туш билан боғлиқ тимсоллар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Дostonнинг Саидмурод Паноҳ ўғли вариантида тўртлик шеърий шакл ва савол-жавоб усули танланган. Ушбу вариантда Барчин ўз кўрган тушини опа (она)сига айтиб, таъбирини сўрайди:

*Бугун ётиб бир туш кўрдим, опажон,
 Кўрган тушим яхшиликка йўрсанг-чи.*

²⁵⁶ Алпомиш. Дoston / Айтувчи Омон шоир Раззоқ ўғли. ЗЎФА. Инв. №943.

Қайғу-ҳасрат билан ўлдим, олажон,
Кўрган тушим яхшиликка йўрсанг-чи.

– Менга айтгин энди кўрган тушингни,
Ҳали замон кўрасан Алпомишингни.
Селдайн оқизма кўзда ёшингни,
Энди сен кўрарсан Алпомишингни.

– Бир тарлон талпиниб Қўнғиротдан учди,
Яхшиликка йўри, опа, бу тушди.
Гургоннинг бўйида қирди кўп қушди,
Кўрган тушим яхшиликка йўрсанг-чи.

– Учган бўлса, Алпомишдай хонингдир,
Бойсун элда қолган меҳрибонингдир,
Қирган қуши қалмоқ Қоражонингдир,
Энди сен кўрарсан Алпомишингни.

– Сўнгра устига кўнди уйимди,
Кўнглимдан кўтарган қайғу-войимди,
Кўк ёл бўри келиб қирди қўйимди,
Кўрган тушим яхшиликка йўрсанг-чи.

– Талпиниб устига кўнса уйингди,
Кўнглингдан кўтарар қайғу-войингди.
Кўк ёл бўри – ёринг, қалмоқ – қўйингдир,
Энди сен кўрарсан Алпомишингни.

– Сўнгра парвоз этиб келди қошима,
Ҳумоюндай соя солди бошима,
Соя солиб чангал солди тўшима,
Кўрган тушим яхшиликка йўрсанг-чи.

– Келгандан сўнг ёринг келар қошингга,
Ҳумоюндай соя солар бошингга,
Ёринг келса, чангал солар тўшингга,
Энди сен кўрарсан Алпомишингни.

– Бир пасл ўтирди менинг ёнимга,
Қаҳрланиб чангал солди сонимга,
Бу соним бўялди қизил қонимга,
Кўрган тушим яхшиликка йўрсанг-чи.

– Ёринг келса келар сенинг ёнингга,
Келгандан сўнг чангал солар сонингга,
Ёринг келса, бўямайми қонингга,
Энди сен кўрарсан Алпомишингни.²⁵⁷

Бу ўринда бахши танлаган поэтик шакл қаҳрамонлик эпосига хос бўлган туш айтиш аъъанасига зид. Чунки ҳаётда ҳам, қаҳрамонлик эпоси таркибида ҳам туш тўлиқ айтилиб, сўнгра таъбир этилади. Иккинчидан, Барчин ҳали тушини айтмай туриб онаси: «Ҳали замон кўрасан Алпомишингни», – деб хабар бермоқда. Бу эса тингловчида табиий равишда онаси Алпомишнинг келишини қайси асосга кўра билиб айтмоқда деган савол туғдиради.

Саидмурод Паноҳ ўғли вариантида келган туш тимсолларига диққат қилайлик: «Кўнғиротдан учган тарлон», «кўк ёл бўри», «қўйлар». Тушда ана шу тимсоллар воситасида хабар айтилиб, таъбир қилинган.

«Алпомиш» достонининг юқорида қараб чиқилган уч вариантида тимсолий образлар ва уларнинг макон, замонга тааллуқли ўринлари таъбирда келаётган семантик кўламлари ўзаро муқояса этилса, ҳар бир вариантнинг бадий қиммати, ижрочининг аъъана ўзанидаги маҳорати намоён бўлади.

Фозил шоир вариантидаги туш тасвири, таъбири мукам-

²⁵⁷ Алпомиш. Достон / Айтувчи Саидмурод Паноҳ ўғли. Ёзиб олувчи Шамси Муродов Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев // Алпомиш. Ёдгор. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б.19 – 20.

мал. Унда хабар айтувчи, етказувчи, олувчилар аниқ. Таъбир ҳам мифо-поэтик аънаналарга мос. Тушнинг бадий ифода шакли, композицион қурилиши ҳам мукамал. Ушбу ҳолатлар Фозил шоир вариантидаги туш баёни ва таъбирида хатоликлар, аънананинг бузилиш ҳолатлари йўқлигини кўрсатади.

Омон Раззоқов ва Саидмурод Паноҳ ўғли вариантларида босқичма-босқич аънанадан чекиниш ҳолатлари кузатилади. Бу ўринда туш мотиви, туш кўрувчи, таъбирчи ва тушнинг бадий юки бўлиши баробарида, туш билан боғлиқ воқеанинг ифода этилиши, тимсоллар, таъбирдаги маъноларда аънанадан узоқлашилганини кўришимиз мумкин. Масалан, Омон Раззоқов вариантида туш баёнида умумтизим бўлимларининг тартиби алмашган. Яъни кўк қатлами тасвири иккинчи ўринга олинган. Аънананинг бу тартибда ўзгариши, ўз навбатида, таъбир мазмунига ҳам таъсир этган. Тушнинг «воситачи» тимсоллар билан боғлиқ узвида ҳам узилишлар мавжуд. Саидмурод Паноҳ ўғлида эса Фозил шоир вариантидаги мукамал тизимни деярли кўрмаймиз.

Ушбу қиёсий тадқиқ у ёки бу туш мотиви, маълум бир образ ва унинг семантикаси хусусида хулоса чиқаришда унинг ижрочи томонидан аънаанага не қадар уйғун ижро этилганини ҳам назардан қочирмаслик кераклигини кўрсатмоқда.

Достон таркибидаги тушнинг асар композицияси, сюжет қурилмасидаги ўрни, бадий вазифаси ва ушбу мотивнинг туб асослари, ундаги тимсол, рамзларнинг семантик кўламини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш умумфольклордаги туш ҳодисасининг табиати, бадий-эстетик қимматини ёритиш имконини беради.

Достон сюжетида туш мотиви ўзаро қиёсланиб таҳлил қилинганда туш мотиви айрим вариантларда барқарор, айрим вариантларда нобарқарор мотив бўлиб келганини кўрамиз.

Маълумки, нафақат туркий, умуман, дунё халқлари эпик асарларида маълум миқдордаги мотивлар ва саноқли сюжет

типлари мавжуд бўлиб, дostonлар ана шу мотивларнинг бирор-бир сюжет типи доирасида у ёки бу даражада комбинацион янгилашиши натижасида пайдо бўлади.

Эпик асарлар сюжет тизимида кўпинча бирор-бир мотив етакчи ўрин эгаллайди. Қолганлари эса ушбу таянч мотив атрофида бирлашади. «Кунтуғмиш» дostonидаги туш мотиви ана шундай бирлаштирувчи, асосий ўзак вазифасини ўтаб келганини кўрамиз. Асар қаҳрамонлари – Кунтуғмиш ва Холбеканинг дoston бошидаги тушларини бунга мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

«Кунтуғмиш» дostonидаги дастлабки туш воқеа бошида келади ва асар сюжетида ўзига хос тугун вазифасини бажаради. Дostonнинг Эргаш шоир вариантыдаги тасвир энг мукамал бўлганлиги боис ушбу тушни мисол тариқасида оламиз. Ушбу тушдаги бир қатор ҳолатлар беихтиёр тингловчи эътиборини ўзига тортади.

«Кунлардан бир кун Холбека ноз уйқуда ётиб эди, бир туш кўрди: Чилтонлар ва мардон ғойиблар бир тонгда суҳбат қилиб ўтириб эди, бир чилтон келиб Холбеканинг руҳини олиб борди, биттаси келиб Кунтуғмишнинг руҳини олиб борди. Чилтонлар тўй қилиб Холбекани тўрага топширдилар. Иккови бир тўшақда ётиб, бир-бировига сўз қотиб, Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг кимдир?» Тўра айтди: «Отим Кунтуғмиш, отамнинг оти Авлиёи Қорахон, отам Нўғойга подшо, Нўғой тўраси бўламан. Сен кимсан, отинг кимдир, юртинг қаерда?» Холбека айтди: «Отим Холбека, отамнинг оти Шоир вазир, юртим шаҳри Зангарда».

Иккови бир-бирови билан ўйнашиб, тўрасининг жузугини Холбека олиб қўлига солди; Холбеканинг узугини тўра олиб қўлига солди. Шу кеча Кунтуғмиш ҳам шундай бир туш кўрди. Шу ишда иккови ҳам уёнди.

Тўра бир оҳ тортиб, бу дардини ҳеч кимга айтолмай, ни-

гинга қараса, бошқа нигин; қоғозга муҳр қилиб босса, Холбеканинг оти чиқади.

Холбека ҳам уйқудан уйғониб, тўранинг ишқида илондай тўлғониб, асло ором-қарори қолмади. Бу ҳам узугини кўрса, ўзиники эмас; қоғозга босиб кўрса, Кунтуғмиш тўранинг оти чиқади.

Холбеканинг Баҳрагул деган канизи бор эди, аксари сирларини Баҳрагулга айтар эди. Баҳрагул Холбеканинг безовталигини англаб:

– Ойбибим, сени илгарилардай кўрмайман, хотирингнинг мушаввашлигини менга билдирсанг, танда жоним бор, тадо-рикини – иложини қилсам керак. Холбека:

– Э Баҳрагул, менга бир дард теккан, иложи не бўлиши асло сира йўқ, – деб нигинни кўрсатиб, кўрган тушларини Баҳрагулга бир-бир баён қилиб, яна айтди». ²⁵⁸

Диққатга молик ҳолатлар: 1. Чилтон ва Мардон ғайбларнинг тонгги суҳбатларига Холбека ва Кунтуғмишни олиб келиши; 2. Чилтонларнинг тўй қилиб Холбекани тўрага топшириши; 3. Холбека ва тўранинг бир ўринда ётиб манзил жойи ва кимлигини сўраб билиши; 4. Тўра ва Холбека узукларининг алмашинуви; 5. Холбека ва тўра уйғониб, ўз қўлида бошқа узукни кўришлари; 6. Бир тушнинг бир вақтнинг ўзида икки киши томонидан кўрилиши.

Мазкур парчада ғойибларнинг Кунтуғмиш ва Холбеканинг руҳларини тушда учраштиришлари мифологик қарашлардаги инсон ухлаганда жон, яъни руҳ танадан чиқиб, сайр этиб келади деган инончга тўғри келади. Чилтонларнинг тўй қилиши, матн ости маъносига кўра, бу илоҳий никоҳ ҳисобланади.

²⁵⁸ Кунтуғмиш. Достон / Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчи Иса Эрназар ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.135.

Дунё халқларининг мифологик тасаввурларига кўра, икки танланган жуфтнинг никоҳи муқаддас саналади.²⁵⁹

Мотивдаги узук – биринчидан, ёмон кучлардан ҳимоя қилувчи халқа, иккинчидан, иккаласининг руҳи қўшилганини тасдиқловчи рамз. Узукка қаҳрамонларнинг исми битилганлиги, мифологик тафаккурга кўра, инсоннинг ўзига тенгдир. Чунки инсон исмига эгалик қилиш унинг ўзига, руҳига эгалик қилиш деганидир.

Деталлар, предметлар туш мотивида турли вазифаларни бажарадилар. Баҳригул типик таъбирчи образи, тарихан шомонлик билан боғлиқ. Холбеканинг ўзида ҳам шомонлик бор. Чунки у ўз тушини ўзи таъбир қилади. Бу туш воқеа баёнидан жой олган:

«Тўра сачраб уйғонса, тонг отайин депти. «Ҳай аттанг, дўстим кетиб қолгандиров», – деб жойидан турганда тўрасининг шарпасидан Холбека ойим уйғониб, тўрасига «тўхта» деб бир сўз деди:

*Ўтиб эдим, валламатим, туш кўрдим,
Мен тушимда бир қабоҳат иш кўрдим,
Мабодо кўнглингга оғир олмасанг,
Эк қаноти майиб бўлган қуш кўрдим.
Вақти тонг кўрибман, мард тўрам, тушди,
Бу тушдан кўнглим айлар хурушди.
Тушимда кўлингдан шунқоринг қочди,
Борди-да, сайёднинг тўрига тушди.*

²⁵⁹ Қаранг: Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. – М.: Наука, 1974; Мелетинский Е.М. «Эдда» и ранние формы эпоса. – М.: Наука, 1968; Молдабаев И.Б. Эпос «Манас» как источник изучения духовной культуры кыргызского народа. – Фрунзе: Илим, 1989.

*Мабодо кўнглиннга оғир олмасанг,
Икки бирдай ёнган чирогинг ўчди.
Ойим қизман, ишим ҳақдан кўрайин,
Шонаман сочимни тоблаб тарайин.
Мабодо кўнглиннга оғир олмасанг,
Шу тушимни, тўрам, ўзим жўрайин...*²⁶⁰

Холбеканинг бу тушида руҳлар уни бўлғуси фалокатлардан огоҳ этмоқда. Бироқ Кунтуғмиш унинг бу тушига эътибор қилмайди. Ноилож қолган Холбеканинг: «Энди сенга дуо қилмоқ лозимдир», – дейишида дуо ёрдамида ёмон туш ижросининг олдини олишга бўлган инонч ётади.

Алим бахши вариантида туш баёни жуда қисқа берилган. Аввалги образлар ўрнига Хизр келади. Тўй, узук деталлари йўқ.²⁶¹

Бекмурод Жўрабой ўғли вариантида Холбека ва Кунтуғмишнинг руҳлари учрашмайди.²⁶² Бироқ битта тушни иккаласи ҳам бир пайтда кўришади. Бу вариантдаги туш мотиви Эргаш Жуманбулбул ўғлиникига анча яқин. Туш аввал сажъда (насрода), кейин назмда берилади. Таъбирчи Мирохўр ҳам худди Баҳригул каби шомон образининг дostonдаги бадий ифодасидир. Бекмурод Жўрабой ўғлида Эргаш Жуманбулбул ўғли вариантида келган икки туш парчаси бирлашиб кетган.

²⁶⁰ Кунтуғмиш. Дoston. Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти. – Б.136.

²⁶¹ Кунтуғмиш. Дoston / Айтувчи Алим бахши Ҳаққул ўғли. Қўлёзма. Инв. №929.

²⁶² Холбека. Дoston / Айтувчи Бекмурод Жўрабой ўғли. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи З.Хусаинова. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.16.

Тушдаги рамзларга эътибор қилайлик: икки қаноти майиб бўлган қуш, қўлдаги шунқорнинг учиб кетиб сайёднинг қўлига тушиши, икки бирдай ёнғон чироқнинг ўчиши. Холбеканинг таъбирига кўра, қаҳрамонлар ҳаётининг кейинида содир бўладиган бутун воқеалар мазкур парчада рамзий ифода қилиб берилмоқда.

Унинг тушидаги икки қаноти майиб бўлган қуш – ҳам хотини, ҳам болаларидан айрилиб қолган Кунтуғмиш. Эпик ижодда чироқ рамзи кенг маънога эга. Кўп ўринларда у тириклик, ҳаёт рамзи бўлиб келса, бу ўринда икки бирдай ёнган чироқнинг ўчиши фарзандларни ифодалаб келмоқда. Зеро, ота-она ўз фарзандларини эркалаганда «чироғим», «кўзимнинг нури», «ҳаётим» деб эркалайди.

Мутахассислар романик дostonларда, ишқий-саргузашт характерида бўлса-да, қаҳрамонлик хусусиятлари бўртиб туришини алоҳида таъкидлайдилар. «Кунтуғмиш» дostonидаги воқеалар тизими уни романик дostonдан кўра қаҳрамонлик дostonига киритиш мумкинлигини кўрсатади. Виктор Жирмунский ва Ҳоди Зарифовлар «Кунтуғмиш» дostonидаги синов мотиви кўп жиҳатдан «Алпомиш» дostonидаги синов мотивига жуда ўхшаш эканлигини таъкидлайди.²⁶³ Нафақат синов, балки бошқа, жумладан, туш мотиви ҳам олимларнинг бу фикрини тўла тасдиқлайди.

Дostonнинг бошида келган дастлабки туш тафсилоти ҳар жиҳатдан реал воқеликка ўхшайди. Шу сабабли ҳам махсус таъбир қилинмаган. Моҳият эътиборига кўра, бу парча «Алпомиш» дostonидаги Алпомишнинг чўпонлар қўшхонасида ухлаб қолиб кўрган тушига уйғун келади.

«Шоҳимардон пири чилтонларга айтди: – Бул бача биз-

²⁶³ Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – С.138.

нинг муридимиз бўлади, бугун сизларга меҳмон бўлди, кўнглини наза қилмай, вақтини хушлаб жўнатингизлар. Шу гапни айтиб Шоҳимардон пири жўнаб кетди. Чилтонлар кўнглини хушлаб, отнинг жиловидан ушлаб, Бойчиборни таблага тортиб ташлаб, *Ҳакимбекни чилтонлар суҳбатга бошлаб*, бекнинг вақтини хушлаб ўтирди. От қоқиб, йўл юриб борган одам чилтонлар суҳбатида ўтириб-ўтириб уйқу олиб кетди. Чилтонлар: – Бу бача Шоҳимардон пирнинг муриди экан. Бизнинг суҳбатимизда бўлди, вақтини хушлай олмадик, – деди. *Чилтонлар илму каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, Бахмал ўтовда ухлаб ётган еридан Барчиннинг руҳини олиб келди танидан. Алпомиш мунда ухлаб ётибди, ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳи ўртада бир ерга қўйди. Бир коса шароби антахур чилтонлардан Барчиннинг руҳига теғди. Барчиннинг руҳи шаробни кўлига олиб, Алпомишни кўриб, бир ўзи ичгани кўнгли бўлмай, Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб бу сўзни айтиб турган экан:*

*Олинг, аллаёр-аллаёр,
Келинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Коса ушлаб, кўлим толди,
Бийнинг қизи маҳтал бўлди,
Кўнглингиз кимдан қолди,
Боқолмай юрдик сабилди,
Хон тўрам, сизга не бўлди,
Олинг, аллаёр-аллаёр.²⁶⁴*

Алпомиш бу алёрга ўз жавобини берар экан, қалмоқлар

²⁶⁴ Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – Б.91 – 94.

додини бериб, дўст-душманни қойил қилмагунча: «...Ичмам аллаёр-аллаёр», – деб айтади. Саҳар вақти чилтонлар руҳларни жасадга қайтаришади. Алпомиш: «...Қадимгидан сертараддуд бўлиб, бийнинг қизини тушида кўриб: – Оқ кубба келган, қизил чиройли, хўп баркамол, яхши қиз экан, – деб ётибди».²⁶⁵

«Барчин ҳам канизларга кулиб ўтирибди: – Бий бобомнинг ўғли тушимга кирибди, икковимиз бир ерда ўтирибмиз, пок бўлмаса, ит йиқилиш бўлайлик деб қопмиз, анча гаплашибмиз, – деб вақти хуш бўп ўтирибди».²⁶⁶

Кунтуғмиш ва Холбека кўрган тушдек Алпомиш ва Барчиннинг ҳам руҳларини чилтонлар тушида учраштиради. Тақдир азалда бу қаҳрамонларнинг ажралмас жуфт эканликлари «Кунтуғмиш»да никоҳ узуги орқали баён этилса, «Алпомиш»да бу антаҳур шароби ва алёр орқали бадий тасвирини топган. Ушбу туш намуналари бошқаларидан тубдан фарқ қилади.

Авалло, тушда халқнинг туш кўриш ҳақидаги тасаввури ва унинг қандай рўй бериши билан боғлиқ дунёқараш акс этмоқда. Маълумки, халқнинг кўҳна тасаввурларига кўра, ҳар бир кишида икки руҳ бор: бири – руҳи сокин, иккинчиси – руҳи равон. Руҳи равон киши уйқуга кетган вақтда танани маълум муддатга тарк этиб, турли маконларга сайр этиши мумкин. Ана шу саёҳат кишига туш сифатида маълум бўлади. Руҳи сокин танани тарк этса, киши ҳалок бўлади. Кунтуғмиш ва Холбека, Алпомиш ва Барчинларнинг руҳи равонини чилтонлар танадан олиб, бир-бири билан учраштиради.

Иккинчидан, тушни бир вақтнинг ўзида икки киши баробар кўрмоқда ва тушдаги кўрсатмаларга амал қилмоқда.

²⁶⁵ Кўрсатилган манба. – Б.91 – 93.

²⁶⁶ Кўрсатилган манба. – Б.93 – 94.

Учинчидан, туш – бу хабар, реал воқелик эса келажақда, ўз маромида рўй беради. Достонларда бу мантиқ ҳам бузилган эмас. Шу сабабли ҳам Холбека ва Барчин тақдирим эгаси келди деб ёрларининг олдига тушиб кетишмайди. Қаҳрамонлар ёрга муносиблигини қўйилган шартларни бажариб исбот этишиб мурод-мақсадига етишади.

Тўртинчидан, очиқ хабар шаклида келган туш эпос сюжетида ўта муҳим ўрин тутди ва унинг таъбири бутун эпик воқелик якунида, яхлит бадиий мазмун сифатида юзага чиқади.

Бешинчидан, бу хил очиқ хабар шаклидаги тушлар миқдор жиҳатидан камчиликни ташкил этади ва улардаги тимсоллар бевосита тақдир, қадар мазмунига уйғун ёки шу қўламдаги мазмунни ифодалайди. Масалан, «Кунтуғмиш» достонидаги узук тимсоли, «Алпомиш» достонидаги антаҳур шаробининг рамзий маъноси биргина никоҳ узуги ёки меҳмондорчилик зийнати бўлмиш май эмас. Узук кўқда белгиланган тақдир ҳалқаси, антаҳур шароб илоҳий ишқ мазмунига эга.

Ҳаётда бўлгани каби бадиий матндаги тушлар, авваламбор, хабар беради. Ушбу хабарлар айнан ҳаётини тушлардан бадиий асар таркибида икки хил, тимсол ва рамзларга йўғрилган ҳамда очиқ ахборот тарзида намоён бўлади. Лекин ҳар қандай асар, авваламбор, эртак ва достонларимиздаги тушлар асардаги воқеликка чамбарчас боғлиқ бўлгани учун бадиийлик касб этади. Шунинг учун очиқ ахборот шаклида келган тушлар ҳам рамзийликдан холи эмас. Бу рамзийлик эса, юқорида қайд этганимиздек, асарнинг яхлит мазмуни, ғоявий бадиий йўналиши асосида юзага чиқади.

Ушбу ҳолат том маънода «эпосда тақдир – бош қаҳрамон» деган тезиснинг ҳақ эканлигини тасдиқлайди. Чунки эпосда рўй бериши мумкин бўлган воқеалар мағзи тушда тимсолли, рамзларга йўғрилган ҳолда баён этилади. Асар қаҳрамонининг тақдир чизиқларига ишоратлар берилади. Қаҳрамон ана шу тақдирни ўз хатти-ҳаракатлари билан намоён этади.

Худди «Алпомиш» ва «Кунтуғмиш» достонидагидек «Гўрўғли» туркум дostonларида ҳам туш мотиви алоҳида ўрин тутади. Маълумки, «Гўрўғли» туркум дostonларининг тарқалиш географияси Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ мамлакатлари каби жуда катта ҳудудни қамраб олади. Неча асрлардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бу эпик ижод намунасининг ўзбек, озарбайжон, турк, туркман, қорақалпоқ, татар, қозоқ, тожик, арман версиялари анчайин машхур бўлиб, бугунги кунда ҳам бахшилар томонидан севиб куйлаб келинмоқда.

«Гўрўғли» дostonи туркий халқлар орасида ҳам, хорижда ҳам анчайин кенг ўрганилган. Булар орасида А.Ходзико, В.Жирмунский, Ҳ.Зарифов, Б.А.Карриев, Т.Мирзаев, П.Н.Баратов, Ш.Элчин, Соим Сока ўғли, Ф.Туркман, И.Ўзкан, О.Ўғуз, М.Экичи, Ҳ.Тамхасиб, М.Сейидов, Х.Корогли, А.Маргулон, М.Сайидов, К.Райхл ҳамда Ш.Турдимов каби олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.²⁶⁷

Ўзбеклар орасида «Гўрўғли»нинг юздан ортиқ вариантла-

²⁶⁷ Boratav Pertev Nail. *Köroğlu Destanı*. – İstanbul: Adam Yayın-cılık, 1984; Türkmen Fikret. *Köroğlu'nun Özbek Varyantları // Millî Folklor*. – Ankara, 1989. №4. – S.8 – 9; Türkmen Fikret. *Köroğlu'nun Özbek ve Ermeni Varyantları // Köroğlu Semineri Bildirileri*. – Ankara: Başbakanlık Basımevi, 1983. – S.83 – 90; Türkmen Fikret. *Goroglu dastani*. – Izmir, 1982; Oğuz M. Öcal. *Halk siirinde tür, sekil ve makam*. – Ankara: Akçağ Yayınları, 2001; Турдимов Ш. «Гўрўғли» номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. №3. – Б.62 – 65; Ўша муаллиф. *Соқибулбул // Соғлом авлод учун*. – Тошкент, 1996. №2. – Б.54 – 55; Ўша муаллиф. «Гўрўғли» туркумидаги Аҳмад Сардор образи хусусида // Халқ таълими. – Тошкент, 1998. №4. – Б.72 – 76. Ўша муаллиф. «Гўрўғли» туркумида Хизр образи // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.53 – 59.

ри мавжуд. Бу дostonларнинг ҳар бирини алоҳида мустақил дoston сифатида баҳолаш ҳам мумкин.

«Гўрўғли» дostonининг ўзбек вариантлари қиёсланса, сюжет ва мотивда ўхшашлик мавжудлигини, улар ўртасидаги тафовут у қадар катта эмаслигини кўрамиз. Улар ўртасидаги фарқ услубда, ижрода ва анъанага бўлган турлича ёндашувда эканини кузатамиз.

«Гўрўғли» дostonининг ана шундай вариантларидан бири Пўлкан шоирга тегишли. У Қўрғон дostonчилик мактабининг йирик вакили ҳисобланади. Пўлкандан ёзиб олинган кўплаб термалар, дostonлар ўзбек фольклорининг ноёб дурдоналари ҳисобланади. Устоз фольклоршунос олим Тўра Мирзаевнинг эътироф этишича, Пўлкан ҳайратомуз қувваи ҳофизага эга йирик дostonчи бўлган.²⁶⁸ Эпик репертуарининг ниҳоятда бойлиги, хилма-хиллиги билан ҳам ўзбек дostonчилигида алоҳида ўрин тутаети. Одатда, оддий бахшилар 5–10 та, энг қобилиятлилари 30 – 40 тагача дostonни ёддан куйлаганлар. Пўлкан эса 70 дан ортиқ дostonни мароқ билан ижро этган. Унинг репертуаридан жой олган биргина «Қиронхон» дostonининг ўзиёқ 20000 (йигирма минг) мисра шеър ва қарийб шунча насрни ташкил этади. Энг муҳими, у XX аср бошларида «Ўзбек дostonчилигини янги босқичга кўтарган».²⁶⁹

Пўлкан ижодига назар ташлайдиган бўлсак, асосан «Гўрўғли» туркумидаги дostonларни куйлаганини кўрамиз. «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Авазхон», «Авазхоннинг уйланиши», «Ҳасанхон», «Темирхон подшо», «Бўтакўз», «Авазни излаш», «Ҳиломон» каби ўнлаб дostonлар бунинг мисолидир.

²⁶⁸ Мирзаев Т. Пўлкан ҳақида сўз // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.5 – 9.

²⁶⁹ Ўша жойда.

Улар орасида Пўлкан куйлаган «Гўрўғлининг туғилиши» достони юксак бадиияти, образларнинг мувафаққиятли талқини, мифологик мотивларнинг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Гўрўғлининг туғилиши» бутун туркум учун дастурий асардир. У қаҳрамон ва эпик отининг бутун ҳаёт йўлини аввалдан белгилаб беради. Фольклоршуносларимиз қайд этишганидек, гарчи туркумга кирувчи ҳар бир дoston мустақил сюжетга эга бўлса-да, уларнинг барчасини Гўрўғли, Фирот, Чамбил бирлаштириб туради.²⁷⁰ Бизнингча, бу яхлитлаштирувчи учликни Хизр, ғойиб пирлар, Соқибулбул, Юнус ва Мисқол пари образлари, қаҳрамонга Хизр берган оқ ва қора патлар каби бадиий деталлар ҳисобига янада кўпайтириш мумкин. Ушбу дostonда биз уларнинг барчасини, жумладан, Чамбил, Ҳасанхон, Авазхон ҳақидаги хабарларни ҳам биринчи марта учратамиз.

Дostonдаги Бобо Қамбар ва Хизрнинг Гўрўғлига мурожатларида қаҳрамоннинг келажакдаги бутун ҳаёт йўли, барчаси бўлмаса ҳам, Пўлкан шоирга маълум бўлган Гўрўғли туркум дostonлари ҳақида формула – код шаклидаги ахборотлар берилади. Ҳатто унинг ўз фарзанди бўлмаслиги ҳам бадиий асосланади.²⁷¹ Қолаверса, афсонавий Бобо Қамбарни

²⁷⁰ Қаранг: Турдимов Ш. Гўрўғли (мақола ва насрий баён) // Тил ва тафаккур. – Тошкент, 2005. №2 – 3. – Б.23 – 25; Ekici Me-tin. Türk dünyasında Köroglu. – Ankara: Akçag, 2004; Ekici Metin. Halk Bildisi (Folklor). Derleme ve inceleme yöntemleri. – Ankara: Ge-leneksel yayınleri, 2000.

²⁷¹ Қаранг: Гўрўғлининг туғилиши. Дoston / Айтувчи Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан. – Б.6 – 13; Гўрўғлининг туғилиши. Дoston / Айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.60 – 63; Гўрўғлининг болалиги. Дoston / Айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.81.

бахшилар пири деб ҳам билганларки, жуда кўп дostonларда Гўрўглининг бахшилиқ –шомонлиқ сифати ана шу қараш билан боғлиқ.²⁷² Яна бир эътиборли томони шундаки, бу дostonда серқатлам Хизр образининг исломгача бўлган талқинлари ҳам кўзга ташланади, яъни у Фиротнинг ҳомийси бўлади. От култи эса туркий халқларда жуда қадимдан мавжуд бўлган.²⁷³

²⁷² Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, «Гўрўгли» дostonини қадимги битиклар ҳамда эпик ижод намунаси бўлмиш «Алпомиш», «Манас», «Дада Қўрқут китоби», «Қобланди Ботир», «Кунтуғмуш» каби дostonлар билан қиёсий ўрганиш лозим. Бу дostonларда бир-бирига ўхшаш, бир-бирини тўлдирувчи жиҳатлар анчагина. Мисол учун, «Гўрўгли» туркум дostonларининг кўпгина ўзбек вариантларида худди Хоразм «Ошиқ туркуми» дostonларидаги каби бош қахрамон бахши тимсолида келади. Худди Қўрқут ота каби Гўрўглининг дostonда бахши ва элнинг энг яқин маслаҳатгўйи сифатида тасвирланиши уни «Дада Қўрқут китоби» билан, «Алпомиш» дostonида фарзандсиз оталарнинг Шоҳимардон пир мозорида (равзасида) тунаб қолгандан кейин фарзандли бўлиши, аслида, Алпомишнинг туғилиши ҳам қайсидир даражада гўр – қабр, яъни аждодлар култи билан чамбарчас боғлиқ эканини урғулайди. Ёхуд «Кунтуғмуш» дostonидаги Кунтуғмуш исмининг кўплаб маънолари мавжудлигини олиб қарайлик. Бу худди «Гўрўгли» дostonидаги каби кундан, яъни қуёшдан туғилган фарзанд, кун – қуёш фарзанди маъноларини ҳам беради.

²⁷³ Қаранг: Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.65 – 89; Турдимов Ш. Соқибулбул // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996. №2. – Б.54 – 55; Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2000.

Қаҳрамонлар, персонажларнинг тушлари дoston сюжети давомида албатта бадий воқеликка айланиши ўзбек эпоси учун ўзига хос бир қонуниятга эга. Агар бахши Гўрўглининг Хизр ва пирлар билан ҳар иккала учрашувини фақат туш сифатида баён қилганда ҳам, асарнинг умумий моҳиятига путур етмас эди. Асарда қаҳрамон Бобо Қамбар ва пирлар билан биринчи марта тушида учрашади, оти ва Юнус, Мисқол парилар ҳақида хабар топади. Дostonда туш мотиви асар сюжетини шакллантиришда асосий аҳамият касб этиб, дostonнинг ҳар жиҳатдан яхлитлигини таъминлашга хизмат қилган. Асарнинг назмий қисми ҳам Шохдорхон туши ва унинг таъбиридан бошланиши фикримизнинг исботидир.

Бошқа қаҳрамонлик дostonларимиз каби мазкур дostonда ҳам туш ва туғилиш мотиви ёнма-ён келади. Зеро, олдинги бобларда таъкидлаганимиздек, қаҳрамонлик дostonларида туш мотивининг айримлари воқеа бошида, айримлари воқеа ривожида, баъзилари эса воқеа якунида, ҳар бири ўрнига қараб дostonда ўзига хос муҳим бир функция бажариб келади.

«Гўрўглининг туғилиши» дostonида дастлабки туш воқеа бошида келади. Шохдорхон кўрган тушининг таъбирини сўраб, шундай дейди:

*Гумбурларим, бугун ухлаб туш кўрдим,
Мен тушимда кўп қабоҳат иш кўрдим.
Ё билмайман ўзи манглайнинг шўри,
Келган бўри, қуръаандозлар, ким бўлди?
Икки бўри тоғда икки шер қувди,
Шербаччалар қўйга оралаб қолди.
Қўйимнинг ўлигин ҳар ёққа отди,
Тутуним бурнимдан чиқиб кетди,
Бу тушимнинг таъбирлари не бўлди?
Тепамдан бир лаган тилла сочилди,
Оғзимдан бир толпир қушим училди.*

Иморатим бари текис бўлди,
 Бир ой элима пайдо бўлди.
 Шуъласи оламни ёп-ёруғ қилди,
 Қуръаандозлар, айтинг, таъбир на бўлди?
 Бир чинор элимдан кўкариб кетди,
 Фалт ўриб шохаси осмонга етди,
 Қурай, қурай соялаган ким бўлди?
 Сочларингни тол-тол қилиб таранглар,
 Бу гапларди ким кўргандан сўранглар.
 Туши курсин, таъбирлари кўп ёмон,
 Бу тушимнинг таъбирини йўринглар!
 Мунажжимлар, айтинг, таъбир не бўлди?²⁷⁴

Худди «Алпомиш» достонидаги каби дoston давомида кечадиган бутун воқеалар мана шу кичик бир парчада тўлалигича баён қилиб берилмоқда. Яъни Ёвмит элидан қул қилиб олиб келинган Равшан ва Гаждумбекнинг авлоди – Гўрўғли туғилиб, Шохдорхоннинг салтанатини яқсон этиб юртга подшо бўлади ва мамлакатни обод қилади.

Тушдаги рамзларга эътибор қилайлик: бўри, шер, ҳар ёққа ўлиги отилган қўйлар, бурундан тутун чиқиб кетиши, тепасидан тилло сочилиши, оғзидан қуш учиб чиқishi, иморати текис, яъни вайрон бўлиши, порлаган ойнинг шуъла таратиши, чинор ўсиб, бўйи осмонга етиши, соясида кимларнингдир яйраши. Бўри, шер образлари бизга тушунарли. Достонларимизда қаҳрамонларнинг шерга, бўрига ўхшатилишининг ўзидаёқ халқимизнинг қадим мифологик тасаввур изларини кўрамиз. Хусусан, бўри жуда кўп туркий қабилаларнинг тотеми бўлиб, у билан боғлиқ кўпгина инончлар ўзбекларда XX асрда ҳам маълум даражада мавжуд эди. Бизнингча, Ёвмит-

²⁷⁴ Гўрўғли. Пўлкан шоир варианты. – Б.12 – 13.

дан келган бўрилар – Гаждумбек билан Равшан, фарзандлар – Биби Ҳилол билан Гўрўғлидир. Таъбирда айтилмасда, тушдаги Шохдорхон элидан кўкариб кетган чинор ҳам Гўрўғлидир. Ой деганда Биби Ҳилол назарда тутилмоқда. Чунки ҳилол янги чиққан ой демакдир.

«Тепасидан тилло сочилиши», «бурнидан тутуни чиқиб кетиши», «оғзидан бир тулпор қушнинг учиб чиқиб кетиши» ҳам анимистик тасаввурлар маҳсулидир. Бу мисраларда Шохдорхоннинг тез орада жони узилиб, нариги дунёга равона бўлиши башорат қилинмоқда. «Иморатим бари текис бўлди» мисраси Шохдорхон салтанатининг вайрон бўлишига ишора қилмоқда.

Достонда Юсуф қуръаандознинг таъбири халқ қарашларига тўла мос келади. Чунки жоннинг оғиздан қуш бўлиб чиқиши ва танага қайтиши достонларда девлар образи мисолида жуда кўп учрайди.²⁷⁵ Шунингдек, халқда жон капалак бўлиб чиқиб кетади деган тасаввурлар қадимдан бор. Ўзбеклар тушда иморат қулашини ўлимга боғлаб таъбир қилганлар, ҳатто иморатнинг эски ёки янгилигига қараб бўлажак марҳумнинг кекса ёки ёшлигини ҳам аниқлашган. Достонда таъбирчи тепадан сочилган тиллани қонга таъбир қиладики, бу бир оз аниқликни талаб этади. Маълумки, келиб чиқишига кўра ўзбекларнинг қипчоқ этник қатламларининг баъзиларида кекса ёшлилар вафот этишганда қабристонгача марҳум тобути устидан танга сочиб бориш одати ўтган асрнинг ўрталарида ҳам маълум даражада мавжуд эди. Бизнингча, Шохдорхон тушида ана шу одат рамзий маънода ўз ифодасини топган.

Шунга ўхшаш ҳолатнинг халқимизнинг қадим ёдгорлиги

²⁷⁵ Эшонкул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.3 – 100.

«Ирқ битиги – Таъбирнома»да ҳам келганини юқорида айтиб ўтган эдик.²⁷⁶

Ўзбек фольклорининг бошқа намуналари, хусусан, эртак, кўшиқларимизда ҳам уй, иморат, том образларига бот-бот дуч келамиз. «Гўрўғлининг туғилиши» достонидаги Шохдорхон кўрган тушдаги «Иморатим бари текис бўлди» мисраси ва «Дада Кўрқут китоби»даги «Солор Қозон уйининг талон-торож қилиниши» номли кўшиқда Солор Қозон тушидаги «уй» образлари ҳамда «Ирқ битиги»даги иморат тимсолини яхлитликда олиб қарасак, ушбу манбалардаги «уй» образининг умумий тимсолий мазмунга эгалигини кўрамыз.

Туш тили – рамзлар тили, яъни Э.Фромм айтганидек, «Бу – барча халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ягона умумий тилдир».²⁷⁷ Аммо дostonлардаги туш мотивларида бу тилнинг мураккаблиги турлича даражада бўлади. Жумладан, Шохдорхоннинг туши мураккаб рамзли бўлса, Зайдиной туши жуда содда:

*Э энажон, бугун саҳар туш кўрдим,
Мен тушимда бир қабоҳат иш кўрдим.
Шу ерга кеп мен кир ювиб ётганда
Ўн беш яшар баччани йўлдош кўрдим.
Фириб билан ушлаб олди кўлимдан,
Зўрлик билан олиб кетди элимдан,
Бир шаҳарга олиб борди ўзимни,
Бир қари одам кучиб ётди белимдан...²⁷⁸*

Бу ерда рамзийлик жуда кучсиз. Агар унинг тушлиги ай-

²⁷⁶ Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимги ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.48.

²⁷⁷ Фромм Э. Забытий язык // Душа человека. – С.184.

²⁷⁸ Гўрўғлининг туғилиши. Пўлкан шоир варианты. – Б.144.

тилмаса, у бадиий воқелиқдан заррача фарқ қилмайди. Унинг аҳамияти ҳам Шохдорхон ёки Гўрўғлининг тушлари даража-сида эмас. Туш тушириб қолдирилса ҳам, асарнинг умумий моҳиятига зарар етмайди. Достон билан танишиб чиққан одам бачанинг – Гўрўғли, қари одамнинг – Аҳмад, бир шаҳарнинг – Ёвмит эканлигини жуда тез илғаб олади. Туш мотивининг бундай қиёсий таҳлилларидан достонлардаги тушлар қанчалик кенг ва рамзларга қанчалик бой бўлса, уларнинг достон сюжетидаги ўрни шунчалик баланд ва аҳамиятли, бадиий-эстетик жиҳатлар юқори бўлади деган хулоса келиб чиқади.

Қадимги профессионал туш таъбирчилари ўзлари билмаган равишда руҳий таҳлилдан жуда унумли фойдаланганлар. Шу боис руҳий таҳлил методини содда қилиб таъбир ва таҳлил методи ҳам дейиш мумкин.

Умуман олганда, бундан қарийб ўн аср нарида исломгача бўлган халқ дунёқарашлари, эътиқод, тасаввурлар тизими билан боғлиқ яратилган «Ирқ битиги» ва ўрта асрларда ёзма шаклга келган «Дада Кўрқут китоби», оғзаки анъаналар маҳсули «Гўрўғли» каби халқ достонлари ҳамда бугунги кундаги халқ таъбирномаларидаги уй, иморат, том тимсолларининг туб маъноси деярли бир-бирига уйғун эканлигини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, достонларимиздаги уй ёхуд бирор-бир иморатнинг вайрон бўлиши, қулаши, бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар шунчаки бахши импровизацияси билан боғлиқ оддий ўхшатиш бўлмай, асрлардан буён оғзаки анъана доирасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий тасаввурларнинг бадиий кўринишидир.

Тушда шартлилик мавжуд. Шартлилик – поэтик санъат табиатига хос хусусият. Тушдаги образлар таъбири, улардан келиб чиқувчи мазмун ҳам шартлилик асосида юзага келади. Бу эса тушдаги образлар поэтик санъатларга уйғунлигини кўрсатади. Тушдаги рамз ва тимсол деб қўлланилишига сабаб ҳам, авваламбор, ана шу уйғунликка таянади. Тушдаги

образ ҳар жиҳатдан поэтик рамз ва тимсолларга яқин. Фольклор асарларида тушлар ифода ва асар компоцизиясидаги ўрни, вазифасига кўра ҳам улкан бадиий вазифа бажаради.

Тушнинг бу икки турини эртақлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Фақат эртақлар таркибида келувчи туш намуналарида дostonлардаги каби батафсиллик, бадиий воқелик шаклини олиши (худди «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши» ва «Кунтуғмиш» дostonларидаги каби) кам учрайди. Бу ўринда асар сюжетида таянч вазифани бажарувчи «Хосиятли туш» каби эртақларни истисно сифатида олиш керак.

«Хосиятли туш» эртагида ўтинчи кал бола тушида «ўнг томонида қуёш, чап томонида ой боқиб турганини, у гоҳ қуёшни, гоҳ ойни қучиб бағрига босаётганини кўради...» Кал бола онасининг маслаҳати билан тушини таъбирлаб бериш учун маликанинг олдига боради. Ошиғи билан ўтирган малика эса уни саройдан ҳайдайди. Кал маликанинг бу ҳолатидан ҳайрон бўлиб, уни пойлайди. Малика ошиғига: «Агар туши рост бўлса, тез орада шу кал мени хотинликка олади. Унинг ўнг томонидаги кун мен бўламан. Менинг устимга мендан ҳам чиройли бир паризодни олар экан. Калнинг чап томонидаги ой ўша паризод», – деб айтганини эшитиб қолиб тадбирга киришади. Эртақ давомида калнинг ана шу туши ўнгидан келганлиги воқеа баёнида маълум бўлади.

Малика таъбирига кўра, кал кўрган туш осмон ёритқичлари – қуёш ва ой – малика ва паризод деб таъбир қилинмоқда. Умуман олганда, фольклор асарлари таркибида келган тушлардаги рамзий, тимсолий мазмун ташувчи деталларнинг туб маънолари таъбирда аниқ айтилади. Шу жиҳатдан улар ҳаётдаги тушлардан фарқлидир. Ҳаётда эса тушни таъбирчигина таъбирлай олиши мумкин. Бу ўринда анъанавий халқ таъбирлари таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

«Хосиятли туш» эртагида қуёш ва оёга малика берган талқин ўзбек халқининг анъанавий туш таъбирномаларидаги ўзак

маънога уйғун. Жумладан, таъбирномалардан бирида «куёш чиқиши» – туҳфа, ҳаётдаги ўзгариш, яхши дараклар, «ой» – катта даромад, «тўлин ой» – совчилик деб кўрсатилган.²⁷⁹ Жумладан, «Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом» китобида: «Ҳар ким тушида офтобни кўрса, қиёматда пайғамбарлар қаторида бўлғай. Ҳар ким тушида моҳи тобни кўрса, подшоҳлар қаторида бўлғай», – дейилган.²⁸⁰

Ҳар икки таъбирномадаги талқинлар моҳиятан бир-бирига яқин келади. Бу ҳолатлар бадий асарлар, хусусан, фольклордаги тушларнинг рамз ва тимсоллари маъноси, анъанавий халқ таъбирномалари (ёзма ва оғзаки шаклда) мазмунига яқин эканлигидан далолат беради.

Боб давомидаги таҳлиллар, мулоҳазаларни умумлаштириб, унинг сўнгида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсониятнинг ибтидоий маданияти даврида бир-бири билан генетик боғлиқ бўлган *масаввур – тимсол – миф* триадаси туш ҳодисасининг илк семантикасини ташкил этиб, у тимсоллар тили билан ифодаланган. Инсоният тафаккурининг биринчи ҳосиласи бўлган тимсоллар *классик мифлар – маросимлар – фольклорга* поэтик маъно бағишлади. Асрлар давомида қайта-қайта мушоҳада қилиш натижасида мифо-поэтик тафаккурдан поэтик тафаккур мустақил ажраб чиқди, аммо ўзининг тарихий асосларидан бутунлай узилиб қолмади. Жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек халқи фольклори учун ҳам типик бўлган бадий тушнинг тарихий-ҳаётий асослари, рамзлар тизими, тимсолий тили, бадий-эстетик хусусиятлари бунинг ёрқин мисолидир.

2. Барча тушлар тили тимсоллар тили бўлиб, туш ҳодиса-

²⁷⁹ Таъбирнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.20 – 21.

²⁸⁰ Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом / Ношир С.Ҳасанов. – Тошкент: Ўзбегим маскани, 1990. – Б.7.

си рухий-физиологик жараён, бадийи туш ана шу жарённинг қайта поэтик мушоҳадаси бўлгани учун улар ўртасида қатор умумийлик ва фарқлар мавжуд. Туш семантикаси символларда ифодаланган туш баёни ва унинг таъбири, тимсоллар ташиган ахборотлардан иборат.

3. Фольклорнинг қайси бир жанри намунаси бўлмасин, унга туш мотиви, туш бадийи детали шунчаки киритилмайди. У албатта бирор-бир бадийи-эстетик вазифа бажаради. Ҳар бир мукамал бадийи туш баёни ўз анъанавий зачини, тугуни, воқеалар ривожига эгаки, таъбир унинг ечимини ифода-лаб, бутун асарнинг маълум бир эпизодлари ёки бутун асар давомида, «Гўрўғли» туркум дostonларида ҳатто туркум дostonлар сюжетида ўз тасдиғини топиб боради. Демак, бадийи туш семантикаси *туш баёни, таъбири ва бу таъбирнинг асар воқеаларидаги тасдиғидан* иборат.

4. Таъбир туш баёнидаги тимсоллар тилини оддий, сўзлашув тилига ўгиришдир. Тимсоллар тилини қай даражада би-лиши ва оддий тилга қандай ўгиришига қараб таъбирчилар оддий ва профессионал таъбирчиларга бўлинади. Туркий халқ шомонлигидаги каби дostonлардаги таъбирчилар аёл киши ҳам, эркак киши ҳам бўлиши мумкинки, кузатишлари-миз профессионал таъбирчилик тарихан шомонлик билан боғлиқлигини кўрсатади.

5. Ўзбек дostonларида профессионал таъбирчилар *куръ-аандоз, таъбирчи, жўриқчи*, таъбирлаш *жўриш, жўраш* деб юритилади. Бироқ барча фольклор намуналари каби таъбир-лар ҳам оғзаки анъанада жамоа томонидан яратилиб, авлод-дан-авлодга ўтиб барқарорлик касб этиб келган. Кейинчалик улар асосида ёзма таъбирномалар яратилган. Яратилиш дав-рига кўра таъбирлар тўпламларини исломгача ва ундан кей-ин жамланган таъбирномаларга бўлиш мумкин. Туркий тил-даги илк ва ягона ёзма таъбирнома «Ирқ битиги» бўлса, ис-ломдан сўнг тўпловчиси маълум ва номаълум бўлган жуда

кўплаб таъбирномалар яратилган. Бироқ оғзаки халқ таъбирларини ёзма таъбирномаларга қиёсий таҳлил қилсак, улар семантикасида фарқлардан кўра умумийликлар устуворлигини кўрамыз.

6. Ўзбек фольклори яхлит тимсоллар тизимиغا эга бўлишига қарамай, ҳар бир асар, мақол, топишмоқ, қўшиқ, эртак, дoston ва ҳоказолар таркибида ўзига хос қисқа ёки мукамал семантик маъно, тимсоллар миқдорига эга бўлади. Шу боис кўпинча оғзаки анъанадаги туш символлари талқини фольклордаги талқинлардан фарқ қилиши мумкин.

7. Ўзбек фольклоридаги энг мукамал бадий тушлар намуналари Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги «Алпомиш», Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Кунтуғмиш», Пўлкан шоирнинг «Гўрўғлининг туғилиши» дostonларида учрайди.

8. Мукамал бадий тушлар тимсолий образлар, деталларга бой бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос бадий-эстетик маъно ташийдди. Тушлар дoston аввалида ҳам, воқеалар ривожидида ҳам келиб, уларнинг асосий, таянч семантик маъноси қахрамонлар тақдирини аввалдан белгилаб беришидир. Тақдир эса азалу абад инсониятни ўйлантириб келган масаладир.

ХУЛОСА

Миллий ва умуминсоний қадриятлар таркибида ўзбек халқ оғзаки ижодининг алоҳида ўрни бор. Бугунга келиб кўпгина ижтимоий фан соҳаларида бўлганидек, ўзбек фольклоршунослигида ҳам ўрганилиши шарт бўлган бир қатор долзарб мавзулар илмий йўналишлар объектига айланди. Шундай мавзулардан бири ўзбек халқ оғзаки ижодидаги туш мотивидир. Ушбу монография биринчи марта ўзбек фольклоридаги туш ва унинг бадиияти махсус тадқиқ этилиб, иш якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Туш феноменал физиологик-руҳий ҳодиса бўлиб, унинг жаҳон халқлари фольклори, ёзма адабиётида ўз бадиий ифодасини топиши тарихий-фольклорий – адабий жараён ҳосиласидир. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида туш поэтикасининг жуда кам ўрганилгани, ўзбек фольклоршунослигида ҳали бу мавзуга қўл урилмагани учун биз мавжуд адабиётлардаги атамаларга таяниб тадқиқотимизда табиий туш учун – *туш, туш ҳодисаси*, ёзма адабиётдаги туш учун – *адабий туш*, фольклор асарларидаги тушлар учун, асарнинг қайси тур ва жанрга мансублигига қараб – *туш мотиви, туш образи, туш бадиий детал* атамаларини қўллашни лозим топдик.

2. Ибтидоий даврлардан XXI асргача кишиларнинг тушга муносабатида катта фарқлар сезилмайди. Бироқ турли мамлакатлар, турли халқлар тараққиётнинг турли даражасида

яшаётгани учун тушга муносабат тарихини шартли равишда таснифлаш мумкин:

а) *мифологик муносабат*. Анимистик тасаввурлар туш ҳодисаси ҳақидаги мифологик, анъанавий қарашлар асосидир. Мифологик тафаккурда қадимги аждодларимиз тушда кўрилган воқеанинг ҳақиқийлигига, албатта амалга ошишига қаттиқ ишонишган. Уни руҳлар, тириклар ва марҳумлар дунёси билан боғловчи ҳодиса деб тушунишган. Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичида яшаган барча уруғ-қабил вакиллари тушни инсон ухлаб ётганда жоннинг танадан чиқиб, турли жойларни айланиб кўриб келиши деб тушунишган, бу пайтда тана вақтинча ўлим ҳолатида бўлади деб англаган;

б) *анъанавий, диний муносабат*. Архаик динлар, жумладан, шомонлик, замонавий ислом дини тараққиёти билан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам тушга сирли ҳодиса сифатида қараш умумийлиги сақланиб қолган бўлса-да, Ғарбда тушнинг илоҳийлиги кўпгина олимлар томонидан инкор этилган. Қадимги шомонлик мавжуд бўлган барча халқларда шомон фаолияти ва маросимларида тушга алоҳида эътибор берилган. Улар ўз иқтидорини туш билан боғлашган. Туш ҳодисасининг таъбирчилигини шомонлик дунёқараши билан боғлаш ўринли.

Шарқда исломгача тушлар хосиятли ва хосиятсиз деб тасниф қилинган. «Ирқ битиги»даги туш таъбирларининг «бу яхши», «бу ёмон» хулосалари ана шуни ифодалаган. Бундай тасниф оддий халқ ўртасида ҳозиргача сақланиб қолган. Исломда тушларга алоҳида эътибор берилиб, улар вазифасига кўра раҳмоний ва шайтонийга бўлинган. Пайғамбарлар тушлари ваҳий ҳисобланган;

в) *профессонал, таъбирчилик муносабати*. Кузатишларимиз таъбирларсиз туш ҳодисасининг ҳам, туш мотивининг ҳам ҳеч қандай аҳамияти, маъноси бўлмаслигини кўрсатади. Шу боис туш мотиви учрайдиган ўзбек дostonларида таъбирчи

образи муҳим ўрин тутади. Шарқда яратилган «Ирқ битиги – Таъбирнома»да 65 та туш таъбири келтирилган. Таъбирлар диний ва анъанавий характерга эга бўла борган. Туш ва унинг таъбири диалектик бирликдаги ҳодисалардир. Шарқда таъбирчилик юксак профессионал даражасига кўтарилган. Ибн Ҳалдун, Имом Фаззолий, Жалолиддин Румий ва бошқа кўплаб мутасаввиф алломаларнинг асарларидаги туш ҳақидаги қарашларни дастлабки илмий талқинлар сифатида баҳолаш мумкин. Қадимги профессионал туш таъбирчилари ўзлари билмаган ҳолда руҳий таҳлил методидан жуда унумли фойдаланганлар. Шу боис уларнинг усулини содда руҳий таҳлил методи, уларнинг ўзини шу методнинг илк асосчилари дейиш мумкин;

г) *илмий муносабат*. Фарбда туш ҳодисасини махсус ўрганган З.Фрейд тушда инсоннинг болаликдан сақланиб қолган пинҳоний майллари устуворлик қилади деб бадий ижодда янги руҳий таҳлил методига асос солди. Унинг издошлари К.Г.Юнгнинг тушни оммавий онг ости ҳиссиётлари, Э.Фроммнинг ташқи дунё рамзлари сифатида талқин қилишлари бу методни янада бойитди. Уларнинг таълимотлари бадий асарлар талқинида ҳам исботлаб, асослаб берилдики, бу туш ҳодисасига филологик, фольклористик муносабатга, оғзаки ижодда туш поэтикасини ўрганишга замин яратди.

3. Жаҳон фольклоршунослиги мактаблари ва методлари орасида XX асрда шаклланиб бўлган психоаналитик мактаб вакиллари ва улар яратган руҳий таҳлил методи ўзига хос ўрин тутади. Бу мактаб вакиллари тушларни илмий жиҳатдан ўргандилар, ўз назарияларини амалиётда исботлаб бердилар. Классик мифларни ва тушни инсоннинг англолмаган онг ости ҳислари, руҳияти ифодаси сифатида баҳоладилар.

4. Психоаналитик мактаб вакиллари биринчи марта мифни замонавий одам билан биргаликда ўргана бошладилар. Мифлар ўтмиш мероси эмас, балки бугуннинг ҳам меваси эканини аниқладилар. Уларнинг талқинича, туш замонавий

одамнинг мифидир. Бу мактабнинг улкан кашфиётларидан бири шундаки, унда инсон руҳиятида ибтидоий даврда ҳам, бугун ҳам мавжуд бўлган эзгулик ва ёвузлик ҳислари миф ва тушларда турли рамзлар сифатида намоён бўлишини илмий асослаб бердилар. Ҳақиқатан ҳам, бутун ўзбек фольклорининг моҳиятини қисқача эзгулик ва ёвузликнинг кураши, пировардида эзгуликнинг ғалабасига ишончнинг бадий ифодаси деб баҳолаш мумкин.

5. Туш ҳодисасига муносабатлар тарихини кузатар эканмиз, бу тарих, энг аввало, мифлар ва маросимлар билан боғлиқлигини кўрамиз. Қадимги одамлар туш билан мифни ажратишмаган. Туш ҳодисасига мифлардан сўнг энг яқин турадигани маросимлардир. Аниқроғи, кўрилган туш учун уюштириладиган анъанавий тадбирлар. Эпик ижодда маросимлар батафсил тасвирланмай, уларнинг муҳим нуқталари қайд этилади, холос.

Туш ва маросим муносабатларининг рудиментлари халқимиз майший турмушида ҳозиргача ҳам учрайди. Яхши ёки ёмон туш кўрилса, ис чиқарилиши, садақа берилиши, тушнинг маросим билан чамбарчас боғлиқлигига ёрқин мисол бўлувчи никоҳ тўйларидаги «кампир ўлди» одати фикримизнинг далилидир.

6. Фольклоршунослиқда оғзаки ижод учун ёзма адабиётдагидек психологик тасвирлар, инсон руҳидаги кечинмаларни чуқур ва ҳар томонлама ёритиш хос эмас деган қараш мавжуд. Бу ташқи жиҳатдан тўғри. Фольклор асарларининг сийрат маънолари эса инсоннинг руҳий кечинмалари кодлашган тарзда ифоланганини кўрсатади. Бунинг ёрқин мисоли туш мотиви поэтикаси устидаги кузатишларимиздир. Туш мотиви ўзбек фольклорининг барча жанри намуналарида мавжуд.

Ўзбек халқ лирик кўшиқларида туш бадий детали жуда кам учрайди. Бироқ туш мотиви мавжуд намуналарда ўзига хос рамзлар, халқнинг туш ҳақидаги қарашлари, таъбирлари

ўз бадий ифодасини топган. Жумладан, уларда тушда кўрилган қуш – хабар, чой ичиш – висол, ича олмаслик – айрилиқ, сув ва унинг атрибутлари – севги, от – мурод, узук – никоҳ, фарзанд рамзлари бўлиб келади.

Миф, туш ва қўшиққа хос умумий хусусиятлардан бири – уларнинг оддий мантиқ қонунларига бўйсунмаслигидир. Мифлар ва тушларда рамзлар ҳақиқат деб тушунилса, лирик қўшиқларда поэтик кўчимлар деб қабул қилинади. Умуман олганда, ўзбек халқ қўшиқларидаги кўплаб поэтик образларнинг тарихий асосида туш ва у ҳақдаги мифологик тасаввурлар ётади.

7. Туш қадимий, доимий, умуминсоний ҳодиса, топишмоқ тарихий асослари ибтидоий даврлар билан боғлиқ фольклор жанри бўлганлиги учун улар ўртасида генетик алоқадорлик, умумий ва фарқли жиҳатлар мавжуд:

а) туш – доимий ҳодиса, топишмоқ мифологик тафаккур мевасидан поэтик тафаккур ҳосиласига айланган, аммо қадимий тасаввурлар рудиментлари сақланиб қолган фольклор жанри; б) моҳиятига кўра туш таъбири ва топишмоқ жавоби семантик умумийликка эга; в) топишмоқларнинг туш шаклидаги ифодалари халқ дostonлари таркибида кўп учрайди ва муҳим бадий-эстетик вазифалар бажариб келади.

8. Туш мотиви ўзбек фольклорининг барча жанр намуналарида учраса-да, унинг эртак ва дostonлардаги сюжет таркиби, композицион қурилишидаги ўрни, бадий-эстетик вазифалари тадқиқи бу мотивнинг анъанавий типик характерга эга бўлганини, эпик турнинг тарихий асослари, ривож ва поэтикасида муҳим ўрин тутганлиги, ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисага айланиб бориши йўлини аниқлашга катта имконлар беради.

Эртак жанрида туш мотиви қуйидаги бадий-эстетик вазифаларни бажаради:

– эртак зачинида келиб, эртак сюжетининг ўзагини ташкил

этади. Қаҳрамон тақдирини аввалдан рамзлар воситасида белгилаб беради ва халқнинг туш – инсон тақдири тўғрисидаги сирли хабар эканлиги ҳақидаги тасавурларини бадий ифодалаб келади. Бу тип эртақларда тушнинг диалектик бирлиги бўлган таъбирчилик маданияти, тартиб-қоидалари, ирим, табуларининг баёни, таъбирчи образининг иштироки ҳам ўзига хосдир;

– ўзбек фольклорида типик таъбирчи образи асосан туш мотиви фаол вазифа бажарадиган эртақ ва дostonларда учрайди. Улар не-не донолар таъбир қилолмаган туш рамзларини жуда яхши билишади, таъбирнинг барча қоидаларига амал қилишади ва еча олишади. Бу образнинг ҳаётдаги тарихий асослари бевосита шомонлик ва у орқали мифология билан боғланади. Психоаналитик таҳлил тили билан айтганда, улар онг ости кечинмаларини «ўқий оладиган» кишиларнинг фольклордаги образидир. Бу тип эртақларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларда баъзан тушдаги ҳодиса, ҳолатлар реал воқелик билан уйғунлашиб кетади;

– эртақ сюжетининг маълум бир ҳалқаларини боғловчи туш мотивлари. Бу тип эртақларда туш мотиви эртақ воқеалари баёни ривожда ёки сўнгида келиб, қаҳрамон тушига кирган мифологик образлар бирор-бир ғайритабiiй куч ёки ҳомий руҳ уни хавф-хатардан огоҳ қилиб, қутулиш чораларини ўргатади. Эртақларда, жуда кам бўлса-да, қаҳрамоннинг ўз бошидан кечирганларини туши сифатида баён этиши учраб туради ва бу вақтинча сир тутиш мотиви билан боғланади.

9. Мотив эртақ ва асарлар сюжети ҳамда композициясида асосий ўрин тутаяди. Туш мотиви кўпинча фарзандсизлик, улғайиш, синов, сафар, шарт, уйланиш, уйга қайтиш, тўй мотивлари билан боғлиқ ҳолда келади.

10. Дostonларда туш мотивига улкан бадий-эстетик вазифа юкланади. Туш қаҳрамонлар тақдирини аввалдан башорат қилиб беради. Дostonлардаги туш мотивини вазифасига кўра барқарор ва барқарор бўлмаган мотивлар дейиш мумкин. Ба-

рқарор бўлмаган мотивларни тушириб қолдириш ёки алмаштириш билан асар моҳиятига жиддий путур етмайди.

11. Худди эртақлардаги каби дostonларда ҳам туш мотиви бошқа мотивлар билан алоқадорликда, асар зачини, воқеалар ривожи, якунида келиши мумкин. Бироқ дostonлардаги туш мотиви халқнинг эътиқодий қарашлари, рамзлар орқали қахрамонлар руҳий ҳолати, тақдирини теран талқин қилиши, юксак бадий-эстетик завқи, одатда, шеърини йўлда баён этилиши билан ажралиб туради. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида икки кишининг бир хил мазмундаги туш кўриши ҳам ўзбек дostonларидаги ноёб ҳодисадир.

12. Дoston сюжети ва композицион қурилишига кўра туш мотивлари икки типдан иборат бўлади: а) асар давомида ўз тасдиғини топиб борувчи, қахрамонлар ҳаёти ва тақдирини башорат қилувчи; б) сюжет халқаларининг маълум бир қисmlарини бирлаштирувчи, қахрамонлар ҳаётининг маълум бир даврига тааллуқли тушлар.

13. Қахрамонлик дostonларидаги туш мотиви фарзандсизлик – илоҳий туғилиш – улғайиш (биринчи синов – инициация) – сафар – синов – тутқунлик – қайтиш – тўй мотивлари билан уйғунликда, аниқроғи, ритмик яхлитликда, рамзий тарзда қахрамоннинг мифологик кўринишидан маданий ифодасигача бўлган ҳар икки («ўз ва ўзга») дунёдаги бутун ҳаётини бадий ифода этади.

Дostonлардаги бадий туш ва эпик воқеликдаги шароб деталлари мумтоз адабиётимиздаги май образлари каби рамзийдир. У қахрамонни руҳлар дунёси (учрашув), марҳумлар дунёси (тутқунлик) билан боғлайди. Сафар ва синов, қайтиш мотивларини келтириб чиқаради. Қахрамоннинг сархушлиги тарихий асосларига кўра бевосита шомон маросимлари билан боғлиқдир. Шу сабаб дostonлардаги хизмат қосасидаги шаробни бош қахрамонгина ичишга журъат эта олади.

14. Туш ҳодисаси, адабий туш, туш мотиви – барчасининг

тили битта – рамзлар тили. Ибтидоий инсонлар тили рамзлар тили бўлиб, тимсоллар ҳозирги адабиётшунослиқда поэтик кўчим деб билинса, қадимги аждодларимиз учун улар ташқи дунёнинг ўз ички дунёсидаги акси бўлган.

Фольклордаги бадиий туш ёки туш мотиви семантикаси, аввало, таъбирчи (тадқиқотчи)нинг тушдаги тимсолларни қандай тушуниши, уни қандай таркибий қисмларга ажратиб талқин қилишига боғлиқ. Туш ҳодисаси ва бадиий тушнинг ҳар иккаласи тимсоллардан иборат бўлса-да, улар ўртасида фарқлар ҳам мавжуд. Бу фарқларнинг энг муҳими реал туш руҳий-физиологик, бадиий туш бадиий-эстетик ҳодисалигидадир.

15. Таъбирлар туш семантикасининг калити бўлиб, дostonларда таъбирчилар *қуръаандоз*, *таъбирчи*, *жўриқчи* дейилади ва уларнинг таъбирлари, одатда, бошлама, тушдаги рамзлар талқини, ижобий ёки салбий хулосадан ташкил топади. Таъбирларсиз тушнинг ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳеч қандай маъноси, аҳамияти йўқ. Туш мотиви деталі келадиган кўпгина фольклор намуналарида сирт маънода таъбир бўлмасда, тагмаънода, асарнинг умумий мазмунида мавжуд бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқотимиз ноэстетик ҳодисаларнинг фольклорда эстетик ҳодисага айланиши туш мисолида *туш – миф – таъбир*, *маросим – бадиий мотив (деталь)* сифатида намоён бўлишини, турли бадиий-эстетик вазифаларни бажаришини кўрсатди. Ўзбек фольклоридаги туш мотивининг аҳамияти туркий халқлар фольклорига қиёсан, ҳар бир жанр мисолида, фалсафа, этнография, ёзма адабиёт нуқтаи назаридан янада кенгроқ ўрганилиши мумкинлиги ва зарур эканини кўрсатади.

Ўзбек фольклоридаги туш мотивини ўрганиш, унинг халқ оғзаки ижодидаги поэтик вазифасини ёритиш фольклор асарлари мазмун-моҳиятини, ғоясини кенг очиб беришга, халқимизнинг руҳий дунёси, маънавияти, бадиий тафаккур тарзини теран англаб, идрок этишга муносиб ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 6-жилд. – 429 б.
2. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 480 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

II. Манбалар

5. Авазхон. Достон / Айтувчи Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан // Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик / Нашрга тайёрловчилар Муҳаммаднор Саидов, Зубайда Хусаинова // Гулнор пари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.301 – 375.
6. Авазхон. Хоразм достони / Айтувчи Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши). Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов // Авазхон. – Тошкент: Фан, 1970. – Б.51 – 80.
7. Авазхон / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.399 – 432.
8. Авазнинг арази. Достон // Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик /

Айтувчи Бекмурод Жўрабой ўғли. Ёзиб олувчи М.Афзалов // Гулихиромон. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. – Б.5 –122.

9. Авазнинг Ваёнгонга кетиши / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.195 – 209.

10. Аваз Гатирган (Оғзаки вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. Тўртинчи китоб. – Б.220 – 264.

11. Авазнинг келтирилиши (Оғзаки вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.289 – 310.

12. Аваз уйланган / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.99 – 122.

13. Алпомиш. Дoston. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.

14. Алпомиш. Дoston. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли / Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – 827 б.

15. Алпомиш. Дoston. Айтувчи Омон Шоир Раззоқов (Наманган) / Ёзиб олувчи О.Холмирзаев. Кўлёзма. ЗЎФА. Инв. №943. – 72 б.

16. Алпомиш. Дoston. Айтувчи Берди бахши (Бердиёр Примкул ўғли) / Ёзиб олувчи А.Алавий. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 120 б.

17. Алпомиш. Дoston / Айтувчи Саидмурод Паноҳ ўғли. Ёзиб олувчи Ш.Муродов. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев // Алпомиш. Ёдгор. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – 176 б.

18. Алпомиш. Дoston / Айтувчи Бекмурод Жўрабой ўғли. Ёзиб олувчи М.Афзалов. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – 220 б.

19. Алпомиш. Достон / Айтувчи Хушбоқ Мардонкул ўгли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Т.Турдиев. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 208 б.

20. Араб Райҳон / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.74 – 98.

21. Араб танған / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.123 – 162.

22. Асил ва Карам / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2006. II китоб. – Б.254 – 297.

23. Асрларга тенгдош кўшиқлар. Урф-одат ва маросим кўшиқлари / Нашрга тайёрловчилар Ж.Эшонкулов, И.Абдурахмонов. – Тошкент, 1991. – 124 б.

24. Афсоналар / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.310 – 312.

25. Балогардон. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўгли. Ёзиб олувчи Б.Каримов. Нашрга тайёрловчилар Б.Каримов, Т.Ашуров // Балогардон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.5 – 98.

26. Бир бор экан. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Меҳнат, 1995. – 256 б.

27. Боболардан қолган нақллар / Ёзиб олувчи Раҳматулла Юсуф ўгли. Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари М.Жўраев, У.Сатторов. – Тошкент: Фан, 1998. – 128 б.

28. Бозиргон (Китобий вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.121 – 148.

29. Бозиргон / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.354 – 398.

30. Булбулигўё / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, К.Имомов // Олтин бешик. Эртақлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.31–44.

31. Бўтакўз. Достон / Айтувчи Усмон Маматкул ўғли. Ёзиб олувчи С.Иброҳимов. Нашрга тайёрловчи Т.Ашуров // Балгардон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.169–230.

32. Гул ва Санобар / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, А.Ахмедов // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2008. III китоб. – Б.231–322.

33. Гул пари. Наманган эртақлари / Тўпловчи Т.Ғозибоев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969. – 376 б.

34. Гулихиромон. Достон / Ёзиб олувчи С.Асқаров. Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, С.Асқаров // Гулихиромон. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. – Б.123–390.

35. Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 252 б.

36. Гулнор пари. Достон / Айтувчи Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчилар М.Саидов, З.Хусаинова // Гулнор пари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.67–300.

37. Гўрўғлининг Дарбандга кетиши // Гўрўғли. Хоразм достонлари / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.433–444.

38. Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. – 328 б.

39. Гўрўғлининг туғилиши. Тўрт жилдлик / Айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев, З.Хусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. 1-жилд. – 208 б.

40. Гўрўғлининг туғилиши / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.17–57.

41. Гўрўғлининг ўлими / Айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев // Гўрўғли. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.409–428.

42. Гўрўглининг ўлими / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўгли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.444 – 466.

43. Гўрўгли. Хоразм дostonлари / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова. – Урганч: Хоразм, 2004. – 480 б.

44. Гулихиромон. Дoston / Айтувчи Ислом шоир назар ўгли. Ёзиб олувчи С.Асқаров. Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, С.Асқаров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – 392 б.

45. Давлатмирза / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хўсаинова, Т.Мирзаев // Олтин олма. Ўзбек халқ эртаклари. – Ташкент: Бадиий адабиёт, 1966. – Б.23 – 25.

46. Жорхун мастон. Дoston / Айтувчи Қодир Раҳимов. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев, А.Эргашев // Нурали. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.45 – 117.

47. Ибратли туш / Айтувчи Нурали Нурмат ўгли. Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев, З.Хўсаинова // Лукмони Ҳаким. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 174 – 176.

48. Ипак йўли афсоналари / Тузувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1993. – 128 б.

49. Лайли ва Мажнун / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, А.Ахмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2008. III китоб. – Б.186 – 230.

50. Кампир / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўгли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.209 – 258.

51. Кунтуғмиш. Дoston / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўгли. Ёзиб олувчи И.Эрназар ўгли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 384 б.

52. Кунтуғмиш. Дoston / Айтувчи Алим бахши Ҳаққул ўгли. Ёзиб олувчи С.Асқаров, А.Турсунқулов. 1997 йил Самарқанд вилояти Иштихон туманида ёзиб олинган. Қўлёзма. Инв. №929.

53. Малика Айёр. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи М.Эрназар ўғли. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 336 б.

54. Маликаи Ҳуснобод / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хусаинова, Т.Мирзаев // Олтин олма. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. – Б.89 – 98.

55. Маликаи Бирмисқол / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, К.Имомов // Олтин бешик. Эртаклар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б. 82 – 85.

56. Маликаи Дилором / Нашрга тайёрловчилар С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Аҳмедов // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2006. I китоб. – Б.313 – 338.

57. Маликаи Завриё / Нашрга тайёрловчилар С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Аҳмедов // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2006. I китоб. – Б.263 – 312.

58. Манас. Сағымбай Оразбак уулунун варианты боюнча / Басмага даярдап, создугун тузгондер К.Қырбашев, Ж.Мусаева, Р.Сарыпбеков, О. Сооронов. – Фрунзе: Кыргызстан, 1978. I китеп. – 296 б.

59. Манас. Сағымбай Оразбак уулунун варианты боюнча / Басмага даярдап, создугун тузгондер К.Қырбашев, Ж.Мусаева, Р.Сарыпбеков, О.Сооронов. – Фрунзе: Кыргызстан, 1980. II китеп. – 286 б.

60. Машриқо. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Б.Каримов. Нашрга тайёрловчи З.Хусаинова // Малика Айёр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.210 – 280.

61. Мисқол пари. Достон / Айтувчи: Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчилар М.Саидов, З.Хусаинова // Гулнор пари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.5 – 66.

62. Муродхон. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, Ҳ.Расул // Муродхон. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. – Б.5 – 218.

63. Мурқумомо / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Ху-

саинова // Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. I жилд. – Б.104 – 108.

64. Мусофирбек // Ўзбек халқ эртаги. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. II жилд. – Б.293 – 307.

65. Нуралининг ёшлиги. Достон / Айтувчи Бозор Омонов. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев // Нурали. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.5 – 44.

66. Одилбек билан Хуррамбек / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, К.Имомов // Олтин бешик. Эртаklar. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.119 – 125.

67. Ожиза. Шеър ва достонлар. – Тошкент, 2003. – 90 б.

68. Озодчеҳра // Олтин олма. Ўзбек халқ эртаклари / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хусаинова, Т.Мирзаев. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – Б.76 – 88.

69. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 160 б.

70. Ойсулув. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Ҳ.Зариф // Ойсулув. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.7 – 23.

71. Ойчинор / Айтувчи Қодир Раҳимов. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Қаҳҳоров // Ойсулув. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.24 – 128.

72. Олтин бешик. Эртаklar / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, К.Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 256 б.

73. Олтин олма. Ўзбек халқ эртаклари / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хусаинова, Т.Мирзаев. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – 310 б.

74. Остонаси тиллодан. Тўй кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.25.

75. Ошиқ Албанд / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев // Ошиқнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2006. II китоб. – Б.139 – 206.

76. Ошиқ Албанд. Хоразм достони. Қўлёзма. Фолклор архиви. Инв №1432 / Айтувчи Жуманиёз Юсупов. Ёзиб олувчи Ф.Султонова. 1957 йил ёзиб олинган. 42 бет машинкада кўчирилган.

77. Ошиқ Маҳмуд (оғзаки вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.107 – 121.

78. Ошиқ Маҳмуд. Хоразм достони / Айтувчи Маҳмуджон Юсупов. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов. – Тошкент: Фан, 1970. – 80 б.

79. Ошиқнома. Хоразм дostonлари / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшжонова. – Урганч: Хоразм, 2006. – 453 б.

80. Ошиқ Нажиб (китобий вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.73 – 107.

81. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2006. II китоб. – Б.12 – 138.

82. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам (оғзаки варианты) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.10 – 31.

83. Ошиқ Ғариб ва Ҳилола (китобий вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.31 – 73.

84. «Ошиқ» туркуми дostonларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари / Тузувчи С.Рўзимбоев. – Урганч: Хоразм, 1987. – 62 б.

85. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари / Тўпловчи М.Алавия. – Тошкент: Фан, 1972. – 232 б.

86. Оға Юнуснинг олиб қочилиши. Дoston / Айтувчи Ҳазратқул Худойбердиев. Ёзиб олувчи С.Асқаров. Нашрга тайёр-

ловчилар С.Асқаров, Т.Мирзаев // Малика Айёр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.282 – 336.

87. Равшан / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Ҳ.Зариф // Эргаш Жуманбулбул ўғли. Икки жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. I жилд. – Б.51– 222.

88. Ройи Чин // Нашрга тайёрловчилар С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Аҳмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2006. I китоб. – Б.156–169.

89. Рустамхон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. – М.: Наука, 1972. – 331с.

90. Рустамзод ва Шерзод / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова // Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. II жилд. – Б.59–73.

91. Сайёд ва Ҳамро / Нашрга тайёрловчилар С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Аҳмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2006. I китоб. – Б.9– 102.

92. Сафар маҳрам / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.328 – 354.

93. Сирли туш / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова // Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. I жилд. – Б.6 – 12.

94. Сув қизи / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Сабуров // Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – 328 б.

95. Сусамбил / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова // Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. II жилд. – Б.8 – 16.

96. Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.368.

97. Тулумхўжа. Достон / Нашрга тайёрловчилар М.Жўра-

ев, Ҳ.Эшчонов. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 116 б.

98. Тухмат ташлаган / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.259 – 273.

99. Тўй муборак: Ёр-ёр / Нашрга тайёрловчи Охунжон Сафаров. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 160 б.

100. Тўлғоний / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Фулом Каримов. Нашрга тайёрловчи З.Хусаинова // Ойсулув. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.129 – 171.

101. Улуғ ой умидлари / Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Жўраев. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2001. – 94 б.

102. Хандон ботир / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.312 – 328.

103. Хирмондали / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.273 – 312.

104. Хирмон Дали (китобий вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.148 – 172.

105. Хирмондали (оғзаки вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.264 – 289.

106. Хирмон пари / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2006. II китоб. – Б.298 – 342.

107. Хурлиқо ва Ҳамро / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, А.Ахмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2008. III китоб. – Б.262 – 322.

108. Шаҳриёр / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2006. II китоб. – Б.343 – 431.

109. Шохдорхон. Достон / Айтувчи Усмон Маматкул ўғли. Ёзиб олувчи М.Афзалов. Нашрга тайёрловчи Т.Ашуров // Ба-логардон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.99 –168.

110. Эдиго / Нашрга тайёрловчилар С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эш-чонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Ахмедов // Ошиқнома. Хоразм дос-тонлари. – Урганч: Хоразм, 2006. I китоб. – 400 б.

111. Эрали ва Шерали. Достон / Айтувчи Ислон Назар ўғли. Ёзиб олувчи Г.М.Минсафин. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 288 б.

112. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Булбул тароналари. Беш томлик. – Тошкент: Фан, 1971. I том. – Б. 175 – 176.

113. Эр кенжа / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Ху-саинова // Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. I жилд. – Б.57 – 68.

114. Эрҳасан (Оғзаки вариант) / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2009. IV китоб. – Б.172 – 220.

115. Юнус пари / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.57 – 74.

116. Юсуф ва Аҳмад / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбо-ев, А.Ахмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2008. III китоб. – Б.9 – 185.

117. Якка Аҳмад. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли // Булбул тароналари. –Тошкент: Фан, 1971. I жилд. – Б.65 – 170.

118. Хон билан камбағал деҳқон / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Хусаинова, Т.Мирзаев // Олтин олма. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. – Б.268 – 273.

119. Холбека (Кунтуғмиш). Достон / Айтувчи Ислон шоир Назар ўғли. Ёзиб олувчи Азё Йўлдошева. 1952 йил Самарқ-андда Нуротада ёзиб олинган. Қўлёзма. Инв. №1142. Жами 126 бет. 4 бўлимдан иборат.

120. Холдорхон. Достон. Ўзбек халқ ижоди / Айтувчи Эр-

гаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчилар Ҳоди Зариф, Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зариф. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 440 б.

121. Хоразм ривоят, нақл ва эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005. – 110 б.

122. Хуршидой / Айтувчи Муҳаммадкул Жомурод ўғли Пўлкан. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов // Ойсулув. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.172 – 213.

123. Юсуф ва Аҳмад. Достон / Айтувчилар Муҳаммад Жомурод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 400 б.

124. Қирон ака / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова // Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. I жилд. – Б.53 – 57.

125. Қирқ минглар / Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова // Гўрўғли. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б.162 – 194.

126. Қундуз билан Юлдуз. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли // Эргаш Жуманбулбул ўғли. Икки жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. I жилд. – 448 б.

127. Фуломбачча // Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. II жилд. – Б.310 – 318.

128. Ўзбек топишмоқлари. Узбекские загадки / Тузувчи, таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Абдурахимов – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

129. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар М.И.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. I жилд. – 256 б.

130. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар М.И.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. II жилд. – 320 б.

131. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 258 б.

132. Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 512 б.

133. Ҳаким балиқчининг ўғли / Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Ҳусайнова // Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. I жилд. – Б.32 – 38.

134. Ҳурлиқо ва Ҳамро / Нашрга тайёрловчилар С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Аҳмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2006. I китоб. – Б.102–169.

III. Алоҳида нашрлар, монографиялар, дарсликлар

135. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. IV том. – 560 б.

136. Абу Муслим жангномаси. Иккинчи китоб / Нашрга тайёрловчи Б.Саримсоқов. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. –144 б.

137.Абулғози. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон,1992. – 192 б.

138. Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1984. – 187 с.

139. Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1980. – 318 с.

140. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр // Мукамал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1992. X том. – 448 б.

141. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр // Мукамал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1993. XI том. – 440 б.

142. Адлер А. Сны и их толкование // Практика и теория индивидуальной психологии. – М., 1995. – С.237 – 254.

143. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1959. – 215 б.

144. Акрамов Ф. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати // Ўзбек фольклорининг эпик жанрла-

ри. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.149 – 157.

145. Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л.: Просвещение, 1983. – 416 с.

146. Аникин В.П. Русский фольклор. – М.: Высшая школа, 1987. – 286 с.

147. Анисимов Л.Ф. Космологическое представления народов севера. – М.-Л.: Наука, 1959. – 120 с.

148. Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л.: Госиздат, 1924. – 264 с.

149. Арасту. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.

150. Архаический ритуал в фольклорных и раннелитературных памятниках. – М.: Наука, 1988. – 332 с.

151. Афанасьев А. Славянская мифология. – М.: Эксмо, 2008. – 1520 с.

152. Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – 120 б.

153. Басилов В.Н. Избранники духов. – М.: ИПЛ, 1984. – 208 с.

154. Басилов В.Н. К вопросу о генезисе образе Коркут ота. – М.: Наука, 1964. – С.9.

155. Бахтин М. Эпос и роман. – СПб.: Азбука, 2000. – 304 с.

156. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 208 б.

157. Биноий. Тушлар таъбири. – Тошкент: Халқ мероси, 1996. – 96 б.

158. Борхес Х.Л. Сочинения в трех томах. – М.: Радуга, 1994. Т.1. – 318 с.

159. Бўтаев Ш., Ирискулов А. Инглизча – ўзбекча, ўзбекча – инглизча луғат. – Тошкент: Фан, 2008. – 848 б.

160. Валихонов Ч. Избранные произведения. – М.: Наука, 1987. – 274 с.

161. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.

162. Голосовкер Я.Э. Логика мифа. – М.: Наука, 1987. – 218 с.
163. Гомер. Одиссея / Перевод с древнегреческого В.Жуковського. – М.: Правда, 1985. – 320 с.
164. Гринцер П.А. Эпос древнего мира // Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. – М.: Наука, 1971. – С.134 – 205.
165. Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. – М.: Наука, 1974. – 420 с.
166. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – 504 с.
167. Данте. Илохий комедия / Рус тилидан Абдулла Орипов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 256 б.
168. Джан Ш. Мевляна Джалалиддин Руми. Жизнь, личность, мысли. – М.: Диля, 2008. – 432 с.
169. Джойс Дж. Улисс. – М.: Эксмо, 2009. – 928 с.
170. Диваев А.А. Легенды, былины, демонологические рассказы, приметы и пословицы туземного населения Сырдарьинской области // Этнографические материалы. – Ташкент, 1896. Вып.2. Т.14. – С.15 – 17.
171. Диваев А.А. О просихождения албасти, жина и дива (народные легенды) // Этнографические материалы. Вып.2. Т.14. – Ташкент, 1894. – С.15 – 17.
172. Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – 342 с.
173. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
174. Дьяконов И.М. Эпос о Гильгамеше // Эпос о «Гильгамеше». – М.: Наука, 1961. – С.91 – 143.
175. Дьяконова В.П. Отражения погребального обряда тувинцев в фольклоре // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1974. – С.265 – 282.
176. Еремина В.И. Ритуал и фольклор. – Л.: Наука, 1991. – 208 с.
177. Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. – Тошкент: Фан, 1994. – 186 б.

178. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005. – 162 б.
179. Жалолиддин Румий. Маънавийи маснавий. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 368 б.
180. Жалолиддин Румий. Маънавийи маснавий. – Тошкент: Фан, 1999. I жилд. – Б.65 – 75.
181. Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1971. – 155 б.
182. Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 124 б.
183. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Художественная литература, 1947. – 520 с.
184. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – 728 с.
185. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение (Восток и Запад). – Л.: Наука, 1979. – 496 с.
186. Жирмунский В.М. Легенда о призвании певца // Сравнительное литературоведение (Восток и Запад). – Л.: Наука, 1979. – С.397 – 407.
187. Жирмунский В.М. Теория литературы: поэтика, стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.
188. Жирмунский В.М. К вопросу об эпитете // Теория литературы: поэтика, стилистика. – Л.: Наука, 1977. – С.355 – 361.
189. Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 120 б.
190. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1995. – 144 б.
191. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.
192. Жўраев М. Ўзбек самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1996. – 108 б.
193. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – 136 б.

194. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2009. – 192 б.
195. Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 126 б.
196. Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дарахти. – Тошкент: Фан, 2010. – 64 б.
197. Жўраев Т. Онг оқими – модерн. – Фарғона: Фарғона, 2009. – 204 б.
198. Зарифов Ҳ.Т. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.34 – 42.
199. Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамиш» // Об эпосе «Алпамиш». – Ташкент: Фан, 1959. – С.6 – 25.
200. Зарифов Ҳ.Т. Фозил шоир – машҳур дostonчи // Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.5 – 29.
201. Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.65 – 89.
202. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б.
203. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 288 б.
204. Зеленин Д. Восточнославянская этнография. – М.: Наука, 1991. – 511 с.
205. Земан. Миф о сне // Тайна сна. – Харьков: ШВН, 1995. – С.5 – 29.
206. Золотарёв А.М. Родовой строй первобытная мифология. – М.: Наука, 1964. – 328 с.
207. Иванов В.В., Топоров В.Н. Исследования в области славянских древностей. – М.: Наука, 1974. – 344 с.

208. Илларионов В.В. Искусство якутских олонхоустов. – Якутск: Университет, 1982. – 172 с.

209. Имомов К. Достонларда эртақ мотивлари // Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.97 – 99.

210. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 102 б.

211. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2009. – 252 б.

212. Инжил. – Стокгольм: Библияни таржима қилиш институти, 1992. – 296 б.

213. Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимий ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.47 – 61.

214. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1978. – 144 б.

215. История, культура, языки народов Востока. – М.: Наука, 1970, – 243 с.

216. Лазутин С.Г. Поэтика русского фольклора. – М.: Высшая школа, 1989. – 208 с.

217. Леман. Магия сна // Тайна сна. – Харьков: ШВН, 1995. – С.30 – 87.

218. Лобачева Н.П. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.302 – 320.

219. Лорд Альберт. Сказитель. – М.: Восточная литература, 1994. – 368 с.

220. Камю А. Бунтующий человек. – М.: Политическая литература, 1990. – 415 с.

221. Кафка Ф. Замок. Мастера современной прозы. – М.: Радуга, 1989. – 576 с.

222. Короглы Х.Г. Огузский эпос // Типология народного эпоса. – М.: Наука, 1975. – С.64 – 81.

223. Короглы Х.Г. Трансформация заимствованного сюжета // Фольклор: поэтическая система. – М.: Наука, 1977. – С.106 – 125.

224. Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – М.: Высшая школа, 1983. – 448 с.

225. Мадраҳимова Н. Халқ дostonчилигида иккитиллилик анъаналари. – Тошкент, 2003. – 44 б.

226. Майногашева В.Е. О традиционном бытовании хакасского героического эпоса – Алыптых ныхмах // Учен. зап. Хакасского НИИ ЯЛИ. Сер. филол. Вып. XIV. – Абакан, 1970. – С.110.

227. Манн Т. Иосиф и его братья. – М.: Правда, 1991. Т.1. – 720 с.

228. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1960. Т.III. – 427 б.

229. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Восточная литература, 1976. – 408 с.

230. Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М.: Наука, 1958. – 264 с.

231. Мелетинский Е.М. «Эдда» и ранние формы эпоса. – М.: Наука, 1968. – 366 с.

232. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 152 б.

233. Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968. – 168 б.

234. Мирзаев Т. «Алпомиш» қаҳрамонлик эпоси ва ўзбек дostonлари // Алпомиш. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.7 – 49.

235. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008. – 410 с.

236. Мирзаев Т. Пўлкан ҳақида сўз // Пўлкан шоир. – Тошкент: 1976. – Б.5 – 9.

237. Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. – Тошкент: Фан, 1996. – 728 б.

238. Мировая художественная культура. XX век литература. – СПб.: Питер, 2008. – 464 с.

239. Мифы народов мира. В двух томах. – М.: Советская энциклопедия, 1991. Т.1. – 672 с.

240. Мифы народов мира. В двух томах. – М.: Советская энциклопедия, 1992. Т.2. – 720 с.

241. Молдабаев И.Б. Эпос «Манас» как источник изучения духовной культуры кыргызского народа. – Фрунзе: Илим, 1989. – 152 с.

242. Монголо-ойротский эпос. – М.: Госиздат, 1923. – 176 с.

243. Муродов М. Пўлкан шоир репертуарида «Гўрўғли» достонининг ўрни // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.25–33.

244. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – 168 б.

245. Невелева С.Л. Махабхарата. Изучение древнеиндийского эпоса. – М.: Наука, 1991. – 228 с.

246. Никитина Н.И. Древняя корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом. – М.: Наука, 1982. – 328 с.

247. Новиков Н.В. Образы восточнославянской волшебной сказки. – Л.: Наука, 1974. – 256 с.

248. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. II китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.

249. Об эпосе «Алпамыш». Материалы по обсуждению эпоса «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – 216 с.

250. Обрядовая поэзия Саха (Якутов). Памятники фольклора народов Сибири и Дальнего Востока / Составления и подготовка якутских текстов Н.А.Алексеева, П.Е.Ефремова, В.В.Илларионова. – Новосибирск: Наука, 2003. Т.24. – 512 с.

251. Овалов Э.Б. Легенда о «Жангаре» в записи Б.Бергмана // Типологические и художественные особенности «Джангара». – М.: Элиста, 1978. – С.65–71.

252. Перемяков Г.Л. От поговорки до сказки. – М.: Наука, 1970. – 240 с.

253. Поэтика древнегреческой литературы. – М.: Наука, 1981. – 366 с.
254. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – 326 с.
255. Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969. – 168 с.
256. Пропп В.Я. Русские аграрные праздники. – СПб.: Наука, 1995. – 176 с.
257. Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения // Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С.203 – 240.
258. Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1986. – 366 с.
259. Путилов Б. Мотив как сюжетобразующий элемент // Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С.141 – 181.
260. Путилов Б. Эпическое сказительство. – М.: Наука, 1997. – 295 с.
261. Путилов Б. Эпос и обряд // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1974. – С.76.
262. Путилов Б. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. – Л.: Наука, 1976. – 244 с.
263. Путилов Б.Н. Русский южнославянский эпос. – М.: Наука, 1971. – 316 с.
264. Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1976. – 164 б.
265. Радлов В.В. Из Сибири. – М.: Наука, 1980. – 749 с.
266. Раҳмонов Н. Битиклар оламида. – Тошкент: Фан, 1990. – 37 б.
267. Раҳмонов Н. Рухиятда нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 128 б.
268. Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – 144 б.

269. Рифтин Е.Л. От мифа к роману. – М.: Наука, 1979. – 360 с.
270. Раҳмонова М. Ўзбек халқ афсоналарининг бадийяти. – Тошкент: Фан, 2009. – 136 б.
271. Рошияну Николае. Традиционные формулы сказки. – М.: Наука, 1974. – 216 с.
272. Русча – ўзбекча луғат. – Тошкент: ЎзСЭ, 1984. – 800 с.
273. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1990. – 96 б.
274. Саидов М. Ўзбек дostonларида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969. – 264 б.
275. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 216 б.
276. Саримсоқов Б. «Орзугул» дostonи юзасидан бир неча қайдлар // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.27 – 36.
277. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.97 – 148.
278. Сарты // Этнографические материалы. – Ташкент, 1985. Вып. 81. – С.33.
279. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо бойлик. Сайланма. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 360 б.
280. Сафаров О. Тўмариснинг кўзларида чақнаган умид // Фольклор – бебаҳо бойлик. Сайланма. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – Б.13 – 46.
281. Сағитов М.М. Башкорт халқ эпосининг мифологик нем тарихи нигезери. – Уфа, 2009. – 280 с.
282. Семиотика и художественное творчество. – М.: Наука, 1977. – 368 с.
283. Собирова Н. Хоразм «Ошиқ» туркуми дostonлари. – Тошкент: Минҳож, 2005. – 96 б.

284. Стеблева И.В. Древнетюркская книга гаданий как произведение поэзии // История, культура, языки народов Востока. – М.: Наука, 1970. – С.150 – 177.

285. Стенли Корен. Тайны сна. – М.: Вега «АСТ», 1997. – 368 с.

286. Сулейманов А. Башкирский фольклор. – Уфа, 2008. – 140 с.

287. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.

288. Султон И. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. – 88 б.

289. Султонов Х. Саодат соҳили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2005. – 176 б.

290. Султонов Х. Бобурнинг тушлари // Саодат соҳили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2005. – Б.153 – 164.

291. Суразаков С.С. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1985. – 256 с.

292. Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.5 – 93.

293. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политеская литература, 1989. – 573 с.

294. Тайна сна. – Харьков: ШВН, 1995. – 638 с.

295. Таъбирноами Юсуф алайҳиссалом. – Тошкент: Ўзбегим маскани, 1990. – 40 б.

296. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – 404 с.

297. Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. – М.: Наука, 1971. – 312 с.

298. Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – 320 с.

299. Тольковый словарь сновидений. – М.: Эксмо, 2006. – 1488 с.

300. Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Политическая литература, 1990. – 622 с.
301. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М.: Политическая литература, 1976. – 375 с.
302. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и ва айрим жанрлар такомили. – Тошкент, 2004. – 64 б.
303. Чагдуров С.Ш. Происхождения Гэсэриады. – Новосибирск: Наука, 1980. – 272 с.
304. Фаридуддин Аттор. Илоҳийнома / Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Муסיқа, 2007. – 400 б.
305. Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр (Қуш тили) / Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 400 б.
306. Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1973. – 194 б.
307. Фольклор – поэтическая система. – М.: Наука, 1977. – 344 с.
308. Фрейд З. Психология бессознательного. – М.: Просвещение, 1989. – 448 с.
309. Фрейд З. Толькование сновидений. – Мн.: Поппурри, 1997. – 576 с.
310. Фрейд З. Сон и сновидения. – М.: Олимп, 1997. – 544 с.
311. Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992. – 430 с.
312. Фрээр Дж.Дж. Фольклор ветхом завете. – М.: Политиздат, 1985. – 511 с.
313. Фрээр Дж. Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1986. – 703 с.
314. Элиаде М. Шаманизм. – Киев: София, 2000. – 480 с.
315. Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик аънаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 343 б.
316. Эпос о Гильгамеше. – М.-Л.: Наука, 1961. – 214 с.
317. Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 172 б.

318. Эшонкул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – 122 б.

319. Эшонкул Ж. «Алпомиш» достони ва «Дада Қўрқут китоби»даги тутқунлик мотивининг қиёсий талқини // «Алпомиш» – Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.163 – 173.

320. Эшонкул Ж. Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент, 2006. I китоб. – Б.66 – 73.

321. Эшонкул Ж. Туш ва топишмоқ // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. II китоб. – Б.123 – 132.

322. Эшонкул Ж. Туш, маросим ва эпос // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. III китоб. – Б.174 – 188.

323. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. –437 с.

324. Хашимов М.А. По следам легенд. – Ташкент: Узбекистан, 1990. – 95 с.

325. Хожиниязов Ж. Қорақалпоқ қаҳрамонлик достони «Алпомиш». – Нукус: Билим, 1992. – 144 б.

326. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.

327. Юнг К.Г. Аналитическая психология. – М.: Мартис, 1995. – 320 с.

328. Юнг К.Г. Человек и его символы. – М.: Серебряные нити, 1997. – 368 с.

329. Юнг К.Г. Аналитическая психология. – М.: Мартис, 1995. – 320 с.

330. Юнг К.Г. Психологические типы. – М.: Университетская книга, 1996. – 716 с.

331. Юнг К.Г. К вопросу о подсознании // Человек и его символы. – М., 1997.

332. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек ти-

лида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи Б.Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 192 б.

333. Қаҳҳорова Ш. Эпик анъана ва «Оллоназар Олчинбек» достони. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 116 б.

334. Қиссаи Машраб / Нашрга тайёрловчилар С.Рафиддинов ва бошқалар. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – 176 б.

335. Қондыбай Серікбол. Арғықазақ мифологияси. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. Бірінш кітап. – 512 б.

336. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б.414 – 415.

337. Қыдирбоева З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе: Илим, 1984. – 118 с.

338. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент: Фан, 2010. – 172 б.

339. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Кўп томлик. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. Т.8. – 704 б.

340. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. – М.: Рус тили, 1981. II жилд. – 632 б.

341. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. IV жилд. – 608 б.

342. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. – Тошкент: Фан, 1989. II том. – 320 б.

343. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981. 7-китоб. – 158 б.

344. Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 362 б.

345. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004. – 120 б.

346. Ҳамдам У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 200 б.

347. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 1988. – 286 б.

348. Ҳаққул И. Туш // Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. – Б.100–102.

349. Ҳомер. Илиада / Русчадан Қодир Мирмуҳаммедов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 456 б.

350. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 368 б.

351. Ҳусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукаммал туш таъбирлари / Форсийдан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008. – 572 б.

352. Ҳусаинова З. Сўнгсўз // Топишмоқлар. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.337 – 338.

IV. Газета ва журналлардаги мақолалар

353. Амир Темур ҳаётидаги ажойиб воқеалар ва унинг фаройиб тушлари // Сирли олам. – Тошкент, 1991. №8. – Б.28 – 32.

354. Борхес Х.Л. Страшный сон // Иностранная литература. – М.: 1990. №3. – С.179 – 185.

355. Дўстхўжаева Н. Эртақларда туш ҳодисаси // Тафаккур. – Тошкент, 1998. №4. – Б.85.

356. Жўраева М. Топишмоқ ва маросим // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. №2. – Б.19 – 24.

357. Зарифов Ҳ.Т. Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1958. №1. – Б.25 – 30.

358. Кортасар Х. Страшные сны // Иностранная литература. – М., 1990. №3. – С.185 – 188.

359. Мурод Али Баҳодир. Созандалар султони // Миллий тикланиш. – Тошкент, 1995. №11. – Б.4.

360. Мусақулов А. Халқ кўшиқларида от инончининг бадий ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1994. №4 – 6.

361. Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва скифлар маданияти // Адабий мерос. – Тошкент, 1985. №3 (34). – Б.76 – 80.

362. Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва қадимги туркийлар маданияти // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 1996. №2. – Б.94 –107.

363. Тасаввуф луғати / Нашрга тайёрловчи И.Ҳаққул // Тафаккур. – Тошкент, 1999. №4. – Б.92 – 94.

364. Турдимов Ш. Соқибулбул // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996. №2. – Б.54 –55.

365. Турдимов Ш. «Гўрўғли» туркумидаги Аҳмад Сардор образи хусусида // Халқ таълими. – Тошкент, 1998. №4. – Б.72 – 76.

366. Турдимов Ш. «Гўрўғли» номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. №3. – Б.62 – 65.

367. Турдимов Ш. Ўзбек халқ қўшиқларида хабарчи рамзлар // Адабий мерос. – Тошкент, 1984. №3 (31). – Б.91 – 94.

368. Турдимов Ш. Бирнинг минг жилваси // Ёшлик. – Тошкент, 1987. №5. – Б.70 – 71.

369. Турдимов Ш. Том устига том солдим // Ёшлик. – Тошкент, 1988. №7. – Б.75 – 76.

370. Тўхлиев Б. Қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси ва унинг таржимаси // Адабий Мерос. – Тошкент, 1983. №4 (28). – Б.70 –79.

371. Эшонкулов Ж. Руҳият манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1994. №18 (3265). – Б.3.

372. Эшонкулов Ж. Руҳий таҳлил методи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. №2. – Б.42 – 47.

373. Эшонкулов Ж. Миф ва роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1997. №17 (3402). – Б.3.

374. Эшонкулов Ж. Шумер ва Аҳқад: фаразми ё ҳақиқат? / Ёзувчи. – Тошкент, 1997. №10 (12). – Б.2.

375. Эшонкулов Ж. Шумер ва Аҳқад: фаразми ё ҳақиқат? / Ёзувчи. – Тошкент, 1997. №11 (13). – Б.2.

376. Эшонкулов Ж. Туш ва талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. №2. – Б.40 – 43.

377. Эшонкулов Ж. Эпос муқаддас хотирадир / Ш.Турдимов билан ҳамкорликда // Ёзувчи. – Тошкент, 1998. №5 (31). – Б.2.
378. Эшонкулов Ж. Эпос муқаддас хотирадир (Ш.Турдимов билан ҳамкорликда) // Ёзувчи. – Тошкент, 1998. №10 (36). – Б.4.
379. Эшонкулов Ж. Оммавийлик мезон эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998. №16 (3452). – Б.3.
380. Эшонкулов Ж. «Алпомиш» достонида аёллар образи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. №4. – Б.16 – 21.
381. Эшонкулов Ж. Эпосда ғайритабиий туғилиш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. №4. – Б.18 – 21.
382. Эшонкулов Ж. Туш ва таъбир // Ёш куч. – Тошкент, 2000. №7. – Б.17.
383. Эшонкулов Ж. Туш ва унинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. №2. – Б.54 – 60.
384. Эшонкулов Ж. «Сим–сим» хазинаси // Тафаккур. – Тошкент, 2001. №2. – Б.46 – 51.
385. Эшонкулов Ж. Эпос ва маросим // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. №5. – Б.12 – 17.
386. Эшонкулов Ж. Рухият кўзгуси // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2001. №5. – Б.28 – 29.
387. Эшонкулов Ж. Туш ва ахлоқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. №34 (3667). – Б.3.
388. Эшонкулов Ж. Воқелик ва хаёлот уйғунлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. №29 (3663). – Б.3.
389. Эшонкулов Ж. Ўзбек эртақларида туш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. №4. – Б.6 – 13.
390. Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ достонларида туш мотивининг ўрни ва таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. №6. – Б.27 – 30.
391. Эшонкулов Ж. Тушнинг семантик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. №4. – Б.32 – 40.
392. Эшонкулов Ж. Кафка ва биз // Ёшлик. – Тошкент, 2004. №2. – Б.8 – 10.

393. Эшонқулов Ж. Туш ва қўшиқ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. №3. – Б.23 – 30.

394. Эшонқулов Ж. Шарққа юзланиш // Тафаккур. – Тошкент, 2010. №1. – Б.104 – 111.

395. Цвейг С. Зигмунд Фрейд / Рус тилидан Маҳкам Маҳмудов таржимаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. №2. – Б.133 – 156.

396. Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари // Ёшлик. – Тошкент, 1989. №6. – Б.50 – 51.

397. Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. №2. – Б.55 – 60.

398. Ҳаққул И. Шайх Акбар // Тафаккур. – Тошкент, 2000. №1. – Б.92 – 101.

V. Диссертация ва авторефератлар

399. Абдуллаев Ж.Х. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993. – 114 б.

400. Абдуллаев Ж.Х. Ўзбек топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 22 б.

401. Абдуллаев Х.Д. Взаимосвязи и типологические особенности узбекских и каракалпакских народных дастанов: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988. – 42 с.

402. Алиева Д.Т. Эволюция поэтического мира Чингиза Айтматова (категория смерти, категория возраста): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998. – 20 с.

403. Алламбергенов К. Каракалпакский народный эпос «Едиге» (Генезис. Жанровые признаки. Типология национальных версий): Автореф. дисс... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1996. – 54 б.

404. Акбутаев Х.С. Идеино-художественные особенности

узбекских народных книг (на примери «Тахир и Зухра»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – 21 с.

405. Аширов А.А. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины): Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 2008. – 48 с.

406. Ачиллов К. Узбекские народные трудовые песни: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 30 с.

407. Байниязов К. Творчество каракалпакских народных шаириров как синтез традиций устной и письменной литературы: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Нукус, 2000. – 44 с.

408. Боймухаммедова К.А. «Кунтуғмуш» достонининг вариантлари ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

409. Болтаева И.Т. Ўзбек халқ достонларида эпитет табиати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

410. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 32 б.

411. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1998. – 145 б.

412. Ганиханов Е.Э. Мифологические образы в современной арабской поэзии (50 – 70-е годы XX в.) и их функциональная нагрузка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 26 с.

413. Давлатов С.Х. Қашқадарё воҳаси тўй маросимлари фольклори: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1996. – 172 б.

414. Джумаев Р. Устные свадебные песни таджиков Гиссарской Долины. (10.01.09 – фольклористика): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2002. – 23 с.

415. Дўстхўжаева Н.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларининг струк-

турал таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 26 б.

416. Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 53 б.

417. Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадияти: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1994. – 262 б.

418. Жақсимова У.Ж. Қорақалопоқ халқ достони «Юсуф ва Аҳмад» (генезиси, типологияси, бадий хусусиятлари): Филол. фан. номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.

419. Жумаева Н.С. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.

420. Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.

421. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 58 б.

422. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 1996. – 294 б.

423. Ибрагимова Р.М. Ўзбек фантастикасининг тараққиёт муаммолари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 50 б.

424. Имамов К. Генезис и поэтическая трансформация жанров узбекской устной прозы: Автореф. дисс... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 56 с.

425. Имомкаримова М.М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадрият талқини: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.

426. Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили (Фаридуддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 24 б.

427. Ишмуратов М.Ж. «Авесто»да мифологик қатлам: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 22 б.

428. Мадаев А.А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – 18 с.

429. Мамадязов Б. Поэтика и современное бытование туркменского героического эпоса «Гёроглы». Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1990. – 39 с.

430. Маммедов М.М. Азербайжан мифологик матнлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Баку, 1998. – 30 б.

431. Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 42 б.

432. Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. – 256 б.

433. Музаффарова С. Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг поэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 26 б.

434. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 47 б.

435. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1995. – 268 б.

436. Муҳаммадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

437. Казакбаев С.С. Каракалпакская обрядовая поэзия (Специфика. Пути формирования и развития): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Нукус, 2000. – 20 с.

438. Нарзикулова М.Т. «Сабъаи сайёр» дostonида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2006. – 151 б.

439. Нурмонов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

440. Оллаберганова С.Ҳ. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.

441. Очилов Н.К. XX асрнинг 60 – 80-йилларида Жанубий Ўзбекистон воҳасида халқ эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати (Қодир бахши Раҳимов ижоди ва репертуари асосида): Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

442. Пардаева З.Ж. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 55 б.

443. Пирматова М.С. Ўзбек тақвим фольклори: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.

444. Раҳматов Й.Ф. Тарихий дostonларда тарихий шахс образининг эпик талқини («Ойчинор» ва «Шайбонийхон» дostonлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.

445. Раҳмонов Б.М. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 28 б.

446. Раҳмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.

447. Раҳмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1997. – 159 б.

448. Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2003. – 139 б.

449. Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё»

достонлари асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 27 б.

450. Сабинова Н.К. Хоразм «Ошиқ» туркуми достонлари сюжети, етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 26 б.

451. Сабинова Н.К. Хоразм «Ошиқ» туркуми достонлари сюжети, етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2004. – 143 б.

452. Сапарниёзова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.

453. Сариев С.М. Хоразм «Гўрўғли» туркум достонларининг қўлёзма вариантлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

454. Саттаров К. Народно-поэтическое творчество казахов Ташкентского оазиса: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Алма-Ата. 1973. – 32 с.

455. Сафаров А. Жанровый состав и поэтика узбекского детского поэтического фольклора: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1985. – 34 с.

456. Содиқова М.А. Ўғай қиз типигаги туркум эртақларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 28 б.

457. Содиқова М.А. Ўғай қиз типигаги туркум эртақларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2003. – 151 б.

458. Сувонкулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

459. Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги образининг тарихий асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.

460. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2000. – 217 б.

461. Турдимов Ш.Г. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 184 с.

462. Тухлиев Б. «Кутадғу билиг» Юсуф Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор: Автореф. дисс... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 43 с.

463. Укачина К.Е. Алтайские народные загадки: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 20 с.

464. Укачина К.Е. Алтайские народные загадки: Дисс... канд. филолог. наук. – Горно-Алтайск, 1983. – 178 с.

465. Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 22 б.

466. Хакимов М. Традиции фольклора в творчестве Алишера Навои: Автореф. дисс... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 33 с.

467. Хўжаев Т.Р. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1996. – 131 б.

468. Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингво-поэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 50 б.

469. Эгамбердиева Г.М. Эртак тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 22 б.

470. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1996. – 158 б.

471. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 28 б.

472. Юлдашева С. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпомиш» (Сюжетобразующие мотивы, сравнение и эпитеты): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 26 с.

473. Юсупов Ж. Хоразм эртақларининг генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1999. – 281 б.

474. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фан д-ри... дисс. – Тошкент, 2005. – 304 б.

475. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 35 б.

476. Қажумов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – 171 б.

477. Қаҳҳорова Ш.А. Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида «Оллоназар Олчинбек» достонининг тутган ўрни ва бадиий-эстетик аҳамияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.

478. Қобулжонова Г. Метафораларнинг системавий-лисоний талқини (Ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 24 б.

479. Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференсемалар муносабати (Ўзбек топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.

480. Қодиров К.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004. – 143 б.

481. Қосимов А.А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.Де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 46 б.

482. Қувватова Д.Х. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида

фольклор мотивлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 24 б.

483. Қудратуллаев Ҳ.С. «Бобурнома»нинг тарихий-адбаний ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 52 б.

484. Қурбонбоева Н.Р. Хоразм тўй қўшиқлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.

485. Қурбонова Ю.И. Ўзбек фольклори ва Қурбонбой Жиров репертуари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 26 б.

486. Халмухаммедов Ш. Туркмен халқ эртақларерини чепарчилик дэби: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Ашгабат, 1993. – 56 с.

487. Ҳайдаров Т.М. «Гўрўғли» ва мифология синкретизми: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993. – 157 б.

488. Ҳайитов А.Ж. Алишер Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш: анъана, табдил ва талқин: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 26 б.

489. Ҳайдаров Т.М. «Гўрўғли» ва мифологик синкритизм («Гўрўғлининг туғилиши» достони мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 32 б.

VI. Хорижий адабиётлар

490. Aça Mehmet. Türk Destancılık Geleneğine Bütüncül Yaklaşabilme ve Alp Kavramı Üzerine Bazı Yeni Yaklaşım Denemeleri // Millî Folklor. – Ankara, 2000. №48. – S.5 – 17.

491. Aça Mehmet. Özbek Türklerinin Destancılık Geleneği Üzerine Notlar // Millî Folklor. – Ankara, 2002. №53. – S.78–93.

492. Alptekin Ali Berat. Dede Korkut Hikâyeleri ile Türk Destan ve Halk Hikâyelerinde Alp-Kız Motifi // Folklor/Edebiyat. – Ankara, 1995. №4. – S.20 – 34.

493. Arda Zeki Cemil. Edebiyatta Motif Araştırmaları // Hareket Mecmuası. – Ankara, 1970. №55. – S.20.

494. Artun Erman. Aşıklık Geleneği ve Aşık Edebiyatı Terimleri Üzerine Bir Deneme // *Uluslararası Türk Dünyası Halk Edebiyatı Kurultayı Bildirileri*. – Ankara: Kültür Bakanlığı Yayınları, 2002. – S.65 – 84.

495. Başgöz İlhan. Hikâye Anlatan Âşık ve Dinleyicisi // *Folklor Yazıları*. – İstanbul: Adam Yayınları, 1986. – S.49 – 137.

496. Başgöz İlhan. Türk Halk Hikâyelerinde Düş Motifi Zinciri // *Folklor Yazıları*. – İstanbul: Adam Yayınları, 1986. – S.24 – 38.

497. Cemiloğlu Mustafa. *Halk Hikâyelerinde Doğum Motifi*. – Bursa: Uludağ Üniversitesi Basımevi, 1999. – 192 s.

498. Çetin Ayşe Yücel. *Türk halk hikayelerinde anlaıcı*. – Ankara: Çeltik, 2009. – 194 s.

499. Çetin Ayşe Yücel. *Kazakistan Sahası Halk Hikâyeciliği Geleneği*. – Ankara: Gündüz Eğitim Yayıncılık, 2003. – 234 s.

500. Çetin İsmet. Kizil Elma. – Ankara: Ecdad yayınları, 1997. – 124 s.

501. Çinar Ali Abbas. Özbekistan'da Aşıklık (Bahşilik) Geleneği // *Kültür ve Sanat Dergisi*. – Ankara, 1994. №23. – S.61 – 64.

502. Duymaz Ali. Bir dastan kahramanı – Salur Kazan. – Ankara: Ötüken, 1997. – 120 s.

503. Ekici Metin. *Dede Korkut Hikâyeleri Tesiri ile Teşekkül Eden Halk Hikâyeleri*. – Ankara: AKM Yayını, 1995. – 168 s.

504. Ekici Metin. Halk Bildisi (Folklor). Derleme ve inceleme yöntemleri. – Ankara: Geleneksel yayınları, 2004. – 236 s.

505. Ekici Metin. Türk dünyasında Köroğlu. – Ankara: Akçag, 2004. – 368 s.

506. Ekici Metin. Dede Korkut Kitabı'nda Kadın Tipleri // *Uluslararası Dede Korkut Bilgi Şöleni Bildirileri*. – Ankara: AKM Yayını, 2000. – S.123 – 138.

507. Ekici Metin. *The Birth of Hero in Turkic Epics* // Millî Folklor. – Ankara, 2001. №49. – S.16 – 26.
508. Ekici Metin. *Destan Araştırma ve İncelemelerinde Kullanılan Bazı Terimler Hakkında* // Millî Folklor. – Ankara, 2002. №53. – S.27 – 33.
509. Ergun Muharrem. *Dede Korkut. Kitabı I (Giriş-Metin-Faksimile)*. – Ankara: TDK Yayını, 1994. – 518 s.
510. Ergun Muharrem. *Dede Korkut. Kitabı II (inceleme, indiks)*. – Ankara: TDK Yayını, 1994. – 482 s.
511. Ergun Metin. *Türk Dünyası Efsanelerinde Değişme Motifi*. Cilt: I – II. – Ankara: TDK Yayını, 1997. – 316 s.
512. Ergun Metin. *Kazak Halk Akınlığında (Şâirlerinde) Rüya Motifi* // Millî Folklor. – Ankara, 1994. №23. – S.8 – 14.
513. Erzurumlu İbrahim Hakki. *Mârifetnâme*. – İstanbul: Kit-San yayinleri, 1984. – 614 s.
514. Guzel Abdurahman, Torun Ali. *Türk halk edebiyati el kitabı*. – Ankara: Akçağ, 2003. – 456 s.
515. Günay Umay. *Aşık Tarzı Şiir Geleneği ve Rüya Motifi*. – Ankara: Akçağ Yayınları, 1999. – 292 s.
516. İbn Haldun. *Mukaddime (Terc.Z.Kadiri Ugan)*. – İstanbul: MEGSB yayini, 1988. Cild I. – 789 s.
517. İmam Gazalî. *İhyâ u 'Ulûmî'd-din*. Terc. A.Serdaroglu. Cild I. – İstanbul: Bedir yayinleri, 1975. – 1090 s.
518. Gazali Imam. *Ihya u Ulumid-din*. Tercuman A. Serdaroglu. – İstanbul, 1975. IV cild. – 1066 s.
519. İbrayev Şakir. *Destanin yapisi*. – Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı yayinlari, 1998. – 318 s.
520. İnan Abdülkadir. *Tarihte ve bugün şamanizm*. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1972. – 239 s.
521. İnan Abdülkadir. *Makaleler ve İncelemeler*. – Ankara: TTK Yayını, (2. Baskı), 1987. – 418 s.
522. İneyet Alimcan. *Türk Mitolojisi efsane ve masallarında bir deb tipi Yalmavuz / Celmoğuz*. – İzmir: Külcüoğlu kültür merkezi yayinleri, 2001. – 282 s.

523. İnyet Alimcan. Yusaf Mamay ve Manas destani. – Izmir: 2007. – 372 s.

524. İřankul Cabbar. Epik eserlerdeki Růya motifinin yapisal tahlili // Mitten maddaha Turk Halk anlatileri. – Ankara: Ğazi Őniversitesi THBMER yayini, 2006. – 365 – 370 s.

525. İřankul Cabbar. Ozbekistan Folklorunde ruya motifi // Turk dunyasi Dil ve Edebiyat dergisi. – Ankara: TDK yayini, 1997. №4. – S.119 – 124.

526. İřankul Cabbar. Destanlarde Olaganůstů dogummotifi // Tůrk dũnyasi incelemeleri dergisi (Journal of Turkish world studies). – Izmir-Bornova, 2005. №1. – S.125 – 128.

527. İřankul Cabbar. Epik yaratıcı Tipinin bedii Yorumu // İ. Uluslararası Tůrk dũnyasi Kũltůr Kurultayi Bildirileri. –Ankara: Ege ũniversitesi Tůrk Dũnyasi Arařtırmaları Enstitůsũ yayini, 2006. Bildiri kitabi III. – S.1147 – 1151.

528. İřankul Cabbar. Alpamiř Destani ve Dede Korkut Kitabındaki Mitolojik motifler // Millî Folklor. – Ankara, 2001. №52. – S.60 – 67.

529. İřankul Cabbar. Folklor ve onu tetkik metodu // Uluslararası Tůrk Dũnyasi Halk Edebiyatı Kurultayi Bildirileri. – Ankara: Kultur Bakanligi, 2002. – S.393 – 400.

530. İřankul Cabbar. Destan ve mersim // Prof. Dr. Abdurahman Guzele Armagan. – Ankara: Gazi Egitim ve Kũltůr vakfi yayini, 2004. – S.387 – 393.

531. İřankul Cabbar. Epik Eserlerdeki Ruya Motifinin yapisal tahlili // Metten Meddaha Turk Halk Anglatilari. Uluslararası Sempozyum Bildirileri. – Ankara: Ğazi Őniversitesi THBMER yayini, 2006. – S.365 – 370.

532. Kaplan, Mehmet. *Tůrk Edebiyatı Őzerine Arařtırmalar-3, Tip Tahlilleri*. – İstanbul: Dergâh Yayınları, 1991. – 184 s.

533. Kazmaz Sũleyman. Tůrk Halk Edebiyatında ruya ve ařk badesi motifi // Erdem. – Ankara, 1985. №1. – S.21 – 28.

534. Kõprũlũ Fuad. Tůrk Edebiyeti tarihi. – Ankara: Akçağ, 2003. – 446 s.

535. Krohin Julius-Kaarle Krohn. *Halk Bilimi Yöntemi*. Yayına Hazırlayan: Fikret Türkmen, (Çeviren: Günsel İçöz). – Ankara: TDK Yayınları, 1996. – 136 s.

536. Mehmet Abdulhakim. *Çın Tömür Batur Destanı Üzerine Mukayeseli Bir İnceleme*. – İzmir: TDAE, 1999. – 156 s.

537. Mitten maddaha Turk Halk anlatileri. – Ankara: Ğazi Üniversitesi THBMER yayini, 2006. – 390 s.

538. Meherrem Qasimli. Ozan oşiq saneti. – Baku: Ugur, 2003. – 308 s.

539. Nablûsi İmam. İslami rüya tabirleri ansiklopedisi. – İstanbul: Cumle yayınleri, 1996. – 1047 s.

540. Oğuz M. Öcal. Lord Raglan'ın Geleneksel Kahraman Kalıbı ve Boğaç Han // Millî Folklor. – Ankara, 1998.-№40. – S.2 – 6.

541. Oğuz, M. Öcal. Lord Raglan'ın Kahraman Kalıbı ve Basat // Millî Folklor. – Ankara, 1999. №41. – S.2 – 8.

542. Oğuz M. Öcal. Halk siirinde Tür, sekil ve makam. – Ankara: Akçağ Yayınları, 2001. – 104 s.

543. Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. I cilt. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1993. – 644 s.

544. Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1995. Cilt I.– 610 s.

545. Özcan Aynur. Kadınlarla ilgili Özbek atasözleri. – Ankara: Akçağ Yayınları, 2009. – 196 s.

546. Paksoy Hasan B. *Alpamysh-Central Asian Identity under Russian Rule*. Hartford, Connecticut, 1989. – 172 p.

547. Raglan, Lord. Geleneksel Kahraman Kalıbı (Çeviren: Metin Ekici) // Millî Folklor. – Ankara, 1998. №37. – S.126 – 138.

548. Reihl Karl. *Türk Boylarının Destanları (Gelenekler, Şekiller, Şiir Yapısı)*. (Çeviren: Metin Ekici). – Ankara: TDK Yayını, 2002. – 442 s.

549. Selami Fidakar. Alpamış Destanı ile Bey Böyrek Hikâyesi Arasında Bir Karşılaştırma // Millî Folklor. – Ankara, 2001. №51. – S.51 – 65.

550. Türk Halk edebiyati. 3-baski. – Ankara: Grafiker yayinleri, 1995. – 422 s.

551. Türkmen Fikret. Manas destani *Üzerinde İncelemeler.* – Ankara:TDK yayini, 1995. – 302 s.

552. Türkmen Fikret. Nasriddin hoca latifelerinin şarhi. – Izmir: Akadem kitab evi, 1999. – 172 s.

553. Türkmen Fikret. Goroglu dastani. – Izmir, 1982. –60 s.

554. Türkmen Fikret. Köroğlu'nun Özbek ve Ermeni Varyantları // *Köroğlu Semineri Bildirileri.* – Ankara: Başbakanlık Basımevi, 1983. – S.83 – 90.

555. Türkmen Fikret. Tahir ile Zühre Hikâyesinin Anadolu ve Özbek Varyantları // TDAY – Belleten. – Ankara, 1989. – S.83 – 88.

556. Türkmen Fikret. Köroğlu'nun Özbek Varyantları // Milli Folklor.–Ankara, 1989. №4. – S.8 – 9.

557. Yıldırım Dursun. Köroğlu Destanı'nın Orta Asya Rivâyetleri // *Köroğlu Semineri Bildirileri.* – Ankara: Başbakanlık Basımevi, 1983. – S.103 – 114.

558. Yıldız Naciye. *Manas Destanı (W. Radloff) ve Kırgız Kültürü ile İlgili Tespit ve Tahliller.* – Ankara: TDK Yayını, 1995.

559. Yücel Ayşe. Masallarda Dev ve Yaratılış Destanındaki Benzerleri// Milli Folklor. – Ankara, 1998. №39. – S.38 – 45.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 3

I боб. Туш ҳақидаги мифологик қарашлар ва унинг илмий ўрганилиши масалалари

- 1.1. Туш ҳақидаги мифологик қарашлар 12
1.2. Тушнинг илмий ўрганилиши масалалари 36

II боб. Фольклорда туш талқини

- 2.1. Туш ва миф муносабати 64
2.2. Туш, маросим ва эпос 87
2.3. Туш ва қўшиқ 105
2.4. Туш ва топишмоқ 118

III боб. Ўзбек халқ эртақ ва дostonлари структурасида тушнинг тутган ўрни

- 3.1. Эртақларда туш ва туш мотиви 132
3.2. Дostonлар структурасида тушнинг тутган ўрни ва таснифи 153
3.3. Тушнинг бошқа мотивлар билан қиёсий таҳлили 173

IV боб. Туш семантикаси ва бадий вазифалари

- 4.1. Оғзаки ва ёзма таъбирномалардаги рамзлар талқини 207
4.2. Эртақ ва дostonлардаги туш билан боғлиқ рамзлар талқини 216

Хулоса 252

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 260

Монография

Жаббор Эшонкул

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ТУШ
ВА
УНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

Муҳаррир: А.Шаропов
Мусахҳиҳ: М.Содиқова
Бадиий муҳаррир: Ф.Файзуллоҳ
Техник муҳаррир: Д.Назаров

Нашриёт лицензияси АІ №38, 27.04.2009

Нашриёт №:3-33

Теришга берилди 28.02.2011. Босишга рухсат этилди: 20.06.2011.

Офсет қоғози. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$.

Arial гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт т.: 10,5. Шартли б.т.: 17,67.

Адади: 300 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда

ЎзР ФА «Фан» нашриёти.

100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминова кўчаси, 9-уй

ЎзР ФА «Фан» нашриёти оригинал макетидан
«AKADEMNASHR NMM» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 45

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзе, 42-уй.